

Хуршид Даврон

Бохибк.ирон  
Набираси

Тарихий-маърифий бадиалар

«ШАРҚ» НАШРИЕТ МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1995

Азиз китобхон!

Бу йил жаҳонга танилган буюк ватандошимиз Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик айёми бутун инсоният томонидан нишонланди. Қўлингиздаги ушбу китоб фақат улуғ аллома эмас, шунингдек миллатимизнинг шукуҳли қаҳрамони Амир Темур ва унинг садоқатли умр йўлдоши малика Бибихоним ҳақида ҳам сизга ҳикоя қилади. Китоб саҳифалари орқали сиз Амир Темур ва Мирзо Улуғбек замонига юриш қиласиз, таърифи жаҳонга машҳур жаҳонгир ҳаёти ва фаолиятининг шонли лаҳзаларига гувоҳу шоҳид, Соҳибқирон набирасининг болалик ва ёшлик чоғларига ҳамнафас бўласиз.

Китоб ибратли, ҳикматли ривоят ва афсоналарга бойлиги билан диққатга сазовор. Таниқли шоир ва тарихшуноснинг бу китоби ҳам унинг аввалги асарлари каби сизга манзур бўлишига ишонамиз.

**Даврон, Хуршид.**

Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси. —

Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1995. — 384 б.

Ў32

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
бош таҳририяти 1994



*Жимирлайди митти юлдуз...  
Абдулла ОРИФ*

## **СОҲИБҚИРОН НАБИРАСИ ЁКИ МИТТИ ЮЛДУЗ ҚИССАСИ**

Азиз китобхон, Сизга Амир Темур ва Мирзо Улуғбек хақида ҳикоя бошлашдан аввал асардаги воқеалар кечган жўғрофий ҳудуд, тарихий давр ва шахслар хусусида қисқача сўзлаб бермоқчиман.

Энг аввало фаҳмингизда бўлсинки, бадида воқеалар санаси ҳижрий ва мелодий йилларда қайд этилади. Демак, биз ҳижрий ва мелодий йил ҳисоби хақида мухтасар хабардор бўлишимиз лозим. Хўш, мелодий йил қачон бошланган? Бу ҳисоб ҳазрати Исо пайғамбар туғилган йилдан оёқланади. Лекин унга ҳам йил ҳисоби мавжуд бўлиб, у Рим шаҳрига асос солинган вақтдан бошлангани сабабли Рим тақвими деб юритилган. Мелодий йил ҳисоби жорий этилганидан сўнг «мелоддан олдин», «мелоддан кейин», «эски эра», «янги эра» иборалари пайдо бўлган ва оммавийлашиб борган.

Ҳижрий йил ҳисобининг боши эса Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага хижрат қилган, яъни кўчган йилидан олинган. Ҳижрий йил ҳисоби ёки ҳижрия Пайғамбаримиз хижратидан ўн беш йил ўтгач — мелодий 637 йил 17 апрелда иккинчи халифа бўлмиш ҳазрати Умар бин Хаттоб томонидан жорий этилган. Баъзан мазкур йил ҳисобини «ҳижрий эра» ёхуд «Муҳаммад эраси» деб ҳам атайдилар.

Энди биз — ўзбеклар мансуб туркийлар яшаган тупрок ва унга якин иқлим ҳақида. Биз манзил қурган тупрок қадимда ва турли даврларда «Турон», «Туркистон», «Мовароуннаҳр», «Ўрта Осиё» номи билан атала бошланди. Аммо бу номларнинг энг шуқуҳлиси ва кўламлиси «Турон» ва «Туркистон»дир. Ҳар икки сўз ҳам «турклар юрти» маъносида келади.

Кўхна китобларда қайд этилган маълумотларга қараганда, «Туркистон» калимаси энг қадимги туркий кавм — саха (сак)лар ёки исқитлар яшаган мелоддан аввалги VII асрдан мелоддан кейинги III асргача қараган даврдаги обидаларда «Туркистанак» ҳолида ифода этилган. Энг қадимий «Овесто» достонида Туркистон ва Турон сўзлари қўлланилган. «Овесто»га кўра, Тангри тоғлари, яъни Тяньшан тоғларининг шарқи ва Амударё ораларидаги Хуросонга қадар давом этган ерлар Турон ва ёхуд Туркистондир. VIII асрда бу ҳудудни забт этган араблар «Туркистон» ўрнига «Билод ат-Турк» атамасини «Мовароуннаҳр» атамаси билан баробар қўллаганлар, бу ҳам бари бир «Туркистон» демак эди. Маҳмуд Кошғарий «Девони луғотит Турк» асарида «Билод ат-Турк»нинг ҳудудларини Чиндан, яъни Хитойдан Ҳазар-Қаспий денгизигача, Бизанс, Қипчок, Русияга қадар бағир тортган ерлардан иборат деб кўрсатгандир.

Табийки, кенг тупроқларга эга бўлган Туркистоннинг ҳудудлари замон-замон ўзгариб турган. Қадим аждодларимиздан бўлмиш Хунлар ва Кўктурклар замонидан бери Туркистон «дунё туркчилигининг маркази» сифатида жаҳон тарихи саҳнасида бўлиб келди. Бу ўлка буюклиги сабаби ила баъзан Турон номи билан ҳам танилган. Масалан, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Турон сўзи Туркистон маъносида қўлланилгандир. Туркистоннинг буюк ҳукмдори ва кўмондони Соҳибқирон Амир Темур шарафига ёзилган бир обидада шавкатли бобомиз «Султони Турон» дея алқанган. Аммо Туркистон ўрнига ҳар вақт Турон сўзини ишлатмоқ одат тусига кирмаган. Қисқаси, аждодларимиз суяк сурган биз яшаб турган замин X асрдан эътиборан тамомила «Туркистон» оти билан тасвиру таъриф этилгандир.

Қиссада Туркистон билан баробар Мовароуннаҳр ва Хуросон атамалари ҳам кўп тилга олинган. Боягина айтиб ўтганимиздек, икки дарё оралиғидаги ерларни босиб олган араблар бу ҳудудни Мовароуннаҳр деб



атай бошладилар. Бу арабча сўз бўлиб, «дарё ортидаги ер» маъносини билдиради.

«Мовароуннаҳр» тушунчаси «Худуд ул олам» китобида куйидагича таърифланади: «Мовароуннаҳр ноҳиядурким, унинг шарқий худуди Тибет билан чегарадошдур ва унинг жануби Хуросондур ва Хуросон худудидур ва унинг мағриби Ғўр ва Балх билан чегарадошдур... Ва бу ноҳия азим ва ободон ва сернеъмат ва Туркистон эшигидур ва савдогарлар маконидур. Ва унинг халқи жангчи ва ғозийпеша ва пок динлидур».

Муҳташам «Абдулланом» муаллифи Ҳофиз Таниш ва эса Мовароуннаҳр ҳақида ушмундоқ ёзади: «Фазлу заковат эгалари, ақлу фаросат аҳлининг фикр ва хотирларидан маҳфий қолмасинки, Мовароуннаҳр хос ва авом орасида нозу неъматлари ва кенглиги билан машхурдир. Унинг аксарий қисми бешинчи иқлимдадир. Унинг узунлиги ғарбда Хоразмдан... то Кошғар ва Хўтан вилоятларигачадир. Унинг эни тўртинчи иқлим охири ва бешинчи иқлимнинг бошланиши ҳисобланган Амудан бешинчи иқлимнинг охири бўлган Фарғона томонларгача ва илгари олтинчи иқлимга қарашли бўлган Кошғар ва Олмалиққачадир. Баъзилар Мовароуннаҳр мамлакати икки сув орасига жойлашган деб атайдилар. Унинг худудини шундай баён қилганлар: Унинг шарқий чегараси жанубга мойил Панжоб мавзуи ва Бадахшон тоғларидир. Унинг шимолга туташган тарафи Кошғар вилояти ва Хўтандан то Мўғилистон чегараларигача. Уйғур замини ҳам унга дохилдир. Мовароуннаҳрнинг ғарбий чегарасида Хоразм жойлашган. Уни баъзилар Мовароуннаҳрга, айримлар эса Журжонга қарашли деб ҳисоблайдилар. Мовароуннаҳрнинг ғарбдан шимолга туташган тарафида Дашти Қипчок, Ўзбек мамлакати ва Туркистон жойлашган. Унинг жанубга муътасил томони Хоразм, Хуросон ва Хазар денгизи ўртасида жойлашган саҳродир. Мовароуннаҳрнинг шимолий чегараси олтинчи иқлимдир. Унда жами турклар мамлакати Олмалиқ ва Боласағун бор. Мовароуннаҳрнинг жануб тарафи Амударё бўлиб, у Мовароуннаҳр билан Хуросон ўлкалари ўртасидадир. Мовароуннаҳр деб аталиши ҳам шундандир.

Мовароуннаҳрни баъзилар шундай таърифлайдилар: Унинг тарафлари нозу неъмат хусусида мамлакатларнинг ободидир. У очиклик жиҳатдан энг каттадир. Ундаги хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ текислик, хоҳ ўтлоқ бўлсин, ободонликда унга тенг йўқ. Ҳавоси — ҳаво-

ларнинг энг соғломи; суви сувларнинг энг ширини ва энг энгили; суви барча тоғ ва атрофларида бирдек шириндир. Унинг тупроғи тупроқларнинг энг хушбўйи. Катта шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хўжанд бўлиб, халқи диндор, илмлиқ, тақводор, жувонмард ва шижоатлидир».

Мовароуннаҳр халқи, сизу бизнинг ота-боболаримиз ҳамма вақт ҳокимлик ва донишмандлик билан танилиб, шавкат ва мардоналик бобида бекиёсу беназир бўлганлар. Ривоят борким, бир куни Балх подшоши Гуштасп саройида хизмат қилган Жамаспдан: **«Нима қилсам менда мардонавор ўғиллар, фармонбардор лашкар ва мастура қизлар бўлади?»** деб сўрабди. Жамасп айтибдики: **«Мовароуннаҳрдан лашкар, Румдан хотин ол»**. Бошқа бир ривоятга кўра, халифа Маъмун сипоҳ хусусида ғамхўрлик қилиб, бир киши Мовароуннаҳрдан, икки киши Шомдан, бир киши Ирокдан бўлсин, деб буюрган экан. Мирзо Бобур фахрланиб хитоб қилади: **«Ҳазрати Рисолат замонидан бери ул миқдор аймайи Ислоқим, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлибтур, мунча бўлмуш бўлғай»**.

«Хуросон» тушунчаси ҳақида Абу Исҳоқ Истаҳрий деган машҳур муаррихнинг «Масолик ва мамолик» асарида шундай қайдлар бор: **«Хуросон шарқида Систон ва Ҳиндистон диёри бордир. Унинг ғарби эса Ғазна биёбони ва Гургон вилояти билан чегарадош, шимолида Мовароуннаҳр, Туркистон юртининг денгизи ва Хуттал бордир»**.

«Хуросон» форсий сўз бўлиб, «кун чиқиш» ёки «шарқ» маъносини билдирган. У қадимда «Хварасон» шаклида қўлланилган. Хуросон ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий қисми, Марв воҳаси, Туркманистоннинг жанубий қисми, Афғонистоннинг шимоли ва шимоли-ғарбинини ўз ичига олган. Машҳад, Нишопур, Балх, Ҳирот, Тус, Сарахс, Обивард, Нисо, Сабзавор ўша пайтдаги Хуросоннинг энг катта шаҳарлари бўлган.

Қиссамизнинг воқеалари кечган даврда Хуросоннинг маркази — Ҳирот, Мовароуннаҳрнинг пойтахти — Самарқанд шаҳри бўлган.

Туркистон тарихида ўз бошидан кўп фожиаларни кечиргандир. Юнон Искандар Макдуний, Эрон, Араб, Мўғул, Хитой ва Рус истилолари шуларнинг бир кўринишидир. Босқинчи душманларга қарши юзма-юз жанг қилган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Диваштич, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий,

Пўлатхон, Бобонбек, Султон Содик, Намоз каби Туркистон фарзандлари номи тарих китоблари ва халқ хотирасига абадий муҳрлангандир.

Сизу бизнинг Ватанимиз бўлган Туркистон буюк тараққиёт йўли, илму ирфондаги истеъдоди оламгирлик қилган алломалар, каламининг кучи тошни йиғлатган шоирлар, тафаккур кудратлари туфайли бу юрт шуҳратини оламга ёйган донишманд даҳолар ватанидир.

Буюк математик, фалакиётшунос ва географ, ҳозирги замон алгебрасининг отаси Муҳаммад ал-Хоразмий, «**Шайх ур-Раис**», «**Донишмандлар султони**», «**Табиблар шоҳи**» Абу Али ибн Сино, неча замонавий илмларга асос солган, умумжаҳон фани ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Абу Райхон Беруний, Иккинчи Арасту номи билан машҳури жаҳон Абу Носир Фаробий, араб тили грамматикасини ишлаб чиққан Абу Саҳл Жавҳарий, Ислом дини, маданияти ва фани иқлимида қўл етмас ўрин тутган Имом Исмоил Бухорий, улуғ шайхлар Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний ва Хожа Аҳмад Яссавий, туркий адабиётининг султони ҳазрат Амир Алишер Навоий, ниҳоят қиссамиз қаҳрамони, Навоий таъбири билан айтганда, «**қўзи олдида осмон паст**» бўлган Мирзо Улуғбек мукаддас Туркистон тупроғининг фарзандларидир.

«**Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси**» деб аталган бадиъа сарлавҳасидаёқ унинг бутун мазмуни очилади, мазкурнинг Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳақида эканлиги равшанлашади. Ҳар икки мўътабар бобомиз қиссамизнинг бош қаҳрамонлари десак хато қилмаймиз.

«**Темурбекнинг зоту буди Кешдин**», деб ёзади жаҳонгирнинг буюк авлоди Мирзо Бобур. Кеш бугунги Шаҳрисабз шаҳридир. Амир Темурнинг отаси Кеш воҳасида яшовчи барлос уруғи амирларидан бўлмиш Муҳаммад Тарағай Баҳодир, онаси эса бухоролик Садр уш-Шариъа хонадонига мансуб Тегуна Хотун (Такина хотин) эди.

Амир Темур дунёга келган пайтда Мовароуннаҳр-Туркистон тупроғи Чигатой улуси таркибига кирарди. Тарих дарсликларидан биласизки, Чингизхон уч йиллик босқин давомида (1219-1221 йиллар) бизнинг она юртимизни босиб олган эди. Чингизхон ўлими олдидан (1227 йил) ўзи забт этган эллар ва мамлакатларни тўрт ўғли: Жўжи, Чигатой, Ўктой ва Тўлухонга тақсимлаб берди. Уйғурлар ери — Шарқий Туркистондан

Хоразмгача бўлган худуд унинг иккинчи ўгли Чигатойга тегди. Шу сабабдан «Туркистон», «Мовароуннахр» атамалари каватида «Чигатой улуси» атамаси ҳам пайдо бўлди.

Чигатой тахтга ўтирган санадан Амир Темур тутилгангача бўлган юз йилдан ортиқ вақт давомида бу улус мўғуллар томонидан бошқарилди. Аммо боскинчиларга қарши кўп исёнлар бўлганини ҳам тарих дарсликларида ўқигансиз. Бу ҳаракатларнинг энг каттаси Маҳмуд Торобий ва Самарканд сарбадорлари бошқарган халқ кўзғолони бўлди. Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, Мирзо Улуғбек қаламига мансуб «**Тарихи арбаъи улус**» («Тўрт улус тарихи») деган тарихий асарда Маҳмуд Торобий хақида ҳам ҳикоя қилинган. Аммо Ватанимизни боскинчилардан халос этишдек буюк ҳимматга Амир Темур бобомиз эришди. У бу мақсад йўлида узок ва машаққатли кураш олиб борди, ўн йилдан ортиқ вақт давомида жанг майдонидан чиқмади. Ниҳоят, 1370 йилда Мовароуннахрни тўла қўлга киритди. Мана шу қутлуғ ва шонли санадан эътиборан Ватанимиз ва халқимиз тарихида олтин харфлар билан ёзилган самарали ва шавкатли йиллар — Амир Темур даври бошланди.

Тарихда шундай шахслар борким, уларнинг инсоният хотирасида мангу муҳрланган фаолияти абадий яшовчи ва ҳаракат қилувчи ходисалар туркумига мансуб бўлади. Бундай ходисалар, ҳатто шахс ўлимга юз тутган вақтда ҳам сира тўхтамайдилар, қолаверса уни юзага чиқарган миллат онгида муңтазам ривожланаверадилар. Амир Темур фаолияти худди мана шундай ходисалар туркумидандир. Жаҳонгир бобомиз вафотида неча асрлар ўтмасин, унинг даҳоси ва ўлмас хотираси халқимиз юрагида қон каби гупиллаб яшаб турибди.

Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрнини англашимизга, унга бўлган сўнмас муҳаббатимизга фақат бир фазилат сабаб: баҳодир ва донишманд бобомизнинг бизга нисбатан таъсирида руҳимизни озод ва бақувват қилувчи зўр қудрат бор. Соҳибқирон шахсиятида, фаолияти табиатида ҳамиша миллат келажагига хизмат қилувчи мана шу маънавий қудратни кўрамыз. *Бу қудрат Миллий Истиқлолдир. Бу қудратнинг номи Озодликдир!*

Амир Темур она юртимиз учун энг оғир паллада тарих сахнасида пайдо бўлди. Унинг ҳам давлат арбо-

би, ҳам ҳарбий саркардалик даҳоси Ватан учун мураккаб пайтда зоҳир бўлгани мўъжиза эмасми?

Ҳар бир миллат ўз тарихи давомида кўп оғир воқеаларни бошдан ўтқаради. Мана шундай дамларда миллат ўз қисматини фидойи фарзандлари қўлига топширади. Бу жонфидо ва комил фарзандлар миллат тақдири ҳал бўлган оғир ва шуқуҳли даврнинг рамзига айланадилар. Мўғуллар истибдоди авжида бўлган пайтда мамлакат ва башарият тарихи майдонига чиққан Амир Темур худди Самарқанд сарбадорлари каби душман яғмосига қарши кураш рамзи бўлиб қолди. Бу шуқуҳли рамз асрлар давомида кейинги авлодларни жасоратга ва матонатга ундади.

Амир Темур давлатининг юзага чиқиши Марказий Осиё халқлари маданияти ва адабиёти, илм-фани ривожининг олий босқичга кўтарилишига имконият туғдирди. Бу давлатнинг равнақи башариятнинг улуғ фарзандлари сафидан муносиб ўрин олган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бобур Мирзо, Камолиддин Беҳзод, Мавлоно Музаҳҳиб, Мавлоно Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Аълоуддин Али Кушчи, Мирам Чалабий, Давлатшоҳ Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Шайх Озарий сингари мутафаккирлар ижодининг уйғониш даври бўлди.

Амир Темурнинг давлатчилик фаолиятида жаҳонгирлик, яъни ўз юртидан ташқари мамлакатларни забт этиш катта ўрин эгаллади. У Эрон, Афғонистон, Хиндистон, Қавказ, Россия, Кичик Осиё ҳудудларига юриш қилиб, янгидан-янги ғалабаларга эришди. Натижада Хитой чегараларидан тортиб то Мисргача бўлган ҳудудда Темур салтанати вужудга келди. Жаҳонгирлик билан бир қаторда Соҳибқирон ўз она юртининг иқтисодий ва маданий равнақи учун анча ибратли ишлар қилиб улгурди. Унинг бошқа мамлакатларни забт этишдан мақсади ҳам киндик қони тўқилган тупроқни — Мовароуннаҳрни обод этиш эди. Масалан, амалга ошмай қолган Хитой юришидан мақсад — Шарк билан Ғарбни боғлаган савдо йўлини яна қайтариб Мовароуннаҳрга буриб юбориш эдики, бу нарса мамлакатнинг иқтисодий кўтарилишида катта мавқега эга бўлиши мумкин эди.

Амир Темурнинг мамлакат ичидаги сиёсатига келсак, Карл Маркс айтганидек, «Темур ўзининг янги салтанатига шундай давлат тузуми ва қонунлар жо-

рий этдики, булар унинг буйруги билан Чингизхон бошлиқ мўғул галалари томонидан қилинган ваҳшийликлар ва ёввойиларча вайронагарчиликлардан катта фарқ этарди».

Амир Темур давлатининг яна бир муҳим фазилати: бу даврга келиб маҳаллий халқларга мансуб турк тили ривож топди, туркий тилда ижод қилувчи забардаст ижодкорлар пайдо бўлди. Бу жараённинг ривожланишига Темур ва темурийлар орасида адабиёт ва санъатга бўлган эътиборнинг анъанага айланиши самарали таъсир этди.

Амир Темур улуғ давлат арбоби ва салоҳиятли саркарда бўлиши билан бир қаторда бизга ибрат бўладиган даражада турли соҳаларга қизиққан, кўп соҳаларда муваффақиятга эришган эди. Хусусан, шоҳмот соҳасида ўз даврида камдан-кам киши унга тенглаша олган. Шунингдек, илму фанга, айниқса фалакиётшунослик — астрономияга қизиқиши бениҳоя эди. Шунинг учун ҳам рус тарихчиси Т. Грановский тан олиб, куйидагича қайд этади: «Темурнинг қаҳрли юрагида, ҳақли равишда айтиш мумкинки, илмга, аҳли ирфонга бўлган илоҳий ҳурмат ва самимий эътибор бор эди».

Ҳазрат Мир Алишер Навоий «Мажолисун нафойис» асарида жаҳонгир бобомизнинг адабиётга қизиқшини шундай таърифлайдилар: «Мулуқ шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони ҳокони жаҳонгири Соҳибқирон Амир Кўрагон агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдилар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқибтурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг байт айткуча бор».

«Мажолисун нафойис»нинг еттинчи мажлисидан келтирилган ва шеър, маънодор сўз ва ўрнида айтиладиган хикматга ишқибозлиги, ҳатто ўзи ҳам ажойиб фикрни баъзан макбул шеърини тарзда ифода эта билишига оид бу таъриф Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган ёки шоҳидларни кўрганларнинг айтганларига асосланган тарихчиларнинг сўзларини тасдиқлайди. Масалан, Ибн Холдун, Ҳофизи Аbru, Ибн Арабшоҳ, Қлавихо асарларида Соҳибқироннинг илмини, айниқса амалий аҳамиятга молик илмларни кадрлагани, мажлис ва базмларда қиссахонлардан ўтмиш ҳақида ҳикоятинглашни яхши кўргани, унинг кўпгина Шарқ тилларини обдон билгани ҳақида хабарлар қайд этилгани маълум.

Энди Мирзо Улуғбекнинг ота-онаси хакида сўзламоққа кўчайлик. Тарихий асарлар ва битикларнинг гувоҳлик беришича, Мирзо Улуғбекнинг отаси Шохруҳ мирзо эди. Амир Темур мўғуллар томонидан вайрон этилган Фанокент шаҳрини тиклашни буюриб, уни ободон қалъага айлантирган ва у ерлар Шохруҳга белгилангани учун шаҳар Шохруҳия номи билан атала бошлаган. Шохруҳ мирзо отасининг амрига кўра кейинчалик узок вақт Хўросон мулкини бошқарган. У гардуншиор Сохибқироннинг деярли барча юришларида фаол қатнашган. Хижрий 807 йил шаъбон ойининг ўн еттинчи куни — мелодий 1405 йилнинг 18 февралда Амир Темур оламдан ўтгач, фарзандлари ва набиралари ўртасида тожу тахт кураши бошланди. Мана шу тўрт йиллик ўзаро жангу жадалда Шохруҳ мирзо ғолиб чиқди ва Мовароуннаҳру Хўросон мулкининг ҳукмдори бўлди. Шохруҳ мирзо умрининг охиригача салтанатни Хиротда туриб бошқарди. Мовароуннаҳрни содик ўғли Мирзо Улуғбекка топширди.

Мирзо Улуғбек онасининг исми Гавҳаршод оғо бўлиб, у тархонлар авлодидан, Чигатой улуси амирларидан Ғиёсиддин тархоннинг кизи эди.

Тархон Чингизхон замонидан подшоҳ амри билан бериладиган унвон бўлиб, унга сазовор бўлган кишилар солиқлардан ва бошқа мажбуриятлардан озод этиларди. Шу билан бирга «тархон» ўзбек элатларидан бирининг номи ҳамдир. Гавҳаршодбегим мансуб бўлган амирлар хонадони Чингизхон пайтида бу унвонга эришган эдилар. Тархонлар мамлакат сиёсатида жуда муҳим ўрин тутганлар.

Гавҳаршод оғонинг туғишган биродарлари — амир Ҳамза тархон, амир Мухаммад Сўфи тархон, амир Сайид Аҳмад тархон, амир Ҳасан Сўфи тархон аввал Амир Темурга, кейинчалик Шохруҳ мирзога узок вақт хизмат қилишган. Айниқса, уларнинг Шохруҳнинг тожу тахт учун олиб борган кураши пайтида қилган ҳиммат ва хизматлари салмоқли бўлди.

Худди Сароймулкхонимга ўхшаб Гавҳаршод оғо ҳам кўп неваралари тарбияси билан ўзи шуғулланган. Хусусан, Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф мирзо ҳам унинг тарбиясини олган. Бинобарин Сароймулкхонимда бўлган кўп фазилатлар Гавҳаршод оғода йўқ эди. Бу хотин такаббур ва ўжар аёл бўлган. У ҳақдаги қолган гапларни қиссани ўқиш давомида билиб оласиз.

Энди қисқача Мирзо Улуғбек шахсияти ва унинг халқимиз тарихида тутган ўрни ҳақида.

Энг аввало унинг башарият тарихида нечоғли ўрин тутганини кўрсатувчи бир мисол келтираман. Машҳур поляк астрономи Ян Гавелийнинг 1690 йилда нашр этилган «Продромус астрономия» деган машҳур китобида иккита суврат босилган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласида ҳам Мирзо Улуғбекнинг сиймоси акс эттирилган. Биринчи суратда буюк ватандошимиз илми нуҷум — астрономия худоси Ураниянинг ёнида, овруполик тўрт мунажжим: юнонистонлик Птолемей, олмон шахзодаси Гасс, даниялик Тихо Браге ва италиялик Жан Баптист Риччиоли билан бирга тасвирланган. Иккинчи сувратда эса у яна Урания теварагида ўтирган тўққиз машҳур мунажжим: Тимахарис (мелоддан аввалги 11 аср), Птолемей (м. а. 11 аср), ал Баттоний (852-929 йиллар), Региомонтан (1436-1476), Вольтер (1430-1543), шахзода Гасс (1532-1592), Николай Коперник (1473-1543), Тихо Браге (1546-1601 йиллар) билан бирга акс эттирилган. Бу мисол Мирзо Улуғбек номи бундан уч аср илгарийек машҳури жаҳон бўлганини кўрсатиб турибди.

Муаррих ва тазкиранавис Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро асарида шундоқ нақл қилади: «Олим, одил, ғолиб ва ҳимматли подшоҳ Улуғбек Қўрагон... юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қилни қирқ ёрди. Унинг даврида олиму фозиллар мартабаси ниҳоят чўққисига кўтарилди.

Мирзо Улуғбек ҳандаса илмида чигалларни ечувчи, ҳайъат илмида Мажистийкушо эрди. Фозиллару ҳақимларнинг яқдил фикрлари шулқим, Исломият замонида, балки Искандар Зулқарнайн замонидан шу дамгача Улуғбек Қўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирмаган. Ул риёзиёт (яъни математика) илмини шу қадар даража билан эгаллаган эрдик, замонасининг кўркам олимлари, чунончи уламо ва ҳақимлар фаҳри Қозизода Румий ҳамда Ғиёсиддин Жамшид билан биргаликда юлдузлар илмига расад боғлади. Лекин замонасининг бу икки улуғ олими расад охирига етмай туриб вафот этдилар ва султон Улуғбек бор ҳимматини бу ишни адоғига етказмоққа сарф қилди. Расаднинг қолган қисмини мирзонинг ўзи поёнига етказиб, «Зийжи Султоний»ни кашф этгач, уни ўз исми билан зийнатлади. Бу кун мазкур зийж ҳақимлар наз-



дида мўътабар ва амалдадир. Баъзи олимлар уни «Зийжи Носири Элхоний»дан ортиқ кўрадилар...»

Алишер Навоий «Фарход ва Ширин» достонида Мирзо Улуғбекни бундок мадх этади:

*Темурхон наслидин султон Улуғбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек.  
Анинг абнойи жинси бўлди барбод,  
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.  
Ва лек ул илм сори топди чун даст,  
Кўзи олинда бўлди осмон наст.  
Расадким боғламиш — зеби жаҳондир,  
Жаҳон ичра яна бир осмондир.  
Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зийжи Кўрагоний».  
Қиёматга лекинча аҳли айём  
Ёзорлар анинг аҳкомидин аҳком...*

Азиз китобхон, шоир бобомизнинг сўзларидан ил-хомланиб, донишманд бобомизнинг болалик йиллари ҳақида ёзишни, унинг энг беғубор ва сизу бизга ибратли болалигига сайру саёҳат қилишни мақсад этдик. Сиз бу сайр давомида бугун эшитган ва эшитмаган кўп нарсаларни қайта эшитасиз, билмаганларингизни билиб оласиз.

Бу йил Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги нишонланди. Ўзбеклар тўйга тўёна билан борадиган халк. Ушбу кичик кисса айёмга менинг камтарин тухфамдир.

## МУҚАДДИМА

Хижрий 850 йил зулҳижжа ойининг охири — мелодий 1447 йил март ойининг ўн саккизинчи куни эрталаб уст-бошини чанг-тўзон коплаган чопар Самарканд шаҳристони ўртасида юксалиб турган муаззам Кўксарой дарвозаси олдида етганда отдан тушди. Уни қаршилаган оқсоқ мулозим чопар билан бир-икки оғиз гаплашгач, ранг-рўйи оқариб от етаклаганча шошиб арқ этагидаги отхона томон кетди. Кўп вақт ўтмай чопар олиб келган нохуш хабар сарой бўйлаб тарқалди, ўша заҳоти оғизма-оғиз ўтиб, доруссалтана аҳлини ваҳимага солди:

— Подшоҳ Шохруҳ мирзо оламдан ўтибдилар!

— Подшоҳ Шохруҳ мирзо оламдан ўтибдилар!  
Бозор-ўчарда тўс-тўполон бошланди, бир пасда нарх-наво осмонга кўтарилди. Одамлар қоп кўтариб, бозорда қандай емак бўлса, бир бошдан супуриб ола бошладилар. Подшоҳларнинг ўлими ҳамиша нотинчлик, беомон ғавғою можаролар бошлашини улар ҳали унутмаган эдилар.

Мовароуннаҳр ҳокими Мирзо Улуғбек Хуросондан келган чопарни қабул қилгач, аркони давлатни машваратга чорлади. Зарур одамлар тўплангач, овози титраб гап бошлади:

— Қиблагоҳимиз оламдан ўтибмишлар. Фарзанди аржумандимиз Абдуллатиф мирзо мактубидан бу воқеъ беш кун аввал, якшанба куни рўй берибдур, деб маълум қилибтур.

Дарҳақиқат, чопар, олиб келган мактубга кўра, Шохруҳ мирзо марҳум фарзанди Бойсунқур мирзонинг ўғли, набираси Султон Муҳаммад мирзо исёнини бостириш вақтида Рай вилоятига қарашли Пешоварий қишлоғида етмиш икки ёшида оламдан ўтган эди.

Машваратга йиғилган уламо-ю умаро бирин-кетин Мирзо Улуғбекка таъзия билдирдилар, шайхулислом Мавлоно Бурҳониддин марҳумга бағишлаб Қуръон тиловат қилди.

Мирзо Улуғбек марҳум подшоҳнинг тўнғич фарзанди, боз устига етти ўғлондан бугун тирик бўлган яққаю-ёлғиз ўғил эди. Шу сабабдан ҳам тожу тахти расм-русумига кўра салтанат унга тегишли эди. Аммо Кўксаройда тўпланганларнинг деярли ҳаммаси марҳум ҳукмдорнинг беҳисоб набираларининг ҳар бири тожу тахт эгаси бўлиш учун ҳаракат бошлашга тайёр эканини яхши англадилар. Қолаверса, малика Гавҳаршод-бегим Мовароуннаҳру Хуросон тахтини ўз тукқан фарзанди Мирзо Улуғбекка эмас, эрка набираси Алоуддавллага муносиб кўришини подшоҳ ҳаётлигидаёқ ошкор қилиб қўйган. Шаҳзода Абдуллатиф мирзо йўллаган мактубида ҳам малика ҳали эрининг жасади совуб улгурмасдан ўз мақсадини амалга оширишга киришгани очик-ойдин маълум қилинган эди. Шунинг учун аркони давлат Мирзо Улуғбек ҳаялламай Ҳиротга отланиши, ўз маврусий ҳуқуқини бутун салтанат — Мовароуннаҳру Хуросон устида ўрнатиши учун зарур барча тадбирни қўллаши лозим деган қарорга келди...

Айни шу паллада подшоҳ вафот этган Рай шаҳри яқинидаги лашкаргоҳда ягона ҳукмфармо бўлиб қол-

ган Гавҳаршодбегимнинг макри авжига чиккан эди. Подшоҳ ўлган кунгек Хиротга — Алоуддавла олдига яширин одам юборган, бундан сўнг қандай иш тутмоқ режасини тўла-тўқис тузиб олган маликанинг кўнгли бежо эди. Режага кўра, у энг аввало набираси Абдуллатиф мирзони хузурига чорлади. Малика набирасининг Самарқандга одам йўллаганидан хабардор эди. Мирзо Улуғбек Хуросонга етиб келгунга қадар азалий мақсадни амалга оширишга улгуришини малика яхши фахмларди. Шаҳзода Абдуллатиф мирзонинг феълини пухта билган бибиси ҳаракат бошлади.

Абдуллатиф мирзо кириб келгач, қариб қолган, йирик гавдали, серсават, узун шоҳи бахмал кўйлак кийган малика анча вақтгача намойишкорона кўзёш тўкиб, оҳ-воҳ қилди, сўнг мақсадга кўчди. У набирасини қўмондон қилиб бош туғ остига кўйиш нияти борлигини, қолаверса, унинг гапини қўшиндаги амирлар икки қилмасдан, рози бўлишларини маълум қилди. Шаҳзаданинг кўзлари чараклаб кетди. Кейин бирдан марҳум бобоси тахтига нақадар яқин турганини ўйлаб, боши гангиди. Қаршисида ўтириб, уни жўғи каби авраётган камцир бибиси аллақачон Алоуддавлага одам юбориб, тожу тахтни қўлга олиш учун қулай фурсат келгани ҳақида хабардор қилганидан шаҳзода беҳабар эди.

Абдуллатиф мирзо эҳтиёткорлик билан иш тутмайдиган, серзарда ва дағал йигит эди. Марҳум подшоҳ лашқарига бошлиқ бўлиб қолган қиска вақт ичида унинг одамлари элу юртга шу қадар зуғум қилдиларки, йиллар ўтиб бир муаррих: **«Тамоми халқ онинг жабру зулмига қолди»**, деб бу ҳолни қайд этган эди. Шу қиска вақт мобайнида шаҳзаданинг такаббурлигининг унинг теварагида жипслаша бошлаган кишиларнинг ҳам жонига тегди. У қўшинда ёлғизланиб қолди.

Кейин шаҳзода алданганини билиб қолди-ю, ғазаб отига минди: кекса бибисини ҳибс этмоқни буюрди. Еш бола ҳолига тушган Абдуллатиф мирзо нима қилишини билмай қолди. Ахир, у бибисининг Алоуддавгани подшоҳ қилиш нияти борлигини яхши биларди-ку! Ахир, неча йил аввал подшоҳ бобоси тўсатдан хасталаниб қолганда, давлат идорасини тўла измига олган малика суюкли Алоуддавла номига хутба ўқилишини талаб қилганидан хабардор эмасмиди? Боши қотган шаҳзода шошилинчи тарзда падари Мирзо Улуғбекка кетма-

кет одам йўллаб, уни тезроқ ҳаракат қилишга чорлади. Ўзи бўлса кўшин билан Хирот йўлига чикди.

Пойтахт подшоҳ ўлимининг хабари етгач, бузилган ари уясига айланди-қолди. Шаҳзода Алоуддавла малика бибиси юборган хабардан сўнг фурсатни қўлдан бермай, атрофига садоқатли кишиларни тўплашга киришди. Сўнг ҳаялламай доруссалтанадаги бор кўшин билан Абдуллатиф мирзо қаршисига олланди. У шиддат билан ҳаракат қилиб рақибини ғафлатда қолдирди. Унинг одамлари қора тунда Абдуллатиф қароргоҳига бостириб кириб, шаҳзодани қўлга олдилар ва ҳибсдаги маликани озод қилдилар. Маликанинг талаби билан кўшин амирлари Алоуддавлани подшоҳ деб тан олдилар. Асир тушган Абдуллатиф мирзо эса халқ орасида Оққўрғон номи билан машҳур Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилди.

Самарқанддан кўшин тортиб келаётган Мирзо Улуғбек Балх шаҳрига етганда фарзандининг зиндонбанд этилгани дарагини эшитгач, нима қилишини билмай тўхтаб қолди. Юришни давом этиб, уруш бошлай деса, ўғли нобуд бўлиши, ортига қайтай деса, бу иши тожу тахтга бўлган шаръий ҳуқуқидан воз кечгани тарзида шарҳланмоғи мумкин.

Охир-оқибат фарзанд меҳри қолиб келди: ўғли қисматини ўйлаган Мирзо Улуғбек ўртадаги муаммони тинч йўл билан ҳал қилишга уринди. У иниси Бойсунқур мирзонинг фарзанди бўлмиш Алоуддавллага мактуб йўллаб, жиянини инсофга чорлади. Шунингдек, мактубида Абдуллатиф мирзони озод этиб, ҳузурига юборишни, шу йўл билан ўртада сулҳ тузишга чақирди.

Амакиси мактубини ўқиган Алоуддавла бибиси билан сирлашди. Гавҳаршодбегим ортиқча ўйлаб ҳам ўтирмади, мактубга жавоб бермай, урушга ҳозирлик кўришни маслаҳат берди.

— Фарзандимиз бўлмиш Улуғбек мирзо жанг қилишни билмайдур, — деди малика. — Анинг учун салтанат тахтидан Самарқанд Кўҳагида тиклаган расади афзалроқдур. Шундоқ эркан, тожу тахт деб талашмағони маъқул. Қирк йил мобайнида Мовароуннаҳр тахтида ўлтирдиким, бир қарич ерни забт қилғонича йўқ. Аксинча қанча ерни олдириб қўйибтур. Марҳум бобонгиз эрса, отдан тушмай жанг қилдилар, не-не мулкларни яна ўз измларига олдилар.

— Бобомизни сиз отдан туширмас эдингиз-да, би-

бижон! — дея тиржайди Алоуддавла айтган сўзи маликага хуш келишини олдиндан билиб.

Набираси сўзига эътибор бермаган кампир бошини сарак-сарак қилди:

— Йўк, йўк осмондаги юлдузларни деб салтанатни унутгон киши подшоҳликка лойиқ эмас.

Бибисининг сўзлари Алоуддавлага ўринли туюлди. У амакисига жавоб ёзмади, пухта ҳозирлик кўриб жанг қилишни ўйлади. Аммо биродари, бўлмиш Журжон ва Мозандарон ҳокими Абулқосим мирзо ишни бузди. У «Нега тахтга мен эмасу эрка Алоуддавла ўтиради?» — деган андешага бориб, Ҳирот устига кўшин тортди. Янги даъвогар шиддат билан йўл босди. Шу сабабдан унинг кўшини Тусга етгани ҳақида хабар топган Алоуддавла икки ўт орасида тушиб мумкинлигини ўйлаб кўркиб кетди. У биродарига қарши кўшин жўнатгунча Абулқосим Бобур мирзо аллақачонлар Жомга етиб қолган эди. Шу манзилда ака-ука кўшинлари тўқнашдилар. Шиддатли қиска жангда Абулқосим Бобур ғолиб чиқди. У ғалабадан рухланиб, Ҳирот устига бостириб бораверди. Худди шу сабабдан Алоуддавла амакиси Улуғбек мирзо билан сулҳ тузиш лозимлигини англади. Шундай қилсагина, Ҳирот ҳокимиятини амаллаб кўлида сақлаб қолиши мумкин эди. Оқибатда орада сулҳ тузилди. Сулҳга биноан Моваруннаҳр кўшини эгаллаган Балх вилояти Мирзо Улуғбек тасарруфига ўтадиган, Хуросоннинг қолган қисми эса Алоуддавла мулки ҳисобланадиган бўлди. Ваъдага биноан, тез орада шахзода Абдуллатиф отаси ёнига — Балхга келди.

Аммо бундан олдинроқ Ихтиёриддин қалъасидан бўшатирилган Абдуллатифни Гавҳаршодбегим хузурига олиб келдилар. Кекса малика ёлғиз эди. У навбатдаги макрли режасини амалга оширишга киришган эди. Малика ранг-рўйи афтода неварасини кўриши билан гавдасига ярашмаган эпчиллик билан ўрнидан турди ва ўзига совук кўзларини қадаб турган Абдуллатифни кучоклай кетди.

— Вой нодон болам-а, вой шошқалок болам-а! — дерди у кўзларидан ёш оқизиб. — Қани, келинг, мирзо, мана бу ёққа, менинг ёнимга ўлтирсинлар.

Абдуллатиф мирзо бибисининг ёнига чўкка тушди-ю, миқ этмай, шумшайиб ўтирди. Маликанинг оғзи тинмасди. У бўлиб ўтган воқеаларга мирзонинг ўзи айбдорлигини, нокасларнинг гапига учиб, бир оёғи би-

лан гурда турган гуноҳсиз бибисини хибс этгани, холбуки бибиси ёлғиз уни салтанат тахтига муносиб билгани, ҳатто ҳозир ҳам шу ниятда экани ҳақида узоқ гапирди.

— Наҳотки сизни ўзим ўстирмағон бўлсам! Наҳотки сизга уқтирган гапларимни унутган бўлсангиз, мирзо! — дерди кампир невараси елкасини силаб-сийпа-лаб. — Падарингиз сизни унутғон бўлса ҳам мен сизни унутмадим, Алоуддавладан сизни озод қилишни тинмай ўтиндим...

Сизни мен тарбия қилғон бўлсам, мен ўйламай, ким ўйласун? Тилингиз чиққонини кўрмаган бўлса, бўйингиз ўсғонини кўрмаган бўлса, падарингиз сизни ўйлармиди? Анинг нияти сиз эмас, Абдулазиз мирзо! Самарқанддаги менинг одамим бир куни анинг оғзидин бир сирлик гап эшитибдур. Ул дебтурки, менинг васиятим Абдуллатиф мирзога эмас, Абдулазиз мирзога!

Бибисининг сўнги сўзлари шахзода юрагига тигдек ботиб, шусиз ҳам пажмурда юрагини қон этди. Унинг совуқ нигоҳида ўт чакнади, ияги титради, тиззаси устида ёйилиб турган қарахт бармоқлари тугилиб, муштга айланди. Аммо бари бир чурқ деб оғиз очмади. Бибиси даргоҳидан чиқиб кетатуриб ҳам бош силкиб хайрлашган бўлди, холос...

Мирзо Улуғбек фарзандининг омон-эсон қайтганидан беҳад қувонди. Ўғлини ёнига ўтказиб узоқ суҳбатлашди, унинг не-не подшоҳлару шахзодаларни қомига ютиб, нес-нобуд этган Ихтиёрдин қалъасида тортган азоблари қиссасини алам билан эшитди, ўғлининг хижил кўнглини тасаллилар билан кўтаришга уринди. Суҳбат сўнгида Алоуддавла билан тузилган сулҳ шартларига биноан Мовароуннаҳр тасарруфига ўтган Балх мулкини Абдуллатифга суюрғол қилажагини айтди. Бутун мажлис давомида ўғлининг юзида зоҳир бўлган совуқликни волидаси макридан беҳабар ота омадсиз фарзанди бошига тушган аччиқ қунлар асорати деб билди. Маккор малика ўз ниятига эришган: ота билан ўғил ўртасига ишончсизлик пардаси тушган эди. Аммо ота ҳали хабарсиз эди. Яна бир неча муддат фарзанди билан бирга бўлган Мирзо Улуғбек Самарқандга қараб отланди.

Аммо бир йил ўтар-ўтмас Хуросон билан Мовароуннаҳр ўртасидаги тинчлик бузилди. Абдуллатиф мирзо отасидан берухсат Алоуддавла мулкига бостириб кирди. Ҳар икки давлат ўртасидаги сарҳад деб белги-

ланган Чечакту мавзесида бўлиб ўтган қисқа, аммо шиддаткор жангда хуросонликлар Абдуллатиф мирзо кўшинини мағлуб этдилар. Боз устига ғалабадан рухланган Алоуддавла Ҳиротдан катта кўшин билан чиқиб, Балх томонга юрди. Шармандаси чиққан шахзода Самарқандга — отасидан ёрдам сўраб чопар жўнатди.

Ҳижрий 852 — мелодий 1448 йилнинг кўкламида Мирзо Улуғбек кўшини Жайхундан кечди. Абдуллатиф мирзо Балхдан келиб кўшилгач, сони тўксон мингга етган улкан кўшин Ҳирот томон ҳаракат бошлади. Хуросон мулки пойтахтининг кунчиқар тарафида, шаҳардан ўн фарсахли масофада жойлашган Тарноб деган манзилда жанг бўлди. Жангда Мирзо Улуғбекнинг кўли баланд келди. Енгилган Алоуддавла Ҳиротни бой берганини англаб, куни-кеча тахт талашган биродари Абулкосим Бобур мирзо паноҳига — Астробод сари от кўйди.

Мирзо Улуғбек Ҳиротда узоқ турмади, кўшинни рақиби изидан бошлади. Бир ҳафта йўл босиб Машҳадга етди, уни жангу жадалсиз қўлга киритди. Ўша куниёқ Гавҳаршодбегим бундан роппа-роса ўттиз йил аввал Ҳазрат Имомнинг қабри куббаси ёнида тиклатган ғоят ҳашаматли ва зийнатли масжиди жомеда намоз ўқиди. Ниятда шундай муқаддас даргоҳни курдирган волидасига Аллоҳдан саломатлик ва иноят тилади...

Хуросонда бошланган ғавғолардан қочган одамлар қатори мағриб томонга оқарди. Одамлар тинч макон излардилар. Аммо тинч макон бормикан?! Қарвонлар тизимини кўрган Мирзо Улуғбек ич-ичдан эзилар, мамлакатда осойишталик ўрнатиш йўлларини изларди.

Мағрибга қараб кетаётган қарвонларнинг бирида юввош от минган етти яшар бола ҳам бор эди. Ўғлоннинг исми Алишер. Боланинг ўзи ҳам, ундан кўз узмай бораётган ота-онаси ҳам, улар тушган қарвонни кўриб турган Мирзо Улуғбек ҳам бу мурғак гўдак улғайиб, келажакда қалами билан тўрт томонга сочилган туркий элларни бирлаштира олган буюк шоир бўлажигидан ҳали хабарсиз.

Бу сирдан ёлғиз Аллоҳ огоҳ эди.

Алишернинг отаси Ғиёсиддин Қичкина ёнидаги йўлдоши — етмишлардан ошганига қарамай ҳали тетик кўринган қария билан суҳбатлашиб борарди. Ғиёсиддин Қичкинанинг аждодлари Соҳибқирон Амир Темур

хонадони билан боғлиқ кишилар эдилар. Унинг бобоси жаҳонгир кўшинида амирлик мансабида турган бўлса, отаси хукмдорнинг ўғли Умаршайх мирзо билан кўкалдош, яъни Гиёсиддиннинг момоси Умаршайх мирзони ҳам ўз сути билан боққан эди. Агар Соҳибқироннинг суюкли ўғли, жангу жадалда баҳодирлиги билан донг таратган Умаршайх мирзо бевакт халок бўлмаганида Гиёсиддин мансуб оила кўкалдошлик ҳақ-хурмати туйфайли не шарафларга эришарди, Худодан ўзгасига номаълум. Аммо бу яқинлик Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохруҳ мирзо подшоҳлиги замонида ҳам зоҳир эди: Гиёсиддин саройда нуфузли мансабларда хизмат қилди. Шу яқинлик боис фарзанди шахзодалар билан бир мактабда ўқиди, Гиёсиддин Кичкина подшоҳ ўлимидан сўнг салтанатда бошлаган беҳисобликлардан ташвиш чекади, давлат пойдеворини силкитаётган воқеалардан юрак-бағри эзилади.

— Заиф томирларида Соҳибқирон ҳазратлари қони оққан шахзодалар боболар хикматини унутмишлар. Тожу тахт ҳаваси қонларини айнигиб кўйгон. Қанийди, ҳазрати Соҳибқирон тирилсалару жазо қиличини ишга солиб, серғавго салтанатда тартиб, низом ўрнатсалар, — дерди алам билан бир замонлар Амир Темурнинг гардуншиор лашкари сафида жанг қилган, кексайиб Ҳаж ниятида Хиротдан йўлга чиққан қария.

— Алхамдуллилах, қанийди шундоқ бўлса, — деб қария сўзларини маъқулларди Гиёсиддин Кичкина. — Умидим ёлғиз Мирзо Улуғбекдин эди. Ул буюк зотнинг илмдаги камолининг тарихда масли йўқдир... Афсуским, ҳарб майдонида андак омадлари йўқ. Бўлмасам, бу она сути оғзида қурмаган, тожу тахт даъвоси бирлан ғавго кўтариб, оқибатда фуқаронинг шўрини қуритаётган шахзодаларга вожибул имтисол топишлари мумкин эди.

Йўл ҳоритиб кўйган қария «афсус» дегандек маъюс бош чайқади. Анчадан кейин у одатдагидек, ёшлик чоғларида Рум мулкида қилган жанглари қиссасини бошлади.

Алишер катталарнинг суҳбатига кулок солиб бораркан, бирдан ўзини ҳарб майдонида, отасининг нақлига кўра, донишманд подшоҳ бўлмиш Мирзо Улуғбек ёнида туриб қилич чопкилашган киши тасаввур қилиб, отини чоптирди. От ҳорғин йўртиб борар, аммо бола тасаввурида у шиддат билан учиб бораётгандек эди.

Атроф ним қоронғилашиб, уфқда пайдо бўлган қа-



бутар қонидай қизғиш тасма узра ёлғиз, аммо йирик юлдуз жимирлаб кўринди. Бу юлдуз қандай аталишини Алишер билмасди. Отаси мактаган Мирзо Улуғбек эса ерда туриб юлдузларни аниқ кўрадиган, ҳар бирининг номини биладиган, ҳатто уларнинг мингдан ортигини хатга туширган, «Зийж» деган китоб битган донишманд эди. Боланинг Мирзо Улуғбекка хаваси келди. «Келажакда мен ҳам юлдузшунос бўлурмен!» — деб ўйлади ва у отасининг узокдан ҳой-ҳойлашига парво қилмай, яна отини тезлатди. Бола уфқ узра чўғдек ёниб турган ёлғиз юлдуз томон учиб бораркан, «Бу юлдузни Мирзо Улуғбек кўриб турганмикан!» — деб ўйларди...

Мирзо Улуғбек Машҳад этагидаги кўрғоннинг ўн газлик девори устида туриб мағриб ёкда жимирлаб кўринган ёлғуз юлдузга тикилиб ўйга ботган эди. Унинг нигоҳи юлдузда, хаёллари эса ер ташвишлари билан банд эди.

Туронзамин ахволин оқибати не бўлур?! Бобоси яратган улкан салтанат пойдевори емирилади, емирилмокда. Темурийман деган шахзода борки, ҳар бири ўз нафсини ўйлайди, тожу тахтни ёлғиз ўзига раво кўради. Боболарнинг салтанат тутмок, ҳукмфармолик қилмокқа оид низомлари, қадимий удумларини билиб, билмаганга оладилар. Оқибатда бемехрлик, кўрнамаклик авжида!.. Пораканда давлатда тартиб ўрнатмок лозим. Аксинча бўлса, салтанат тамоман бузилиб, эл-улус жабр қомига ботиб кетиши тайин. Буvingдек фалокатни даф этмок тадбирини ахтармок унинг бурчи эмасму?! Шаръий ҳукмдор ул эмасму?!

Мирзо Улуғбек салтанатда тинчлик-осойишталик ўрнатиш учун ўзаро жангларга барҳам бермок, урушларга барҳам бермок учун эса муҳолифлик йўлига кирган ака-ука жиянларини тинчителиши лозимлигини фаҳмларди. Шу сабабдан у юришни тўхтатмади. Ҳатто Абулқосим мирзонинг элчиси Машҳадга келиб, Мирзо Улуғбекни олий ҳукмдор мақомида тан олажагини маълум қилган шахзода мактубини топширганда ҳам кўшинни қайтармади, босиб бораверди. Аммо Машҳаддан кейин Исфаронини қўлга киритди-ю, узок вақт мазкур шаҳарда тўхтаб қолди.

Ҳатто ашаддий рақиби Алоуддавлани тирқиратиб қуваётганидан завқланган Абдуллатиф мирзо юришни давом эттириш муддаоси билан қайта-қайта мурожаат қилганидан сўнг ҳам бу масканни тарк этмади, ўглига кўшин билан олға юришни буюрди, холос. Кейин Аб-

дуллатиф мирзо Астрободни забт этгани, Абулкосим Бобур билан Алоуддавла эса Домғонга қараб қочганини эшитганда ҳам зафарли юришни, рақибларни бир ёқлик қилишни фарзандига тўла ишонди.

Мирзо Улуғбекнинг бу кичик шаҳарда узоқ вақт муқим туришига нима сабаб бўлди? Уни қандай куч ва қандай муддао бу ерда ушлаб қолди? Бу олис болалик ёди, болалик завқи, болаликни эслашдек ширин қувонч ва армон қудрати, муддаоси эди.

Исфароин шаҳри Машҳаддан Астрободга борадиган йўлларнинг қоқ ўртасида жойлашган. У Искандар Мақдуний замонида Шарқу Фарбни бирлаштирган қадимий йўл ёқасида қурилган работдан бошланган бўлиб, асрлар давомида кенгайиб бугунги ҳолатига келган. Агар осойишталик йилларида шаҳарга яқинлашган киши дарвозалардан кириб-чиқиб турган қарвонлар қаторини кўрган, той-той юк ортилган нортуюлар бўқириши, мис қўнғироқларнинг жангур-жунгури, бозорларнинг ғала-ғовури, мисгарлик, темирчилик, чилангарлик расталарининг тарақ-туруқини эшитган, бозору расталарда ёйиб қўйилган сон-саноксиз молларни кўриб, кўзлари қамашган бўлар эди. Гир атрофи девор билан ўралган Исфароиннинг ўртасида саҳни беш-олти ботмон келадиган тўрт бурчакли тепа устида мўъжаз қалъа бор эди. Бу қадимий деворлару қалъа сосоний шаҳаншоҳлар замонидан қолган. Шаҳарни забт этгач, Мирзо шу қалъага қўнди. Асрлар тўфонида аламзада қалъанинг ғариб аҳволини кўрган Мовароуннаҳр ҳукмдори ўзи билан қалъа ўртасида қандайдир боғлиқлик сезгандек бўлди. Қолаверса, у қай манзилга бормасин ўша ердаги энг юксак ерда яшашни, юлдузларга яқин бўлишни истарди. Қадимий қалъанинг ўрни расадхона учун қулай эканини ўйларкан, Самарқанд Қўҳагида жойлашган расадхонасини нечоғли соғинганини сезди. Қалъада ўтган кечаларни ухламай, юлдузларни кузатиш билан ўтказди.

Мирзо Улуғбек қалъага ўрнашганининг учинчи куни қалъа ўртасидаги тўрт тарафи айвонлик уйда пешин намозини ўқиб бўлган ҳам эдики, ясовул кириб, бир дарвеш чол келиб, подшоҳи замон хузурига кирмоқчи бўлаётганини айтди.

Мирзо Улуғбек дарвешлар билан суҳбат қурмоқни хуш тутарди. Бу одат унга Соҳибқирон бобосидан мерос қолган. У дарвешлар ҳам подшоҳу олимлар каби турлича бўлишини яхши билар, баъзан дарвеш киёфа-

сидаги фирибгарларга ҳам дуч келган эди. Бирок, асл дарвешлар — алдоқчи дунёга этак силкиб, Аллоҳ жамолини юракларида жилвалантирган покдомон, комил зотлар суҳбатидан сўнг тожу тахт кўз ўнгида арзимас нарса бўлиб қолар, кўпроқ илм билан шуғулланишга бериларди. Соҳибкирон бобоси ҳам йигитлик ибтидосида маълум муддат дарвешликда бўлганидан хабардор Мирзо Улуғбек ҳар гал бу ҳақда эслар экан, нима учундир жаҳонгир абадий уйкуда ётган Гўри Мир мақбараси ҳошиясига битилган «Жаҳон сендан юз ўғирмасдан олдин сен жаҳондан кўнгили уза билгин» ҳикматини эслайди. Ҳикмат бобоси тавсияси билан битилганини билганидан ҳар гал кўнглида унинг донишмандлигига тан беради. Кўз ўнгида бобосининг чехраси зоҳир бўлиб, таниш овоз: «Ҳа, улуғ бегим, сизга нима бўлди, невчун ҳолингиз паришон!» дегандек бўлади.

Амрини кутиб турган ясовулга буюрди:

— Дарвешни бунда келтуринг.

Ясовул таъзим қилганича тисарилиб, чиқиб кетди. У кетиши билан яна ўйлар оғушида қолган подшоҳ айвон бурчагида тўшалган баҳмал кўрпача устига тиз букди.

Дам ўтмай ясовул айвонга анча ёшга борган, факирона кийинган, аммо юзидан нур ёғилиб турган дарвешни бошлаб чикди. Чол чўзиқ юзлик, дўнгпешона, кўзлари йирик, узун соқолли эди. Унга нигоҳи тушди-ю, «Бу кишини қаерда кўрган эканман!» деган ўй ялт этиб миясига урилди. Кейин ҳаяжонини яширолмай, шошиб сўради:

— Эй дарвеш! Сен бизга эски суҳбатдош кўринасен... Ўша қиссахонимизнинг жияни Ҳамза эмасмусен?

Дарвеш жилмайиб жавоб берди:

— Қуввайи хофизангизга Аллоҳдан ривож, подшоҳим! Ҳа, ўшамен, ўша сизнинг суҳбатдошингиз Ҳамзамен!

Жилмайиб турган чол шундай деди-ю, озғин елкалари титраб, йиғлаб юборди.

Мирзо Улуғбекнинг кўнгли бирдан юмшаб, кўзлари намланди. У ўрнидан туриб, бир пайтлар ўзига сабоқ берган инсонни бағрига босгиси, тасаллилар бергиси келди, аммо айвон четида қўкқайиб, воқеаларни кўриб турган ясовул олдида ўзини тутди.

Қаршисида йиғлаб турган дарвеш чолга тикиларкан, Мирзо Улуғбек бундан қирқ йиллик масофада —

жуда йирокларда колган болалигини эслади. Сохибкирон бобосининг қиссахонига жиян бўлган Ҳамза ибн Али Малик ат-Тусий ўша пайтлар қанчалик кўркам ва забардаст бўлганига ҳозир ишониш кийин.

Азоб-уқубатларга тўлиб-тошган йиллар унинг бўйнига ажинлардан тўр солган, кўлларини суякдай қотириб, томирларини бўрттирган, бир пайтлар шамшоддек тик қоматини букчайтириб қўйган эди. Улар ёши ўрта-сида ўн икки йил фарқ борлигини билган Мирзо Улуғбек болалик ҳамроҳи етмиш ёшларга яқинлашиб қолганини фахмлади.

— Хуш келибсиз, Шайх Озарий! — деди Мирзо Улуғбек ўрнидан туриб, сўнг ёнидан жой кўрсатиб, давом этди. — Сухбатдошимиз эдингиз, ўтиринг, суҳбатдошим бўлинг.

Сўфия йўлига кирганидан кейин Шайх Озарий номи билан машҳур бўлган Ҳамза ат-Тусий шоҳи рўмолча билан кўзёшларни арта-арта подшоҳга таъзим қилди. Унинг ҳамон ёнига чорлаб чўзилган қўлини кўргач, оҳиста юриб бориб, кўрпачага чўккалади.

Улар узоқ вақт чурқ этмай, бир-бирига сўзсиз тикилиб ўтирдилар, ҳар иккаласи ўша олис болалик ва ёшлик кунлари хотираси оғушида эди. Улар тил билан эмас, дил билан, сўзлар билан эмас, кўзлар билан суҳбат қурардилар.

Анча вақтдан кейин Мирзо Улуғбек оғиз очди:

*Эвоҳким, ёшлик эди — номам битди,  
Қиш келдию, ул тоза баҳорим йитди.  
Ул мурғи талаб эрди ажаб, исми — шабоб!..  
Билмам, у қачон келди-ю, қачон кетди?!*

Ўша заҳот Шайх Озарий маъюс кўзларини ҳукмдорга тикиб, жавоб қилди:

*Озарий, ўйини гафлат аро кечди умр,  
Ғофил бўлма, неки боқий — фурсатдан топ...*

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### СУЛТОНИЯ БАҲОРИ

Хижрий 795 — мелодий 1392 йил кузида Соҳибкирон Амир Темур Мовароуннаҳр мулкини тарк этиб, тарихда «**Беш йиллик сафар**» номини олган юришини бошлаб, Мағриб томонга йўл олди. Туронзамин султони яқинлашиб қолган кишни Мозандаронда ўтказди. Баҳор арафасида Форс мулкига бостириб кириб, бу мулкка эгалик қилиб турган музаффарийлар сулоласининг сўнгги вакили Шох Мансурни беомон жангда мағлуб этди. Соҳибкирон фатҳ этилган Форс мулкини суюкли фарзанди Умаршайх мирзога суюрғол этди.

Бу воқеадан сўнг жаҳонгирнинг учинчи ўғли Мироншоҳ мирзо ва набиралари, ака-ука амирзодалар: Муҳаммад Султон билан Пирмуҳаммад Жаҳонгир кўмондонлик қилган кўшинлар Қазвин, Султония шаҳарларини, Соҳибкироннинг кенжа ўғли Шохруҳ мирзо бошчилигидаги кўшин эса элхонийлар мулки деб аталган, маркази Султония бўлган улкан ҳудудга юрди ва у Мироншоҳ мирзога суюрғол бўлди.

1393 йил август ойида Амир Темур Бағдод устига юриш бошлади. Жалойирийлар сулоласи бошқарган бу мулк ҳукмдори Султон Аҳмад роппа-росса ўн йил аввал — Амир Темур бу юртга биринчи марта келганида қандай тадбир тутган бўлса, ўшани такрорлади. У жанг қилмасдан қочди. Аммо Бағдодни тарк этаркан, Дажла дарёсидаги кемаларни чўктириб юбориша, кўприкларни ёндиришга фармон берди. Ўзи бўлса Миср султони паноҳига кетди. 1393 йилнинг кузида Амир Темур Бағдоднинг жанубидаги Тактирни қўлга киритди ва шу манзилда тураркан, Арзинжон амири, Қарамон ўғиллари, Дилқодир ўғиллари, Қорақуюнли ва Окқуюнли уруғларининг беқларига, Сиваш-Қайсария ҳукмдори кози Бурҳониддин Аҳмадга мактублар йўллаб, уларни итоатга даъват этди. Миср мамлуклари султони Барқук ҳузурига ўз элчисини жўнатди.

Хижрий 796 — мелодий 1394 йилнинг баҳори Ироқи Ажамнинг бош шаҳри бўлмиш Султония теварагини қуршаб олган дашту далаларни забт этгач, ҳаялламай шаҳарга ҳам бостириб кирди.

Дов-дарахтлар қуш тилидек майда барглар чиқарди. Момоқаймоқлар сап-сарик гул очди. Анхору арик-

лар кирғоғини ялпизлар қоплади. Баҳор чечаклари билан безанган яшил гиламини ёйган даштда кизғиш-қўнғир илонлар офтобда товланиб марокланади, тошбақалар буришиб кетган хунук бўйинларини ўтларга чўзади, сайғоқлар галаси нимадандир хуркиб чопиб ўтади, туёклар зарбидан еру кўк гумбурлаб кетади.

Қадимда Хулакулар давлатининг иккинчи пойтахти бўлган Султония шаҳрига элхонийлардан Арғун (1284 — 91) асос солган, шаҳар қурилиши элхонийларнинг еттинчиси Мухаммад Худобанда Ўлжайту (1304 — 16) замонида ниҳоясига етган эди. Ўтган киска муддат ичида шаҳар минг турлик бинолар билан безанди, асос солинган йиллари режа билан барпо этилган боғлардаги дарахтлар осмонга бўй чўзди.

Султония бир эмас, икки эмас, беш қарвон йўли туташадиган манзилда ўрнашган. Шу сабабдан йил сайин бойиб, кенгайиб, ободон ва маъмур шаҳарга айланган. Бозорларида инсон жонидан бўлак ҳамма нарса топиладиган бу шаҳар Форс, Ироқ, Ширвон ва Рум юриши пайтларида ҳам хамиша Соҳибкирон кўниб ўтадиган манзил эди.

Баҳор келиб, шаҳарнинг энг кўркем бинолари — машхур меъмор Алишоҳ тиклаган саккиз қиррали Авлиё Ҳайдар мақбараси гумбази, Ўлжайту мақбараси ва мадрасаси пештоқлари устида ҳам яшил чечаклар униб чиқди. Авлиё мақбарасига яқин ерда бир боғ бор. Мироншоҳ мирзога тегишли Чинорон деб аталган бу боғда Ироқ томонда жанг қилаётган Амир Темур кўшини **Уғруки** кўним топган. Олис-олисларда кўпириб оккан жанг садоси, саноксиз одамларнинг ҳалокатга юз тутгани, вайрон этилган шаҳарлар ҳақида етиб келган миш-мишлар атрофи баланд деворлар билан ўралган боғни четлаб ўтиб кетар ва дунёнинг етти иклимини ларзага соларди. Бу бокка ёлғиз шаҳару қалъаларни кетма-кет забт этаётган жаҳонгир ва унинг фарзандларининг доврўғи жарангдор сўзларга ўраниб етиб келади, холос.

Бир йилча аввал Соҳибкирон Султониядан жўнаб кетди-ю, уғрук ва маликалар: Сароймулкхоним, Туман оғобегим, Чўлпонмулк оғобегим, уларнинг келинлари, норасида набиралари мана шу боғда қолдилар. Улар орасида Шохруҳ мирзонинг хотини, ой-куни яқинлашган Гавҳаршодбегим ҳам бор эди.

Ҳижрий 796 йил жумодулаввал ойининг ўн тўққизинчи куни — мелодий 1394 йилнинг 22 марти. Тонг.

Дашту далалар томонидан эсган майин шабада минг турли гул-чечаклар хидини шаҳарга тарайди.

Бугун уғрук кўним топган Боғи Чиноронда байрамона кайфият ҳукмрон. Салтанат маҳди-улёси Сароймулкхонимнинг қувончи ичига сиғмайди. Малика жаҳонгир эрини қувонтиргувчи воқеа юз берганидан суюнчи тилаб келган борки, ҳаммасини марҳаматли кўли билан сийлайди. Неча кундан бери оёқ учида юрган мулозимлар бугун шитоб билан, югуриб-елиб хизмат қилмоқдалар. Бугун боғ аҳлини куёш эмас, тонг сукунатини бузиб янграган чакалок йиғиси уйғотди. Инжиқлиги билан машхур Гавҳаршодбегимнинг кўзи ёриди — ўғил кўрди.

Сароймулкхоним жаҳонгирнинг кўп фарзандлари ва неваралари туғилишига гувоҳ бўлган бўлса-да, бу чакалокнинг туғилиши маликага ўзгача қувонч бағишлади. Зеро, гўдакнинг отаси Шохруҳ мирзо Сароймулкхонимга туккан фарзанддек азиз эди. У туғилиши билан малика тарбиясига топширилган, фарзандсиз маликанинг жону танига айланган эди. Шохруҳ мирзонинг илк фарзанди туғилишини интизор кутган малика шу сабабдан ҳам инжик келини хархашасини деярли сезмас, унинг юкдан эсон-омон қутилишини ўйлаб, кеча-кундуз парвона эди.

Янги меҳмон туғилиши билан шўр сувга чўмилтириб, баданига ёғ сурдилар. Бу ишларни Сароймулкхонимнинг ўзи бажарди, бировга ишонмади. Чакалокка бегона кўли тегишидан, ёмон кўздан саклаш учун шундай қилди. Малика шу иш билан овора экан, дам: «Вой кўзичоғим, вой кўзлари мунчоғим!» — деб севинар, дам ўз қувончидан қўркиб, ортиқча қувониш бахтсизликни бошлаб келади, деган гапга ишонганидан: «Ёмон бола, бурни пачоқ бола, оғзи қийшиқ бола!» — деб кўярди. Аммо бир пасдан кейин яна қувонишга берилиб: «Бобосининг яроғи, бибисининг яруғи!» — дейишга ўтар, «Қилич тутар қўлларинг узун бўлсун!» — деб қўлларини, «Юрганингда толиқма!» — деб оёқларини оҳиста-оҳиста тортиб кўяр, елкаларини силаб: «Тобутимни кўтарадиган болагинам!» — деб ниёт қиларди.

Чакалокнинг йўлдошини ҳам боғ четидаги дарахт остига ўзи кўмди. Кўмаётиб:

*Тошдай бўлсун,  
Темирдай бўлсун,*

*Итдай тишлаб ётсин!* — деб ирим қилди.

Чакалоқни ювинтириб бўлгач, оппоқ матога белашдан аввал, гўдақни оқ ва кўк мато бўлақлари билан сийпалаб:

*Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!*

*Менинг қўлим эмас —*

*Биби Фотима, Биби Заҳронинг қўли, Умай она,  
Қамбар онанинг қўли.*

*Тошдай қил,*

*Темирдай қил,*

*Илоҳим, золим қилма, олим қил!* — дея айтим айтди.

Сароймулкхоним шон-шавкатли эри қулоғига хуш-хабарни етказишга кўп шошилмади. «Аввал чилласи ўтсин!» — деб ўйлади у. Илло малика янги меҳмон учун Соҳибқирон олдида жавобгар эканини яхши фахмларди. Чакалоқнинг заиф туғилганини кўрган малика кўнглидан неча кунгача ваҳима аримади. Аммо ёш ва соғлом доя хотиннинг сути, бибисининг меҳрибонлиги сабаб бўлди, меҳмон чиллада бирор дардга чалинмади. Роппа-роса бир ой деганда, чакалоқ кучга тўлиб, бораётганини кўрган малика Амир Темур хузурига чопар жўнатди.

Бу пайтда Амир Темур кўшин билан Мобайнилнахр (Икки дарё оралиғи)даги Мордин шахрини камал қилган, аммо баланд тоғ устида жойлашган шахарни забт этиш кундан-кунга суриларди. Камалнинг учинчи ойи охирлаб борар, қалъадагилар бўлса таслим бўлишни ўйламай, жанг қилардилар.

Қиш тугаб, баҳор бошланган, теварак-атроф яшиланиб безанган эди. Баҳор жуда иссиқ келди. Эрталабдан оташин ҳарорат ёғилар, унга кун бўйи қизиган ердан кўтарилаётган, тоқат қилиб бўлмайдиган ховур қўшиларди. Умри бино бўлиб, Амир Темур баҳорнинг бунчалик иссиқ келишини кўрмаган эди.

Соҳибқирон Форс мулкидан қўшин тортиб кўмакка келаётган Умаршайх мирзони интизорлик билан кутар, аммо кўнгли қандайдир бир фалокатни сезгандек безовта эди. Шундай безовта кунларнинг бирида ёмон туш кўрди.

...Тушида бундан ўн саккиз йил аввал тўсатдан оламдан кўз юмган тўнғич фарзанди Мухаммад Жаҳонгирни кўрди.

...бирданига унинг ёнида Умаршайх пайдо бўлди.



...иккала ўгли ҳам оппок либосда эдилар.

...иккала ўгли ҳам етти-саккиз ёшарли пайтларидаги киёфада эдилар.

...у олисдан туриб нималарнидир гапираётган ўғиллари томон чопа бошлади, аммо у етиб бормасдан ўғиллари оппок кушларга айланиб учиб кетдилар.

Ваҳима аралаш уйғонди-ю, кўрган туши нимага ишора эканини сезгандек, юрагида каттик оғриқ пайдо бўлди.

Бир неча кун ўтар-ўтмай оталик сезгиси уни алдамагани маълум бўлди — тўнғич Жаҳонгир ўлимидан сўнг бош ўғил бўлиб қолган суюкли Умаршайх мирзо Хармату қалъаси яқинида ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди. Соҳибқирон бу мудҳиш хабарни эшитгач, ичидан эзилиб йиғлади, аммо кўз ёшлари ичига окди. Илло, у душман билан юзма-юз турган амирлари олдида, таслим бўлишни истамай жанг қилаётган душманлари қаршисида кўз ёшларини ошқор этмади. Зеро, боболар: «Душманинг олдида қон тупурма!» деганларини у унутмаган эди.

Кун бўйи ҳузурига ҳеч кимни йўлатмай ёлғиз ўтирди. Бир пасда ранг-рўйи қорайиб кетгандек, кўзлари чўккандек, бутун мадори вужудини тарк этгандек бўлди. Чодир оғзига орқа ўгирганча, ерга кўз тикиб ўтираркан, бутун дунё унга бегона эди. Кўз ўнгидан эса даҳшатли бир манзара такрор-такрор ўтарди.

...Умаршайх икки тарафида баланд тоғлар юксалган тор дарадан ўтиб бормокда. Ўғлининг нигоҳи тоғ устида ўрнашган қалъага тушди.

Шу кичкина қалъани кўришинг шартмиди, Умаршайх?! Уни кўрмасдан ўтиб кетсанг бўлмасмиди, Умаршайх?!

Ана, ўғли отининг жиловини кескин тортиб, тўхтати-да, ерга сакраб тушди. Сўнг қалъани яқиндан кўрмок ниятида тошдан-тошга сакраб, тепага ўрлади.

Ана, қалъа девори устида бир шарпа пайдо бўлди. Амир Темур аниқ кўрди: қурд башараси қоп-қора, кўзлари совуқ бир кимса эди. У қонсиз лабини қимтиб, кичик кўзларини қалъага яқинлашиб келаётган одамдан узмасди. Қўлида қамон. Жун босган бармоқлари қамонни маҳкам сиқиб турибди.

Ана, ўғли улкан қоятош устига чиқиб тўхтади, бир муддат қалъага тикилди. Сўнг тор дарадан дарё каби оқиб келаётган аскарларига қарата қўлини кўтарди. Қўшин, тўғонга дуч келган дарёдек, ҳаракатдан тўхта-

ди. Қадди-комати келишган, кўркув нималигини билмаган ўғли, кўзининг қораси юрагининг пораси Умаршайх қоятош четида гуллаб турган дўланага яқинлашиб, унинг гулларини хидлай бошлади.

Курд эса пастдаги одам қалъани қўлга киритишга аҳд қилганини англади. У секин бошини кўтариб, орадаги масофани нигоҳи билан ўлчади. Унинг оки деярли билинмайдиган кўзлари пастдаги одамга маҳкам қаралди. Сўнг камонни кўтарганча қалъа деворидан ошириб мўлжалга олди. Унинг юраги дукуллаб ура бошлади. Бу безовта дукуллашни Амир Темур эшитгандай бўлди.

Курд пастдаги одамни узок нишонда тутди, кейин ўзидан-ўзи чўчиб, камонни пастга туширди. Аммо қоятошдаги одам кафтда турган олмадек яққол кўриниб турганидан завқи келдими, ёки қулай пайтни бой бермаслик учунми, яна девор оша камонни тўғрилади. Ўқ «шув» этиб учди.

Ана, Умаршайх қулоғига таниш товушни эшитди, ялт этиб қалъа томонга қаради. Аммо ўша лаҳза шувиллаб келган ўқ унинг чап қўлтиғининг остига санчилди. Бирдан бутун вужуди сулайиб, пастга оғиб бораркан, оҳиста қайрилиб, иягини сийпалаганча бир дам чайқалиб туриб қолди. Лабидан қон сизиб, хириллаган овозда пастдан шитоб билан кўтарилиб келаётган одамларни ёрдамга чақиргандек бўлди. Сўнг бирдан ёнидаги қиличини суғуриб олди-ю, қалъа томонга ўқталди. Аммо бутун куввати бу шиддатга сарф бўлгандек, қўлидан қиличи тушиб кетди. Энгашиб уни олмоқчи бўлди-ю, пастга оғди. Тош устида ётаркан, заиф бармоқлари билан қилич дастасини ушлади, жонҳолатда чираниб турмоқчи бўлди. Чаккаларидан қуюлиб оққан тердан кўз олди қоронғилашди. Амаллаб, қиличига таяниб, тиззага турди, лабларидан силқиётган қон кўкрагига, тош устига томаётганини кўриб, қилич тутган қўллари бўшашди, «гурс» этиб ерга қулади...

Мотамзада ота бирдан, худди туш кўраётгандек, йиқилган ўғли томон чопиб бораётгандек бўлди. У аламдан чайқалиб-чайқалиб, товуш чикармай бўзлар, хаёлида эса оёғи ерга ёпишиб қолгандай, фарзанди қошига ҳеч етиб бўлмайдигандай, худди бўшлиқда қотиб қолгандай сезарди ўзини.

Бутун вужуди музлагандек бир алфозда йиқилган ўғли устига етиб келди. Дунё ғойиб бўлди, унинг ўрнига фақат қонсиз бир чехра қолди. Ота кўзларига ишон-

май букчайди ва ердан конга беланган ўгли жасадини кўтарди, сўнг уни бағрига босганча оркасига тисарилди. Шунда жон бераётган ўглининг кўзларида суюкли хотини Туркон Ўлжойни кўргандай бўлди.

— Ўғлимни асрай олмадингиз-ку, бегим?! Сиздан умидим шулмиди, султоним?! — дегандек мунгли термиларди Туркон Ўлжой.

Бу аламли сўзларни эшитиб, изтиробдан қар бўлиб қолган ота қулоғи очилгандай бўлди ва дунё шовқинга тўлди. Юмилган кўзлари ҳам очилди-ю, кўрган воқеалари рўё эканини англади. Ташқарида Мордин учун бораётган жангу жадал сурони эшитиларди. Ота шахид фарзандининг жасади ҳали олисда эканини фахмлади. Фахмлади-ю, рўёдан айрилгиси келмагандек, яна кўзларини юмди.

Амир Темур ўглининг ўлимини ғойибдан тасаввур қилар экан, фарзандининг сўнгги лаҳза осмонга армон билан тикилган кўзларини кўриб турарди. Бу кўзларда олис Самарқанд боғлари, Кўҳак чечаклари, Сиёб мавжлари, Кеш тоғлари акс этиб тургандай эди.

Сохибқирон ортиқ ўзини тўхтатолмади, ўқириб йиғлаб юборди, кўз ёшлари чеккасидан дув-дув оқаркан, изтироб билан бўзлади:

— Ўғлим, Умарим, жигарбандим!..

Эртаси куни унинг хузурига чақирилган арқони давлат Сохибқироннинг сочлари тамом оқарганини кўрдилар. Содик амирлар унга ҳамдардлик билдириб, ўз жойларини эгаллашар, ҳамманинг боши эгик эди. Мавлоно Абдулжаббор Самарқандий шахид кетган Умаршайх мирзо руҳига Қуръон тиловат қилди. Бутун маросим давомида сукут сақлаган Амир Темур амирларга руҳсат бериш олдидан қатъий овозда буюрди:

— Мордин бугундан қолмай олинсун! Тамом, боринглар!

Ҳам алам, ҳам қаҳру ғазаб билан айтилган бу буйруқни бажариш имконсиз эканини ҳамма, шу жумладан, ҳукмдорнинг ўзи ҳам биларди. Қалъага кун бўйи тирмашган қўшин барибир унинг деворларидан ошиб ўтолмади. Эртаси куни ҳам самарасиз ўтди.

Амир Темур одатдагидек шаҳар этагидаги тепаликда туриб, жанг боришини кузатарди. Тепаликдан чор атрофгина эмас, Мордин шаҳри ўртасидаги қоятош устида юксалиб турган ал-Бозз қалъаси ҳам, дарахтлар билан қопланган ҳовлилар, кимсасиз кўчалар, шаҳар деворларига ҳар икки томондан мўру-малахдай

ёпишган бесанок одамлар кўзга яккол кўринарди. Соҳибқирон шаҳарга яқинлашиб келаётган, раҳматлик фарзанди Форсдан бошлаб чиққан, аммо манзилга йўлбошчисиз етиб келган кўшин оёғи остидан кўтарилган чангу тўзонни ҳам шу ерда туриб илғади. У отларнинг туёқлари, навкарлар оёқлари остидан кўтарилган чанг кўкка ўрлаб, сўнг оҳиста майсаларга, яшил япроқларга, кизиган тошларга инишини бир лаҳза кўз ўнгига жонлангирди-да, яна шаҳар томонга ўгирилди.

Бир пасдан кейин Соҳибқирон пастга тушиб, отига минди. У оппоқ тулпорини жануб томонга бошлади. Анча масофадан кейин узокдан келаётган кўшин бошдан-оёк кўриниб турган дўнгликка чиқди. Амир Темур арғумок жиловини тортиб, бепоён даланинг орқа-олди-га, адирлар оралаб жой танлаб, бўлиниб кетаётган кўшиннинг бош-охирига кўз ташлади. Уйқусизлик ва ғам-ҳасратдан кўзлари қонталаш, ранг-рўйи оқарган, чарчокдан сийрак ажинлари куюқлашган чехраси сўнгги кунлар ичида биринчи марта ёришди.

Кўшимча куч етиб келгач, уч кунлик хордиқ ва тараддуд тугаб, қалъага ҳужум бошлаш учун кўшинлар охирини кўз илғамас сафга тизилди. Қамалдагилар ҳам ваҳима ичида бу манзарани кузатар эканлар, сўнгги беомон жанг муҳлати яқинлигини англаб, саросимага тушдилар. Бутун шаҳар тўрт томонга ёйилиб тизилган аскарлар билан ўраб олинди.

Амир Темур хали чодирда ўтирар, амирлари, фарзанду набираларига сўнгги фармойишлар бериш билан банд эди. Худди шу ҳол устида унга Султониядан чопар келгани ҳақида хабар бердилар. Уст-бошини чанг босган чопар — алп келбатли найман йигит югуриб кирди ва тиз чўкиб, таъзим қилди. Кейин бошини кўтармай, қўлидаги ўрам қилиб ипак боғич билан боғланган мактубни икки қўллаб боши узра кўтарди. Фармондорлардан бири мактубни олиб, соҳибқирон қўлига топширди. Темур ипак боғич узра босилган Сароймулк-хоним муҳрини таниди. «Илойим, тинчлик-омонлик бўлсун!» — деган ўй билан муҳрини бузиб, ипак боғични ечди. Сўнг мактубни ёйиб, унга кўз ташлади, сония ўтмай чехраси ёришди, кўзларида қувонч жимирлади. Савлатли қоматини тиклаб хитоб қилди:

— Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!

Ҳузурида ўтирганлар шодлик сабабини билиш мақсадида донг қотдилар. Амир Темур тахтдан орқарокда ўтирган ўғил-набиралари томонга қаради. Кўзи Шох-

руҳ мирзога тушиши билан бош ирғаб уни ёнига чорлади. Ўғлига мактуб бераркан:

— Ўқинг, мирзо! — деди.

Шоҳруҳ мирзо мактубни ўқиб тугатмасданок юзига табассум жилваланиб, бош кўтариб отасига қараб кўйди.

Амир Темур озғин, аммо ҳали бакувват қўлини ўғли елкасига қўяр экан:

— Фарзанд муборак бўлсун, ўғлим! — деди, сўнг даврадагиларга хотиржам кўз ташлади ва қувонч сирини очди:

— Аллоҳ таоло инояти ила мубоҳий фарзандимиз Шоҳруҳ мирзо фарзандлиғ бўлубдурлар. Аллоҳга шукрлар бўлсун!

Тўрт томондан Аллоҳга мадҳу сано билан муборакбод ёғилди. Соҳибкирон эшик оғасига қараган эди, унинг ҳар бир нигоҳини англайдиган кекса барлос бир пасда сарупо билан бир сипар олтин қўйилган лаълини кўтариб кирди. Салтанатнинг бош фармондорларидан бири амир Худойдод сарупони олиб, чопар елкасига ташлади, олтинни устидан сочди. Тангаларни териб олган чопар қайта-қайта таъзим қиларкан, тисарилиб чиқиб кетаётган Шоҳруҳ мирзонинг завқи жўшиб, ёнидаги бир сиким олтинни эшик томонга қараб сочди. Ўша лаҳза отасига бу қилиғи ёкмаганини сезиб, нима қилишини биямай, бориб ўрнига ўтирди. Амирзодалар тўнғич ўғил билан ёш отани қутлай бошладилар. Шоҳруҳ мирзони яна қувонч ўз оғушига олди.

Янги меҳмон шарофати билан амирларга ҳам тортиқлар берилди. Кечагина мотам кайфияти ҳукмрон қароргоҳда шодиёна янгради.

Шоҳруҳ мирзо отасидан ўғлига ном қўйишни сўрагиси келди, аммо, нима дейишни билмади. Ниҳоят:

— Падари бузрукворимдан фарзандимга дуо тилайман, — деб гап бошлади-ю, тили қотди.

— Ўғлим, — деди Амир Темур, — Сизга Аллоҳ таоло фарзанд ато қилган экан, шунинг ўзи улуг дуодир!

Сўнг ўғли ундан нимани тилаётганини сезгандек, сўради:

— Мирзо, фарзандингиз исмини не деб қўюрмиз?

Даврадагилар бирдан жим қолдилар. Соҳибкирон бир дам ўйга ботгач, Шоҳруҳ мирзога кўз тикиб, мамнун товуш билан айтди:

— Мушфиқ Аллоҳ таолога ҳамд бўлсунким, фарзанди аржуманд исмини раҳматли отамиз шарафига

Мухаммад Тарағай деб кўйдук. Ул ҳам жойи жаннатда бўлгур бобонгиздек улуғ бек бўлсун!

Тўрт тарафдан:

— Улуғбек бўлсин, омин!

— Улуғ бек бўлсун, омин! Аллоҳу акбар! — деган хитоблар янгради.

Набира таваллуди мотамзада бобонинг ғазабини эритди — Мордин устига бошланажак хужум тўхта-тилди. Амир Темур ўша кунлик Мордин устига халқининг молу жонидан кечгани, бироқ кўп навқарларининг нобуд бўлишига сабабчи амир Мажидиддин Исои ҳокимиятдан четлатиб, шаҳар ва вилоят ихтиёрини амирнинг иниси бўлмиш Султон Солиҳга ўтказгани ҳақида ол-тамға босилган ёрлик жўнатди. Кўп ўтмасдан шаҳар дарвозалари очилиб, амир Султон Солиҳ бошлиқ ақобиру ашрафлар Турон султони-нига келиб юкундилар. Улар Соҳибқиронни янги туғилган меҳмон билан қутлаб, Мордин ахли номидан пешкашлар қилдилар.

Шундан сўнг кўшин кўнган кўз илғамас яланг-ликда, қароргоҳда сон-саноксиз қозонлар остига ўт ёқилиб, катта тўй-томоша бошланди. Мордин аҳолиси ҳам қирғиндан қутулганига ишониб, бу омонлик сабабчиси бўлмиш янги меҳмон исмини тилдан кўймасдилар. Ҳар бир гулхан атрофида, ҳар бир чодирда, ҳар бир майдонда Мухаммад Тарағай шарафига тилаклар айтилиб, Соҳибқирон тилидан учган ният қайта-қайта янгради:

— Илоҳим, улуғ бек бўлсун! Омин! Аллоҳу акбар!

— Илоҳим, улуғ бек бўлсун! Омин! Аллоҳу акбар!

...Тахти олийда ўтирган Амир Темур тўсатдан малика Сароймулкхоним мактубини келтиришларини талаб қилди. Мактубни очиб, қайта-қайта ўқиб чиқар экан, кўзи намланди, киприклари пирпиради, аммо бўғзига тикилиб келган вовайлони ичига ютар экан, маҳзунҳол шивирлади:

— Эй, Аллоҳ, ҳукмингга шукрлар бўлсун!..

Уни ҳайрату ҳасратга солган нарса мактубда қайд этилган невараси туғилган сана эди. Мактубга биноан Мухаммад Тарағай жумодулаввал ойининг ўн тўққизинчи кунидан дунёга келган. Агар бу ҳақиқат бўлса... Агар мактубда тўғри ёзилган бўлса... Бирдан Амир Темурнинг нафаси қисилди... Ахир, айнан мана шу

санада кўзининг қораси, нуридийдаси Умаршайх ўлдирилган эди-ку!..

Бир куннинг ўзида Аллоҳ таоло ҳам фарзандидан жудо, ҳам набира ато қилганини англаган Соҳибқирон бу кароматдан ҳайратга тушди. Наҳотки, Қодир эгам бир кўли билан ўғлидан айирган, иккинчи кўли билан набира берган бўлса?!

Чор атрофда давом этаётган тўю-томоша шовқини Амир Темур қулоғига бегона эди. У чуқур ўйга ботган, кўзлари маҳзун эди. Аллоҳ каромати олдида ақли ожиз эди. Кейин бирдан Парвардигор нобуд бўлган Умаршайх ўрнига Муҳаммад Тарағайни берганига имон келтирди, каромат эгасига шукроналар айтди. Қўнғлида ҳали кўрмаган мурғак гўдакка бекиёс меҳр уйғонди. Набираси чехрасини тасаввур қилишга уринди, аммо кўз ўнгида Умаршайхнинг болалик чехраси кўринди, холос...

### 1394 — 1395 ЙИЛЛАР, УҒРУК, САМАРҚАНДГА ҚАЙТИШ

Султония, Боғи Чинорон. Ражаб ойининг биринчи куни Гавҳаршодбегим фарзандининг чилласи чиқди. Шу муносабат билан уғрук аҳли тўю-томошага ҳозирлик бошлади. Чилла тугаши садақасига Сароймулхоним мушкулкушод ўқиттирди. Ўша куни қирк кулча ёпдилар, уларни авлиёлару муқаддас мазорларга тарқатдилар.

Сароймулхоним қайчи билан чақалоқнинг кўли билан оёғига киндиги тушган куни боғланган ипларни кеса туриб:

— *Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!*

*Умринг узун бўлсун,*

*Рисқинг фузун бўлсун,*

*Қадаминг қутлуғ бўлсун,*

*Мартабанг улуг бўлсун!..* — деб яхши ниятлар қилди.

Мулозималарнинг бири исирик тутаттириб, давра қуриб ўтирган маликалар, бегимлару хонимлар, уларнинг биқинларига текилиб, мунчок кўзларини жовдиратиб ўтирган болалар бошлари узра айланттириб чиқди. Кейин янги меҳмон билан Гавҳаршодбегим атрофини бир неча дафъа айланди. Ғир-ғир эсиб турган шамол исирик исини айвондан бутун боғга тарқатарди.

Уғрук онабошиси Сароймулкхоним рахбарлигида чақалокка янги либос кийгизилди. Либослар кийдирилкан, малика яна айтим айтди:

— *Кийим тўзсун,  
Болам ўссун,  
Ёқаси хатли бўлсун,  
Этаги қутлу бўлсун!..*

Кийим кийдирилгач, кўғирчокдек ясанган чақалокни даврадаги энг ёши улуг аёл — Амир Темурнинг эшик оғасининг хотини олдига олиб бордилар. Барлос кампир номи билан машхур етмишдан ўтиб, саксонни қоралаган кампир кўрманага олиб келган сарупони гўдак устига охиста кўяркан, яккам-дуккам тиши қолган оғзини очиб, дуо айтди:

— *Сан қирқ кунлик,  
Ман минг йиллик,  
Бу эскириб оқ бўлсун,  
Балолар йироқ бўлсун!..*

Маликалар Туман оғо, Чўлпонмулк оғо ҳам янги меҳмонга қимматбаҳо матолардан тикилган сарупо-тортиқ килдилар. Уғрукдаги аёл зоти борки, ҳаммаси ўзига яраша кўрмана билан келган эди. Гавҳаршодбегим эрталабдан пешингача совғаларни қабул қилиш билан банд бўлди.

Пешин намозидан сўнг Сароймулкхоним чақалокни кўтариб, боғнинг мағриб томонидаги эски девор томон юрди. Чақалокнинг заифрок туғилганидан ташвишланган малика Боғи Чинороннинг қирқ йиллик деворида бир туйнук очтириб, болани ундан ўтказиб олишни ният қилган, бугун шу ниятини амалга оширмоқчи эди. Болани туйнукдан ўтказиб бўлгач, бир кўли билан чақалокни бағрига босиб, иккинчи кўли билан мулози-ма кўтариб турган лаълидан бир ҳовуч буғдойни олиб:

— *Кушлар есин донини;*

*Дуо қилсин жонини!..* — деб сочиб юборди. Сокин боғни маскан этган кушлар «гурр» этиб ерга қўндилар.

Тасодифми ёки маросим шарофатими, худди ўша куни Амир Темур ҳузуридан ёш меҳмонга, Гавҳаршодбегимга ва уғрукдаги маликаларга тенги йўқ тортиқлар билан чақалокнинг тоғаси — эндигина мўйлаби



сабза ура бошлаган Муҳаммад Сўфи тархон етиб келди. У совғалар билан баробар Амир Темур мактубини Сароймулкхонимга топширди. Соҳибқирон ўз мактубида туғилган набирасига Муҳаммад Тарағай деб ном қўйганини, Аллоҳдан куну тун унга омонлик тилаётганини маълум қилган эди.

Муҳаммад Сўфи тархон Муҳаммад Тарағай шарафига амир Соҳибқирон берган тўю-томоша хакида гапириб бераркан, жахонгир бобо тилидан учган ният туфайли бутун қўшин, омон колган Мордин аҳолисининг етти ёшаридан етмиш ёшаригача янги меҳмонни шарафлаб «Улуғбек» деб мадх этаётганини қайта-қайта таъкидлади.

— Аҳли қўшин Амир Соҳибқирон хазратлари ниятлари туфайли Муҳаммад Тарағайга «Улуғбек» деб лакаб қўймишлар, — деб ҳикоясини яқунлади кўзлари гул-гул яшнаган Муҳаммад Сўфи тархон.

Соҳибқирон эрининг нияти, Муҳаммад Сўфининг завкли ҳикояси сабаб бўлдими, ўша кундан бошлаб Сароймулкхоним ёш меҳмонни «Улуғбек» деб эркалай бошлади. Бора-бора, чакалок ўсгани сайин, деярли ҳамма гўдакни Улуғбек деб аташга кўникиб қолди. Онаси Гавҳаршодбегим ҳам оналик меҳри қўзғаганда, ўғлининг қулимсираб турган юзига қараб: «Улуғбегим, кадами қутлуғ бегим!» — деб суйинарди.

Мордин аҳолисига омонлик берган Амир Темур шаҳарнинг собиқ ҳокими Мажидиддин Исони Султонияга тутқун этиб юборгач, юришни давом эттириб, Диёрбакирга бостириб борди. Сўнг Ван қўлининг жанубидаги Олабоғда қўним топди. Шу ердан Шаркий Онадўлининг турли шаҳарларини фатҳ этмоқ учун аскар жўнатиб, ўзи Ушкилисага келди. Бу манзилда Арзинжон мулкининг амири Мутаххартин Амир Темур ҳузурига келиб итоат билдирди.

Худди ўша кунлари Соҳибқирон Мисрдан дахшатли хабар олди: мамлуқлар султони Барқук у юборган элчиларни қатл этибди. Элчини ўлдириш номардлик ва кўрқувдан нишона эди. Бу машъум воқеадан огоҳ бўлган Амир Темур Миср мамлуқлари тасарруфидаги Бағдод устига қўшин тортишга қарор қилди. Бу урушга ҳозирлик пайтида Сивас-Қайсария ҳукмдори Қози Бурхониддин ташаббуси билан султон Барқук, усмонлилар ҳукмдори Боязит Йилдирим унга қарши иттифок тузганларини билди. У иттифокчилар бирлашиб ҳаракат қилишларининг олдини олиш мақсадида Арзирумга

бостириб борди. Аммо бу ерда яна бир совук гапни етказдилар: мағрибдаги уч иттифокчи Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан алоқа ўрнатиб, ҳамкорлик қилишга хоннинг розилигини олган эмишлар. Бир пайтлар Амир Темур кўмагида тахтни қўлга киритган кўрнамак Тўхтамиш орқадан зарба бериш тараддудида эмиш.

Бу нохуш хабарни эшитган Амир Темур икки ўт орасида қолиши мумкинлигини англаб, юришни тўхтатди. Кетма-кет Тўхтамиш Гуржистон орқали хужум қилармиш, деган маълумот етди-ю, Соҳибкирон шошиғич Гуржистону Арманистон устига юрди. Жуда қиска вақт ичида ҳар икки ўлкани забт этди. Аммо олган маълумоти ёлгон чикди: Тўхтамиш ҳамон Олтин Ўрта худудида турарди. Хавф йўқлигини билганидан сўнг Амир Темур қишлоқ учун Кура дарёсининг икки ўзани оралиғида жойлашган Маҳмудободга йўл олди. Бу шаҳарни элхонийлардан бўлмиш Маҳмуд Ҳозонхон асос солган эди. Маҳмудободда тўхтаган Амир Темур Султонядаги уғрукни хузурига чорлади.

Ҳаракатга келган уғрук Ардабил ва Ганжа шаҳарлари орқали ўтиб куз бошларида манзилга етди. Йўлда Шоҳруҳ мирзонинг бошка хотинидан ҳам ўғил туғилди. Бу қувончли хабар ва уғруқнинг яқинлашиб қолганидан огоҳ Амир Темур улкан тўй беришга ҳозирлик кўришни буюрди. Қўшнабира шарафига бериладиган тўй хабари чор-атрофга тарқалди. Соҳибкирон итоатидаги мулк ҳукмдорлари тўйга яраша совға-салом ҳозирлашга киришдилар, унинг душманлари эса хужумни кутавериб ваҳимадан толиққан юракларига хордиқ беришни ўйладилар. Елғиз Тўхтамишгина қулай фурсат етганини англади.

Ниҳоят уғрук манзилга етиб келди. Сароймулкхоним бошлиқ маликалар Улуғбек билан Шоҳруҳ мирзонинг ҳали исм қўйилмаган иккинчи ўғлини кўтариб қирганларида Амир Темурнинг толиққан чехраси ёришиб кетди. Сароймулкхоним эрининг оқариб кетган сочларини кўриб, юраги «жиз» этиб қўйганини сизди. Сўнг ўзига пешвоз юриб келаётган Соҳибкирон кўзидаги шодликни илғаб, юзига бекиёс табассум ёйилди.

— Қайси бирлари Мухаммад Тарағайдур? — деди Амир Темур, сўнг соғ қўли билан «Тўхтаг, ўзим то-пай!» дегандек ишора қилди-ю, бу орада ҳар икки на-бирани икки қўлтиғида кўтариб олишга улгурган Са-роймулкхоним қўлидаги гўдақлар юзига тикилди. Ни-

хоят Маликанинг ўнг кўлтиғидаги болани кўлига оларкан:

— Мана бизнинг азиз фарзандимиз Муҳаммад Тарағай! — деди.

Малика эрига қараб «Топдингиз!» дегандек жилмайиб турарди. Соҳибкирон кўлидаги гўдакка тикиларкан, унинг чехрасида ўзининг таниш аломатларини кўриб хайратланарди. Боланинг кош-кўзи отасига, лаблари онасига, юзининг чўзинчоклиги эса бобокало-ни Муҳаммад Тарағайга меиғзарди. «Билиб ном кўйган эканман!» — деб фахрланди ичида Соҳибкирон. Аммо гўдак кўзларидаги жилваланиб турган ўт набирасига ўзидан ўтганини у билмас эди. Кўздаги ўт юракдаги нурнинг жилваланишидан нишона.

— Аржуманд фарзандингизни улуғлаб ният қилганингиздан мутаасир бўлдук, ани ниятингиз шарафига Улуғбек деб чақиринишга кўникдик, — деди Сароймулкхоним.

— Яхши ният — ярим давлат! — деди Амир Темур жиддий. — Қолгон ярим давлатни анга ўзингиз берурсиз, токим биз кексайгонда суюнчигимиз бўлсун!

Эрининг сўзларини эшитиб, Улуғбек мирзо тарбияси ўзига топширилганини фахмлаган Сароймулкхоним таъзим қиларкан:

— Бош устига, султоним! — деди.

Қайнотасининг сўзларини эшитган Гавҳаршодбегим бир дақиқа ваҳима ичида қолди. Аммо чурк этиб бир нарса айтишга ихтиёрсиз эди.

Амир Темур қаерга юруш қилмасин, хотинлари-ю набираларини бирга олиб кетарди. Бундан кўзлаган биринчи муроди набиралари суюгини жангу жадаллар, узоқ ва машаққатли йўлларда чиниқтириш бўлса, иккинчи максоди набиралар ўз волидалари кўл остида тарбиялансалар, эрка ва тантик бўлиб улғаядилар, деган фикрдан келиб чиқиб, уларни оналарнинг ортикча меҳру мухаббатларидан асраш эди. Илло, асалнинг кўпи зарар, меъёрда бўлса фойдали бўлишини мозий билимдонлари кўп нақл этганлар.

— Менинг фарзандларим эрка бўлмаслиги керак! — дерди Амир Темур. — Аларни эркалайдиган ер жанггоху майдон бўлсун. Аргумок ила қилич аларнинг жонажон дўсти, жанг-жадал, юриш аларнинг устозидур!

Мана шу ниятда жаҳонгир набиралар тарбиясини окила Малика зиммасига юклатган эди. Сароймулкхо-



ним хон қизи эмасми, мурғакликдан ҳукмфармолик ва баҳодирликдан сабоқ олган. Қолаверса, бу хотини му- дом Соҳибкироннинг ёнида ҳамроҳ. Хуллас кўзланган икки мақсад бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлгани- дан маликалари набиралар ўрнашган уғрук кўшин ортидан узилмай йўл босади.

Соҳибкирон иккинчи набирасига Иброҳим Султон деб ном берди. Сўнг маликалар ва келинлари, наби- ра-ю чеваралари билан кўришиб, бир бошдан ҳар би- рининг ҳол-аҳволини суриштирди. Шохруҳ мирзонинг фарзанд кўрган хотинларини муборакбод этаркан, ҳар бирига кабутар тухумидек келадиган марварид тортик қилди. Ниҳоят Сароймулкхонимдан бошқа ҳаммага жавоб берилди.

Амир Темур анча вақтгача Султонияда ва йўл давомида рўй берган воқеаларни, набиралари, келин- лари соғлиғини суриштирди. Улуғбекнинг заифроқли- гини пайқаганини ҳам айтишни унутмади.

— Тўй-томошадан сўнг Қорабоққа кўчурмиз. Ин- шооллох, у ернинг обу ҳавоси анга шифо бўлғай.

Жаҳонгир об-ҳавони ўзгартириш инсон вужудига, айниқса, ўсаётган бола ривожига таъсир қилишини яхши биларди. Қачонлардир бир санада туғилган ўғил- лари Муҳаммад Жаҳонгир мирзо билан Умаршайх мирзо табиатида бу таъсирни ўзи кўрган. Ўшанда у Ҳисор томонга юриш қилган ва ўзи билан бирга Умаршайх мирзони олиб кетган эди. Кўхсор ҳавоси ёқдими, бир ой ичида Умаршайхнинг бўйи ўшанда роппа-роса бир қаричга ўсган, Шаҳрисабзда қолган Жаҳонгир мирзода эса ўзгариш йўқ эди.

Кейин Соҳибкирон Сароймулкхонимга Мордин, Ди- ёрбақир, Гуржистону Арманистон жанглари ҳақида ҳикоя қиларкан, кўнглини безовта килаётган нарсалар- ни ҳам Маликадан яширмади. Анча вақт раҳматли Умаршайхни эсга олиб, маҳзунлик қилди. Сухбат охи- ри яна набиралар устига кўчди:

— Гавҳаршодбегим инжиқ хотун, — деди Соҳибқи- рон, — шул сабабдин Улуғбек мирзо тарбиясини сизга инондик. Аммо, Иброҳим Султонни ҳам ўз паноҳингиз- га олсангиз янада аъло иш бўлур эрди. Илло, алар болаликдан биродарликларини билиб улғайсунлар, бир-бирларига ёт бўлмасунлар. Ҳар иккисини тенг кў- рунг, бирига ортикча айтғон бир сўзунгиз эртага ора- ларига жар солмасун. Шундоқ тарбия берингким, алар

сўзунгизни кулоклари ила эмас, юраклари ила фаҳмла-  
сунлар.

Улар ярим тунгача суҳбатлашдилар. Нихоят, Амир Темур маликани кузатиб ташқарига чикди. Хотини билан хайрлашиб, оркага қайтаркан, кўзи кўкда ғуж-ғон ўйнаган юлдузларга тушди-ю, тўхтади қолди. Со-хибкироннинг энг яхши кўрган машғулоти шатранжу илми нужум — юлдузлар илми эди. Ахир, у чексиз саҳролар қўйнида хору зор адашиб юрган пайтларида йўл топиб берган, бегона юртларда жангу жадал қилганида манзили вақтни айтиб берадиган шу юлдузлар эмасми?!

Унинг юлдуз илмига бўлган ҳаваси волидаси Такина Хотун болалигида совға қилган китоб билан боғлиқ. Волидаси бухоролик машҳур фикҳшунослар хонадонидан бўлиб, унинг катта бобоси, бобоси ва ота ўз замонасининг оқил ва олим кишилари эдилар. Узок изланишлардан сўнг тарих битикларидан бу хонадоннинг уч вакили ҳақида қуйидагиларни аниқладик:

1. Шамсиддин Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорий. Буюк фикҳ олими бўлган бу зот замондошлари томонидан «Садр уш-Шариъа ал-Аввал», «Садр ус-Шариъа ал-Акбар» каби фаҳрли куняларга лойиқ топилган. Ҳаёти ҳақида батафсил маълумот йўқ. Маълумки, у «Талҳихул укул фи фурукаин нукул вал усул» номли асар ёзган. Муаррихлар уни XIII асрда яшаган деб кўрсатадилар.

2. Маҳмуд ибн Аҳмад Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорий. «Тож уш-Шариъа» деб ном олган бу зот ҳам отаси каби фикҳшунос эди. Ҳаёти ҳақида тўла маълумот йўқ. Вафот қилган деб турли йилларни кўрсатадилар. Кўпчилик муаррихлар XIV асрнинг 30-40-йилларида деб ҳисоблайдилар. «Ал-Викоятир ривоят фи масаилул-Ҳидоя» ёки қисқача «ал-Викоя», «ал-Мухтор», «Канз уд дақоик», «Мажмаул-Баҳрайн» каби асарларнинг муллифи саналади. «ал-Викоя» Ханафия мазҳабида «Мутуни арбаъ» деб айтилган тўрт мўътабар китобнинг бири ҳисобланган.

3. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ал-Маҳбубий ал-Бухорий. Отаси ва бобоси каби ўз даврининг машҳур фикҳшунос олими бўлган бу зотни замондошлари «Садр уш-Шариъа ас-Соний», «Садр ус-Шариъа ал-Асғар» деб улуғлаганлар. Бобоси ва отасидан сабоқ олган Убайдуллоҳнинг ақли ва нақли фикҳ илми ва усулида уламо назарида мақбулу маш-

хур бўлган. Ҳижрий 747 (1345 — 1346) йилда вафот қилган.

Садр уш-Шариъа ас-Соний «ат-Танқиҳ ва шарҳи ат-Тавдиҳ фи ҳолли гавамид ут-Танқиҳ», «Шарҳи ул-Викоя», «ан-Никоя» асарларининг муаллифи эди. Сўнгги асар отасининг «ал-Викоя» китобининг мухтасар баёни эди. Садр уш-Шариъа ас-Соний — Такина Хотуннинг отаси эди. Волидаси берган китоб ҳам мана шу зотнинг фалакшуносликка оид «Таъадил ал-ҳайъат ал-афлок» номи китоби бўлиб, она уни ўғлига бобосидан ёдгорлик сифатида тақдим этган эди. Ўшанда Темур ўн олти-ўн етти яшар эди. Китоб осмон ёриткичлари ҳолати акс эттирилган чизгилар билан безатилган бўлиб, у икки-уч ўқигани билан ҳеч нимани англамади. Фақат бир неча йилдан кейин, унгача бошқа китобларни ўқигани учун, бобоси ёзган китобни ўқиб, мағзини чакди. Ўша китоб ҳозирга қадар унинг ёнида юради. У бирдан «Улуғбек улғайса унга, албатта, бу китобни совға қиламан» деб ўйлади-ю, шу китоб ҳаққи, бобосини эслаб, дуога оғиз очди.

Тунги осмонга ўйчан тикилиб турган Соҳибкирон йиллар ўтиб китобни набирасига совға қилишини билса-да, Улуғбек улғайиб, фалаку юлдуз илмига хавас кўйиши, Самарқандда етти иклимда тенги йўқ расад тиклаши, бу расад қошида кутубхона барпо этиб, у ерда бобосининг бобоси ёзган китобни машҳур хаттот Ибодуллоҳ Боязид ибн Ҳасан ан-Нисавий томонидан кўчиртириб, умрининг охиригача эхтиром билан асрашидан беҳабар эди.

Соҳибкирон юлдузли осмонга тикилар экан, яна набираларини эсга олди. Кўнгли юмшади, аммо ўша захоти «Қаридим, шекилли!» — деган ўй кўнглидан ўтди. Бу икки набираси қай юлдуз остида туғилган экан? Келажакда уларнинг қисматида нелар ёзуклик экан? Боболари тузган салтанат шон-шавкатини оламга ёйишга ярармикинлар, ёки Умаршайху Жаҳонгир мирзо каби эрта хазон бўладиларми? Буларни ёлғиз Тангри билади, одамлар қисмати ҳақида сўйлагувчи юлдузларни ҳам шу Парвардигор яратган. Шундай экан инсоннинг саодати ҳам, бахтсизлиги ҳам юлдузлар ҳолати, уларнинг вазияти, бир-бирига муносабатига эмас, балки инсонни ва юлдузни яратган Аллоҳ таоло измига боғлиқдур.

Ўғруқ манзилга етганида Шохруҳ мирзо сафарда эди. У отасининг амри билан Қорабоққа — кишлов

учун жой ҳозирлаётган навкарлар ишини назорат қилишга юборилган эди. Уғруқнинг манзилга етгани ҳақида эшитиб, Маҳмудободга қайтган Шохруҳ мирзо Соҳибқирон хузурига киргач, шоша-пиша тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида ахборот берган бўлди. Жаҳонгир узоқ йўл босиб келган фарзанди юзига тикиларкан, ўғлининг хаёли бошқа ерда эканлигини англади. Бироз ранжиса ҳам индамади. Зеро, Умаршайх мирзо ўлиmidан сўнг унинг бор умиди шу кенжа ўғлига боғланиб қолган. Бундан бир ярим-икки йилча бурун шу ўғли уни муқаррар ўлимдан сақлаб қолгани ҳам ёдида.

Ўшанда Потил деган жойда Форс ҳукмдори Шох Мансур билан бағоят қаттиқ жанг бўлган эди. Бутун молу мулки, орзую умидларидан айрилаётганини сезган Шох Мансур учун бу ҳаёт-мамот жанги бўлди. Жанг энг авжига чиққан паллада Форс ҳукмдори ўз суворийлари билан Туркистон қўшини сафларини иккига бўлиб ташлади. Туронликлар томонидан отилган қалин ўқ галалари форс суворийларини тўхтатишга ожиз қолди. Ёғийлар қилич ўйнатиб, ўқ узиб, найза санчиб, устма-уст ҳамлалар билан уларнинг йўлини тўсишга бўлган ҳар бир уринишни боса-боса, олға силжиб келардилар. Амир Темур атрофини қуршаб олган баҳодирлар гоҳ қилич, гоҳ найза ишлатиб, душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатишларига қарамай, бир тўда форс отликлари яқинлашиб қолган эдилар. Боз устига Соҳибқирон турган дўнгликнинг бир тарафи тўсатдан очик қолди. Бу ҳолни сезган Шох Мансур арслонкор шиддат билан дуч келган одамни икки томонга ирғитиб, соҳибқирон ёнига етиб борди. Турон султони бор-йўғи тўрт-беш навкар билан бирга қолган эди.

Одамлар жасадлари билан тўла майдонда эгасиз отлар, эгарлари кийшайган, жиловлари оёқларига ўралган ҳолда, кўзларини даҳшатдан чақчайтириб, пароканда кезардилар. Бундан олдин узоқ вақт хасталанган Амир Темур ҳали яккама-якка жанг қилгудек ҳолатда эмас эди. Аммо у душманига орқа ўғирмади — қиличини яланғочлаб, Шох Мансур томонга отилди. Форс суворийлари Соҳибқиронни энди ўртага оламин, деб турганларида ўн олти яшар Шохруҳ мирзо отасига кўмакка келди. У рақиб зарбасидан эс-хушини йўқотиб қочмоқ пайида бўлган навкарларни қайириб, ёғий суворийлари йўлини тўсди. Еш мирзонинг шиддати олдида ожиз қолган форсийлар орқага чекиндилар. Шохруҳ



саросимада колган Шох Мансур билан бетма-бет килич чопкилашаркан, пайт пойлаб ракибининг бикинига киличини санчди. Шох Мансурнинг оғзидан кони келиб, отдан ағдарилиб тушди. Ўша лаҳза амирзода ёнида турган навкарлар сапчиб тушиб, жон бераётган форс амирининг бошини танасидан жудо қилди. Шохруҳ мирзо кесилган бошни отаси оёғи остига ирғитаркан, кўзлари чакнаб: «Хамма душманларингизнинг бошлари отингизнинг туёқлари остига мана шундай тушсин!» — дея ҳайкирган эди...

Ҳозир кенжа ўғлининг Қорабоғдаги ахвол ҳақида берган ахборотини тинглаб экан, узок суриштириб, тўнғич фарзандларини кўришга ошиқиб турган Шохруҳ мирзони кийнашни истамади. Қисқа савол-жавобдан кейин жавоб берди. Елғиз колгач, хаёлга ботди. Форс юриши пайтида рўй берган Шайх Хофизиддин Шерозий исмли муғомбир шоир билан бўлган учрашувини эслади.

Ўшанда Шерозни кўлга киритган Амир Темур ер тагидан бўлса ҳам Хофизни топиб, ҳузурига олиб келишни буюрди. Соҳибкирон назарида иззат-ҳурмат топган Сайид Зайнулобиддин Гунободий шоирни топиб келишни ўз зиммасига олди. Илло, у шайхнинг муриди эди.

Кўп вақт ўтмай сайид ўз муршидини Амир Темурга рўпара қилди. Турон султони қаримсик, факирона кийинган шоирга узок қараб турди. Бечора шоир рангрўйи оқариб, қисматига нималар битилганини билмоқчидек, бесаранжом ахволда бош эгиб турарди. Ниҳоят, Амир Темур бир пайтлар ғазабига сабаб бўлган сатрларни, уларнинг муаллифини ҳам ҳайратга солганча, гўзал кироат билан ўкиди:

*Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро...*

Орада суқунат чўқди. Тинчликни яна Соҳибкирон бузди:

— Эй, Хофиз, менинг кимлигимни биласанму?

Шоир таъзим билан жавоб қилди:

— Сизким, Турронзамин султони, Соҳибкирон Амир Темурсиз!

Амир Темур юз-киёфасини ўзгартирмай айтди:

— Нафақат Турон, Эрон ҳам бизга тобедур!

Бу сўзларни тинглаб, Хофиз бир неча кун аввал одамлардан эшитган гапни эслади. Эмишким, Тус олинган куни Амир Темур Эрону Турон жангларига

бағишланган «Шохнома»ни ёзган Фирдавсийнинг мозори устига бориб шундай деган эмиш: «Қалқ, эй Фирдавсий! Қалқ-да, мағлуб Турон шавкатини энди кўр!»

Хофиз хавотир билан гапнинг давомини кутди. Амир Темур кўп куттирмади:

— Мен Самарқанду Бухорони маъмур этаман, рўйи заминнинг бемонанд шаҳарларига айлантираман деб етти иқлимни зир титратсаму сен аларни бир қора холга бахшида қиласанму?

• Хофизнинг зехни тез, фикри чаккон эди. У ўша заҳоти уст-бошини кўрсатиб, жавоб килди:

— Султони олам, мана шу ўйламай-нетмай бахшида қилаверганимдан шундай аҳволга тушдим-да!

Амир Темур бу сўзларни эшитиб, кулиб юборишдан ўзини зўрға тийди. Ичида шоирнинг топқирлигига таҳсин ўкиди. Сўнг қаршисида ўз жавобига бериладиган муносиб баҳони кутиб, бош эгиб турган Хофиздан кўз узиб, Сайид Гунободийга қаради. У Соҳибқироннинг амрини кутиб таъзимда эгилди.

— Шоирга лойиқ вазифа топингиз, мундай фақирликда қолмасун! — деди Амир Темур.

Ҳозир бу воқеани эслаган Соҳибқирон юзида мамнунлик зоҳир эди. Гарчи Амир Темур умрида фақат бир марта, амир Ҳусайнга мактуб ёзаётганда, тўсатдан, ўз-ўзидан қуюлиб келган байтни битган бўлса-да, назмни нозик фаҳмлар, шеър ўқиганда бу санъатнинг усталари ҳам ҳайрат бармоғини тишлар эдилар. Жаҳонгир қалам аҳлини мудом қўллаб-қувватлар, улар яратган китоблар келажак наслларга салтанатининг қудрати ва шавкатидан хабар етказишларини фаҳмларди. Мана шу фикрга кўра, у жаҳонгирлик фақат жангу жадал ё бузғунчилик эмас, билъақс нотинч ўлкаларни бирлаштириб обод этиш, эл-улус манфаати учун зарур хайрли бинолар тиклаш, донишманду шоирларга кўмак бериш, илму фанни ривожлантириш деб англади. У кўзлаган мақсад молу мулк тўплаш эмас, балки уларни юрт ва улус равнаки учун сарфлаш эди. Илло, шоир Гургоний айтганидек:

*Бу дунёда Сосоний, Сомонийлар тўплаган*

*Шунча мулку неъматдан нима қолди бу замон?!*

*Ва лекин Рўдакийнинг қасида-ю мадҳлари,*

*Ҳамда Борбад қўшиғи яшаб келмоқда ҳамон!*

Шу сабабдан ҳам у забт этган мулкларни обод

килиш билан машғул бўлар, умрибоқий иморатлар тиклар, ижод аҳлига саховат кўрсатарди...

Шохрух мирзо ўзига тегишли ўтовга отилиб кираркан, янги меҳмон исини — сўт исини сизди. Оппок мато устида ётган ўғли ёнида, эрининг келганидан аллақачонлар хабар топган ёш она — ўн олти яшар Гавҳаршодбегим ўтирарди. У қувонч ва хижолатдан кипкизариб эрига пешвоз турган эди, қўлидаги билакузуклар жаранглаб кетди.

— Қийналмай етиб келдингизму, Гавҳар? — деди Шохрух мирзо суюкли хотинига меҳр билан тикилиб. Сўнг жавоб кутмай, ўғлини қўлига олди. Гўдакнинг қўлтиғидан кўтариб, оёқларидан ўлди, тўйиб-тўйиб искади.

Шохрух мирзонинг кела солиб болага ёпишганини кўриб, Гавҳаршодбегимнинг инжиклиги тутди.

— Бизни унутдингизму, амирим, — деди у ўпкаланган оҳангда. — Хол сўрайсизу тингламайсиз. Қўзум ёригунча озмунча азоб кўрдумму, ахир!

Тўнғич ўғлини бағрига босган Шохрух мирзо хотинига каради. Шу пайтда ўзига фарзанд инъом этган Гавҳаршодбегимнинг инжиклиги ҳам унга ёкарди. У хотинига жилмаяркан:

— Кўрган азобларингиз эвазиға, бизға ўғил инъом қилганингиз эвазиға кўнглингиз тилаганини айтинг, берай! Аммо нима тиламанг, нима бермайин, барчаси фарзандимиз олдида арзимас бўлишин ҳам билурмен! — деди.

Кўп ўтмай Амир Темур набиралари таваллуди ва зафарли юришлар шарафига тўю-томоша бошлади. Атроф карнай-сурнай, кўпкарига тушган йнгитлар кийкириғи-ю, бесаранжом отлар кишнаши, курашгир полвонларни ўраб олган давралар бакирик-чакириғи, болакайларнинг кий-чувига тўлди. Тўй қарийб қирк кун давом этди. Куз охирларида, тўй ўчоқларининг кули совиб улгурмасдан бутун қўшин ва уғрук Қорабоғ томонга отланди.

Қорабоғда киш деярли сезилмасди. Теварақдаги юксак тоғлар унинг ўтлоқларини кишнинг совук нафасидан омон саклайди. Яшиллик мангу тарк этмайди. Амир Темур ҳар галгидек тоққа яқин ўтлоқда ўтов тикди.

Амир Темур Қорабоғнинг сокин ва салқин кечала-

рини яхши кўрарди. Бундай кечаларда иссиқ чакмон кийиб олган Соҳибкирон вақтини бирор шеърӣ баёзни мутолаа қилиш, шатранж суриш ёки қиссахонини ҳузурига чорлаб, мозийнинг ибратли ҳикоятларини тинглаш билан ўтказарди.

Аммо бу гал бутун куз давомида унинг кўнгли хавотир ичида бўлди. Тўхтамишнинг ҳарбий юришга хозирлик кўраётганини билгач, хавотири баттар кучайди. Амир Темур ўтоваридаги хонтахта устига ёйиб қўйилган харитага тикиларкан, хаёлан Олтин Ўрда, Ок Ўрда, Жата, Форсу Шом, Руму Миср мулкларида юзага келган вазиятни кўз ўнгидан ўтказарди. Бу мулкларнинг ҳар бир қаричи унга яхши таниш, моҳир харитачилар бу ўлкалардаги тоғу даралар, ўрмону тўқайзорлар, дашту далаларни, улардан ўтишга қулай йўлларни, бу йўллардаги ҳар бир рабату қудукни хариталарга аниқ кайд этганлар. Соҳибкирон нигоҳи гоҳ Баҳри Ҳазар теvaraги, гоҳ Дашти Қипчоқ сарҳадларига қадалар, у ерларда бошланган воқеалар тадрижини ўзича мушоҳада қилар, гоҳ нигоҳи дорулсалтанат Самарқанд томонга ўтар, унинг йўқлигида Мовароуннаҳрда нималар содир бўлаётгани ҳақида айғокчилар етказган хабарларни ўйларди. Ягона мақсади ўзига қарши иттифок тузган мамлуклар султони Барқук, Сивас ҳукмдори Бурхониддин, усмонли турклар султони Йилдирим Боязид ва Олтин Ўрда хони Тўхтамиш қандай ҳаракат бошлашларини билиш эди. Амир Темур Олтин Ўрданинг ҳарбий имкониятларидан яхши хабардор — иттифокчилар орасида ёлғиз Тўхтамишхонгина энг кўп сонли қўшин тўплашга қодирлигини у билади. Шу сабабдан ҳам Соҳибкирон ўзи бокиб катта қилган бўривачча — Тўхтамишни бир ёқлик қилмагунича мағрибга юришдан фойда ва натижа бўлмаслигини англади. Амир Темур кўктамга чикиб Олтин Ўрдага уруш очишни ўйлади.

Далъ ойининг бошларида етиб келган хабар унинг режасини бузиб юборди: Тўхтамишхон Дарбанд орқали ўтиб, Ширвоннинг шаҳар-кишлоқларини талаётган эмиш. Аммо Амир Темур қўшин тортиб чиқишга шошилмади. У энг аввал маликалару набираларни Самарқандга жўнатишга қарор қилди. Ҳузурига Шоҳрух миззони чорлади. Унга Мовароуннаҳрга қайтадиган уғрукни қузатиб боришни топширар экан, тайинлади:

— Уғлим, илдам, жадал юринг. Баттол Тўхтамиш қилчдан кўра хийлаю фитна ила жанг қилмоқни

маъкул билур. Шул сабабдин Дашти Қипчокдаги баъзи ишонган одамларига суяниб гавфо бошламоғи эҳтимолдан холи эмас. Хоразму Ок Ҷрда сархадлари мудом ҳушёр нигоҳингиз остида бўлсун. Фарғонадаги қўшинлар мудом шай турсинлар!

Шоҳруҳ мирзо отаси Тўхтамишнинг Мовароуннаҳрга бостириб киришидан хавотирланаётганини фаҳмлади. Унинг кўз ўнгида қотмадан келган, укки кўзли, иягида сийрак сарғимтир туклар тиккайиб турган, мушукдай чаккон Олтин Ҷрда хонининг қиёфаси гавдаланди.

Тўхтамиш Ок Ҷрдадаги ҳукмрон сулоланинг кўзга кўринган вакили — чингиззода Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли, Тўйхўжа эса шаҳзода Қутлуғхўжанинг фарзанди эди. Тўйхўжа Ок Ҷрда ҳукмдори Ҷрисхон замонида Манғишлокнинг ҳоқими эди. Ҷрисхон тахтини мустаҳкамлаш учун курашаркан, Тўйхўжанинг йўлига тўғаноқ бўлишини англаб, уни қатл эттирди. Етим қолган ғайратли ва қобилиятли Тўхтамиш анча вақтгача отаси тақдирига дучор бўлишдан хавотирланиб юрди. Хижрий 777 — мелодий 1376 йили эса ҳаёти хавф остида қолганини англагач, Самарқандга қараб от қўйди. Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори Чу дарёсининг юкори қисмида жойлашган Қўчқор деган жойда жеталиклар билан уруш қилиб юрган пайтда унга, шаҳзода Тўхтамиш Ҷрисхоннинг таъкибидан қочиб, сенинг олдинга мадад ва паноҳ истаб келди, деб хабар келтирдилар.

Воқеалар тадрижини «**Олтин Ҷрда ва унинг қулаши**» китобини варақлаган ҳолда давом этамиз.

Ақлли ва узокни кўрадиган сиёсатчи бўлган Темур ҳар қанақасига Тўхтамишнинг кўнглини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш кераклигини жуда яхши тушунарди. Ҷрта Осиёнинг бўлиниб ётган ерларини ягона давлат қилиб бирлаштириш билан банд бўлган Темур Ок Ҷрданинг кучайиши натижасида келиб чиқадиган хавф-хатарни сезмаслиги мумкин эмасди. Бунинг устига, кучли Ок Ҷрданинг тўс-тўполонларга барҳам бериб, бутун Жўжи улусида ҳокимиятни ўз тасарруфига олиши мумкинлигини Темур яхши тушунарди. Қўшни бўлиб турган кучли ва қудратли икки ўрда — Ок Ҷрда билан Олтин Ҷрда Мовароуннаҳрни бирлаштириш ишига жуда хавф солиб турарди. Мана шунинг учун ҳам Амир Темур Ок Ҷрда ишларига ўз таъсирини ўтказиб, шу мақсадда у ерга ўз одамини қўймоқчи

бўлди. Ана шундай ният ва максадларни кўзда тутган Темур қочок шаҳзодани мумкин қадар яхшилаб кутиб олишни буюриб, ўзи эса Ўзган орқали Самарқандга жўнади. Бу ерда амирлар Темурга ёш шаҳзодани таништирдилар. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Темур Тўхтамишнинг ҳар томонлама кўнглини кўтарган, унга катта тортиқлар ҳадя қилган ва кўпдан-кўп олтин, чорва, чодирлар, зебу зийнатлар, кўшин, шунингдек, ҳокимият рамзи бўлган ноғора, байроқ ва қурол-яроғ берган. Шу билан бирга Темур Утрор, Сяғнок ва Савронни Тўхтамишга инъом қилди. Аммо, бу инъом этилган шаҳарларни қўлга олиш керак эди, чунки бу шаҳарлар Ок Ўрда тасарруфида эди.

Вазият эса қулай — Ўрисхон Ок Ўрда пойтахти Сяғнокда ўғли Қутлуғ Бугани қолдириб, ўзи Волга бўйига аскар тортиб кетган эди. Тўхтамиш Самарқанд ҳукмдори берган қўшин билан Ок Ўрдага бостириб кирди. Биринчи жангдаёқ Қутлуғ Буга ҳалок бўлди, аммо унинг ўлими Ок Ўрда қўшинининг қонини қайнатиб юборди ва шундан кейин Тўхтамиш тор-мор этилди. Жанг майдонидан қочиб келган шаҳзода яна Темурнинг паноҳидан жой топди. Тўхтамиш муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, лекин Темурнинг ундан кўнгли совумади. Мовароуннаҳр ҳукмдори Тўхтамишнинг иккинчи марта бутун керакли уруш анжомлари билан таъминлади ва унга янги, аввалгидан кўра, яна ҳам кучлироқ бўлган қўшин берди. Бу сафар Тўхтамишга қарши Ўрисхоннинг бошқа ўғли — Тўхтакия аскар тортиб чиқди. Тўхтамиш бу гал ҳам каттик шикаст еди. Шомий билан Яздий омадсиз Тўхтамишнинг бир ўлимдан қолганлиги тўғрисида жуда ажойиб воқеани ҳикоя қилдилар. Тор-мор қилинган Тўхтамишни қолган аскарлари ҳам ташлаб кетганларидан кейин у Сирдарё ёқасига қочиб борган ва устидаги кийимларини ечиб, нариги қирғоққа ўтиб олиш учун ўзини дарёга ташлаган. Тўхтакиянинг саркардаларидан бири бўлган Қозончи баходир Тўхтамишни қувлаб бориб, камондан унга қаратиб ўқ узган ва Тўхтамишнинг қўлидан ярадор қилган. Тўхтамиш зўр машаққатлар билан қирғоққа аранг чиқиб олиб буталар орасига кириб бекинган. Қутилмаганда Темур юборган Идику барлос деган одам ўша ерга яқин жойда бўлади. Темур бу мулозимини бирор кўнгилисиз воқеа юз бергудай бўлса, Тўхтамишга ёрдам бериш учун атайин юборган эди. Идику барлос буталар ичида инграган товушни

эшитиб, шу овоз чиккан томонга қараб юради ва Тўхтамишининг жуда аянчли ахволда ётганини кўради.

Шундай қилиб Тўхтамиш иккинчи марта ҳам Темур саройига шармандаи-шармисор бўлиб қайтди. Бирок Темур Ок Ўрдада ўз одами бўлиши кераклигини ниҳоятда истаганлигидан Тўхтамишга ҳеч қандай норозилик билдирмади. Тез орада Самарқандга, Темур хузурига иккинчи қочоқ — манғитлар қабиласидан бўлган Идику (рус солномасида Едигей) деган одам келди. Идику ҳам Тўхтамиш сингари Ўрисхондан қочиб келган эди. Ўрисхон Сирдарё ёқаларида юз бераётган ишлардан хабар топиб, ўз юртига қайтиб келди ва дарҳол Темур хузурига кетма-кет икки элчи юбориб, исёнкор Тўхтамишни унга тутиб беришни талаб қилди ва акс ҳолда уруш қиламан, деб дағдаға этди. Темур Ўрисхон талабини рад этди ва урушга тайёрлана бошлади.

Хар икки томоннинг қўшини хижрий 777 йилнинг кишида Сигноқ шаҳри яқинида бир-бирларига рўпара бўлдилар. Аммо жангчилар совукдан қўлларига қурол ушлай олмаганлари учун хар икки томон ҳам жанг бошламасликка қарор берди. Аммо Темур унча аҳамиятли бўлмаса ҳам, душманга қарши бир неча марта муваффақиятли ҳамлалар қилди. Шу киш Темур юртига қайтди ва Ок Ўрдани бўйсундириш ишини баҳорга қолдирди.

Хижрий 778 — милодий 1376 баҳорида Темур Ўрисхонга қарши яна жуда катта қўшин тортиб борди. Аммо уруш арафасида Ўрисхон оламдан ўтди. Ок Ўрда тахтига тўнғич шахзода Тўхтақия чикди, лекин тез орада у ҳам вафот қилди. Тахт Темурмалик қўлига ўтди. Темур қўмондонликни яна Тўхтамишга юклади. Тўхтамиш эса яна мағлубиятга учради. Темур шахсан совға қилган учқур от туфайли Тўхтамиш асир тушишдан ва Ок Ўрда хонининг қаҳр-ғазабига дучор бўлишдан қочиб қутулди. Темур бу сафар ҳам сабр қилди ва у Тўхтамишни Ок Ўрда тахтига хон қилиб ўтқозиш фикридан қайтмади. Бундан кейинги вазиятнинг ўзи Тўхтамишнинг омадини берди. Илло, Темурмалик ўғлон жиддий одам эмас эди, у кўп вақтини ишратпарастлик, ўйин-кулгу билан ўтказди, ичкиликка берилди ва шу туфайли бутун обрўсини йўқотди. Самарқандга Сигноқдан ва бошқа жойлардан, Ок Ўрдада Тўхтамиш тарафдорлари бўлган одамлар анчагина бор, деган хабарлар кела бошлади. Темур бу қулай вазиятни

хисобга олиб, Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, хижрий 778 йил охирида — мелодий 1377 йилнинг кўкламида тўртинчи марта Тўхтамишга қўшин бериб, Оқ Ўрда тахтини олиш учун юборди. Бу сафар Тўхтамиш ғалаба қилди ва ўзини Оқ Ўрда хони деб эълон этди. У Сиғнок, Саврон ва бошқа шаҳарларни босиб олди. У бир йил ичида идора қилиш ишларини тартибга солди. Оқ Ўрданинг энг нуфузли ва кучли вакиллари билан яхши муносабатлар ўрнатди ҳамда кўп сонли ва сараланган қўшин тўплади. Шундан кейин хижрий 779 йил — мелодий 1378 йил баҳорида Олтин Ўрда устига қўшин тортди ва тез орада Сарой Берка, Волганинг сўл қирғоғидаги бошқа шаҳарларни қўлга киритди.

Хар галги ҳарбий муваффақиятдан кейин Тўхтамишнинг улуғ Олтин Ўрда давлатини тиклашга бўлган умиди мустаҳкамланар, ҳар бир омад унда, жуда катта кучнинг эгасиман, деган қаттиқ ишонч туғдирарди. Амир Темурнинг мадади билан ҳамда унинг вассали бўлиб тахтда ўтирган Тўхтамиш Жўжи улусидаги асосий рақиби Мамайни тор-мор қилгандан ва Русиянинг катта қисми, Кримни ўз тасарруфига киритгандан кейин тез орада — хижрий 785 — мелодий 1383 йилда Хоразмда ўз номи билан пул зарб қилдиришдан кўрқмади. Темурнинг Хоразмни Мовароуннахрнинг бошқа ерларига қайтадан қўшиб олиш ниятлари Тўхтамишга яхши маълум эди, Темурнинг Хоразмда сўфийлар сулоласидан бўлган амирларни фақат вассал сифатида қўйиб қўйганини ҳам Тўхтамиш билмаслиги мумкин эмас эди. Шундай қилиб, Хоразм ишларига аралашш, у ерда ўз номи билан пул зарб қилдириш Тўхтамишнинг ўла-ўлгунча унутмаслиги керак бўлган ҳукмдор билан очикдан-очик алоқани узганлигини кўрсатарди.

Херман Вамбери ёзади: «Қуролининг муваффақияти билан сармаст юрган бу одам ўз хомийсига бўлган шукронани тез унутди. У жаҳонгирлик даъвосига тушди. 789 (1387) йили, яъни Темур Озарбайжонда бўлган пайтда Ҳазар денгизи соҳилидаги ғарбий вилоятларга тажовуз қилди. Темурнинг ўғли Мироншоҳ Кур дарёсининг бу томонига қараб унга қарши юрди. Тўхтамишнинг илғори енгилди, у кочди ва чекинди. Темур шу ҳолатда ҳам кенглик ва розилик аломатини кўрсатиб, «Ал фитнау нооиматун альъаноллоҳу лиман айқозаҳо» («Фитна бошлаган Аллоҳнинг лаънатиға учрайди»)



хадисни мулоҳазага олиб, у билан судх тузишга розилик берди».

Аммо, маккор ва кўрнамак Дашти Қипчоқ ҳукмдори бутунлай хиёнат йўлига ўтган эди. У Темурнинг Эронда юрганини ва Мовароуннаҳрда кучли кўшиннинг йўқлигини билиб катта кўшин билан икки давлат чегарасида жойлашган Савронга етиб келди. Саврон химоячилари шў қадар мардона жанг қилдиларки, Тўхтамиш ҳар қанча уринмасин, қалъани забт этолмади. Тўхтамишга қарши Андижондан Умаршайх мирзо бошлиқ кўшин етиб келгач, Ўтрор яқинида жанг бўлиб, бу тўқнашувда Умаршайх мағлуб бўлди ва Самарқандга қараб чекинди. Тўхтамиш учун бой ва обод мамлакатни талаш имконияти туғилди.

Олтин Ўрда хонининг бу босқини Мовароуннаҳр учун даҳшатли бўлди. Дастлаб Самарқандни қамал қилган Тўхтамиш бу ерда узок қолиб кетишини англаб, кўшинни Бухоро устига бошлади. Бирок Саврон сингари Бухорода ҳам у каттик қаршиликка дуч келди. Шаҳарни ололмаслигини сезган ёғий, у ердан жўнаб, эгасиз қолган Бухородан то Термизгача бўлган ерларни кўрага кириб қолган йиртқишлар галасидек қорат қилди. Қаршидан ғарб томонда жойлашган, бир пайтлар Сароймулкхонининг отаси, Чигатой улуси хони Қозонхон замонида юксалган Занжирсарой айникса, каттик зарар кўрди.

Бу ёвузлик хабари етганда Амир Темур Шерозда эди. Нохуш хабар уни саросимага солди: илло, Тўхтамиш унинг нафакат жаҳонгирлик режаларига, шу билан бирга, унинг асосий мақсади — Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштириш ҳаракатини ҳам жиддий хатар остига қолдирган эди. Тўхтамишнинг Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи билан тил бириктириб, янги зарбага хозирланаётгани бу хавфнинг исботи эди. Амир Темур Хоразмга кўшин тортди. Сулаймон Сўфи жанг қилишдан кўра, ҳаётини саклаб қолишни афзал кўриб, Тўхтамиш ҳузурига қочди.

Олдинги осон ғалабасидан сармаст Тўхтамиш жуда катта кўшин билан яна Мовароуннаҳр сарҳадларига яқинлашди. Икки лашкар Сирдарё ёқасида тўқнашди. Олтин Ўрда навкарлари Темур кўшини зарбасига дош беролмади ва мағлуб бўлиб қочди. Кейинги баҳорда яна ўртада жанг бўлди, яна Тўхтамиш шарманда аскарлари олдига тушиб қочди.

Херман Вамбери ёзади: «Лекин у (Темур) хануз

таскин топмаган, ғазаби сусаймаган эди. 793 (1391) йил кишида Темур хос ва мунтазам куролли лашкари билан Тўхтамишга қарши омонсиз жангга отланди. Жанубий Сибириянинг кимсасиз чўлларида олти ҳафта юрдилар. Унинг чўлдаги бу сафари қийинчиликлар ва захматлар билан тўла эдики, уни энг буюк тоғлардан ўтиш билан тенглаштириш мумкин. Чарчаган ва очикқан лашкар душманни узок вақт излади. Охир-оқибатда уни май ойида Ёйиқ (Ўрол) дарёсининг яшил сохилларига келиб топди. Жасур ва шонли суворийлар кураши бошланди. Ҳар икки кўшин уч кун мобайнида қахрамонлик билан жанг килдилар, ажойиб шижоат кўрсатдилар. Аммо Тўхтамиш ўз қариндошларининг хиёвати туфайли мағлуб этилди, озодликни қочишдан излашга мажбур бўлди. (Бу ерда Вамбери хатога йўл кўяди: Темур кўшини ҳозирги Самара вилоятида Черемшан дарёсининг Кундузча ирмоғи ёқасида Тўхтамиш лашкарига тўкнаш келади. 1391 йил 18 апрелда Турон султонининг шахсан ўзи етти гўлдан иборат кўшинини жангга бошлайди. Жанг ғоят қаттиқ бўлиб, гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келиб турган, лекин Тўхтамиш охири батамом тор-мор қилинган. — Х. Д.) Темур ўк тезлиги билан Русия ерлари томон таъкиб этиб, суриб ташлади ва Московга етиб борди».

Тарих илмида, Амир Темур Москвани забт этганми, йўқми, деган баҳс узок вақтдан бери давом этиб келмокда. Тарихни бузиб кўрсатишга мойил рус муаррихлари Темур Москва князи билан жанг қилишдан ҳадиксиради, деган бўлмағур гапни қайта-қайта айтишган. Ҳолбуки, Амир Темур шиддатини тўхтатадиган куч, Тўхтамишга малай бўлган Москва князлиги ёки бўлиниб-парчаланиб, бир-бири билан ер талашиб ётган бошқа рус князликлари у ёқда турсин, на Шарқда, на Оврупода мавжуд эди. Қолаверса, ўша пайтдаги ёғочдан тикланган Москва Самарқанддек улуғвор пойтахти бўлган, Шарқнинг ҳайбатли шаҳарларини кўрган Сохибкирон диққатини тартадиган даражада эмас эди. Ўша пайтдаги Москва Самарқанд ёки Бухоро эгаллаган ҳудуднинг ўндан бирига ҳам тўғри келмайдиган манзилни эгаллаган, кўрксиз, кашшоқ шаҳар эди. Боз устига Мовароуннаҳр ҳукмдори зафарли юриши натижасида шундай катта ўлжани қўлга киритган эдики, урушни давом эттириш салоҳиятсиз бир ҳаракат бўларди. Шунингдек, ўз даврининг билимдон кишиси

Амир Темур бу иқлим шароитини яхши билар, кахрли кишда Русияда жон саклаш мушкуллигидан хабардор эди. Хуллас, Вамбери ёзганидек, ўн бир ойлик сафардан кейин Темур жуда кўп асирлар, бисёр ғаниматлар ва шимолнинг жавохири билан ўз пойтахтига қайтди...

Аммо йиқилган курашга тўймас деганларидек, шундан кейин ҳам Тўхтамишнинг кўзи очилмади. У тагин куч тўплаб, Амир Темурдан ўч олмоқ пайида бўлди.

Мана, энди Миср мамлуклари ва усмонлилар султонлари билан тил бириктириб, уларнинг қутқусига учиб, Соҳибқирон итоатида бўлган Ширвон мулкига бостириб кирган эди.

Шохрух мирзо, отаси тайинлагандек, шиддат билан Самарқандга қараб йўл олди.

Уғрук хижрий 797 йил жумодуллавал ойининг еттинчи куни — мелодий 1395 йилнинг 28 февралда Самарқандга қараб йўлга тушди. Худди ўша куни Амир Темур кўшиннинг уруш анжомлари-ю, қурол-яроғларини кўздан кечириб чиқди. Кейин амирларга, кўшин бошлиқларига донг чиқарган баҳодирларга совғалар улашди ва ўз қароргоҳини жанговар ҳолатга кўчирди. Тез орада улкан кўшин ҳаракатга келди. Соҳибқирон йўлда кета туриб, уруш пайти қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилишини айтиб, Тўхтамиш хузурига ақлли ва тажрибали вазири Шамсиддин ал-Маликийни элчи килиб жўнатди. Амирлар уруш бошлашга қанчалик шошмасинлар, Амир Темур сабр билан душманнинг яна яқинроқ келишини ва жангни рақиби бошлашини кутиб турди. Сабрсиз амирларга эса шундай дерди: «Ов қопконга ўзи келиб тушгани маъкул. Уни излаб юрсанг, овлаш фурсати узокка чўзилади. Қари товук қарчиғайдан кўркмайди. Агар чигирткада кизил қанот ўсса, у ҳар кадамда ўзини қаргадан химоя қилади». Шу сўзлардан кейин ҳазилни ёктирмайдиган, аммо мутойиба қилиш пайти етганда, уни бой бермаган Амир Темур бош эгиб чиқиб кетаётган амирларига қарата сўз қотди:

— Худо хоҳласа бу гал албатта, Тўхтамишни тўхтамиш қилгаймиз!

Тўхтамишхон элчи Шамсиддин ал-Маликийни яхши кутиб олди, унга Соҳибқирон билан ярашмоқчи эканини айтди. Аммо эртаси куни ўз амирлари гапига учди-ю, ваъдасини бузди: Амир Темур шаънига номуносиб сўзлар битилган мактубни элчига топширди.

Элчи орқага қайтганда Амир Темур Албурс тоғига

якин жойда, Хазар денгизидан беш фарсахли масофадаги Самур дарёси водийсида ўрнашиб олган эди. Элчидан бўлиб ўтган воқеаларни билиб олгач, у қўшинни жанговар сафга тизди. Қўшиннинг сўл қаноти тоғ этагигача, ўнг қаноти эса денгиз сохилларигача бориб етди. Шу тарика туманбегилар, мингбошилару юзбошилар ўз навқарларини бошлаб йўлга тушдилар.

Мелодий 1395 йилнинг 15 апрелида Гори (Терек) дарёси воҳасида ўша замоннинг энг йирик жанглари-дан бири юз берди. Бу жангда нафакат Тўхтамишнинг, шу билан бирга бутун Олтин Ўрда давлатининг тақдир ҳал бўлди. Бу жангда ғалаба Амир Темур байроғи тарафига ўтди. Тўхтамиш енгилиб, Сибириянинг жанубий даштларига кочди. Ўша томонларда ному нишонсиз йўқолиб кетди.

Уғрук узок йўл босиб баҳор ўрталарида Самарқандга етиб келди. Бу орада Улуғбек мирзо аввал эмак-лашни, кейин тетапоя кадам ташлашни ўрганди. Йўлда Самарқанд хақидаги гап-сўзлар қулоғига қуйилаверганиданми, биринчи ўрганган сўзи «Самақа» бўлди. Унинг бу сўзини эшитиб юзи ёришган Сароймулкхоним урғук тўхтаган Дарғам ариғи ёқасидаги тепаликка набирасини кўтариб чикди. Тепага чиккач, олисда кўриниб турган шаҳарни кўрсатиб, болага гапирди:

— Ана, Самарқанд, болам! Худойимга минг қатла шукрки, ватанга етдик!

### **САМАРҚАНД. САРОЙМУЛҚХОНИМ. ХУРОСОН.**

Доруссалтанага етиб келган Сароймулкхоним билан Улуғбек Самарқанд шахрининг жанубидаги боғда яшадилар. Дарғам ариғи яқинида Соҳибкирон томонидан барпо этилган бу яшил гўша чинорлар кўплиги сабабли Боғи Чинор деб аталарди. Боғи Чинор Амир Темурнинг она юрти — Кеш шахрига борадиган йўл устида эди.

Соҳибкирон Сароймулкхонимни ўз никоҳига олганда, уни шу қадимий йўл билан Самарқандга олиб кайтган. Ўшанда Амир Темур ўттиз учга, Малика эса йигирма саккизга тўлган эди.

Сароймулкхоним Чигатой хонларидан бири — Қозонхоннинг қизи эди. Қозонхон эса амир Ясовурнинг ўғли эди. Бу амирнинг яна бир фарзанди, Қозонхоннинг отаси бўлмиш Халил ҳам тарихда ўз номини қолдирган. У кўпроқ Халил Ота номи билан, ҳазрати Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг устози бўлганлиги билан машҳур.

Сароймулкхоним беш ёшга тўлар-тўлмас унинг отаси амир Қазаған томонидан ўлдирилди. Кейин эса қотил амир уни набираси амир Хусайнга, хоннинг қизи деб, никоҳлаб берди. 1369 йилда эса Амир Темур Хусайнни Балхда қатл эттиргач, унинг ҳарамдаги хотинларни амирларига улашиб берди-ю, Сароймулкхонимни ўз никоҳига киритди. Малика Хусайндан ҳам, Соҳибқирондан ҳам фарзанд кўрмади. Хусайн бу ҳолни унинг юзига солиб, неча марта хўрлаган, аммо Темур унинг иззат-ҳурматини жойига қўйди, хотинлари орасида бош маликалигини ҳар бир ҳаракати билан зоҳир этди, фарзандсизлигини билдирмади.

Барибир фарзандсизлик доғи Сароймулкхонимга азоб берарди. Шу дард туфайли, Бибихоним деб иззатланган, салтанат бош маликаси бўлган бу хотин аслида муштипар ва ожиза эди. Кечалари ҳеч кимга билдирмай йиғлар, кўзидан оққан ёшлари ҳуснини буза олмаган ажинлар оралаб оқарди. Бояқишнинг юраги фарзанд меҳрини билмади, сийнаси гўдакнинг тамшаниб сут эмганларини сезмасдан қовжиради.

Аммо Соҳибқирон суюкли хотини изтиробларини билгандек, дастлаб унга бошқа хотинларидан туғилган фарзандлари, кейин набиралари тарбиясини топширди. Малика кўнглидаги фарзандга бўлган меҳр-муҳаббати, ушаламаган ниятлари кўпроқ набираларга насиб бўлди. Улар устида оналардан зиёда қуйиб-пишиб, ўргилиб-чеврилиб парвона бўларди. Кечалари уларнинг боши устида ўтирар экан, тимқора сочларини тарар ва алла айтар, юзларига тикилиб туғилмаган болаларини кўргандек бўлар, шу сабабдан набиралари дийдорига бутун вужуди ва барча сезгилари билан термулар, лекин барибир тўймас эди.

Малика тарбиялаган Шоҳруҳ, Халил Султонлар улғайиб, Соҳибқирон ёнида туриб жанг қилмоқдалар. Ҳар гал юриш бошланса, маликанинг ҳавотири ошади. Меҳри сингган бу шахзодалар дийдоридан абадий маҳрум бўлишдан, уларнинг бирор жанг-жадалда нобуд бўлишидан кўрқиб яшайди.

Мана, энди у Шоҳрух мирзонинг боласини тарбияламокда. Малика Улуғбекни жоғидан ортик кўрар, бир мурғак вужудининг ҳар бир томчи қонига, ҳар парча этига бору йўғини беришга тайёр эди. Ҳар окшом набирасини алла айтиб ухлатаркан, бола пишиллаб ухлаб қолишини кўриб ўрнидан кўзғалишдан олдин «Болажоним, сени ҳар қачон, ҳар балодан Худо ўз паноҳида сақласин!» деб дуо айтишни унутмасди.

Биби билан набира Самарқандда хотиржам яшаган бир пайтда Соҳибқирон жангу жадал ичидан чиқмади. У Тўхтамишхон билан жанг қилди. Олдинги лавҳамизда биз Тўхтамишхон енгилиб, Сибирия даштлари томонга қочгани ва ўша тарафларда ному нишонсиз йўқолиб кетгани ҳақида хикоя қилган эдик.

Шундан кейинги воқеалар хусусидаги хикоямизни Аббосқули оға Боқихоннинг «Гулистони Ирам» асарини варақлаган ҳолда тўхтаган жойидан давом этамиз.

Олтин Ўрда хони мағлубиятга учраб қочганидан сўнг Амир Темур Комари (Кума) дарёси соҳилида Терек жангида бошқаларга намуна бўлган навкарларига тортиқлар улашди. Сўнг яна шиддат билан душман қўшинини таъкиб қилишда давом этди. Қадим замонлардан Оқ Эдил (Итил) деб туркий ном билан аталган Волга дарёсига етиб боргач, Тўхтамишдан аввал Дашти Қипчоқ тахтида ўтирган Ўрисхон авлоди бўлмиш Темур Кутлуғни хон деб эълон қилди (Темур Кутлуғ хонлик тахтида 1395 — 1401 йиллар ўтирди). Шундан кейин Соҳибқирон қўшинини яна ҳаракатга келтирди. У жанубий Русиянинг Ока дарёсигача бўлган қисмини ғорат қилгач, қутилмаганда Қора денгиз томонга йўналди. Қисқа жангдан кейин Азоқ (Азов) шаҳрини забт этди. Черкеслар ерида ва Кавказда ҳам зафар туғини ўрнатгач, кишлоқ учун Комари дарёси воҳасига қайтди. Қиш ўртасида тўсатдан Ҳожи Тархон (Астрахан) шаҳрига ҳужум қилди, шу боришда Сарой Беркани ҳам қўлга киритди. Ниҳоят Амир Темур Доғистондаги бир қатор қалъаларни вайрон этиб, 1396 йилнинг баҳорида Ширвонга қайтди.

Энди тарихий солномаю-битиклар, кўҳна афсона ва ривоятларда сақланиб қолган Доғистон халқларининг Амир Темур ҳақидаги хикояларини эшитинг.

Амир Темур Терек ва Сулак дарёлари оралиғида яшовчи кўмикларни итоатга киритгач, Мичикич зами-

нидаги етти минг хонадондан иборат Алмак шахрига етди. Каттик жандан сўнг қалъани забт этди. У ердан хозиргача Темуршоҳ йўли деб аталадиган йўлдан Салатов тоғларини ошиб ўтиб, Берктов, Алхадтов, Чўбонтов ва Батмук қалъаларини қўлга киритди.

Кейин Қойсу, Сулак ва Ахатли дарёларини биринкетин кечиб ўтиб, етти-саккиз минг хонадонли Годар қалъасини камалга олди. Бу шаҳар қалъаси каттик мустаҳкамланганлиги ва уни забт этиш мушуқуллигини англаган Амир Темур ҳарбий хийла қўллади. У қалъадагилар билан музокара бошлади ва шаҳардаги оч аҳолига тарқатиш учун совға-салом тарзида жуда кўп сандиклар юборди. Аслида бу сандикларда унинг қуролланган жангчилари яширинган эдилар. Сандиклар қалъага киритилиши билан жанг бошланди ва сандиклардаги жангчилар кўмагида қалъа бир неча дақиқа ичида забт этилди.

Амир Темур яна олдинга ҳаракат бошлади... Қунларнинг бирида бир кўзи кўр Гобден исмли кўмик амири Соҳибқирон ҳузурига келди. У хўкиз устида кўр тўкиб ўтираркан, Амир Темурга шундай сўз қотди: «Мен — бир кўзи кўр Гобден сен — Буюк Темурдан сўрашга келдим. Сендек қудратли ҳукмдор бизларни ким деб ўйладинг? Бизнинг нимамиз борки, уни олиш учун биз билан жанг қиласан?!»

Унинг мардлиги, айтган сўзлари Амир Темурга маъқул тушди. У бир кўзли кўмик амирига забт этилган ерларнинг бир қисмини тортик қилди.

Амир Темурдан Кавказ мулкида қолган машҳур ёдгорликлардан бири «Гулистони Ирам» асари ёзилган ўтган асрнинг қирқинчи йилларигача, ундан кейин ҳам Оксоқ Темур хори деб аталган ва кўрғон-кўрғон шаклида Дарбанд шахридан бошланиб, Ўтамиш далаларигача, у ердан эса кўтарма шаклида Буноқ ва Тарков (Тарху) қалъалари ёқалаб ўтиб, Темурсуй (Амир Темур қудук қаздиргани учун шундай аталган) манзилигача ва Сулак дарёсидан ўтиб, Назрану Қорачойгача етиб борган тупроқдан кўтарилган ғовдир. Баъзиларнинг айтишича, Темур ғови нима мақсадда тиклангани номаълум, аммо шуниси ҳақиқатки, «Амир Темур бу ғов билан чегараларни белгилаган ва ёки ўз куч-қудратини намойиш этган», деб ёзади бу ғовлару кўрғонлар ҳақида «Боғи Ирам» муаллифи.

Биз бундай тупроқдан тикланган кўрғонлар ва ғовлар Ўзбекистонда, шунингдек, Марказий Осиёдаги

бошқа жумхуриятлар худудида ҳам борлигини яхши биламиз. Агар қимки Самарқанддан Бухорога бораётиб, йўлда кузатиб борса, бундай тепақўрғонларни кўплаб санаши мумкин. Тарихдан маълумки, Амир Темур бу қўрғонлардан ўзига хос хабар узатиш воситалари сифатида фойдаланган. Масалан, мамлакат сарҳадларида бирор бир хавф-хатар пайдо бўлгани маъна шу тупроққўрғонлар устида ёкилган гулханлар воситасида дорулсалтанага жуда қисқа муддат ичида етиб келган.

Муаррихларнинг гувоҳлик беришларича, хижрий 789 — мелодий 1396 йилнинг баҳорида Амир Темур Дарбанд қалъаси ва Кура дарёси ёқалаб Озарбайжон сари йўл босди. Бу сафарда унга Ширвон мулкининг ҳукмдори Шайх Иброҳим ҳамроҳлик қилди. Шайх Иброҳим бир йилча аввал Соҳибқирон ҳузурига келиб юкунган, итоатини билдирган эди.

Ибн Арабшоҳ ёзади: «(Шайх Иброҳимнинг) насаби подшоҳ Кисро Ануширвонга бориб боғланади. Унинг Абу Язид исмли қозиси бўлиб, Шайх Иброҳим давлатининг жами арконлари орасида унга яқинлиги билан бошқалардан устун турарди. У Шайх Иброҳим мамлакатининг дастури саналиб, унинг салтанати фалакиннинг қутби эди. Шайх Иброҳим Темур масаласида ҳам «Нима қилмоқ керак?» — деб ундан маслаҳат сўради: — «Унга бўйсунсинми ёки истехком курсинми, қочсинми ёки у билан урушсинми?» Абу Язид: «Қочиш ва баланд тоғларда қўрғон тикиб олиш, фикримча, энг ишончли ва мақбул йўлдир», — деб жавоб қилди. «Бу мақсадга мувофиқ фикр эмас, — деди Шайх Иброҳим. — Ўзим нажот топиб, раияларимни қийин кунларга ташлаб кетишим билан қиёмат кунида яратган Эгамга нима жавоб қиламан? Чунки мен улар ғамини ейдиган киши бўлиб, уларни қириб юборсам-а? Мен Темурга қарши муқотала бошлаб, уни ҳарбу зарб билан муқобил олишга азм қилмайман. Лекин тезда Темур ҳузурига бориб, амрига итоат билдириб, унга қуллуқ қиламан. Агар у мени ўз мартабамга қайтариб, вилоятимда қарор топирса, бу мен учун айни муддао ва кўзланган мақсад бўлади. Агар у менга азият бериб мартабамдан азл этса ёки мени ҳибсга солса ё қатл қилса, унда раия ўлим, талон-тарожъ ва асорат азобидан қутуладилар ва шунда Темур ўзи ихтиёр этган кишисини раия ва мамлакат устидан ҳоким қилиб қўяди». Кейин Шайх Иброҳим егулик, озиқ-овқатлар тўп-



лашларини буюриб, кўшинларига эса бўлиниб, таркалишларига рухсат этди. У ўз вилоятлари шаҳарларига зебу зийнат бериб безашларини, аҳолига эса хоҳ қуруқликда, хоҳ денгизда бўлсин, шинам ва кўркам кийиниб, хотиржам холда бир-бирларига ширин муомала қилишларини, минбарларда Темур исми билан хутба ўқитиб, динорлару дирхамларни унинг тамғаси-ю белгиси билан зарб этишларини амр қилди.

Шундан кейин Шайх Иброҳим армуғону хизматкорларини олиб, ширин кайфияту дадил қадам билан Темурга томон юзланди. У Темур хузурига етиб келгач, унинг олдида куллуқ қилиб, унга ҳадялар ва тухфалар, турли-туман ғаройибу ажойиб ашёлар тақдим этди. Ҳадя тақдим қилаётганда чигатойликларнинг одати шундай эдики, улар ҳадя тақдим қилинадиган кишининг ҳурмат ва эътиборини қозониш учун тухфанинг ҳар қайсисидан тўққизтадан тортиқ қилардилар. Шу сабабли Шайх Иброҳим ўзи тақдим қилган ҳадяларнинг ҳар қайси туридан тўққизтадан тортиқ қилди-ю, қулардан эса саккизта тақдим қилди. Шу сабабли тухфа қабул қилувчилар: «Тўққизинчи қул қани?» — деб сўрадилар. Шайх Иброҳим: «Тўққизинчи мен ўзим, қурбонман!» — деди. Бу хитоб Темурга ёқиб қолиб, Шайх Иброҳим унинг қалбидан юқори мартабани эгаллади ва у Шайх Иброҳимга: «Йўқ, сен менинг фарзандимсан ва ўша ерларда менинг халифам ва эътиמודли кишимсан», — деди. У Шайх Иброҳимга қимматбаҳо хилъатлар кийгизиб, ўз осойишталигига эришганидан мамнун ҳолатда уни ўз мамлакатига қайтарди».

Ағдам шаҳрига етгач, Қорабоғ ўтлоқларидан бирида бўлиб ўтган қурултойда Соҳибқирон Дарбанддан Бағдодгача, Ҳамадондан Мовароуннаҳр сарҳадларигача бўлган ерларни учинчи ўғли бўлмиш Мироншоҳга суюрғол этди. Бундан бироз олдинроқ, Ширвонда, Самур дарёси воҳасида туриб усмонли турклар султони Йилдирим Боязидга мактуб жўнатди. Бу мактубида Соҳибқирон ўз ниятини яшириб ўтирмади, очик-ойдин баён қилди. Мактубида Аллоҳнинг ёрдами ила Тўхтамиш мағлуб бўлганини билдиргандан кейин таҳдидона сўзлар билан бир йилча аввал Ироқи Ажамда бўлганида Шом тарафдаги мулклар ҳукмдорларига мактуб йўллагани, Миср мамлуклари султони Барқуққа армуғон ва элчилар жўнатгани, зоти паст султон эса Шайх

Сова бошчилигидаги бу элчиларни катл қилгани ҳақида гапириб, мана энди Дашти Қипчокда тартиб ўрнатиб бўлганидан кейин Шом ўлкалари устига юриш бошляжagini, хусусан Миср султони билан апоқчапоқ бўлган Қайсарий-Сивас мулки ҳукмдори Қози Бурхониддин Аҳмадга ўз ҳаддини кўрсатиб қўяжagini маълум қилган эди. Бу таҳдидда Султон Боязид агар бундан кейин ҳам Миср султони ва Сивас ҳукмдори билан дўстона муносабатни давом эттирса, у ҳам албатта жазоланажaгига ишора бор эди. Аммо Турон султони кўп йиллик юриш давомида зафарёб қўшини толиққанини, уни янги қувват билан кучайтириш лозимлигини яхши англагани учун Шом устига юришни кейинга сурди. Шу сабабдан қўшин Султония орқали Самарқандга қайтди. Бу орада 1396 йил ҳам охишлаб қолди.

Амир Темур Самарқандда бир йилдан ортиқ ўтиролмади. У ўз нигоҳини Хитой мулкига қаратган, куну тун ёлғизликда, баъзан набиралари Улуғбек мирзо-ю, Иброҳим Султонни тиззасига олганча, бўлажак юриш режасини тузиш билан овора эди. Шу мақсадда у хуфияларини ишга солиб, Хитой мулкидаги вазиятни ўрганди, харитачилар бўлажак юриш ўтадиган манзиллардаги ҳар бир масофанинг аниқ тарҳини қоғозга тушириш билан машғул бўлдилар. Махсус топширик олган амирзода Муҳаммад Султон бошлик бир гуруҳ амирлар Қошғар билан Хитойга оlib борадиган йўллар ёқасида истехкомлар қуриш ишларини назорат остига олдилар. Бобоси тахтига меросхўр — салтанат валиаҳди бўлмиш Муҳаммад Султон мирзо ғайрат билан юришга ҳозирлик бошлаган бир пайтда, унинг биродари амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир бутун режани бузиб қўйди.

Амир Темурнинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг кенжа ўғли бўлмиш Пирмуҳаммад Жаҳонгир 1392 йилда Қундуз, Бағлон, Қобул, Ғазни, Қандаҳор ва уларга тобе ерлар ҳокими этиб тайинланган эди. Мана шу шошқалок набираси ёшлик ғайратига алданиб (у энди ўн саккизга кирган эди), 1397 йилнинг эрта кўкламада Ҳиндистон сарҳадига бостириб кирди. У Сулаймон тоғлари этагида яшайдиган урушқоқ афғон қабилалари яшаган манзилларни бирин-кетин талағач, Синд дарёсидан ўтиб Дехли ҳукмдори Султон Маҳмудхонга тегишли Уча шаҳрини эгаллади, Мултон шаҳрини қамал этди. Қамал узок давом этди, бу орада Сул-

тон Махмудхон ҳам кўшин тўплаб Дехлидан чиқди. Бу ишлардан хабар топган Амир Темур жадаллик билан иш тутмаса, набираси кўп сонли Дехли кўшинидан мағлубиятга учраши, бу эса Сохибкироннинг чор атрофда тахликада қолган рақибларида Самарканд кучкудратига шубҳа уйғотиши, уларнинг бош кўтаришларига сабаб бўлиши мумкинлигини англади. У шошилинч чопар жўнатиб, Пирмухаммад Жаҳонгирни доруссалтананага чакирттирди. Набираси Самаркандга етиб келгунига қадар ўтган вақт ичида юзага келган вазиятни таҳлил этган Сохибкирон Хитой сафарини қолдириб, Ҳиндистон юришига тайёргарлик кўриш лозимлигига амин бўлди. Шундан кейин бўлиб ўтган қурултой ҳақида Амир Темур ўз тузукларида шундай хикоя қилади:

«Даставвал фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиб олиш учун уларга маслаҳат солдим. Амирзода Пирмухаммад Жаҳонгир: «Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз», — деди. Амирзода Муҳаммад Султон эса: «Ҳиндистонни оламизу бироқ бунга тўсиклар бор: биринчиси — дарёлар, иккинчиси — ўрмону тўқайлар, учинчиси — тўлик қуроқланган сипохийлар ва одамни ов қилувчи қутурган филлар кўп», — деди. Амирзода Султон Ҳусайн: «Агар Ҳиндистонни қўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», — деди. Амирзода Шохруҳ деди: «Мен туркларнинг қонунида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб, номларини атамай, лақаблари билан атайдилар: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — кайсар, Хитой ва Чин-Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини — хокон, Эрону Турон подшосини — шаҳаншоҳ, дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида жорий этиларди. Хозир Эрону Туронзамин бизнинг қўлимизда бўлгани учун Ҳиндистонни ҳам фатх этмоғимиз лозимдур». Амирлар эса: «Борингки, Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз асладан ажраб, тиллари хиндча бўлиб кетади», — дейишди. Мен эса Ҳиндистонга юриш учун химмат камарини белга боғлаганимдан ўз азму жазмимдан воз кечишни истамадим ва шундай жавоб қилдим: «Тангри таолога ўтинч билан мурожаат этайлик. Жанг қилиш ё қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, токи

Тангри таоло нени буюрса шунга амал қилгаймиз». Хаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Қуръони масжиддан фол очсам, ушбу улуг оят чикди: «Эй пайғамбар, кофирларга ва мунофиқларга карши жаҳд қилғил». Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб бергандан кейин, бошларини эгиб, жим бўлиб қолдилар. Уларнинг хомушлигидан дилим ранжиди. «Ўз-ўзимга кенгашиб, Хиндистонни забт этишга розилик бермаётган амирларни мансабларидан олиб, кўшинларини кутволларига топширмоқчи бўлдим. Лекин ўзим тарбиялаган кишилар бўлганликлари учун уларни хароб этишни истамадим. Гарчи улар юрагимни хар қанча қон қилган бўлсалар-да, уларга юмшоқлик, мулойимлик қилдим. Лекин охир-оқибатда менинг фикримга қўшилганларида, кўнглимда уларга нисбатан ғубор қолмади. Сўнгра қайтадан кенгаш чақириб, икболимиз хонаси — Хиндистонга карата қўл кўтариб, зафару фатх фотихасини ўқидим...»

Нихоят, 1398 йил эрға кўкламада Турон кўшини Қашқадарё воҳаси орқали ўтиб, Термизга яқин ерда Амударёга ташлангар солқўприк устидан Хуросон мулкига ўтди.

Амир Темур бу юришга малика Сароймулкхоним билан тўрт яшар Улуғбек мирзони ҳам бирга олиб кетди. Хиндистон юриши тарихини ёзган муаррих Фиёсиддин Али ушбу ҳолни шундай қайд этган эди: «Сафарда ўз замонасининг маҳди улёси, ўз асрининг Билкиси, барча жаҳон маликаларининг ҳимоячиси Бибихоним ҳам иштирок қилдилар, — илоҳи уларнинг шоншавкати барқ уриб, ифбатли хонимнинг шухратлари замину замонга ёйилғай. Жамики инсониятнинг музаффар шахзодаси, Аллоҳнинг нури, подшоҳнинг кўлидаги узуги, чексиз бахт-саодат хазинасининг лаъли дурафшони бўлмиш Улуғбек баходур ҳам катнашдилар, — унинг ҳукми ва шухрати фаровон бўлғай».

Мурғак амирзода илк марта Самарқанддан бошка шаҳарларни: бобоси туғилган Кешни, Термиз, Балх, Бадахшон, Хулм, Арханг Сарой, Самангон, Андароб каби шаҳру вилоятларни кўришга муваффақ бўлди. Тўрт ёшлик бўлишига қарамай аллақачон хат-саводи чикқан Улуғбек мирзонинг мурғак онги йўл давомида кўрган воқеаларни ўзича мушоҳада қиларди. Хар ўтган вақт, хар босиб ўтилган фарсах, унинг дунё ҳақидаги тасаввурини бойитарди.

Андаробга яқин бир манзилда ёш мирзо дахшатли

ва ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлди. Тунда Сохибқирон қароргоҳи ўрнашган ўтлоқ четидаги бир неча чодирга афғонлар ҳужум қилиб, жуда кўп кишининг ёстиғини қуритдилар. Бу ҳолдан қаттиқ ғазабланган Амир Темур қароргоҳ хавфсизлигига масъул амир ва навқарларни муносиб жазолагач, бир пора йигитларни юбориб, кўришиб турган тоғлар орасидаги афғон қалъасини забт этишни буюрди. «Улар ўт тишлаб келмагунча кўйманг!» — деб уқтирди ҳужумга отланганларги қаҳрдан юзи қизариб кетган Амир Темур.

Йигитлар эртаси куни қатта ўлжа ва кўп асирлар билан қайтдилар. Улар қайтган йўлнинг чанги босилмай, кетма-кет бир тўда афғон келаётганини кўрдилар. Гуруҳнинг озлигини кўриб турса-да, Амир Темур хушёр туришни буюрди. Аммо яқинлашиб қолган афғонлар бўйинларига қилич осиглик, ўт тишлаб келишаётганини кўргач, жаҳонгирнинг юзи ёришди. Афғонлар қароргоҳ четига яқинлашгач, баравар тиз чўкдилар. Навқарлар афғонларни чодир олдига бошлаб келдилар. Уларнинг ўт тишлаб туришлари Улуғбекнинг кулгисини кўзғади. Аммо бобосининг «ялт» этиб қараганини сезган бола ўзини тийди.

— Мана, келдилар, биз сизнинг молингизмиз деб келдилар, — деди Амир Темур асирларга қаҳрли тикилиб. — Афғоннинг одати шу: урушмоқдан ожиз бўлсалар, ғанимлари олдига ўт тишлаб келадилар. Бу «Биз сизнинг молингизмиз» деганлари эмиш.

Улуғбек афғонлар тўдасига тикилиб қараркан, чек-қадаги орик чолга ёпишиб, оғзида бир тутам ўт тишлаб турган, ўзига тенгдош болага кўзи тушди. У секин-аста юриб, болага яқинлашди. Унинг қаршисида тўхтагач, афғон бола қуралай кўзларини кўтарди. Қаршисидаги шохона кийинган амирзоданинг кулиб тургани афғон болага алам қилди шекилли, оғзида ўт, тилини чиқарди. Бу ҳолатни кузатиб турган Амир Темур юзида табассум пайдо бўлди. У набирасини чақирди:

— Улуғбек! Аларни сизга топширдим, хоҳласангиз ҳаммасини ўлдирғайсиз, хоҳласангиз озод этғайсиз!

Улуғбек хайрон қотиб қолди. У нима қилишини билмасди. Кейин ялт этиб, бобосиними, отасиними маҳкам ушлаб турган афғон болага қаради. Сўнг яна бобосига ўгириларкан пичирлади:

— Мен уларни озод қилсам... майлими?

— Ихтиёрингиз! Айтдим-ку, аларни сизга топширдим, деб!

Улуғбек бирдан четда турган мулозимга қараб буюрди:

— Сув келтириб, уларга ичир!

Мулозим сув келтиргач, Улуғбек косаларнинг бирини олиб, афғон болага тутди. Бола хапқириб ича бошлади. Нихоят ҳамма асирлар сув ичиб бўлгач, Улуғбек бобосига қаради:

— Бобожон, алар меҳмонимиз бўлдилар, меҳмонни ўлдириш фазлу қарам аҳлининг расми эмасдур.

Тўрт яшар боладан чиққан бу гапни эшитган Соҳибқирон бир муддат донг қотди. Сўнг набирасининг фаросатига қойил қолиб, «давом эт» дегандек бош силкиди.

— Мен аларни озод қилдим! — деди овозини баландроқ чиқариб Улуғбек.

Асирлар ёнида турган кўрбоши Соҳибқиронга қаради. Амир Темур «Бажар!» дегандек, ишора қилгач, кўрбоши афғонларга яқинлашиб, нималарнидир айтиб бақирди. Афғонлар ўринларидан турдилар, аммо нимадандир ҳайқиқиб қотиб туравердилар. Соҳибқирон ёнида турган амирга буюрди:

— Бориб айт, набирам Улуғбек мирзо алар гуноҳини авф этиб, озод қилди! Аммо, бу ёғига эҳтиёт бўлсунлар, мабодо яна ёғийлик ила кўлимга тушсалар, набирам эмас, тақдирларини ўзим ҳал қилгайман. Ўт тишлаб келгонларига ҳам қараб ўтирмайман!

Амир югуриб бориб, афғонларга сўз уқтира кетди. Афғонлар дам Амир Темурга, дам Улуғбек томонга қараб, бир пас эсанкираб турдилар-да, бирдан баравар тиз чўкиб, бошларини ерга қўйдилар. Сўнг ўринларидан туриб кета бошладилар.

Улуғбек чол қўлини маҳкам ушлаб бораётган афғон боладан кўзини узмасди. Қани эди, у шу ерда қолса-ю, бирга ўйнашса! Тўсатдан афғон бола ялт этиб, орқасига ўгирилди. Унинг кўзлари қулиб турарди. Улуғбек ҳам жилмайди. Афғон бола эса худди аввалгидек тилини чиқарди. Улуғбек ҳам унга шундай жавоб қилди. Кўп ўтмай асирлар тўдаси кўздан йўқолди...

Амир Темур ёз мавсумини Андаробда ўтказиб, хижрий 800 йил зулҳижжа ойининг бошида — мелодий 1398 йилнинг августида Панжшир дарёси ёқалаб Қобул томон йўналди. Қобулда унга бўлажак юришда омаду фатҳ тиламокка келган Олтин Ўрда хони ва ўғли Мироншоҳ йўллаган элчиларни қабул қилди. Олтин Ўрда элчилари бир қанча муддат ўтиб, қайтишга ижо-

зат тилагач, уларнинг карвонини кўриклаш учун бир гуруҳ аскар ажратди. У бу ишни ёлғиз элчиларни ўйлаб эмас, карвон билан доруссалтанага қайтиши маъқул топилган Сароймулкхоним билан Улуғбек мирзо хавфсизлигини таъминлаш учун қилган эди. Амир Темур малика билан набирасини нима сабабдан шойлинч тарзда Самарқандга жўнатди? Муаррих Ғиёсиддин Али бу ҳақда шундай ёзади: «Подшоҳи олам ҳарчанд уларни ўз ёнларидан силжитмасликни истасалар ҳам ва нури дийдалари, жигарпораларидан айрилиш ҳарчанд оғир бўлса ҳам, жаҳонгир ҳазратлари Ҳиндистоннинг иссиғи амирзода Улуғбекнинг муборак соғлиқларига — худонинг ўзи асрасин — зарар етказмасмикин, деб хавотирда бўлдилар. Ҳукмдор айрилиқ дарадига чидаб, муқаддас жиҳодни тўхтатмасликни афзал кўрдилар. Дин йўлидаги ҳимматлари ҳукмдорни Улуғбекка бўлган меҳрдан кечиб, ундан жудо бўлишга мажбур қилди. Аммо набираси ўз бобосининг қароргоҳидан қанча узоқ бўлса, ҳам у бутун вужуди ва қиёфаси билан сафар вақтида қароргоҳдаги ҳукмдорнинг кўз ўнгида турди...»

Муаррихнинг мана шу қисқа қайдида бобо билан набира ўртасидаги меҳр-муҳаббат нақадар яқин бўлгани, қолаверса қаҳри каттик Амир Темур ҳақида узоқ йиллар зўр бериб миямизга қуйилган гапларга мутлақо зид тарзда улуғ жаҳонгир бобомиз қиёфасининг янги киррасини очиб кўрсатувчи ҳақиқат мавжуддир.

Бундан ўн етти йил аввал қўлга киритилган Хурсон мулкининг Ҳиндистон билан чегарадош қисми ҳаммиша нотинч бўлиб келган. Ҳиндистон юришини мақсад қилган Соҳибқирон шу сабабдан ҳам қўшин ортини хавф-хатардан холи қилиш ниятида Қобулни тарк этиб, Сулаймоншоҳ тоғлари яқинида яшаган афғон қабилалари, бебош қора кийимлилар — сиёхпўшлар номи билан машҳур исёнчиларни тавбасига таянтириш, ўзининг кўнглини тинчлантириш билан машғул бўлди. Қолаверса, бу тадбир Деҳли ҳукмдори, Ферузшоҳ лақабли Султон Маҳмудхонни чалғитишнинг йўли ҳам эди. Гўё ўзини Ҳиндистонни забт этиш учун эмас, мана шу бебош қабилаларни итоатга келтириш учун келган қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

Вақт етиши билан Амир Темур ўттиз минг аскарга раҳбар бўлмиш амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Сулаймон тоғларини ўшиб, Синд дарёсини тўхтамай кечиб ўтиб Мўлтон вилоятига, амирзода Муҳаммад

Султон, амирзода Рустам бошчилигидаги ўттиз минг-лик кўшинга эса Синд дарёси ёкалаб Қашмир тоғи этагидаги йўлдан юриб, Лоҳур вилоятига босқин қилишга фармон берди. Ўзи бўлса кўшиннинг асосий қисми — ғул билан Бадахшон вилояти томонга йўналди ва тоғ ошиб, Ҳиндистон сарҳадларига бостириб кирди. Орадан кўп вақт ўтмай Султон Маҳмудхон Дехли шаҳри ёнида мағлуб этилди. Доруссалтана бўлмиш Дехли 1398 йилнинг 19 декабрида фатҳ этилди.

Амир Темур зафарли юришини тугатиб, ҳижрий 801 йил ражаб ойининг йигирма биринчи куни — мелодий 1399 йил 28 март куни Амударё устида солинган солкўприкдан Мовароуннаҳр тупроғига ўтди. Кўприк тузилган ерда Термиз саййидлари бошлиқ уламою-фузало, салтанат ақобирлари музаффар кўшинни катта тантана билан кутиб олдилар. Самарқанддан Сарой-мулкхоним бошлиқ маликалар, улр катида Улуғбек мирзо ҳам Соҳибқиронни пешвоз олиш учун бу ерга келган эдилар. Роппа-роса беш ёшга тўлган Улуғбек кўприк қаршисида тикланган шийпонда кўзлари аланг-паланг бўлиб, суюкли бобосини кўришга ошиқарди. Амир Темур соҳилга қадам кўйиши билан уни кутиб олишга чиққанлар, айниқса доруссалтанага қолган салтанат ақобирлари бир-бирлари билан ким ўздига баҳс қилгандай, ўз ҳукмдорлари, юриш пайтида кўрсатган қахрамонликлари оғизма-оғиз кўчиб аллақачонлар Мовароуннаҳрга етиб келган диловар шахзодалар: Халил Султон, Султон Ҳусайн, Муҳаммад Султон бошлари узра дурру жавоҳир ва олтин танга соча бошладилар. Айниқса, икки шахзода Халил Султон билан Султон Ҳусайн азамат ўспиринлар эдилар. Беғубор, тетик юзларидаги майса мўйларига ҳали устара теккани йўқ. Улар одамларнинг бундай муомаласидан жуда хижолат бўлиб, индамай, ерга қараб қадам ташлардилар. Улуғбек мирзо бир лаҳза бобосини ҳам унутиб амирзода Халил Султонга махлиё бўлиб қолди. У ўн беш яшар амакиваччасининг Дехли жангида ёлғиз қилич билан маст филга кўркмасдан ҳужум қилгани ҳақида Самарқандга етиб борган фатҳномадан билиб олган эди. Фиёсиддин Али битган фатҳномада Халил Султон жасоратига оид қисқа эслатма кўп ўтмай муаррихнинг Ҳиндистон юришига бағишланган асаридида бир неча саҳифани эгаллади:

**«Жангларнинг бирида душман Укёнус каби қудратли, даҳшатли катта фил жангчиларни сафба-саф қилиб**



тизди. Шу чоқда Халил Султон душманга рўпара чиқиб, қилич яланғочлади ва ўзи тоғдек, хулқи-атвори дев каби ваҳший, иблисдай қабих, хартуми одам каллаларини човгон ўйинидаги коптокдек илиб олиб, йўқлик оламига улоқтираётган бир филга ҳамла қилди.

Ҳеч бир замонда ҳеч қандай навқирон шаҳзода бу каби мардлик қилгани ва шу билан кеча ва кундуз саҳифасига ўз номи ила шон-шавкатини ёзиб қолдиргани тарихда ҳеч бўлган эмас...»

Улуғбек хаёлан бобосининг Самарқанддаги Боғи Биҳишт боғидаги кўрикхонада кўрган фил билан Халил Султон гавдасини солиштираркан, ичида амакиваччасига қойил қолди. Кейин «Халил Султон ўрнида мен бўлсам, филдан кўрқармидим ё кўрқмасмидим?» дея ўйга ботди.

Ҳиндистонда оғир хасталикка дучор бўлган Амир Темур анча озган, ранг-рўйи оқарган, оғир дард азоби туфайли кечалари уйкуга тўймаган кўзлари киртайган аҳволда эди. У маликалар билан орадан бир йил вақт ўтмагандек, хотиржам саломлашди. Аммо Улуғбекка кўзи тушди-ю, кўзларида хира тортган нур қайтадан кучайиб жилваланди.

— Эҳе, мени кутиб олишга сиз ҳам келдингизму, улуғ бегим?! — деди у набирасини кучоқлаб, бағрига маҳкам босар экан.

Бобосининг қувончи бола кўнглини эритиб юборди, бирдан кўзларига ёш қуйилди, аммо бобоси йиғлокиларни суймаслигини эслади-ю, кўзёшларини бобосининг елкаларига билинтирмай суркади.

— Мен сизга мактуб жўнатган эдим, ўқидингизму? — Амир Темур набирасига савол назари билан тикилди.

— Ўқидим, бобожон, ўқидим! — деди ўнг қўлини кўксига босган Улуғбек.

Унинг бу ҳаракати набирасини соғинган бобонинг баттар завқини келтирди. Набирасини қайтиб бағрига босар экан, сўради:

Сизни кўп китоб ўқийди деб ёзибди бибингиз, тўғрими?

Аммо бобоси набирасининг жавобини эшита олмади, бояттан бери катталарга ўхшаб ўзини сипо тутиб турган бола, бирдан бобосининг кучоғидан юлқиниб чиқди-да, кўприк томонга отилди. Амир Темур унинг ортидан боқаркан, набирасининг қилиғидан хафа бўлишга ҳам улгурмади, дарров тушунди.

Дарё устига ташланган иккинчи солкўприкдан Хиндистон газовати чоғида ўлжа олинган бойликни кўтарган бир юз тўксон бир фил ўта бошлаган — набирасининг хаёлини тортган нарса ҳам мана шу филлар эди. Қолаверса, бошқаларнинг диққати ҳам ўша томонга қаратилган, ҳатто маликалар ҳам соҳибқирон қошида турганларини бир дам унутиб, кўприк томонга ҳайратланиб боқардилар.

## ҲАВАСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Хиндистондан бетоб бўлиб қайтган Амир Темур икки-уч кун Термиз яқинида, дарё бўйидаги Ҳаким ат-Термизий мақбараси яқинида жойлашган чорбоғда дам олди. Кейинги кунлар қадим-қадимдан, эски асо-тирларда битилганидек, авлиё ва саййидлар макони саналган мазкур шаҳар теварагидаги муқаддас мазорларни зиёрат қилди. Тўртинчи куни қайиқ билан Пайғамбар оролига ўтди ва унга ҳамроҳ бўлган қорилар куни билан Зул Қифл мазори бошида Қуръон тиловат қилдилар.

Мана шу кунлар давомида солкўприкдан қаторлашиб ўтган сон-саноксиз лашкар қурол-яроғининг шарақлаши, отларнинг безовта кишнаши тинмади.

Улуғбек мудом бобоси ёнида бўлди. Набирасини қаттиқ соғинган Соҳибқирон болани ёнида жилдирмас, суҳбатлашиб завқ оларди. Малика Сароймулкхоним жаҳонгир эрининг юрагида фонус ичидаги ўт каби равшан тортган набира меҳри энг моҳир табиблар куну тун қўллаган малҳаму дорилардан кучлироқ шифо бўлаётганини сезгандек, бобо-набира суҳбатига деярли аралашмас, ҳар замонда, ўшандаям берилган саволга жавоб қайтариб, гап қўшарди, холос.

Бир ҳафтадан кейин Сароймулкхоним амирзода Улуғбек номидан Соҳибқирон шарафига базм тузди. Ўша куни Дехлида ва бошқа шаҳарларда қўлга олинган бойликнинг бир қисми яшил чорбоғ этагидаги ялангликда намоийш этилди. Базмдан сўнг томошага чиққан Амир Темур ўзига соядек эргашган набирасининг қулоғига нималарнидир шивирлади. Улуғбек мирзонинг кўзлари чакнаб, ёйиб қўйилган буюмлар томонга югуриб кетди.

Соҳибқирон ўзига савол назари билан қараган Маликага тикилди. Ортидан қолмай деярли барча ҳарбий юришларда қатнашган завжасининг сочлари оқара

бошлаганини кўриб, вақт шиддат билан ўтаётганини юракдан сизди.

— Болага нима дедингизки, бунча кувонди! — деб сўради Сароймулкхоним.

— Кўнглингга нима ёкса, ўшани олишинг мумкин дедим,— дея жилмайди Амир Темур, сўнг кўшиб қўйди: — Сизлар ҳам боринглар.

Улуғбек ёйиб қўйилган буюмлар оралаб юрар, кўклам ёшартирган куёшнинг нурларида минг турда говланаётган буюмлардан кўзлари қамашиб, хайрагларди.

Катта кумуш баркашларда уюм-уюм килиб қўйилган инжулар, дуру гавҳарлар, кабутар тухмидек келадиган ёкутлар, тиллаю кумушдан ясалган бир неча қўлли, тўрли киёфадаги маъбудалар хайкалчалари, Деҳли ҳукмдори хазинасидан олинган сандиқ тўла тиллаю кумушлар, сопларида тенги йўқ қимматбаҳо тошлар жимжима килиб нақшланган қиличлар, дастаси олтиндан қуёлган гурзилар,— хуллас ёйиб қўйилган бойликларнинг бир қарашда кўз камраб ололмасди. Юз тўксон бир филдаги хазинанинг ҳаммаси ёйиб қўйилганда нима бўлишини маликалар тасаввур қилолмади хайрон эдилар.

Тўсатдан Улуғбекнинг нигоҳи бир буюмга тушди-ю, анграйиб уни томоша қила бошлади. Унинг диққатини тортган нарса бибисининг қулоғидаги самарқандча балдоққа ўхшар, фақат балдоқдан бир неча баробар катгарок эди. Илмоққа осилган халқа атрофи сонсаноксиз катакларга бўлинган, уларда қандайдир сўзлар ва рақамлар ёзилган. Халқа ўртасида яна бир доира бўлиб, доира устида эса учлари катта халқадаги катаклар бўйлаб айланадиган, чизикмасимон юпка мис тахтакач ўрнатилган. Улуғбек ўзини қизиқтирган буюмни кўлига олиб, завқ билан кўздан кечираркан, мис тахтакачни айлантира бошлади. Шу ўйинга берилиб кетиб, ўзига яқинлашган бобосини сезмай қолди.

— Танлаб олдингизму, улуғ бегим! — деб сўради Амир Темур.

Улуғбек мирзо бобосига нима деб жавоб беришни билмай қолди.

— Тезроқ танлангиз, ҳозир аларни филларга юклаб Самарқандга жўнатгайлар,— деди Соҳибқирон неварасининг елкасига қўлини қўйиб.

— Мана бу... мана буни олгайман,— деб қўлидаги буюмни бобосига кўрсатди Улуғбек мирзо.

— Эҳ-хе, бунӣ не киласиз! Ана, ҳув анави қилични ўзингизга олсангиз-чи,— дея маслаҳат берган бўлди Амир Темур набирасига.— Уни уч аср бурун Лаҳорда ясагонлар. Лаҳор пўлати Дамашк пўлатидан ҳам аълодур.

— Бобожон, ижозат берсангиз, мен шу буюмни олақоламан,— деди Улуғбек бобосига тийрак кўзларини қадаб.

— Бу ўзи нималигини биласизми? — деб сўради Соҳибқирон!

— Йўқ,— деди бола кўзларини жовдиратиб.

Юлдузлар илми — илми ҳайъатдан яхши хабардор Амир Темур набираси қўлидаги буюмнинг нималигини аниқ биларди.

— Бу нарса — устурлоб. У осмону фалакдаги юлдузлар ҳолатини аниқлайдиган олатдур.

Амир Темур атрофига аланглаб, сафарда бирга ҳамроҳ бўлган фалакшунос олим Мавлоно Аҳмадни қидирди. Ниҳоят уни кўрди-ю, қошига чақирди. Кейин устурлобни ушлаб олган набирасини Мавлоно Аҳмадга топшириб, ўзи Самарқандга қараб йўлга чиқиш олди-дан тиникиб олиш мақсадида дарё бўйидаги чорбоғ томон кетди.

Ўша кунӣ Улуғбек мирзо Мавлоно Аҳмаддан юлдузлар ҳақида, юлдузлар ҳолатини ўрганувчи илми ҳайъат, юлдузларга қараб фол очишга хизмат қилган илми нужум — астрология хусусида илк сабоқ олди. У мавлоно айтган кўп гапларни англамаган бўлса-да, ўша кундан эътиборан осмондаги юлдузларга кизикиш билан қарайдиган, баъзан уларга тикилиб хаёл сурайдиган одат чикарди. Айниқса Мавлоно Аҳмаднинг Мовароуннаҳрдан етишган улуғ алломалар: Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Маҳмуд Хўжандий, Муҳаммад ал-Хоразмийлар юлдузлар илми билан шуғулланганлари ҳақидаги хикояси уни қаттиқ ҳаяжонга солди. Кўнглида буюк ватандошларига ҳавас уйғонди. Бу ҳавас бутун умри давомида уни тинч қўймаслигидан ўзи ҳали беҳабар эди...

Ўша куннинг эртаси Самарқандга йўлга тушдилар. Йўлнинг тўртинчи кунӣ Шохруҳ мирзо билан юриш пайтида Самарқандни идора қилиш ҳуқуқи берилган Умаршайх мирзо (Мироншоҳнинг ўғли) Соҳибқирон оталари ва боболарига пешвоз чикдилар.

Роппа-роса бир ҳафтадан сўнг улар Амир Темур Тахтиқорача довоини ошиб ўтиб, Самарқанд гупро-

ғига оёк урди ва эртаси куни тоғ билан шаҳар орали-  
ғидаги Боғи Жаҳоннамога кўнди. Бир кундан кейин  
Давлатобод боғига кўчди. У ердан Самарқандга энг  
яқин жойлашган Боғи Дилкушога кўчди. Сана ҳиж-  
рий 801 йил шаъбон ойи — мелодий 1399 йилнинг апре-  
ли эди.

Боғи Дилкушога кўниб чарчоғини ёзган Амир Темур  
яна бир кундан сўнг саҳоба Қусам ибн Аббоснинг файз  
берувчи мазорига бориб кутланди. Ундан Шохизинда  
мазори дарвозасининг қаршисида бўлган малика Туман  
оғо хонақоҳида пешин намозини адо қилди. Сўнгра  
шаҳар жанубидаги Боғи Чинорга қараб жўнади. Ке-  
ласи кун Боғи Баландга келди.

Ўрни келганидан биз азиз китобхонга жаҳонгир  
бобомиз фақат ҳарбий юришлар билан банд бўлмай,  
шу билан баробар мамлакатни обод ва маъмур қилган,  
буюк меъморчилик иншоотлари тиклаган ҳукмдор бўл-  
гани хусусида, бунинг исботи бўлмиш Самарқанд атро-  
фида Амир Темур барпо қилган боғлар хусусида қисқа-  
ча ҳикоя қиламиз. Илло, Соҳибкирон бобосининг бу  
хайрли ишини Улуғбек мирзо ҳам давом эттирди ва  
бобоси каби боғлар тиклади.

## АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ

Боғ яратиш, боғдорчилик амали инсоният тараққиё-  
ти тарихидаги энг улуғ кашфиётлардан биридир. Инсон  
ибтидоий замонлардан боғни ҳаёт ва тўқинчилик рамзи  
санайди. Барча қадимий диний асотирларда жаннат  
мангу яшнаб турган боғга қиёс этилади. Шу сабабдан  
Шарқ шоирлари гўзал боғларни ва яшил-қўқаламзор  
шаҳарларни «жаннатмонанд», «фирдавсмонанд» дея  
таъриф этадилар.

Энг қадимий Шумер салтанатидан бошлаб инсо-  
ният суғориш тармоқларини такомиллаштириб борган. Бу  
эса ўз навбатида боғдорчиликни ривожлантиришга  
туртки берган. Олис юлдузлар сирини кашф этишга  
иштиёқманд қадим донишмандлар табиатни гўзаллик  
тимсоли деб билиб, ундан руҳий завқ олишга интилган-  
лар, охир-оқибатда нафис табиат ижодидан қиёс олиб  
боғлар яратишга тутинганлар. Мелоддан аввалги 811-  
781 йилларда Ашшура (Ассирия) маликаси Шамура-  
мат — Семирамада яратган осма боғлар, Миср под-  
шоси Шаддод бунёд этган Боғи Эрам ҳақидаги афсона-  
лар хануз-ханузгача кўнгилларни ҳаяжонга солади.

Боғдорчилик халқ тарихи, унинг маданияти, илм-фани, адабиёти ва санъати, деҳқончилиги тарихи ва тажрибаси билан чамбарчас боғлиқ. Муайян халқ яшаган жўғрофий ҳудуд, унинг маданий-илмий раванки, адабиёти ва санъати, деҳқончилик ва суғориш тармоқлари даражаси ўтмишда яратилган боғу роғларда ўз аксини топган.

Буюк бобомиз Амир Темур бунёд этган боғлар жаҳон боғдорчилик тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Соҳибкирон тарихини ўрганиш билан шуғулланган барча муарриху олимлар Турон султониининг боғдорчилик санъатидаги салоҳиятини эътироф этиб, ўз асарларида у иншо этган боғларни таърифу тасниф айлайдилар.

Фирдавсмонанд деб мадҳ этилган Самарқанд тупроғи азал-азалдан боғлар мамлақати саналган. Минг йилча бурун бу тупроққа келган Истахрий шундай маълумот ёзиб қолдирган эди: «**Бирон тепаликка чиқиб, атрофга назар ташлайдиган бўлсангиз, Самарқанд Сўғдида, шунингдек, Самарқанднинг ўзида ҳам нигоҳингиз кўкаламзорга ва ёқимли жойларга тушади. Унинг яқинида дов-дарахтсиз тоғлар ва чанги фйгон ураётган даштлар йўқ. Самарқанд Сўғди биз тилга олган уч жой орасида энг гўзалидир, чунки у Бухоро чегарасига қадар Сўғд (Зарафшон) дарёси бўйлаб ўнг ва чап томондан узилмай давом этиб келади. Унинг қатталиги шунчаки, кўкаламзор ва боғлар орасидан саккиз кун юрасан. Бу доимо сув оқиб турадиган ариқлар билан ўраб олинган яхлит боғлардир, ўтлоқлар ва далалар ўртасида эса ҳовузлар бор. Дарёнинг ҳар икки ёқаси кўм-кўк дарахтлар ва экинзорлар билан қопланган. Яшил дарахтлар экинларни ҳимоя қилади, экинзорлардан кейин эса чорва моллари учун яйловлар ястанган. Бу ердаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қўрғон бўлиб, у кўкаламзорлар орасида бамисоли сув ўзанлари билан тўқилган ва қасрларнинг жилваси билан безатилган яшил парча либосдек ярқираб туради. Сўғд, Аллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридир, унда энг яхши дарахтлар ва мевалар, одамлар яшайдиган барча масканда боғлар, ҳовузлар ва оқар сувлар бор. Оқар сувли ариги бўлмаган кўча ёки уй камданкам учрайди».**

Амир Темур замонида Зарафшон воҳаси Истахрий таърифлаган гўзаллигини саклаб қолган эди. Соҳибкирон фахр билан айтар эканки: «Менинг бир боғим борки, у Бухородан Самарқандгачадир». Яна айтар

эканларки: «Шоҳ бўлсанг-да боғ ярат, гадо бўлсанг-да боғ ярат, бир куни мевасидан тотарсан». Қудратли салтанат пойтахти теварагида Амир Темур томонида бунёд этилган боғлар хусусида муаррих Абу Тоҳирхўжа Самарқандий шундай ёзади: «Самарқандда Амир Темур Қўрагон солдирган боғларким, Эрам гулистони рашк қилар даражада, етгита экан:

Биринчиси — Боғи Шимол — Самарқанд шимолида. Девори Қиёмат ичида. Иккинчиси — Боғи Баланд. Учинчиси — Боғи Беҳишт. Тўртинчиси — Боғи Чинор. Бу-икки боғ шаҳарнинг кунчиқар томонида. Бешинчиси Боғи Дилкушо бўлиб, Кониғилнинг жануб томонида. Кониғил Қўҳак дарёсининг ёқасида, Самарқанднинг энг гўзал ва чиройлик еридир. Олтинчиси — Боғи Зоғон — Шовдор туманининг шимол томонида воқедаир. Еттинчиси — Боғи Жаҳоннамо — Анҳор туманида бўлиб, тоғ этагига яқин ерда, Самарқанднинг жанубида бунёд қилингандир».

Биз Абу Тоҳирхўжа ҳазрат Соҳибқирон тиклаган боғларнинг ҳаммасини санамагани учун санокда давом этамиз: Саккизинчи боғнинг номи Боғи Нав. Тўккизинчиси — Боғи Бўлду. Бу боғ тахминан Боғи Дилкушога яқин ерда жойлашган. Ўнинчиси — Боғи Нақшижаҳон — Чўпонога тепалигининг жанубий этақларида бўлган. Тадқиқотчилар бу боғни Амир Темур бино этган дастлабки боғлардан биридир деб ҳисоблайдилар. Бобур мирзонинг ёзишича, боғ Оби Раҳмат ариғи ёқасида жойлашган. Ўн биринчиси Боғи Давлатободдир. У Самарқанднинг жанубида, Термизга кетиш йўлининг чап томонида, Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо ораллиғида барпо этилган. Яна бир хужжатга кўра, Дарғом ариғи ёқасида бўлган. Ўн иккинчи боғ Соҳибқирон замонида амирзода Шоҳруҳ шарафига ёки мирзонинг ўзи томонидан тикланган боғ бўлиб, у китобларда «Боғи амирзодаи Шоҳруҳ» номи билан тилга олинади. Ўн учинчиси — Боғи Майдон. Ўн тўртинчиси — Боғча. Ўн бешинчиси — Гулбоғ ёхуд Тахтикорача боғи.

Биз мазкур боғлар хусусида мухтасар маълумот беришни мақсад қилдик, токи мозий муаррихларидан бири айтганидек, «**ҳар эзгу ишдан ибрат олингиз, эй ақли солим эгалари!**»

**1. БОҒИ ШИМОЛ.** Бу боғ халқ орасида Боғишамол номи билан машҳур бўлган. У 1397 йили иншо этилган. Муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича,

бу манзил боғ асос бўлмасдан олдин ҳам кўкаламзор жой бўлган. Муаррих ёзади: «**Ҳазрати Соҳибқирон обод Самарқанднинг шимолий томонида барпо этгани Боғи Шимол номи билан машҳур боққа кўчиб ўтиб, жаҳон аҳли сиғудек улкан саропарда (шоҳона чодир) курдирди. Унинг дарвозаси олдидаги чодир (кўндалон) ҳамда подшоҳ қабулхонаси (боргоҳ) базмлар учун тикилган катта ва кичик чодирлар кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек туюларди. Бу боғи Эрам янглиғ ором маскани жаннатнинг базм саройи ҳасад қиладиган даражада ораста ва салобатли қилиб безатдилар. Қазодек кескин фармон содир бўлдики, ул фирдавсмонанд боғда амирзода Мироншоҳнинг қизи, олий ифғат соҳибаси Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи баланд қаср ва гўзал бир ишратгоҳ курсинлар. Форс ўлкасининг барча вилоятлари, Ироқ, Озарбайжон, Доруссалом (Бағдод) ва бошқа мамлакатлардан жамъ бўлган моҳир муҳандислар, равшан фикрли меъморлар қасрнинг тарҳини теран фаросат қалами билан маҳорат лавҳасига чиздилар. Уни ҳазрати Соҳибқирон маъқуллагач, ёрқин раъйли мунажжимлар қаср қурилишини бошлаш учун муносиб вақтни белгилашда ҳушёрлик ва эҳтиёткорликнинг барча шартларига риоя қилган ҳолда 799 сана жумодул охир ойининг (1397 йил, март) қувончли бир соати ва бахтли бир толеъида қаср иншосини бошладилар.**

**Қасрнинг тўрт рукнини амирлар ўртасида тақсимлаб, ҳар бир ишбоши ихтиёрига бирор мамлакатдан келтирилган ҳунармандларни тайин қилдилар... Мустаҳкам рукнларини бағоят маҳкам ва пухта қилиб кўтардилар. Ҳар бир рукнига биттадан Табриздан келтирилган мрамар тошдан ишланган устун ўрнатдилар. Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва ҳайратомуз даражада гўзал этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва Чин ниғорхонасини уяту хижолат ғубори қоплади. Қасрнинг саҳнига мрамар тошлардан ва Кўҳи Нур (Нурота)дан келтирилган тошлардан чиройли қилиб ётқиздилар... Ташки деворининг ич тарафидаги изорасини кошин билан зийнатладилар».**

Бу сарой ҳақида машҳур можор олими Армений Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида шундай ёзади: «**Мазкур сарой тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг қадам келарди. Унинг мрамар нақшлари ажойиб, ҳайратли эди. За-**



мини қайрағоч ва фил тишидан ишланган кошинли эди...»

Бир қанча тарихий манбаларда боғ шаҳарнинг «Девори Қиёмат» деб аталган қадимий девори чегарасида, Дамашк (Димишк) кишлоғи яқинида бўлган, деб кўрсатилади. Уша ерда боғ номи билан аталган ариқ оқиб ўтган. Самарқандликлар Амир Темур шарафига шаҳар туманларидан бирини Боғишамол деб аташган.

**2. БОҒИ БЕҲИШТ** — Самарқанднинг ғарбий тарафида малика Туман оғо шарафига 1378 йилда иншо этилган. Бу боғ Боғи Шимолнинг жануби-ғарбида жойлашган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, боғдаги сарой атрофини сув билан тўлдирилган хандақ ўраган бўлиб, бир неча кўприк сарой билан боғни ўзаро боғлаб турган. Ғоят кўркам боғ саройи атайлаб кўтарилган дасти тепалик устида Табриздан келтирилган оқ мрамрдан тикланган.

Боғи Беҳиштнинг бир томонида ҳайвонот боғчаси — кўриқхона бўлиб, ундаги жониворлар кафасларида эмас, атрофи ўралган майдончаларда эркин ҳолда сақланган. Шунинг учун бир қатор Ғарб тадқиқотчилари Амир Темурни илк кўриқхона асосчиси деб ҳисоблайдилар.

Боғ манзили ҳақида турли фикрлар мавжуд. Агар «Самария» муаллифи уни Самарқанднинг шаркида жойлашган деб ёзса, Бобур мирзо «Бобурнома»да: «шаҳарнинг қуйи ёнида Боғи Шимол ва Боғи Беҳишттур», дея қайд этади. Қадимшунос М. Массон ўз текширишларида бу боғнинг ўрнини Боғи Шамолдан жануби-ғарбда бўлган, деб кўрсатади. Ўзбек олими Ў. Алимов эса «Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғдорчилик хўжалиги тарихи» китобида олиб борган изланишлари натижасида боғдан бирор из топилмагани ҳақида ёзади. Биз бу ўринда кўпроқ Бобур мирзо гувоҳлиги ҳақиқатга молик деб ҳисоблаймиз.

**3. БОҒИ БАЛАНД** — шаҳарнинг шимолидаги Чўпонота тепалиги ёнбағрида барпо этилган боғ. У Амир Темурнинг энг гўзал боғларидан саналиб, боғни яратишда Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва бошқа забт этилган ўлкалардан келтирилган уста меъморлар қатнашган. Боғдаги Табриз мрамари билан тикланган сарой биноси учта катта хонадан иборат бўлиб, унда қимматбаҳо буюмлар, нодир санъат асарлари сақланган. Бу боғ Соҳибқироннинг суюкли набираси, Мироншоҳнинг қизи Оғабегимга атаб қурилган. Пойтахт шимолидаги

тепаликда барпо этилгани сабаб Боғи Баланд номини олган. Боғнинг асосий қисми узумзор, олмазор ва анжирзордан иборат бўлган. Ҳозиргача Боғи Баланд деб аталувчи бу манзил ўзининг тўқин анжирзорлари билан машҳур.

**4. БОҒИ ДИЛКУШО** — Самарқанд шаркидаги боғ. Шаҳардан тахминан олти чақирим масофада, Панжакент йўлининг ўнг томонида бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боғи Дилкушони бино қилиш давомида олдиндан мавжуд бўлган ўн иккита боғ бирлаштирилиб мукаммаллаштирилган. Боғ қурилиши 1396 йилда бошланган. Боғда гумбаз шаклида тикланган қаср ва унинг уч томонида миноралар юксалиб турган. 1398 йил баҳорида — Ҳинд юриши арафасида Амир Темур шу янги боғда мислсиз тантаналар ўтказиб, амир Хизрхўжа қизи — Тўкалхонимга уйланган ва боғдаги қасрни ёш маликага атаган.

«Зафарнома» муаллифи ёзади: **«Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилгач, безавол иқбол тили унинг исми жисмига монанд бўлсин учун «Боғи Дилкушо» деб атади».**

Боғи Дилкушо тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар бир томони бир ярим минг газга эн берган. Тўрт томонда токи рангли кошинлару нақши нигорлар билан зийнатланган дарвозалари бўлган. Шаҳарга қараган дарвоза тоқида «Дарвозайи Феруза» деб ҳал билан жуда чиройли ёзилган. Бобур мирзо ёзишича, **«Андин (боғдан) Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктирибтур».**

Боғнинг тўрт бурчагида, муаррихлар гаърифлаганидек, ат-Тоир юлдузига етгудек баланд миноралар қад кўтарган. Боғ сахни хандаса услубида тўртбурчак шаклидаги йўлаклар ва олтибурчагу учбурчак шаклидаги чаманзорларга бўлинган. Йўлаклар четида октераклар, олти ва учбурчакли чаманзорлар атрофида мевали дарахтлар, гулбуталар яшнаган.

Боя айтганимиздек, боғ ўртасида тикланган юксак гумбазли қасрнинг уч пештоғи ва уч минораси бўлган. Оқ мрамардан тикланган мазкур сарой ой нурида товланиб турган. Узоқдан ҳам саройнинг кенг, катта, осмон ва юлдузлар акс этган кошинлар билан безатилган пештоқлари яққол кўринган. Пештоқларда осмону юлдузларнинг акс эттирилиши Соҳибқироннинг илми фалакиётга қизиққани хусусидаги олдинги сўзларимизни тасдиқлайди.

Мелодий 1399 йилда қаср деворларида Амир Темурнинг Ҳиндистон юриши воқеалари рангин тасвирланган — «Бобурнома»дан: «...**Кўшқта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтур**». Уша пайтда саройдаги наққош ва мусаввирларнинг раҳбари Абдулхайй ал-Бағдодий бўлган. Абдулхайй кўл остида ишлаган санъатчилардан айримларининг, жумладан, уста Абдуллоҳ ва Захириддин Азхор қабилаарнинг номлари ҳам маълум. Агар Абдулхайй ал Бағдодий Самарқандга 1393 йили келтирилганини, Ҳиндистон юриши эса 1398-1399 йилларда бўлганини инобатга олсак, Боғи Дилкушо деворларидаги жанг манзараларини Абдулхайй ва унинг тасарруфидаги усталар ижод қилгани айни ҳақиқатдир.

Турон султони 1404 йилнинг 8 сентябрида Кастилия кироли элчиси Руи Ҳонсалес де Клавихони Боғи Дилкушода қабул қилган. Элчи боғдаги фавворадан отилиб турган сувнинг тепадаги олтиндан ясалган олмаларга урилиб сочилишини кўриб, бу гўзал ва ғаройиб манзарадан бениҳоя ҳайратга тушганини ёзади.

Муҳташам Боғи Дилкушо таърифида Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Абу Тоҳирхўжа Самарқандий каби муаррихлар ҳам қалам тебратганлар. Ҳазрат Алишер Навоий боғ хусусида шундай сатрларни битганлар:

*Гоҳ бўстони Дилкушо ичра,  
Қасру айвоне жонфизо ичра,  
Қилса не ранг ичига наққоше,  
Таши ҳам бўлғай ул сифат қоше...*

Кейинчалик боғ ўрни Хончорбоғ деб аталган. Рус харбий экспедицияси иштирокчиси Абдурахмон Мустажир қаламига мансуб «Искандаркўл сафари кундалиги»да бу ҳақда шундай сатрларни ўқидик: «У ердан ўтиб, бир жойга етдикки, **Хончорбоғ дейдилар, айтишларича бу жойлар Амир Темур Кўрагон чорбоғи бўлган. Йўлнинг ҳар икки четида ҳозир ҳам ўша чорбоғ деворлари нишонаси сақланиб қолган. Ҳозир ҳам девор ўртасидаги чорбоғ Амир Темурнинг вақфи таналади**».

**5. БОҒИ ЧИНОР** — Самарқанд жанубида, Дарғом ариғи ёқасида бино этилган боғ. У ерда чинорлар ҳаддан зиёд кўп бўлгани сабабидан «Боғи Чинор» деб аталган. Бу боғ ўрни бўлган ва кейинчалик Хожа

Кафшар номини олган манзилда ҳозир ҳам чинорлар кўп. («Самария»дан: «Ҳожа Кафшар шаҳарнинг жанубий томонида, бир тошнинг учдан бир улуши (тўрт минг кадам) чамаси олдиндадир»).

Муаррих Ғиёсиддин Али бу боғ ҳақида маълумот бериб, у шарқ томонда бўлган деб ёзади. Шарафиддин Али Яздий эса боғ Кеш шаҳридан келаверишда (шаҳарга яқин турган) биринчи боғдир деб хабар беради. Бошқа маълумотлар Яздийнинг маълумотини тасдиқлайди. Масалан, Бобур мирзо ёзадики: «**Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чинордур, қалъага ёвуқтур**». Клавихо ўз сафарномасида «Боғи Чинор янги қурилган ҳашаматли сарой жойлашган боғ эди» деб қайд этади. Мазкур маълумотга кўра, боғ 1400 йилдан кейин тикланган бўлиши эҳтимоли бор.

Армений Вамбери ёзади: «**Боғи Чинор ҳам шаҳарнинг шу (жанубий) қисмида эди, гўзал йўлаклари, йўллари беаган кўркам чинорлари бор эди. Бу ерда, боғ ичида, даста гепаликда салб шаклидаги қаср қад кўтарган. Унинг ташқариси Шом наққошининг (абдулҳай ал-Бағдодийнинг — муаллиф.) моҳирона ижоди билан ичкараси гўзал суврат ва лавҳалар билан зийнатланган, қимматбаҳо буюмлар билан лиқ тўла эди. Масалан, оғир кумуш қуббилар, тахтлар ва бошқа нодир буюмлар эртақлардаги ажойиботларни эслатарди**».

Тарихдан маълумки, кейинчалик Мовароуннаҳр ҳокими бўлган Мирзо Улуғбек даврида ҳам боғ обод бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 1420 йил баҳорида ҳукмдор пойтахт Хиротдан келган онаси, салтанат маҳди улёси Гавҳаршод оғо шарафига Боғи Чинорда «подшоҳона тўй ва хусравона зиёфат» берган.

6. **БОҒИ ЗОҒОН** — Самарқанднинг шарқий томонида, шаҳардан тахминан 20 чақирим масофада, Кўчайи Хиёбон, яъни шаҳарнинг Хиёбон мавзесига олиб борадиган йўл устида, «Самария» муаллифи ёзганидек, «Шовдор гуманининг шимол томонида» бўлган. Бу боғ ўрнида ҳозир Боғи Зоғон қишлоғи мавжуд.

7. **БОҒИ НАВ** — Самарқанд жанубида Лоззор қишлоғи яқинида 1404 йил барпо этилган боғ. Боғ Амир Темурнинг барча боғлари каби тўртбурчак шаклида бўлиб, баланд девор билан ўралган. Боғнинг ҳар бурчагида миноралар қад тиклаган. Ўртасида гумбазнамо қаср қурилган, унинг олдида катта ҳовуз ҳам

бўлган. Қаср хоналари қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Шарафиддин Али Яздий ёзишича, боғи Нав билан Боғи Дилкушонинг ҳар томони бир ярим газ, яъни томонлари мингга минг метрлик шаклда — квадратдан иборат бўлган. Фазлудлоҳ ибн Рўзбехон «Меҳмонномаи Бухоро» асарида XVI аср воқеалари баёнида Боғи Навни Самарқанднинг Чорраҳа дарвозаси яқинида деб ёзади. Шунга асосланган айрим тадқиқотчилар, жумладан, М. Массон бу боғ ўрни ҳозирги шаҳар истироҳат боғида бўлган бўлса керак, дея таҳмин қилади. Қлавихо саёҳатномасида Боғи Нав ҳақида ёзади: «**Боғнинг тўрт томони баланд девор билан ўралган, ҳар бир бурчида баланд, юмалоқ минора қад кўтарган. Девор ҳам минора каби зийнатланган эди. Боғ ўртасида эса хоч шаклида муаззам бино қад ростлаган, унинг олдида катта ҳовуз бор. Бу бино биз аввал кўрган биноларга қараганда анча катта бўлиб, олтин ва ложувард билан зийнатланган. Бу боғ ва саройлар шаҳардан ташқарида, у маскани Бағина (Боғи Навнинг испанча айтилиши) деб атайдилар.**

**8. БОҒИ ЖАҲОННАМО** — Самарқанд жанубидаги Тахтиқорача девонига яқин, шаҳардан 24-25 чақирим узоқдаги Қоратепа қишлоғида бино қилинган боғ. Боғнинг ёнида катта қалъа ҳам бўлган. Боғ ва қалъа Амир Темур ҳарбий юришлар арафасида ва жангдан қайтишда хордиқ оладиган маскан ҳисобланган. Айрим тадқиқотчиларнинг ёзишича, Соҳибқирон барпо қилган боғлардан ёлғиз Боғи Жаҳоннамо йўқдан бор этилган, қолган боғлар эса асосан мавжудлари ўрнида таъмир ва кенгайтириш йўсунида бунёд этилган. «Зафарнома» муаллифи боғдаги сарой 1398 йил қурилган деб маълумот беради. Муаррихларнинг муболағасига кўра, боғ шу қадар улкан эканки, у ерда бир от йўқолиб қолиб, олти ойдан кейин топилган экан.

**9. ГУЛБОҒ** — Самарқанднинг жануб томонида, Тахти Қорача довоғи яқинидаги боғ. Боғ ўртасида наср жойлашган ва унинг ёнидан тоғдан тушган жилға оққан. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотига кўра боғ 1398 йилда барпо қилинган. Муаррих ёзади: «**Ҳазрати Соҳибқирон бир неча кундан сўнг (Самарқанддан кўтарилиб), азимат жилоғини Кеш томон жўнатди. Бу йўлда бир тоғ борки, ундан Самарқандгача қарайиб етти фарсаҳ келади. Унинг бошланишида бир анҳор оқади. Дарёдек сахий ва осмондек шавкатли подшоҳона ташриф шуъласи у тоққа тушди. Оламни тартибга**

келтириб равак бериш борасида химматининг зўрлиги туфайли иморат қуришга яроқли ҳар бир жойнинг зое кетишини раво кўрмайдиган, мамлакатларга оро берувчи раъй бу мавзеда бир боққа асос солишга фармон берди, токи бу чучук сувли анҳор у жаннат асарли бўстонда «унинг тагида анҳор жорийдир» деган ояти каримани эслатиб турсин. Боғ ўртасида воқе бўлган кўхпора устида эса бир қаср қуришни буюрди. Бажарилиши вожиб бўлган бу амр ижро этилиб, қаср қурилиб битгач, унга «Тахти Қорача» деб ном берилди».

Дарҳақиқат, боғни ўз кўзи билан кўрган Клавиҳо боғни шундай тасвирлайди: «Боғнинг атрофи пахса девор билан ўралган бўлиб, девор айланаси тўла бир лига (лига — испанча узунлик ўлчови бўлиб, 5572 метрга тўғри келади) келар эди. Боғда пўртаҳол (апельсин) ва лимудан тортиб ҳар хил мевали дарахтлар бор эди. Боғда олтига ҳовуз бўлишига қарамай, боғни кесиб ўтган анҳор оқиб туради. Ҳовузларнинг биридан иккинчисига баланд ва катта сояли дарахтлардан бамисоли йўл солинган. Бу яшил йўллар ўртасидан баландликка томон кўтарилган худди шундай сўкмоқлар бутун боғ бўйлаб ўтган. Бу йўлдан яна қиялаб бошқа йўллар ўтказилган. Ундан яна бошқалари тармоқлаб кетган. Хуллас, бу йўллардан юриб, бутун боғни томоша қилиш мумкин эди. Боғда атрофи ёғоч қозиклар билан ўралган сунъий барпо қилинган усти текис тепалик бор. Тепалик устида ажойиб сарой қад кўтарган. Сарой олтин, ложувард ва ялтироқ кошнлар билан тўкис зийнатланган. Сарой жойлашган мазкур тепалик сўвга тўла хандақ билан ўралган. Хандаққа доимий равишда катта сув оқими тушиб туради. Тепалик устидаги саройнинг икки қарама-қарши томонида унга қириладиган иккита кўприк қурилган. Ҳар бир кўприкнинг олдида дарвоза бор, ундан кейин тепалик устида кўтариладиган зинапоя. Хуллас, мазкур сарой мустаҳкам кўрғон эди. Боғда шоҳ (Темур) топшириғи билан эркин қўйилган кийиклар ва густовуқлар (товуслар ҳам) мавжуд. Боғдан катта узумзорга чиқадиган дарвоза бор. Боғ каби катта ва кенг узумзор атрофидаги тепалик бўйлаб ўстирилган баланд дарахтлар жуда чиройли кўринади. Мазкур боғ ва сарой «Талисия», уларнинг тилида эса Кальбет (Гулбоғ) деб аталади». Ҳозир бу боғнинг ўрнида Гулбоғ кишлоғи мавжуд.

10. **БОҒИ БУЛДУ** — Самарқанд шаркида барпо бўлган боғ. Бобур мирзо ёзадики: «(Темурбек) Са-

марканднинг шаркида икки боғ солибтур, бириким йирокроктур, Боғи Бўлдудур, ёвукроғи (яқинроғи) Боғи Дилкушодур». В. Вяткин қадимий Самарқанд топографиясига оид мақоласида Боғу Бўлдуни Боғи Дилкушога яқин ердаги Қўрғонча кишлоғида бўлган, деб маълумот беради. Ў. Алимовнинг текширишлари натижасида боғнинг Панжакентга кетадиган йўлнинг ўнг томонида, Боғи Дилкушодан бир ярим километрча нарида жойлашганлиги аниқланган.

Боғ номи хусусида фикр юритганда айтиш жоизки, «Бўлду» калимасини айримлар «камолотга етган, етук, кам-кўстсиз», бошқалар эса «фаровонлик, мўлчилик» маъносига эга деб кўрсатадилар. В. Радловнинг турк шевалари луғатида бу сўз «бадавлат» маъносини билдиради деб қайд этилган. Шунга кўра, Боғи Бўлду «тўкин боғ» маъносига эгадир.

Афсоналарнинг бирида айтилишича, Боғи Бўлду дарвозалари пештоқиға ўрнатилган мрамртош кечаси ўзидан ёғду таратиб, атрофни ёритиб турар экан. Халқ тўқиган бу афсонада жон бор. Чунки сарой дарвозаси пештоқидаги зарҳал нақшлар ой ёруғида шуълаланиб турган. Биз бу боғни Боғи Дилкушодан кейин, 1398—1400 йилларда барпо этилган бўлса керак, деб тахмин қиламиз.

**11. БОҒИ НАҚШИ ЖАҲОН** — Чўпонота гепалигининг жанубий этакларида бунёд этилган боғ. Айрим тадқиқотчилар Боғи Нақши Жаҳон Амир Темур қурдирган дастлабки боғларнинг бири, деб ҳисоблайдилар. «Нақши Жаҳон» сўзи «дунё безағи» маъносини билдиради. Мирзо Бобур ёзади: «(Темурбек) яна Пуштаи Кўҳак доманасида, Қонигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Оби Раҳмаг дерлар, бир боғ солибтур, Нақши Жаҳонга мавсум. Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди» (яъни номидан бошқа ҳеч нарсаси қолмаган эди).

**12. БОҒИ ДАВЛАТОБОД** — Самарқанд жанубида, Термиз йўлининг ёқасида, Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида барпо этилган боғ. Темурийлар даврига оид вақф ҳужжатларига кўра, боғ Дарғом ариғи билан Шовдор ариғи яқинида бўлган. Харбий юришлардан қайтган жаҳонгир шу боғда тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган. Хусусан, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темур 1399 йили Хиндистон юришидан қайтаётиб, Боғи Жаҳонномада ором олгандан сўнг Давлат-

обод боғига, у ердан Боғи Дилкушога келганини хикоя қилади. Ў. Алимовнинг ёзишича, боғдаги сарой баланд тепалик устида қурилган бўлиб, шимол тарафдан Дарғом ариғи ҳамда Самарқанднинг гўзал манзаралари, жануб тарафидан эса Қоратепа тоғлари кўриниб турган. Шарқ тарафидан кишлоқлар, ғарб томондан эса бепоён далалар ўраб турган.

**13. БОҒЧА** — Самарқанд шаҳрининг ичида, амирзода Муҳаммад Султон мадрасаси ва дахмаси (бу ер Гўри Мир деб аталади) ёнида барпо этилган кичик боғ. Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Оламни забт этувчи Соҳибқирон Жаҳоннамо қасридан саодат билан отга миниб, 807 йил муҳаррам ойида (1404 йил июлида) Самарқандда Боғи Чинорга келиб қўнди, у ердан шаҳар ичига кирди ва (марҳум) бахтли шахзода Муҳаммад Султон мадрасасини келиб кўриб, (қабри) зиёрат қилиш расмини адо этди... Бу ерда фармон чиқдики, шахзоданинг нурли қабри учун унинг ҳиммат меъмори томонидан қурилган мадрасага улаб бир гумбаз кўтарсинлар. Фармонга мувофиқ хонақоҳ майдонининг олд томонидан (мадрасанинг) жанубий суффасига улаб фалак янглиғ бир қубба бунёд этилар, унинг изорасини тилло ва ложувард билан нақшланган мрамар тошлардан ишладилар ҳамда мағрифатга чўмилгур мурдани қўйиш учун бир сардоба қовладилар. Сўнгра хатми Қуръон қилиб, ожизу эҳтиёжмандларга садақалар улашиб, барча расм-русумларга риоя қилинган ҳолда марҳум шахзода жасадини хонақоҳнинг гумбази остидан шу сардобага кўчирдилар. Мадраса атрофида бўлган бир нечта уйни бузиб, жаннат мисол бир боғча яратдилар...»

**14. БОҒИ МАЙДОН** — Самарқанд шимолида, Афросиёб билан Чўпонота (Кўҳак) тепаликлари оралигида барпо этилган боғ. Бобур мирзо бу боғни Улуғбек мирзо барпо этган деб ёзса-да, бошқа бир катор асарлар боғ Амир Темури замонасидан қолгани ва Соҳибқирон набираси уни таъмирлагани, у ерда кўшк тиклагани ҳақида ёздилар. «Бобурнома»дан: «Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе сролибтур, Боғи Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна (икки қаватли), сутунлари тамоm тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўпорибтурларким, юкқориға чиқар йўллар бу тўрт бурждинтур. Ўзга тамоm ерларда тошдин сутунлардир. Баъзини морпеч



хиёра қилибтурлар, Юққориғи ошённинг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Уртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар»...

Бу боғни Улуғбек мирзо тиклаган сарой номи билан Боғи Чилсутун деб ҳам аташган.

Тарихий манбаъларга кўра, Амир Темур замонда боғда чиройли айвон қурилиб, унда қимматбаҳо тошдан ясалган тахт сақланган.

Шунингдек, Амир Темур замонда Соҳибкирон фарзандлари, набиралари ва салтанатнинг нуфузли амирлари томонидан бунёд этилган боғлар ҳам мавжуд бўлгани бир қатор тарихий солномаларда қайд этилган. Кейинчалик буюк боғбон — Амир Темурнинг авлоди ўз оталари ва боболаридан ибрат олиб, Самарқанддагина эмас, Хиротда (Шоҳрух, Хусайн Бойқаро), Ҳиндистонда (Бобур мирзо ва бобурийлар) қўплаб ажойиб ва беқиёс боғлар яратдилар. Бу анъана бугун ҳам ўлгани йўқ. Самарқандда Амир Темур боғларининг тикланаётгани, Тошкентда Миллий боғ ва бошқа яшил чаманзорларнинг, Андижонда Бобур боғининг бунёд этилгани фикримиз далилидир.

Биз ҳикоямизни ўн бешинчи боғ билан боғлик ривоят билан якунлаймиз.

Ривоят қиладиларки, Соҳибкироннинг кенжа ўғли, Улуғбек мирзонинг отаси бўлмиш Шоҳрух мирзо ҳам Амир Темурга эргашиб, бир боғ барпо қилибди. Боғ битгач, отаси билан ўғлининг шарафига ўша яшил гўшادا зиёфат ва мажлис тузибди. Зиёфатдан сўнг Шоҳрух мирзо отасидан:

— Падали бузруквор, менинг бу боғим ҳақида нима дейсиз, сизга маъкул бўлдимиз? — деб сўрабди. Амир Темур шундай жавоб қилибди:

— Эй кўзимнинг нури ўғлим, сенинг боғинг жуда ҳам зебо ва дилкушо боғ бўлибди. Аммо давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бундай боғни барпо эта олади. Лекин дунёда шундай беназир икки боғ мавжуддирким, уларнинг бирини бунёд этишга сен ҳам, мен ҳам мудом интилишимиз керак, аммо иккинчисини барпо этмокка ёлғиз Улуғбек мирзогина муяссар бўлажакдур!

Шоҳрух мирзо:

— Биринчи боғ қандай боғ экан? — деб сўраган экан, Соҳибкирон жавоб берибди:

— У боғ олимлар, фозиллар, шоирлар, донишмандлар ва бошқа ахлоқли, тарбияли улуг инсонлар суҳба-

тидур. Шу улуг зотлардан тарбия топиб, яхши ва ибратли ишларни зухурга келтириш бу боғнинг дарахти бўлиб, меваси яхши номга эга бўлишдир.

Шохрух мирзо:

— Улуғбек бунёд этишга қодир иккинчи боғ қандай боғ экан? — деб сўраган экан, Амир Темур шундай жавоб берибди:

— Салтанатимнинг гавҳари бўлмиш Улуғбек барпо этадиган боғнинг номи илму маърифат боғидур, тафаккур боғидур. Бу боғнинг дарахтлари китоблару мевалари ҳикматлардур. Қалам ва Ақл ёдгорлиги ўлмасдур, абадийдур. Мен ҳам, сен ҳам кун келиб бир ҳовуч тупрокка айланажакмиз, лекин Улуғбек яратган илм китоблари абадиян одамларга ҳамнафас бўлажаклар.

Ҳа, кўзимнинг нури ўғлим, мудом ёдингда бўлсинким, китоблар бунёдкорлик, ақл-идрок ва илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийдур!

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ЯНГИ ЮРИШ. ҚОРАБОҒДА

Ҳиндистон юришидан қайтган Амир Темур Ғозий доруссалтананинг фирдавсий боғларида жанг-жадал ва хасталик чарчоғини ёзар экан, муаррихларнинг ёзишларича, юриш давомида қўлга киритилган бойлик эвазига бир масжиди жомеъ тикламоқни ният қилди. Ғиёсиддин Али ёзади: «Саккиз юз биринчи йил Рамазони Шариф ойининг тўртинчи куни — мелодий 1399 йилнинг ўнинчи майида жомеъ масжиди учун пойтахтнинг энг яхши жойини (Амир Темур) танлади. Машхур усталар ва бинокор — меъморлар бу улкан иморатнинг тарҳини туздилар, сўнгги дақиқада унинг пойдеворини қура бошладилар». «Самария» асарида эса бу ҳақда қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: «Амир Темур Кўрагон Ҳиндистонни олгандан кейин, у ердан ўлжа қилинган олтин, инжу ва қимматлик тошларни бир юз тўқсон бир филга (Асарнинг айрим нусхаларида «тўқсон бир фил» деб кайд этилган. Ж. Д.) юклаб келтирди ва истадиким, пойтахти бўлган фирдавсмонанд Самарқандда бир жомеъ бино қилғай...»

Жомеъ масжиди қурилиши бошланган пайтда матика Сароймулкхоним ҳам танланган жойга қарама-

қарши тарафда онасига атаб макбара ва мадраса қурилишига Соҳибқирондан рухсат олди.

Амир Темур бутун ёзни боғларида ўтказди. Бу орада икки воқеа юз берди. Биринчи воқеа Соҳибқирон кўнглини хушнуд этган, ҳатто у бу воқеа хабарини олиб келган чопарга ўн беш минг динор тортиқ қилган эди. Иккинчи воқеа ўғли Мироншоҳ мирзонинг завжаси бўлмиш Севинбеканинг унинг хузурига арзу дод билан келгани бўлди. Келини ҳасратини эшитиб, жаҳонгирнинг кўзларидан ёш тиркираб оқди ва бир ҳафта мобайнида бирор киши билан сўзлашмай, хилватда бўлди. Ёлғиз Улуғбек бобоси хузурига кўркмай киришга журъат этарди. У бобосининг ташвишли кўнглини болаларга хос шодмонлик билан ёритиб турган ёлғиз овунчок эди. Аммо бобо набираси билан суҳбатлаша туриб ҳам бирдан чуқур ўйга ботиб қолар, Улуғбек эса унинг нима ҳақда ўйлаётганини билмоқчидек бобосига зимдан тикиларди.

Нихоят, Соҳибқирон бир қарорга келди-ю, юзини хотиржамлик чулғади. Бу гал ҳам унинг қарори қатъий, тузган режаси пухта эди. Амир Темурнинг жанговар сафдошлари — кекса амирлар ўз ҳукмдорлари чехрасидаги ўзгаришни пайкадилару Соҳибқирон тез орада доруссалтанани тарк этишига ишондилар. Улар ҳам зимдан бўлажак юришга ҳозирлик кўра бошладилар. Аммо улар ўз раҳнамолари қай томонга — Шош томонгами ёки Чину Мочин тарафгами — юз тутишини билмас эдилар. Шунга қарамай, Соҳибқирон чехрасида акс этган қатъият содиқ сафдошларнинг юзида ҳам зохир бўлиб турарди...

Ҳижрий 802 йил муҳаррам ойининг саккизинчи куни — мелодий 1399 йил 20 сентябрида яна аравалар ўқининг ғийжиллаши, отларнинг кишнаши-ю жанговар филларнинг пишқириши, қурол-яроғларнинг шақиллаши оламни бузди. Яна мағрибу-машрик таҳлика ичида қолди. Турли ўлкаларда уйқуси қочган ҳукмдорлар Турон султони бу гал ўз отини қай томонга бошлашини билмай ваҳимага тушдилар. Улкан қўшин кунботар сари йўналгани ошқор бўлгач, Хитой фағфури яна хотиржам ухлай бошлади, аммо Шом ва Рум ҳукмдорларининг кути ўчди. Қўшин ортидан йўлга чиққан уғруда Сароймулкхоним ва бошқа маликалар, соҳибқирон набиралари қаторида Улуғбек мирзо ҳам бор эди.

Аммо бутун рўйи заминни саросимага солган қўшин ҳаракатга келишдан аввал Амир Темур набираси

Искандар мирзони машрикдаги сархадларни кўриклашга тайинлаб, Андижонга жўнатди. Кейин ўгли Шохрух мирзога чопар юбориб, Хўросон кўшини ҳам Хиротдан Азарбайжонга қараб ҳаракат бошлашига кўрсатма берди. Амир Сулаймоншоҳ бошлиқ илғор кўшин Табриз томонга жўнатилди. Шундан кейингина Соҳибкирон доруссалтанани валиаҳди бўлмиш набираси Муҳаммад Султон мирзо ихтиёрига топшириб, тонг қоронғисиди Кўксаройни тарк этди.

Бу сафар ҳам Амир Темур Хитойга эмас, мағрибга қараб юриш бошлашининг ўзига хос сабаблари бор эди. Аввало, Ҳиндистон юриши арафасиди забт этилган ғарбий вилоятларнинг ҳокими бўлмиш ўгли Мироншоҳ мирзо ҳақида етиб келган миш-мишлар, юришдан сўнг эса унинг ҳузурига эрининг рухсатисиз қочиб келган келини, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг набираси бўлгани шарафига Хонзодабегим деб улуғланган Севинбеканинг арзу доди, ундан сўнг Ҳиндистон сафаридан қайтиб Боғи Дилқушода дам олаётганида Миср мамлуклари султони Барқук (Барқёрук)нинг вафот қилгани, Қайсарий-Сивас мулкининг ҳукмдори Қози Бурхониддин Аҳмаднинг ўлдирилгани ҳақида хабар олгани бу юришни кечиктириб бўлмаслигига сабаб бўлди. Зеро, Мироншоҳнинг айби билан қўрқувни унутган, Соҳибкироннинг Ҳиндистонда юрганидан фойдаланиб дадиллашган Гуржистону Арманистон ҳукмдорлари итоатдан чиқиб, бебошликка юз тутган бўлсалар, Қайсарий-Сивас ҳукмдори ўлими туфайли унинг мулки учун усмонли турклар, қорақўйунлилар ва жалойирийлар ўртасиди рақобат бошланган эди. Миср султони тахтига ўтирган Барқукнинг ўгли бўлмиш Фаражнинг мурғаклиги туфайли у ердаям ўзаро курашлар бошланган, бу эса Амир Темурни қулай вазиятдан фойдаланиш учун ҳаракатга чорларди. Шайх Сова бошлиқ элчиларини катл эттирган султон Барқукнинг ўлимини эшитган соҳибкирон бу хабарни келтирган чопарга ўн беш минг динор пул ҳадя қиларкан, мағриб ўлкаларини забт этишга фурсат етганини англаган эди.

Аммо Амир Темур асл мақсадини ҳаммадан, ҳатто энг содик амирларидан ҳам сир тутди. Ҳамманинг назарида юриш амирзода Мироншоҳнинг эс-ҳушини жойига келтириш мақсадида бошлангандай эди.

Кўшин ўтган сафардагидек Мозандаронда тўхтамади, шиддат билан ғарб томонга интилаверди. Илло, жаҳонгирнинг нияти яқинлашаётган қишни Қорабўғда

Ўтказиш ва киш мобайнида ҳордик олган кўшинни пайт пойлаб Шому Рум устига ташлаш эди.

Оппок тулпор устида тебраниб бораётган гавдаси келишган, узун бўйли, дўнг пешонаси очик, елкалари кенг, калласи катта, соч-соқолига оқ тушган Соҳибкирон нималар ҳақида ўйлаётганини ҳеч ким билмасди. Юриш режасини пухталаб олган Амир Темур йўл давомида келини Севинбеканинг ўғли ҳақида олиб келган гапларини хаёлидан қайта-қайта ўтказар, аммо ўйи тугамасди.

Мироншоҳ мирзо Соҳибкироннинг учинчи ўғли бўлиб, у 1367 йили туғилган эди. Жаҳли тез, ичиб олса эс-ҳушини йўқотиб қўядиган Мироншоҳ 1389 йили базмларнинг бирида омонатда сақланаётган курд шахзодасини мастлик устида чопиб ташлаган эди. У даставвал отаси амрига биноан етти йил Хуросонда ҳукмфармолик қилди. Хуросон ҳокимияти Шохруҳ мирзога топширилгач, олдинги лавҳаларимизда ҳикоя қилганимиздек, Ҳулокулар мулки бўлмиш Форс, Озарбайжон, Шомнинг бир қисми ва уларга тобе ерлар Мироншоҳ мирзога суюрғол бўлди.

Мироншоҳ мирзонинг ота қаҳрига учраши сабаблари ҳақида муаррих Давлатшоҳ Самарқандий ушмундоқ ҳикоя қилади: «Мироншоҳ мирзо бир неча йил мустақил идора қилди... Аммо бир куни (Хой деган манзилда) отдан йиқилиб, миясига захма етди. Табиблар қанчайин уринмасинлар, фойдаси тегмади. Ақли шу қадар заифлашдики, савдойилик ва жунунлик даражасига етди. Шундан кейин Мироншоҳ мирзо кўп вақтини масҳарабозлар билан ўтказадиган, амирлару ноибларни сабабсиз шармисор қиладиган, уларни ўз холига қўймай, бекордан-бекор сиқувга оладиган золимга айланди. Охир шу даражага етдики, Соҳибкирон падарининг тамом инояти ва марҳаматини қозонган ўз муҳтарама хотини — хонлар авлодидан бўлмиш Севинбекани унинг амри билан изза қилдилар, кийноққа солдилар. Мироншоҳнинг ўзи эса унга ханжарини отди. Бу азобга чидолмаган Севинбека қочиб, Самарқандга, Соҳибкирон ҳузурига борди. Келин қонга беланган кўйлагини Соҳибкирон қайнотасига кўрсатиб, ўғил аҳволини отага баён қилди. Унинг ҳасратини эшитиб, Амир Темурнинг кўзларидан ёш тиркираб оқди ва бир ҳафта мобайнида бирон киши билан сўзлашмади. Бир ҳафтадан сўнг аркони давлатни ҳузурига чорлаб, ноко-

бил ўғлини жазолаш мақсадида Ирокқа юриш бошлая-  
жагини маълум қилди...»

Отасининг шиддат билан йўл босиб келаётганидан хабар топган Мироншоҳ мирзо Рай шахрида (Бугунги Техрон яқинида) Соҳибкиронга пешвоз чикди. Аммо Амир Темур ўғлини ва унинг аркони давлатини Табризда тафтиш қилажагини маълум қилгач, амирзода ночор тайинланган манзилга йўл олди. Тафтиш қилиш амир Хўжа Окбуғо билан амир Жалол Исломга юклатилди. Табризда Мироншоҳ бошқарган мулк хазинаси, барча девон дафтарлари элакдан ўтказилди, амирзода хизматида бўлган кишилар қаттиқ тергов қилинган, айбдорлиги аниқланган амалдорлар хибсга олинди.

Амир Темур Рай шахридан ҳулоку-элхонийларнинг сўнгги пойтахти, Улуғбек мирзо таваллуд топган Султонияга борди. Бу ерда у Боғи Чиноронда кўниб дам олгач, шаҳарга ялангбошу ялангоёк келтирилган Мироншоҳ мирзо мулозимларидан уч кишини фарзандини йўлдан оздиришда айблаб ўлимга буюрди. Ҳар учаласини шаҳарнинг Қазвин дарвозасига осдилар. Соҳибкирон ами билан қатлини Мироншоҳнинг кўз ўнгида ижро этдилар. Рангида қони қолмаган амирзода юзида ўлим нафасини сезгандек бўлди. «Отам мани ўлимга буюрмишму?!» деган ўйдан ҳарб майдонида кўрқувни билмаган юраги ларзага келди, нафаси қайтди. Жаҳли чиққан ота бари бир пуштикамаридан бўлган фарзандига озор етказмади.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» китобининг еттинчи мажлисида буюк Соҳибкироннинг шеърхонлик салоҳиятини таърифлаш баҳонасида ушбу воқеани эслаб ёзадилар: «Мундоқ нақл қилурларким, чун Мироншоҳ мирзо Табризда чоғирга кўп иштигол кўргузди, димоғ ва мизожи эътидол тарикидин инхи роф топиб, андин номулойим амр кўп сурат тутабошладди. Самарқандда ул ҳазрат арзиға бу навъ еткурдиларким, уч надими борким, муфрит чоғир ичмакка боис алардурлар. Ҳукм бўлдиким, тавочи миод ила чопуб бориб, уччаласининг бошин келтурсун. Алардин бири Хожа Абдулқодир эрди, бири Мавлоно Муҳаммад Кохий эрди ва бири Устод Қутб Нойи. Тавочи бориб иккисини ясоққа еткурди. Аммо Хожа Абдулқодир қочиб, қаландар бўлуб, ўзин девоналиғга солиб, мулкдин мулкка мутавори бўлуб юрур эрди, то улким, ул ҳазрат яна Ирок юруши қилди, ул мамаликда Хожанинг ул холи баъзига маълум бўлуб, юкори арз қилдилар.

Хукм бўлдики, тутуб келтирсунлар. Ул хазрат тахтда эрдиким, Хожа фақирни девоналикга кўймай, судраб тахт илайига келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат хукми бўлғай, чун Хожанинг камолотидин бири Куръон хифзи ва қироат илми эрди, филхол бийик ун била Куръон ўкумок бунёд килди. Ул хазратнинг ғазоби лутфга мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сари бокиб, бу мисраъни ўкудиким:

**Абдол зи бийм чанг дар Мусхаф зад.<sup>1</sup>  
(Каландар кўркувдан Куръонга чанг солди.)**

Андин сўнгра Хожага илтифот ва тарбиялар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Идрок ва фахм аҳли билурким, йиллар, балки қарнлар мундок латиф сўз камол ва фазл аҳлига воқиъ бўлмас...

Хожа Абдулқодирга илтифот қилган Соҳибқирон Мироншоҳнинг яқин суҳбатдошларини катл эттиргандан кейин ҳам фарзандини кўришни истамеди. Суюкли набираси Халил Султон отаси гуноҳини авф этишни тилаб кирганда, Амир Темур ғазаб билан айтди:

— Чоғирға берилган, хотин кишига қўл кўтарган киши ожиз кимсадур, шундок эркан, ул ҳокимиятга ярамайду!..

Яқинлашиб қолган қишни Қорабоғда ўтказишни ният қилган Амир Темур йўлга тушиш олдидан Хулоқулар мулкини Мироншоҳнинг тўнғич ўғли Абубақр мирзога топширди ва отасини ҳам унга бўйсундирди. Соҳибқирон хижрий 802 йил рабиулаввал ойининг ўртасида — мелодий 1399 йил ноябрида Қорабоққа етиб келиб, одатига биноан севимли тоғ яқинидаги Мингул ўтлоғида ўтов тикди. Кўп вақт ўтмай Шеки мулки нойибининг ўғли Сайид Аҳмад билан Шервон мулкининг хукмдори Шайх Иброҳим жаҳонгир пойини ўпмок ва итоат билдирмок учун шу ерга келдилар.

Қорабоғ қишин-ёзин ям-яшил, кундузи шабада, кечаси заиф изғирин хукмрон тоғ водийси. Бу ердаги юксак, викорли тоғлару адирлар тепасидан дунёнинг тўрт томони кўриниб тургандек. Осмон бепоён, уфқлар кенг. Бир ёқда Ширвон, бир ёқда Арманистону Гуржистон, хув олисларда қуёш ғазоби остида қолгандай

---

<sup>1</sup> Айрим мақолаларда ушбу сатр муаллифлиги Амир Темурга нисбат берилиб, хатога йўл қўйилмокда. Холбуки бу сатр Шайх Абусайид Абулхайр қаламига мансуб машхур рубойининг бошланмасидир (Муаллиф).

туюлган, аммо ҳеч қачон қори эримайдиган юксак тоғлар. Қуш учиб етмаган чўккилар оппок кулоҳ кийиб хотиржам ухлайдилар. Симобранг томчиларини сачратиб гувиллаган шар-шара сувлари тошдан-тошга урилиб, арчазорлар оралаб пастга оқади. Баҳор пайти булоқлардан ситилиб чиқаётган асалтаъм сувлар тева-рагини сиёхранг гуллари ғуж-ғуж очилган ям-яшил бинафшалар куршайди.

Амир Темур кишлов чоғида ҳам тинч ўтирмади — янги 1400 йил январида Гуржистонга бостириб кириб, Тифлисни қўлга олди. Гуржилар подшоси Георгий тоғлардаги ғорларга бекинди. Аммо Турон аскарлари шох-шаббадан тўқилган саватлар ёрдамида юксак қояларни ҳам забт этгач, Георгий мамлакатнинг кунботар қисмига қочди. Тез кунда уни қувиб етган мовароуннаҳрликлар гуржиларни бутунлай тор-мор этдилар. Итоатга келтирилган Гуржистон яна ўлпон тўлашга мажбур бўлди.

Эрта баҳорнинг янги ва чакноқ қуёши кўкатларни қулоғидан тортиб чиқарди-ю, Қорабоқ адирлари, ўтлоқлари яшил кўрпага бурканди. Осмон тип-тиник ойнадек порлайди. Тоғ-адирлар этагида беданалар сармаст сайрайди. Уюр-уюр отлар яшнаб турган ўт-ўланни «карт-карт» узиб, эркинликдан қувнайди. Қиш бўйи ўтовларда димиққан навқар йигитлар тўп-тўп бўлиб қурашғирликка лойик майдон қидиради.

Мана шундай қуёшли кунларнинг бирида Амир Темур қурултой тузди. Қурултойда салтанатнинг ички ва ташқи сиёсатиغا доир масалалар, энг аввало Онадўли, Сурия ва Ироқ устига режаланган юриш ипидан игна-сигача муҳокама этилди. Амир Темур қўшинда тартиб-интизомни янада кучайтиришни қайта-қайта тайинларкан, амирларга уқтирди:

— Шом устига юришга куч-қудратимиз, иншооллоҳ, етарли. Аммо қулай фурсат ғалабанинг асосидур. Вазифангиз пайт пойлаб, ёғийнинг ҳар бир ҳаракатини хушёр кузатмоқдур.

Амир Худойод ҳукмдорининг сўзини маъқуллаб бош силкирган:

— Душманингни лаълу жавоҳирдек сақламоқ лозим, қачонки бирон тошлоқ ерга келиб қолсанг, уни олиб тошга шундай ургилки, талқони чиқиб, ундан ному нишон қолмасун,— деди.

Қурултой тугаши билан бир қисм қўшин яна Гуржистонга юборилди, амирзода Рустам қўмондонлиги-



даги бошқа қисм эса Ирок устига юришга буюрилади. Амирзода Шерозда турган аскарлари билан Бағдод томонга ҳаракат бошлаб, Луристондаги Бағдодга тобе қалъаларни яқсон қилгач, соҳибқирон буйруғи билан яна орқага қайтди. Аммо Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад ваҳимага тушиб қолди, у ҳатто ўз яқинларидан шубҳаланиб, уларни бирин-кетин ўлдира бошлади. Оқибатда муҳолифлари кўпайиб, Бағдодни тарк этишга мажбур бўлган Султон Аҳмад қорақуйунлилар раиси Қора Юсуф ҳузурига паноҳ истаб борди. Бу икковлон амирзода Рустамнинг йўлдан қайтганини эшитгач, шошилишч Бағдодга қайтдилар. Кўп ўтмай улар Амир Темурнинг Қорабоғдан қўзғалиб, Сивасга қараб йўналганини эшитдилару яна Бағдодни тарк этдилар. Икки қочок Миср султонидан паноҳ тиламок мақсадида Ҳалаб томонга от қўйдилар. Аммо Ҳалаб ҳокими уларни нохуш кутиб олди. Бу орада Амир Темур Сивасни забт этгани хабарини олган икки иттифоқчи энди усмонлилар султони Йилдирым Боязиддан бошпана сўрашга қарор қилдилар.

## ДЎСТ ВА УСТОЗ. САРБАДОРЛАР ҚИССАСИ

Қорабоғ ўтлоғида малика бибиси паноҳида яшган Улуғбек Мирзо содиқ бир дўст орттирди. Бу Соҳибқирон қиссахонининг ўн саккиз яшар жияни эди. Бу йигит унинг илк устози бўлди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарида ёзилишича, бу йигитнинг «исми Ҳамза ибн Али Малик ат-Тусий, таҳаллуси Байҳақийдур».

Ҳамза тоғаси билан Амир Темур қароргоҳида яшарди. Улуғбек тоға-жиян яшаган оқ ўтовга биринчи марта кирганда, у ердаги китобларнинг кўплигини кўриб хайратга тушганди. Ўтовнинг бир четидаги манқалда бир ховуч кўмир чўғланиб ёнар, китобларнинг чарм муқоваларидан таралаётган хушбўй хид ёник шам иси билан қўшилиб ўтов ичини тўлдириб турарди.

Энди Улуғбек Мирзо кун бўйи Ҳамза билан бирга эди. Сабза урган мўйлаби ўзига ярашган бу йигит шунақаям кўп ҳикоятларни ёддан билардики, ёш мирзонинг хайрати кундан-кунга ошиб борарди. Ҳар куни эрталабдан пешингача амирзода устозидан таҳсил олар, ҳар тонг Ҳамза ўтган сабоқлар ҳақида қисқача гапириб, сўнг янги дарсга ўтар, у ваъзни тугатиши билан шахзода устозини саволга қўмиб ташларди.

Хамза биринчи кундаёк шогирдининг зеҳну фаросатига қойил қолди. Олти яшар шахзоданинг хусниҳати бежирим, ҳисоб илмида устозидан ҳам устун эди. Шу сабабданми, Ҳамза ҳар бир дарсга пухта тайёрланар, шогирдига ўзи яхши билган тарих ва ҳикмат илмига меҳр уйғотишга кўпроқ эътибор берарди.

Кунларнинг бирида навбатдаги сабоқдан сўнг бир қанча саволлар муҳокама этилгач, Улуғбек мирзо одоб билан устозига мурожаат қилди:

— Устоз, ижозатингиз билан ўзимнинг бир саволимни берсам.

— Лутф айланг, мирзо, қандай савол эркан ул? — деди Ҳамза.

— Устоз, сиз Байҳақдандурсиз. Фаҳмимча, Сабзавору Байҳақ сарбадорлар сарзаминидур. Мен аларнинг аҳволидан сўйлаган бирор битикни кўрганмича йўқ. Бу ҳолнинг боисини ойдинлаштириб берсангиз.

Ҳамза ўйга толди. Унинг отаси Байҳақ сарбадорлари тоифасидан бўлиб, насл-насаби соҳиби давлат Муиниддин Аҳмад ибн Замши ал-Ҳошимий ал-Марвазийга уланар, сарбадорлар замонида Исфароида соҳибхтиёр ҳам бўлган эди. Лекин буни қарангки, ўзи сарбадорлар авлодидан бўлатуриб бу хусусда ҳеч ўйлаб кўрмаган экан.

«Амирзода ёш бўлса-да, анча ижтиҳодли бола,— деб ўйлади Ҳамза.— Шу ёшда ақли расолиги берган саволларидан маълум. Унинг саволига жўяли жавоб айтмоқ лозим».

— Қизиқ савол бердингиз,— дея гап бошлади Ҳамза шогирдининг тийрак кўзларига ўйчан тикиларкан,— Дарҳақиқат, Сабзавор сарбадорлари ҳақида ҳали бирор мукамал асар битилмагандур. Мен бу ҳолнинг сабабини бундоқ изоҳлайман...

У шундай деди-ю тўхтаб қолди. Етти икклимни зир титратган жаҳонгирнинг набирасига ўйлаганларини очик айтиш жўялимикан? Ҳамза тарадудда қолди, аммо амирзоданинг динг ҳолатини кўргач, гапини давом этди:

— Сарбадорлар мўғуллар яғмоси-ю, замона шоҳларига қарши чиқмишлар. Муаррихлар эса ҳамиша шоҳлару султонлар ҳақида китоб барпо этганлар. Шу сабабданми, сарбадорлар тарихини махсус тарих қилиб битмоққа зарурат сезмаганлар.

— Устоз,— деди жавобдан қониқмаган Улуғбек

Мирзо, — муаррих хар не воке бўлсун, битмоғи лозим эмасму?

Хамза яна нима дейишни билмай қолди. Бироздан сўнг шогирдига тикилиб:

— Мирзо, яхшиси мен сарбадорлар хусусинда билганларимни сўйлай, шоядки, замони етса, аларни китоб килиб битгайсиз, — деди.

Хамза хикоясини бошлаши билан Улуғбекнинг бутун борлиги кулоқка айланди.

— Сабзавор қишлоқларидан бирини Боштин дерлар, — деб қисса бошлади Хамза. — Мана шу қишлоқда Хожа Фазлуллоҳ исми ҳурматли, бойликда Байҳак ерида унга тенг келадиган киши бўлмаган соҳибдавлат одам яшарди. Унинг уч ўғли бўлиб, тўнғичининг исми Абдураззоқ, ўртанчасиники Масъуд, кенжасиники Шамсиддин эди.

Шижоатли, қадди комати келишган йигит бўлмиш Абдураззоқ Сабзавордан Султонияга — Ироқи Ажам мулкини идора қилган элхоний Султон Абу Сайидхон мулозаматига борди. Хон унинг азаматини кўриб ўзига ясовул қилди. Кун вақт ўтиб кунлардан бир кун хон Абдураззоқни солиқ йиғиб олиш учун Қирмонга юборди. Солиқни тўплагач, Абдураззоқ уни ўз маишатига сарфлаб қўйди-ю нима қилишини билмай қолди. Ниҳоят, отасидан қолган мулкни сотиб, девонга тўланиши лозим бўлган маблағни қайтариш мақсадида Сабзаворга қараб йўл олди. Йўлда Султон Абу Сайидхоннинг вафот этганини эшитгач, кўп шод-хуррам бўлди, Кейин яширинча туғилган юрти — Боштин қишлоғига келиб, қавми-қариндошларини тўплаб, йўлда эшитган хабарини уларга етказди. Шунда қариндошлари хон вазирининг жияни Боштинда эканлигини айтиб, «Бир неча кундирки; қишлоққа жабру ситам ўтказиб, биздан шароб ҳамда паричехралар талаб қилмоқда», — деб унга арз қилдилар. Бу гапни эшитган Абдураззоқ кечаси вазир жиянини кўлга олиб, ўлдиртирди.

Сарбадорлар ҳаракати мана шу воқеадан бошланур.

Уларнинг не сабабдин сарбадор аталишлари ваҳига келсак, бу ҳам мен сизга хикоя қилган воқеа билан боғлиқдур. Яъниким Абдураззоқ бошлиқ одамлар вазир жиянини ўлдирган куннинг эртаси эрталаб Боштин қишлоғи четида дор тикдилар. Сўнг салла ҳамда тақяларини дорга осиб, тошбўрон қилдилар ва ўққа тутдилар. Сўнг ўзларига «сарбадорлар» деб от

кўйдилар, ана шу ернинг ўзида етти юз киши Абдураззок билан бирга аҳду паймон чекдилар.

Абдураззок Байҳакий бошлаган ғавғодан хабар топган Хуросон вазири Алоуддин Муҳаммад исёнкорларни даф этиш учун кўшин йўллади. Аммо Абдураззокнинг иниси Масъуд бошлик сарбадорлар вазир аскарларини тор-мор этдилар. Тез орада Сабзаворни эгаллаган Абдураззок ўз номига хутба ўқиттирди. Бу хижрий 737 — мелодий 1337 йилда содир бўлди. Мазкур санадан эътиборан сарбадорлар давлатига асос солинди.

Абдураззок бир йилу икки ой ҳукмронлик қилди. Кейин оға-ини ўртасида чиққан келишмовчилик туфайли Масъуд ўз оғасини ўлдириб, унинг тахтини эгаллади. Масъуд Нишопур, Жомни ўз давлатига кўшди. Арғуншок Жоний Қурбонийни бир неча марта мағлуб этди...

Хикоясининг мана шу ерига келганда Ҳамза сўзларини жон қулоғи билан тинглаётган Улуғбек мирзога уқтирди:

— Амирзодам, эшитишимча Сохибқирон бобонгиз ёшлик чоғларида мана шу Жоний Қурбоний авлодидан бўлмиш Алибек кўлида олтмиш икки кун тутқун бўлган эканлар. Сиз бу ҳақда биласизму?

Улуғбек устози эслаган воқеани бобосининг ўз оғзидан эшитган эди. Бобоси бу тутқунликдан ёлғиз қилич кўмагида халос бўлганини хикоя қилганда нечоғли ҳаяжонланиб кетгани ҳамон ёдида.

— Устоз, билурмен, — деди Улуғбек.

Ҳамза шөгирдининг қувваи хофизасига яна бир қарра қойил қолиб Хуросон сарбадорлари қиссасини давом этди:

— Масъуд Байҳакий охири Шайх Ҳасан Жўрийга мурид бўлди, шайх эса сарбадорлар давлатининг муршиди — рухоний раҳбари бўлди. Муршиду мурид биргаликда элхоний Тўға Темурхонни, Хирот ҳукмдори Малик Ҳусайн Куртни мағлуб этдилар. Кейин Масъуд ўз пирини ўлдиртирди. Шундан бошлаб унинг омади юришмай, жангларнинг сарҳадлари Жомдан Домғонгача, Ҳабушондан то Туршизгача кенгайди. Хожа Масъуднинг ҳукмронлиги етти йилу тўрт ой давом этди.

Хожа Масъуддан кейин унинг ғуломи Оға Муҳаммад Темур икки йилу икки ой ҳукм сурди ва Хожа Али Шамсиддин ҳамда бошқа сарбадорлар кўлида қатл этилди. Ундан сўнг Хожа Масъуднинг навқарларидан

Қолу Исфандиёр тахтга чикди, бир йил ўтди-ю у ҳам ўлдирилди.

— Эҳ, мирзо, — дея алам билан хўрсинди Ҳамза, — шундан кейин бир-икки кишининг ўз ўлими билан оламдан кўз юмғонини айтмасам, сарбадорлар тахтининг атрофида факат ўлдирилди.

Хуросон сарбадорлари давлати ярим аср давом этди. Сўнги ҳукмдор Ҳожа Али Муайяд бўлди. Бу хожа давлат тепасида ўтирган йиллар улуг жаддингиз, соҳибқирони аъзам Амир Темур Қўрагон хазратлари билан яқин бўлган, ҳатто ўз мамлакатини бобонгизга топшириб, ўзи уларнинг хизматларида бўлган деб эшитганман.

Ҳамза хикоясини тугатиб шогирдига тикилди. Улуғбек хаёлга ботганча унга қараб турарди. Орада жимлик чўкди. Жимликни яна Ҳамза бузди:

— Яна Самарканд сарбадорлари тарихи бордирки, афсус, мен бу хусусда яхши билмайман.

Шу пайт уларга жуда яхши таниш бир овоз эшитилди:

— Нега билмайсан?!

Устоз билан шогирд ўтирган жойларидан ирғиб турдилар. Улуғбек қувончини яширолмади:

— Бобожон! — деб юборди.

Ўтов эшиги олдида Амир Темур турарди. У ичкарига кираркан, гапини давом этди:

— Хуросон сарбадорлари тарихини биласану самарқандий сарбадорлар кечмишини бимаёсанму?

Ранг рўйи оқариб кетган Ҳамза нима дейишни билмай турганини кўрган Амир Темур мийғида кулди.

— Сен Улуғбекка Хуросон сарбадорлари хақида тўғри сўйладинг.

Улар ёғинни қувдилару бир-бирларига ёғий бўлдилар. Бир-бирларини ўлдириш билан машғул бўлдилар. Шу сабабдан улар тузган давлат омонат бўлди. Илло адолат истаган кўнгилда адоват бўлмаслиги керак. Уқдингму, киссахоннинг жияни!

Амир Темур қаршисида тирик мурдага айланиб қолган Ҳамза чурқ этмади. Соҳибқирон набирасининг юзини қокшол қафти билан силар экан:

— Юринг, мирзо, — деди.

Амир Темур набиралари ичида ёлғиз Улуғбек мирзогагина сизлаб гапирарди. Бу одат унга пири бўлмиш Амир Саййид Қудолдан юққан эди. Шайх ҳам ўғилларининг бирига отасининг исмини қўйган эди. Шу сабаб-

дан ҳеч вақт уни исми билан чақирмас, чақирса: «Хой, мард!» — дея чақирарди. Соҳибкирон ҳам набирасини ҳеч қачон «Мухаммад Тарағай» деб чақирмаган, Мордин қалъаси ёнида айтган нияти туфайли тез орада иккинчи номга айланиб қолган «Улуғбек» лақаби билан чақирарди. Бу Амир Темурнинг отасига бўлган иззат ва меҳридан дарак эди.

Бобо билан набира Мингул ўтлоғининг этагидаги адирлар томонга қараб юрдилар. Чор-атроф сув қуйилгандек жим-жит эди.

— Устозингиз исми Ҳамзамиди? — дея сўради юришдан бир зум тўхтаб Амир Темур.

— Ҳамза! — деди Улуғбек мирзо.

— Қиссахоннинг жияни-да, хикоялари бамаъни. Аммо Самарқанд сарбадлорлари қиссасини билмагани ёлғон... Билади. Сўйлашга кўрқадим.

— Кимдан кўрқадим? — хайрон қолди бола.

— Мендан... Мендан кўрқадим! — деди Соҳибкирон.

Олисидаги тоғ чўққиларини қоплаб ётган мангу қорларда акс этган қуёш нурлари кўзни камаштиргудек яракларди. Бу яраклаш гоҳ қирмизи, гоҳ бинафшаранг, гоҳ симобранг, гоҳ яшилранг порлайди. Амир Темур бу манзарани томоша қиларкан сўради:

— Ўзингиз биласизму?

— Нимани, бобожон?!

Аммо жаҳонгир жавоб бермади, у ўйга ботди. Кўз ўнгида қирқ йилча аввал бўлиб ўтган воқеалар жонлангандек бўлди.

Ўшанда Мовароуннаҳр мўғуллар қўлида, уни Чиғатой авлодлари бошқарар эди. У ўн ёшга тўлган йили Чиғатой улусининг тахтида ўтирган Қозонхон — Сароймулкхонимнинг отаси ўлдирилди. Ғавво бошланиб, Чиғатой улуси иккига бўлиниб кетди. Мовароуннаҳрга Қозонхонни ўлдирган, маҳаллий турк амирларидан бўлган амир Қазаған эгалик қилган бўлса, Еттисуву Қошғарни ўз ичига олган ва Мўғилистон деб юритилган ҳудуд Чиғатой авлодига мансуб Туғлуқ Темурхон ҳукмида қолди. Амир Қазаған чингиззода бўлмагани сабабидан эски усулни қўллади: Мовароуннаҳр тахтига мўғул Донишмандчани ўтказиб, унинг номидан мамлакатни бошқара бошлади.

Бу пайтда маҳаллий турклар мўғулларнинг ҳар йили юртни талайдиган қўшинлари таъкибида, доимий хавф-хатар ва ўт-олов ичида яшаганлари учун юраклардаги кўрқув эскириб унутилган, ҳеч нарсадан тал

тортмайдиған, жасур бўлиб кетган эдилар. Юз йилларча бурун Чингизхоннинг оғир зарбасидан тахликага тушган, аммо ота-боболари жанговарликлари билан машхури жахон бўлганини хотирасидан чиқармаган бу халқ мўтеликка узоқ чидамади. Яна қалбида жанговарлик ўти чўғланиб, қадим замонлардан дунёни титратган серзавқ, баландҳиммат турк табиати уйғонган, оқибатда Чигатой улуси ҳокимияти турк амирлари қўлига ўта бошлаган эди. Мовароуннаҳрда босқин туфайли ўрнашган мўғуллар ҳам аллақачонлар маҳаллий халққа қўшилиб, турклашиб кетган, уруғ суриштирганларга, улар ҳеч иккиланмай «Туркмиз!» деб жавоб берган замонлар эди. Аксинча, маҳаллий турк зодагонлари ҳокимиятга даъволарини мустаҳкамлаш учун турли-туман йўллар билан ўзларини Чингизхон авлоди қилиб кўрсатишга уринган вақтлар эди. Туркларда истиқлол туйғуси кучайган, бу холини халқнинг бошига тушган истибдод кулфатлари юзага чиқарган эди. Авваллари мўғул хонларнинг мулозимлари бўлган, уларнинг макрига учиб бир-бирлари билан урушиб-талашиб ётган турк амирлари энди ўзаро иттифок тузишга уринардилар. Бу амирлар бутун Мовароуннаҳрда бир хилда хатар солиб турган ғайридинларга қарши бирлашиб курашмоқ заруратини ҳали тўла англаб етмаган бўлсалар-да, шунга интилиш аломатлари зоҳир бўла бошлаган эди.

Амир Темур отасининг маслаҳати билан амир Қазаған хизматига борди. Аммо амир Қазаған 1358 йили Туғлуқ Темур фитнасига учган куёви томонидан ов чоғида ўлдирилди. Ўз нияти амалга ошганидан хабар топган Мўғулистон хони хаялламай Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бу пайтда Темур амакиси, Қеш ҳокими амир Ҳожи барлос измида эди. Ҳожи барлос мўғуллар билан жанг қилишдан кўркиб Хуросонга қочганида, дастлаб у билан кетишни ўйлаган Темур тўсатдан айнаиб, Амударё ёқасидан ортига қайтди. Юртни душманга ташлаб қочиш номарднинг иши, асл ўғлон ўз халқини яғмодан қутқариш чорасини излайди, деб ўйларди у. Ягона чора — душман хизматига кириш, бўлғуси кураш учун куч тўплаш эди. Туғлуқ Темур ҳузурига бош эгиб борган Амир Темур кўп ўтмай хон ишончини қозониб, Қешни бошқариш учун ёрлик олди.

Бу даврда Амир Темур билан Туғлуқ Темур ўзаро қелишишга мажбур эдилар. Агар Темур она юртини озод қилишга вақт етмаганини англаб хон хизматига

кирган бўлса, мўғул хони Мовароуннахрни қўлга кири-тиш учун маҳаллий амирлар кучига ва мададига тая-ниш зарурлигини фаҳмларди. Мўғул хони Мовароун-нахрда узоқ қололмади: Амир Темурнинг яширин хара-катлари билан хон ва унинг амирлари ўртасида низо келиб чиқиб, Дашти Қипчоқда исён бошланди. Туғлук Темур Мовароуннахрни Амир Темурга топшириб Мўғу-листонга қайтишга мажбур бўлди. Аммо у кетиши билан қочиб юрган амирлар қайтиб келдилар. Моваро-уннахрда ҳокимият учун кураш қайта авж олди. Оқи-батда Темур Мўғулистонга — Туғлук Темурга мактуб йўллаб, кўмак сўрашга мажбур бўлди. Мўғул хони ҳам юзага келган вазиятдан фойдаланмоқчи, ўзининг Мо-вароуннахрдаги мавқеини мустаҳкамламоқчи бўлди ва қўшин билан йўлга чиқди. Мўғулларнинг кучи билан ҳокимиятини сақлаб қолмоқчи бўлган Амир Темур бу гал адашди. Туғлук Темур ҳукуматни ўғли Илёсхўжага топшириб, Темурни эса бош кўмондон ва вазир этиб тайинлади. Тез орада Темурнинг мавқеи кундан-кунга ошиб бораётганини кўрган Илёсхўжа отасига мактуб йўллаб, Темурни исён кўтармоқчи деб айблади. Хон эса Кеш ўғлонини ўлдиришга ёрлик жўнатди, аммо ёрлик Темурнинг қўлига тушиб қолди. Оқибатда у ўз атрофи-га барлос йигитларини тўплашга киришди.

Жамланган кучлар билан мўғуллар қўлидан Мова-роуннахрни халос қилишга ожиз эди. Шу сабабдан Амир Темур элини тарк этишга мажбур бўлди. Унинг юртма-юрт кезиши, саргардонлиги узоқ давом этди. У Сейистон ҳукмдори хизматида бўлди, кейин мана шу ҳукмдор макри туфайли жангларнинг бирида қўли билан оёғидан яраланди. Шу сабабдан умрининг охирига-ча бир қўли шол, бир оёғи оксоқ бўлиб қолди.

Бўлажак жаҳонгир яраси тузалиб оёққа турганда, ёнида атиги қирк йигит қолган эди. Аммо у умидсиз бўлмади, кўркмай жангга киришди. Бир неча марта Мовароуннахр сарҳадларида Илёсхўжа билан жанг қилди. Амир Қазағанининг ўғли бўлмиш Хусайн билан иттифок тузиб, юртдан мўғулларни ҳайдаб чиқарди.

1365 йилнинг бошида вафот қилган отаси тахтига ўтирган Илёсхўжа Мовароуннахрга учинчи марта юриш бошлади. Мовароуннахрни қўлга киритгандан сўнг Амир Темурдан юз ўгириб, унга қарши фитна йўлига кирган амир Хусайн Илёсхўжа бостириб кела-ётгани ҳақида эшитиши билан Амир Темурга мактуб йўллаб, душманга қарши бирлашишга чақирди. Чунон-



чи у мўғулларга қарши якка ўзи чиқишга кўрқар, Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик истеъдодисиз иши юришмаслигини англади. Амир Темур ўзаро келишмовчиликларни четга суриб, душманга қарши ҳамжихат чиқиш заруратини яхши тушунар ва шу сабабдан у тезда ўз атрофига содик амирлару баходир йигитларни тўлади.

Илёсхўжа бошлик Мўғулистон қўшини билан амир Хусайн ва Амир Темур кўмондонлигидан Мовароуннаҳр қўшини Чиноз яқинида, Чирчик дарёси ёқасидаги ялангликда тўкнашдилар. Жанг 1365 йил 5 майда содир бўлди. Жанг икки кун давом этди. Биринчи кун натижасиз бўлди. Иккинчи кун эрталабдан жуда қаттиқ дўл аралаш ёмғир ёғди ва жанг майдони лой бўлиб, отлар ва пиёдаларнинг ҳаракати қийинлашди. Шу сабабдан бу жанг кейинчалик «Жанги лой» — «Лой жанги» номи билан машҳур бўлди. Иккинчи кун бошланган жангда Амир Темур лашқари душманнинг ўнг қанотини чекинишга мажбур қилган бўлса, амир Хусайн лашқари душманнинг сўл қанотидан енгилиб пораканда бўлди ва жанг майдонини ташлаб қочишга тутинди. Натижада Амир Темур ҳам чекинишга бош қўшди. Амир Хусайн Хуросонга, Амир Темур эса Кешга қараб қочдилар. У Кешда биров дам олгач, мўғулларнинг Самарқандга яқинлашганидан хабар топиб, бир гуруҳ аскарларини химоячиларга кўмакка жўнатди. Аммо мўғуллар билан тўкнашувларда омади юришмаган аскарлари яна Кешга қайтгач, Амир Темур ҳам Хуросон томонга қараб кетди. Аммо унинг бутун хаёли химоясиз қолган Самарқандда эди.

Мовароуннаҳр қўшини мағлуб бўлгани, ғолиб мўғуллар оч бўрилар галаси сингари қутуриб Самарқандга қараб келаётгани шаҳар халқини саросимага солди. Чингизхон истилосидан сўнг вайрон этилган шаҳар деворлари хануз тикланмагани, мустаҳкам истехкомнинг йўқлиги вазиятни ноилож ахволга солиб қўйиши мумкин эди.

Ана шундай оғир фурсатда душманга қарши лаёқатли кучни халқ ўзидан топди. Самарқанд аҳолисининг асосини ташкил этувчи ҳунармандлар бирлашиб, қўлларига қурол олдилар. Уларга мадраса талабаси бўлган Мавлонозода, довюррак мерган Хурдак Бухорий ва наддофлар — пахта тозаловчилар оқсоқоли Абу-бакр Калавий раҳбарлик қилдилар. Бу учовлон футувват ахлидан эдилар. Мовароуннаҳрда бир пайтлар гул-

лаб-яшнаган футувват рухи гарчи мўғул яғмоси туфайли пасайган бўлса-да, хали беиз йўқолиб кетмаган эди. Аксинча, футувватдаги тенглик ва эркпарварлик тамали таназзулга юз тутаетган истибдодга қарши кураш туйғусига айланиб, аста-секин кучайиб бораётган эди.

Хўш, футувватнинг ўзи нима! Футувват, бу тасаввуф билан тавҳид илмининг бир бўлаги. Шу билан бирга футувват умрни дўстлар хизматига бағишлаш, факат яхшилиқни ўйлаб, яхшилиқ қилишдан чарчамаслик, эзгулик дея яшаш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, мухтожларга ёрдам бериш, пиру устозлар, ёру дўстлар номуси, шарафини ҳимоя қилиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, тирикчиликни ҳалол топилган нон билан кечириш, покиза ва комил инсонлар суҳбатини қозониш эди. Футувватни жавонмардлик ёки жўмардлик деб ҳам атаганлар. «Футувватномаий султоний» асарининг муаллифи Ҳусайн Воиз Қошифий ҳазратларининг ёзишича, «**футувват элдан яширин бирор иш қилмаслик, барча одамлар билан хушфёълликда яшаш, аҳдга вафо қилиш, ҳаммани ўзингдан афзал билиш ва ўзини ҳеч кимдан баланд қўймаслик, тақаллуфни тарк этиш, уйда неки бўлса меҳмон учун ҳозир этиш, атрофдагиларга инсоф-мурувват кўрсатиш ва эвазига ҳеч нима тама қилмасликдир**».

Машҳур араб сайёҳи Ибн Боттута «Сафарнома» китобида жўмардлар ҳақида шундай ёзган эди: «**Мен дунёни кезиб, бундай одамлардан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси гарчи ўзларини жавонмардларга ўхшатсаларда, улар (Хоразм ва Мовароуннаҳр жўмардлари) ғариб мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан баланд турадилар. Уларга тобеъ жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, кулбаларида олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди**»...

Бошқа бир араб олими ва сайёҳи Ибн Ҳавқал юртимиз жўмардлари ҳақида шундай ҳикоя қилади: «**Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражадаки, гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандайдилар. Бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлади. Улар жуда меҳмондўстдилар**».

Жавонмардлар уюшган тарзда фаолият юргизганлар. Улар мазлумларни золимлардан ҳимоя қилиш баробарида уюшиб ташки душманларга қарши

курашганлар. Муаррихлар Абу Муслим, Яъқуб ибн Лайс, Маҳмуд Торобий, Самарқанд сарбадорлари каби араб, мўғул босқинчиларига қарши жангларда бошчилик қилган қаҳрамонларни жавобмардлар дея ҳисоблайдилар.

Жавонмардлар пири сифатида танилган Паҳлавон Маҳмуд Пурёривалий Хоразмийнинг мардлик ва олижаноблик руҳидаги рубойиси фугувватга қасидадир:

*Олам фили қайтаролмас журъатимиз,  
Чархдан зўрроқ қудратимиз, шавкатимиз.  
Гар чумоли кириб келса сафимизга —  
Шер этажак уни дарҳол давлатимиз.*

Амир Темурнинг ўзи ҳам ёшлик йилларида дастлаб тасаввуф илми билан машғул бўлган, кейинчалик эса бутунлай фугувватга берилган эди. Она шахри Кешда у ўзи атрофига тўплаган йигитлар тўла-тўқис жўмардлар эди. Пири комиллари Хожа Шамсиддин Кулол, Амир Саййид Кулол ўғитларини юрагида маҳкам сақласа-да, истибдоддан азоб чеккан ватан ва миллатини кулфатда қолдириб, дунёдан кўнгил узиб, узлатда яшашга кўника олмади. Фугувватга юқуниб, теварагига жўмардларни тўплаб, душманга қарши кураш йўлига кирди. У Самарқанд аҳлининг мўғулларга қарши кўтарилгани хабарини эшитганида ҳам, уларни душманга юзма-юз олиб чиққан куч фугувват эканлигини англаган эди.

Бу хабар етгандан кўп ўтмай Самарқандда қолдирган хуфия йигити Амир Темур ҳузурига келиб, шаҳарда кечаётган воқеаларни шундай хикоя қилди:

— Муборак жума кuni Самарқанд аҳли — хавосу авом, каттаю кичик масжиди жомеда жам бўлдилар. Аммо қанча тортишмасинлар, бир амру қарорга келолмадилар. Мана шу аҳволда Мавлонозода номи билан машҳур йигит минбарга чиқди. Эшитишимча, бу йигит бузрукворлар авлодидан бўлиб, донишманду баҳодир эр экан. Тирандозликда моҳир бўлганидан уни Мавлонозодаи тирандоз дер эмишлар...

Йигит шамширини белига осиб минбарга чиқди ва салом бериб, давъат қилдики: «Эй маъшарул муслимин! Куффор галаси мусулмон хонумони қасдига келмокдадур. Муслимлардан божу хирож талаб қилиб, ани ўз хотирасига келганча сарф қилган ҳокимлар эса ёғийлар олдига тушиб қочдилар...

Хуфия охирги жумлани ирод қилганда Амир Те-мурнинг юзлари дув кизарди. Лаънати амир Ҳусайн номардлиги туфайли юзага келган бу вазият учун айбдор эмаслигини билса-да, аламдан ва уятдан ичи ёнди. Аммо ўзини босиб, хуфия ҳикоясини тинглашда давом этди.

Ориқкина йигит хаяжонга берилиб, жўшиб сўз-ларди:

— Мавлонозода яна айтдики: «Эй аҳли фуқаро, биз кофирлардан қанчалик омонлик тиламайлуқ, жонимиз эвазига қанча молу давлат бермайлуқ, бари бир улар бизга раҳм-шафқат қилмаслар. Шундай экан, фурсат-ни бой бермайлуқ, дини исломия ҳимоясини, аҳли му-слим олдидаги масъулиятни бир зот ўз бўйнига олсун, токи биз унинг хизматини қилиб, ҳаётимизни унинг қўлига топшира билсак!»

Аммо мажлис сукут қилиб, унинг хитобига жавоб бермадилар. Бирон зот чиқиб айтмадики: «Мана, мен бўйнимга олгаймен!» Бу ҳолни кўрган Мавлонозода яна дедиким: «Токи шундай киши орангизда йўқ экан, агар бу ишни мен олишга рози бўлсам, сиз менга итоат қилишга ва кўмак беришга розимисиз!» — ўз ҳикояси-дан ўзи обдон хаяжонланган хуфия йигитнинг юзлари кип-қизариб кетганди. — Эй муҳтарам амирим, бу сўз-лардан сўнг шундай ғала-ғовур бўлдики, қулоқларим том битишига бир баҳя қолди. Барча Мавлонозода сўзини маъқуллаб, бараварига қичқирарди. Хуллас, халойиқ мувофиқ бўлиб, Мавлонозодани сардорликка қабул қилдилар...

Хуфия ҳикоясини давом эттираверсин, биз эса бу воқеа хусусида тарихчилар нималарни ёзгани ҳақида билиш учун кўҳна китобларни варақлайлик.

Абдурраззоқ Самарқандий «Матлаъ ус-саъдайн»да гувоҳлик келтиришича, Мавлонозода энг аввал шаҳар дарвозларини кўриқловчи гуруҳлар тузди, ҳар бир кў-ча бошини шох-шабба билан тўсиб, бу ғовларнинг устига ёғочлар тиркади. Кўча бўйлаб чўзилган томлар устига камондозларни жойлаштирди.

Муаррих Натанзийнинг ёзишича, Мавлонозода бу ишларни бажариб бўлгач, одамларни йиғиб, ҳар бир кишига, агар у сўзида турмаса, унинг амрига бўй-сунмаса, хотинини учталок қилиш мажбурияти билан Қуръони карим устида қасам ичирди. Шу билан бирга у самарқандликлардан бирор киши, ҳатто кечаси ҳам уйга бормаслигини, мабодо бошқа ерда оғир вазият

пайдо бўлган тақдирда ҳам ўзига тайинланган жойни ташлаб кетмасликни, қалъа девори устида туриб мўғуллар билан гаплашмасликни талаб қилди.

Мавлонозода бошлиқ мудофаа ахли ўзларини сарбадорлар деб эълон қилдилар. Улар душман кўлида қул ва хор бўлишдан Ватан йўлида жон беришни саодат деб билдилар. Мавлонозода ўзига содиклик қасамини айтган ўн мингга яқин қуроолланган ёш-яланглар олдида оташин нутқ сўзлади.

— Ватанни суймак имондандир, — дея гап бошлади у. — Боболаримиз: «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл» демишлар. Биз, сарбадорлар айтамызки, «Ёғий кўлида қул бўлгунча, ҳурлик учун бошларимиз дорга тортилсун». Илло, Ватан — озод ва имонли одамлар уйдир. Қул ва хўрланган одамларнинг ватани бўлмайди. Жангга кирганда шул ҳикматни унутманғиз!

Мудофаа раҳбарлари мўғул кўшини уларга нисбатан кўп сонли ва кучли эканини билганлари учун бўлажак жангу жадалнинг ҳар бир сониясини аниқ режа-лаб олдилар. Уларнинг асосий режаси душман билан очиқ ерда эмас, хавфли бўлса-да, шаҳар ичида жанг қилиш эди. Шу мақсадда улар, тор кўчаларни ғов билан тўсган ҳолда, дарвозадан кириладиган кўчанинг бошини очиқ қолдирдилар, токим душман бу кўчага кириши билан қопқонга тушган йиртқич аҳволига ботсин. От билан жанг қилишда уста мўғуллар тор кўчага кирганда ўзларининг бу устунликларидан маҳрум бўлишлари тайин эди.

Дарҳақиқат, Самарқандга яқинлашган мўғул кўшини дарвозадан ёпирилиб тор кўчага кириши билан қопқонга тушди. Мавлонозода буйруғи билан ча-линган жанг ноғораларининг садосини эшитган самарқандликларнинг қийқириғи янгради, кўчанинг икки қанотидаги томларда ўрнашиб олган ёш-яланг, аёллару болалар — баробар душман устига қалтак, тош, қайноқ сув, ўк ёғдирдилар. Бундай фидокорона ҳужумдан боши гангиб қолган мўғуллар жуда кўп жангчиларини йўқотиб шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

Эртаси кун мўғуллар жанговар сафга тизилиб яна ҳужумга ўтдилар. Улар Чингизхон замонидан қолган ҳийлани қўлладилар, яъни жанг бошланиши билан ёлғондан орқага қараб қочдилар. Ниятлари оз сонли сарбадорлар кўшинини очиқ майдонга олиб чиқиш ва

ўровга олиб кириб ташлаш эди. Самарқандликлар эса бу хийлага алданмадилар. Мўғуллар нима қилишларини билмай қолдилар. Ниҳоят улар шаҳарга элчи йўллаб, агар шаҳар аҳли омонлик учун молу мулк берса, ўз юртларига қайтишлари мумкинлиги хабарини етказдилар. Самарқанд аҳолиси уларнинг таклифини рад этди. Шундан кейин мўғуллар теварак қишлоқларни таламоққа киришдилар.

Сарбадорларнинг фидойилиги, боз устига тўсатдан мўғул қўшини орасида бошланган от ўлати туфайли Мўғилистон хони Самарқанд остонасини тарк этиб, шошилинч орқага қайтишга мажбур бўлди.

Шаҳар сарбадорлар қўлида қолди. Душман кетганидан кейин кўп ўтмай сарбадорлар ўртасида молу мулк, ҳокимият талашиш бошланди...

Қорабоғнинг Мингул ўтлоғида қирк йилча бурун бўлиб ўтган воқеалар оғушида қолган Амир Темур одимлашдан тўхтаб, набирасига ўгирилди. Кейин ҳаёлига бир нима келди-ю, анча олисда уни кузатиб келган соқчилардан бирини чақирди. Навкар югуриб келиб, бош эгган қўйи ҳукмдор буйруғини кутди.

Соҳибқирон дастлаб муаррихлардан бирини чақиртиришни ўйлади. Аммо айниди. Ҳузурда махтал турган навкарга буюрди:

— Тез бориб Яхё тирандозни топиб кел. Халил Султон қароргоҳидан топгайсен.

Навкар югуриб кетди. Жаҳонгир набирасига бир сўз демай, қояларга тикилиб яна ўйга ботди, тағин ҳаёли ўша олис йилларга қараб учди.

1365-1366 йиллар киши давомида Амир Темур Самарқанд сарбадорлари билан алоқа боғлашга уринди. Шу мақсадда у яқин кишиларидан бўлмиш Аббос баҳодурни Самарқандга жўнатди. Баҳодирнинг хатти-ҳаракати туфайли икки ўртада борди-келди бошланди. Бутун қиш давомида Амир Темур сарбадорларга зарур йўл-йўриқлар кўрсатиб турди.

Сарбадорлар ҳам унинг бу яхшиликларини унутмадилар. Қарши қалъаси деворларини тиклаш билан банд Амир Темурга совға-салом юбордилар. Соҳибқирон билан Самарқанд сарбадорлари ўртасида юзага чиққан муносабатни англаш учун Алишер Навоийнинг сўзларини келтирмоқ маъқулдир. Хондамирнинг «Мақоримул ахлок» асарида улуғ бобомизнинг ушбу каломлари қайд этилган:

**«...Чунончи Мавлоно Хурдаки Бухорий ва Абубакр**

наддоф амир Хусайн Самарқанд аҳлини ўз томонларига олиб, байроқ кўтариб лашкарга (яъни мўғулларга) қарши чиқиб, шаҳарни мазкур амир ва ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур учун сақладилар».

Амир Темур қўшини озлиги туфайли қайноғаси билан биргаликда иш тутишга мажбур эди. Шу мақсадда ўқиш охирида амир Хусайн билан учрашиб, бўлган воқеаларни гапириб берди. Шунда амир Хусайн ҳовлиқиб кетди: Мўғуллар енгилганини эшитиб, Самарқандни тезроқ қўлга олмоқ керак, дея туриб олди. Амир Хусайн унинг маслаҳатига кириб, сарбадорларга Самарқандни бошқариш ҳукуки берилгани тўғрисида ёрлик, хос либослар, қилич ва мактуб жўнатди. Элчилар жўнаб кетди-ю, тез орада Мавлонозода бошлиқ сарбадорлар амир Хусайн ҳокимиятини тан олганлари хабари келди.

1366 йил баҳорида амир Хусайн Балх, Бадахшон, Қундуз, Боғлон, Андхўй ва Шибирғон аскарлари билан Самарқандга қараб юрди. У шаҳарга яқинлашаркан, сарбадорларга мактуб жўнатди. Амир мактубида «Биз сизга тўла ишонамиз, бизнинг садокатли кишиларимизсиз. Шул сабабдан Кониғил ўлангига етгунча, бизга пешвоз чиқмангиз» деган сўзларни ёзган эди.

Қўшин кўзланган манзилга етгач, сарбадорлар бошлиқлари Кониғилга келиб, амир Хусайнга совғасаломни топширдилар ва унинг ҳокимиятини тан олишларини қайта-қайта билдирдилар. Амир ўша куни сарбадорлар шарафига катта базм уюштирди. Аммо эртаси куни сарбадорлар яна Кониғилга келганларида, уларни қўлга олиб, ўлимга буюрди. Бу фитнадан беҳабар Темур амир Хусайнга қанча гап уқтирмасин, у ўйлаган ниятидан қайтишни истамади. Амир Темур озгина қўшин билан унга қарши чиқолмаслигини англади, тишини тишига босиб сўнгги дамгача сарбадорларни қутқариш учун барча чорани қўллашга уриниб кўрди. Бирок, амир Хусайн унинг гапини назарга илмади, бу билан Мовароуннаҳрга ким эга эканини кўрсатмоқчи бўлди.

Биринчи бўлиб мавлоно Хурдаки Бухорий, кейин Абубакр Қалавий бўйнига қилич урилди. Мавлонозодага навбат етганда Амир Темур ортиқ чидаб туролмади, ирғиб ўрнидан қалқди-да, ҳайбат билан бақирди:

— Бас, сиз билан ортиқ бўлолмасман!

Ғазаби кўзғалиб, амир Хусайн ҳам ўрнидан турди. Икки иттифоқчи бир-бирларига қаттиқ тикилдилар. Икковининг ҳам қўли қилич дастасида қотган эди.

Шунда хаёлига нима келгани номаълум амир Хусайн бирдан жаллодга қараб «Тўхтат» дегандек ишора қилди. Ранги-рўйи оқариб кетган Мавлонозодани унинг қошига судраб келдилар. Амир Хусайн сарбадорга ўқрайиб қараркан:

— Жонингни амир Темурга ҳадя қилдим, — деди пишқириб...

Соҳибқирон хаёлини қадам товушлари бузди. Халил Султон ўрдасига юборилган навқар билан олтмиш ёшларда бўлган, аммо кўзларидан ўт чакнаб турган миқти бир одам ҳукмдорга яқинлашиб келардилар. Навқар ўн қадамча масофада тўхтади, чол эса Амир Темурдан уч-тўрт қадам нарида оёк илиб, таъзимга кетди.

— Келдингму, Яхё тирандоз! — деди амир мулоқимлик билан қаршисидаги қарияга зимдан тикиларкан.

— Муборак фармонингиз бош устига, олампа-ноҳ! — деди Яхё тирандоз яна таъзим қилиб.

— Сени не сабабдин чорлағонимни биласанму, сарбадор! — «Сарбадор» сўзини эшитиб, тирандознинг кўзларидаги ўт кучайгандек бўлди. — Мен сени набирамга Самарқанд сарбадорлари қиссасини сўйлаб бергин деб чорладим. Билишимча, сен бу ҳақда ҳикоя қилишда кўп уста экансан. Мен ҳозир кетаман. Сен эрсанг амирзодага бўлиб ўтганларни оқизмай-томизмай, бир бошидан, ёлғон қотмай гапириб бергил. Уқдингму!

Ғалати таклифдан гангиб қолган кекса сарбадор:

— Уқдим, давлатпаноҳ! — деди яна бош эгиб.

— Нима бўлғон эрса, барчасини айт, яширма, — Амир Темур шундай деди-ю, келган йўлига қайтиб кета бошлади. Анча юргач, ортига — Яхё сарбадор билан Улуғбек мирзога қаради. Қаради-ю, Яхё ўз қиссасини бошлаганини англади. Соҳибқирон ўз ўтови сарига шошилди.

## ШОМ ВА РУМ ЖАНГЛАРИ

1399-1400 йиллар қишини Қорабоғда ўтказган Амир Темур қиш ва баҳор давомида Гуржистон, Арманистоннинг чангини чиқариш билан машғул бўлса-да, бутун хаёли Шом ва Рум устига бўладиган юриш билан банд эди. Шу кезларда усмонли турклари султони Йилдирим Боязид билан хат ёзишиб, фаол муносабатда



бўлди. Вақт ўтган сари эҳтиёткорона иборалар ҳақоратомуз сўзларга айланиб борди. Сўнгги мактубларнинг бирида Соҳибқирон ашаддий душмани, унинг содиқ амирларидан бири Отламишни асир олиб Султон Фаражга юборган Қорақуйинлилар раиси Қора Юсуфни қўлига топширишни талаб қилди. Амир Отламиш Миср мамлуклари қўлида асирликда, Қора Юсуф эса Султон Боязиднинг паноҳида эди.

Боязид мактубга тез жавоб берди. Аммо уни ўқиган Темурнинг кўз ўнги қоронғилашгандек бўлди. Мактубдаги «Мен билан баҳслашишга қандай ҳаддинг сизди, чўлок» маъносида битилган ҳақоратомуз сўзлар Амир Темурни шунчалик ғазабга миндирдики, ҳатто ёшлиқдан сафдош жанговар дўстлари ҳам ҳеч қачон уни бу аҳволда кўрмаган эдилар. Айни чоғда тажрибали амирлар бу ғазаб туфайли Йилдирим Боязидга ўлим ҳукми битилганини уқдилар.

Ўзаро мактуб жанги бўлаётган пайтда Боязид Константинополни денгиз ва қуруқлик томондан қуршаб, камалга олган эди. Шиддатли ҳужумлари боис «Йилдирим» номини олган Боязид Оврупонинг талай қисмини эгаллаб олган бўлса-да, православ насронийлар дунёсининг улуғ шаҳри Константинополни забт этишга улгурмаган эди. Ҳар гал Оврупонинг ичкарасига қараб ҳаракат қилган султон шу сабабдан ўзини беҳавотир сезолмасди.

Салтанатининг шаркида Темурнинг пайдо бўлгани Византия бошкенти ҳалокатини яна кечиктирди.

1400 йил кўклами етиши билан Амир Темур Шом ва Рум устига юриш бошлашга қарор қилди. Улкан қўшин Табриз орқали ўтиб, Минкўл тоғлари этагидаги яйловларга бориб тўхтади. Соҳибқирон Авникда қароргоҳ курди. У ҳали йўлда экан, эски вассали Арзинжон ҳокими Мутахартен, Авникда турганида эса Мутахартеннинг даъвати билан Окқуйинлилар раиси Қора Усмон келиб, унга такрор итоат изҳор қилдилар, аскарлари билан Турон лашкарига қўшилдилар.

Ўша кезлар Шероз ва унга тобеъ ерларга ҳоким этиб тайинланган амирзода Пирмуҳаммад (**Жаҳонгир мирзонинг ўғли Пирмуҳаммад мирзо билан адаштирманг, бу амирзода Умаршайх мирзонинг фарзанди эди**) бобосини обрўсизлантирадиган ишларга қўл ураётгани хабари келди. Амир Темур бу хабарни текшириш учун Шерозга амирлардан бирини жўнатди. Тез орада Пирмуҳаммад мирзо тутқун холида бобосига рўпара бўлди.

Шу пайтгача ўғиллари ва невараларининг кўп гунохларига парво қилмаган Сохибқирон Мироншоҳ воқеасидан кейин уларнинг ҳар бир ҳаракатини каттиқ назорат остига олган, ҳеч бир ноҳўя ишни жазосиз қолдирмасликка уринарди. Бу гал ҳам Амир Темур набирасини қилмишига яраша жазолади.

Авникдан кўчиш арафасида бир хайрли воқеа бўлиб ўтди. Амир Темур бўлажак юришга ҳозирликнинг қандай бораётганини назорат қилиш учун анча вақт қароргоҳини тарк этиб, кўшинларни айланди. Бир неча кундан сўнг Авник яқинидаги ўлангда тикланган чодирга қайтганда ажиб манзаранинг гувоҳи бўлди. Унинг йўқлигида чодир туйнугидан икки кабутар тушиб, жуфти ҳалоллик қилган эдилар. Қушлар Сохибқироннинг хос ўриндигига хас-хашакдан ин қуриб, мокиёни тўхум босиб ётарди.

Амир Темур беозор жониворларга ҳалал етказмаслик учун чодирни ўзга қилди. Эртаси куни, сафарга жўнар аввалида, тўрт нафар навкарни мулозим билан қолдирди. Уларга тайин эттиким:

— Тангри таолонинг бу қушлари тухум очиб, палапонлари учирма бўлгунча, шу ёнда бўлурсиз. Палапонлар учирма бўлгач, чодирни йиғиб, ортимиздан юргайсиз...

Шундан сўнг Арзирум орқали Шомга қараб юрган Темур бир муддат Арзинжонда тўхтади. Кейин шиддат билан Қози Бурҳониддин Аҳмад ўлими оқибатида усмонли турклар тасарруфига ўтган Сивас шаҳри устига юрди.

Муаррих Ибн Арабшоҳ ёзади: «Сивас энг ажойиб шаҳарлардан бири бўлиб, ғоятда баҳусн маконда жойлашган эди. Унинг мустаҳкам иморатлари, истехкомли жойлари, машҳур обидалари ва ўз хайру саховати билан маълум мақбаралари бор эди. Сиваснинг суви соф, ҳавоси мижозга мувофиқ, аҳли ғоятда ҳимматли бўлиб, тавқир ва одамшавандаликда мойил эдилар. Сивас уч мамлакатга — Шом, Озарбайжон ва Румга тугашган эди».

Амир Темурнинг келаётганидан дарак топган Султон Боязиднинг ўғли Сулаймон Чалабий шаҳарни ташлаб чиқди. Шаҳар ҳимояси Мустафобей бошлиқ тўрт минг аскар измида қолди. Аммо эски ва тажрибали саркарда Мустафобей шаҳарнинг юз мингли аҳолисини ҳимояга отлангирди. Бирок, на Мустафобейнинг тажрибаси-ю қаҳрамонлиги, на қалин девор Турон кўшини

ишга солган саккиз минг тошотар хужумига дош берди. Ўн саккиз кунлик камалдан ўнг Сивас таслим бўлди. Ибн Арабшоҳ кайд этганидек, шаҳар остонасига етганда Темурнинг: «Мен бу шаҳарни ўн саккиз кунда фатҳ қиламан!» — деб айтгани рост чиқди.

Амир Темур Сивасда бир ойча турди. Сўнг Малатия томонга йўналди. Малатия ҳам Султон Барқуқ вафотидан сўнг бошланган ғавғолар туфайли Султон Боязид қўлига ўтган эди. Қисқа камалдан сўнг усмонлилар мулкига қўшилган бу шаҳар ҳам туронликларга таслим бўлди.

Харбий салоҳияти беқиёс бўлган Темур Сивас билан Малатия фатҳидан кейин ҳам усмонлиларга қарши катта уруш очишга шошилмади. Илло, у мурғак Султон Фаражнинг тажрибасизлиги туфайли Миср мамлуклари салтанатида юзага чиққан ногинчликлар муддат ўтиб тинчиши, тартиб-интизом пайдо бўлиб қаршилик кучайишини яхши фаҳмларди. Сўнгги исёнлар туфайли Шом ўлкалари султон Фаражга деярли бўйсунмай қўйган — бу вазиятдан тез ва усталик билан фойдаланиш лозим эди. Қолаверса, Султон Боязиднинг Миср ҳукмдорига ёрдам бермаслиги тайин эди. Мамлуклар давлатининг шимолий қисмини босиб олган Султон Боязид билан Султон Фараж ўртасида оғзаки жанг давом этаётган эди — ёш султон усмонли турклардан ўз мулкани қайтаришни талаб қилар, акс ҳолда уруш очишини айтиб дағдаға солар, бу эса икки ҳукмдор яқин ўртада ўзаро иттифок тузмаслигининг гарови эди.

Мисрга қарши уруш бошлашга баҳонани бир йил аввал оламдан ўтган Султон Барқуқнинг ўзи тайёрлаб кетган эди. Агар эсингизда бўлса, Барқуқ бир неча йил олдин Амир Темурнинг элчиси Шайх Совани катл эттирган эди. Шу сабабдан Темур ўз элчиси учун дахшатли ўч олишни ўйлаб қўйган, ҳозир эса бу ниятни амалга ошириш учун қулай фурсат етган эди.

Малатияда экан, Темур Қоҳирага — Султон Фаражга элчи юборди. Элчига топширилган мактубда: «Мен Шом ўлкаларига қўшин киритмоқчи эмасман. Агар Қора Юсуф туркман тутқин этиб сенга юборган мулозимим — Авник амири Отламишни ва паноҳингдаги Султон Аҳмад Жалойирийни менга топширсанг, Шом устига юришдан воз кечаман».

Араб муаррихларининг шаҳодат беришича, кетма-кет ёзилган бошқа мактубда: «Ўтган йилларда Раҳба-

да ўлдирилган элчимизнинг ўчини олмоқ учун Халаб ўлкасига юз тутиб, Ироқдан йўлга чиққанимизда Барқуқнинг ўлимини эшитиб тўхтаган эдик. Шундан кейин Ҳиндистонга йўналдик. Аллоҳнинг изми билан у ерларни фатҳ этдик. Сўнг Гуржистонга келдик ва Аллоҳнинг жабборлиги ила у ерда ҳам ғолиб келдик. Сўнгра шу ерда Йилдирим Боязиднинг адабсизлигини эшитиб, қулоғини кесмоқ истадик. Сивас ва бошқа мулкларда Сиз истаган ишларни қилдик. Бизга акробамиз бўлмиш Отламишни жўнатганингизни маълум қилсангиз. Аввалги ишни қилмангиз, мусулмонлар қонининг гуноҳини бўйнингизга олмангиз. Бунни эсдан чиқармангиз» деган сўзлар битилган экан. Элчига агар шу истақларимиз бажо келтирилса, ўртада сулҳ тузилиши мумкин, деб каттиқ тайинланган эди. Бу мактубда Темур ўзини Султон Фараж билан эмас, Султон Боязид билан урушмоққа келган қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

Элчи Халабга етиши билан тутқун этилди. Бу пайтда Баҳасна қалъасини камалда тутган Темур ўз элчисининг ҳибсга олинганини эшитиб, каттиқ ғазабланди. У «Султон Йилдирим Боязид ҳам шу ишни қилган эди. Шунинг учун муносиб жазоладим. Сивас билан Малатияни қўлидан тортиб олдим» — дея амирларига қарата сўз айтгач, уларга Шом ўлкаси устига бостириб киришга буйруқ берди.

Аммо икки йилча аввал Ҳиндистон юриши муҳокама этилган қурултойда бўлганидек, айрим амирлар Миср билан жанг қилишдан норози бўлдилар. Уларнинг фикрича, Ҳиндистон, Эрон, Арманистон, Гуржистон, Сивас ва Малатия фатҳидан сўнг ҳолдан тойган қўшин билан қалъаларининг мустаҳкамлиги билан машҳур Шомга бостириб кириш ўйловсиз бир ҳаракат эди. Қўшин чарчаган, унинг сафларини тўлдирish ва қайтадан қурулантириш лозим, дейишарди амирлар: Амир Темур узоқ йиллар давомида она ватанидан йироқда юрган амирларнинг яна қанча давом этиши номаълум урушдан толикканларини тўғри англаса-да, уларни ўзи иродасига бўйсундирди.

Шом устига юриш аслида Баҳасна қалъасини камал қилиш билан бошланган эди. Амирзода Шохруҳ бошчилигидаги қўшин камалдан сўнг шаҳарни эгаллади. Бошқа бир қўшин Атпар шаҳрини ишғол этди. Шундан сўнг Темур қўшинларини бирлаштириб Халаб сарига юрди. Шаҳар таҳлика ичида қолган, ҳокими бўлмиш Темуртош ёрдам сўраб ҳар қуни Султон Фа-

раж хузурига чопар юборарди. Султон эса ўлкадаги шаҳарлар ҳокимларига фармон юбориб, уларга Ҳалабни бирлашиб ҳимоя қилишни буюрди.

Темуртош эса вақтдан ютиш мақсадида Темур билан музокара бошлади. Бу орада Шом ҳокими Сайди Судун бошлиқ Дамашк қўшини Ҳалабга келди. Измаиз Хома, Хумуз, Антокия, Траблус, Наблус, Боалбек, Жазза, Кадис, Рамла, Корак, Сафед ҳокимлари ҳам кўмакка етиб келдилар. Ҳалабда катта қўшин жамланди.

Амир Темур рақибнинг ҳар бир ҳаракатини зийраклик билан кузатарди. У Ҳалаб остонасида тўхтаб, қароргоҳ тикди. Сўнг шаҳарни қамал этса, уруш узоққа чўзилишини билиб, жанг бошламай кутишга қарор қилди. У Ҳалабдагиларнинг тахликасидан хабардор, шунингдек улкан қўшин жамланганидан сўнг мисрлик ҳокимлар кўнглида ўзига нисбатан беписандлик пайдо бўлганини ҳам билар, аммо сабр билан кутишдан чарчамасди. «Бу жанг кўрмаган мушукваччалар бирлашиб шер бўлдиқ деб хомтама бўлишаверишсин. Ҳар бири шер бўлган амирларим дастпанжаси зарбасини тотишгандан кейин, сичқоннинг ини минг танга бўлишини кўрамиз хали», — деб ўйларди Соҳибқирон. Айни чоғда у вақтни бекор ўтказмай, хуфияларни ишга солиб, Ҳалабдаги айрим ҳокимлар билан алоқа ўрнатди, уларни ўз томонига ағдариш учун кўп ваъдалар берди. Шаҳардагиларнинг тоқати қолмай, бари бир биринчи бўлиб ҳужум бошлашларини қутган Темур адашмади. Ҳалабдан чиқиб саф тортган ўнг ғулни Шом ноиб, чап ғулни Ҳалаб ҳокими, ўртада бошқа ҳокимлар турган Миср қўшинига қарши Амир Темур ўз аскарларини қаторга тизди. Жанг бошланишиданок Ҳалабдан чиққан амирларнинг айримлари Амир Темур томонга ўтиб кетишидан кейин Турон султони саросима ичида қолган душманга шундай шиддат билан ҳужум қилдики, Миср қўшини қочишга тушди. Қалъа ичида бекиниб олган Темуртош билан Сайди Судунга мактуб йўллаган жаҳонгир таслим бўлишга даъват қилувчи насихатлар билдирди. Икки ҳоким охир-оқибатда таслим бўлишдан ўзга имкон тополмадилар.

1400 йилнинг 7 ноябрида — ҳижрий 803 йилнинг рабиул аввал ойининг 19 куни, сешанбада Ҳалаб забт этилди.

Ҳалабда экан, Соҳибқирон яна Фаражга мактуб жўнатди. Соҳибқирон унда Темуртош ва Судунни тутқун этгани ва Қора Юсуф томонидан асир этилиб,

Қохирага жўнатилган Авник амири Отламиш бўшати-  
са, у ҳам қўлидаги икки ҳокимни озод этажагини маъ-  
лум қилган эди.

Халабдан сўнг Хома забт этилди. Шаҳарни олишда  
қўлга олинган бор ўлжа амирларга бўлиб берилди.  
Аммо шундан кейин ҳам юришни давом эттиришни  
истаган Темур яна амирларининг қаршилигига тўкнаш  
келди. Амирлар қўшиннинг икки йилдан бери мутғасил  
жанг-жадал қилаётгани, бу эса толиққан навкарлар  
орасида норозилик келтириб чиқариши мумкинлигини  
айтиб, Траблус дарёси воҳасида тўхтаб қўшинга дам  
бериш, янги 1401 йилнинг баҳорида урушни давом  
эттиришга даъват қилдилар. Темур эса юришни тўхтат-  
мади. Тез орада Хумус билан Боалбек таслим бўлди.  
Шундан кейин Темур Шомнинг ичкарасига қараб йўл  
олди.

Бу орада шу пайтгача эсанкирашда қолган Султон  
Фараж аркони давлат қистови, Шом ўлкалари ҳоким-  
ларининг талаби билан Темурга қарши қўшин тортиб  
Шомга — Дамашққа келди. Йўлда келаркан, элчилар  
киёфасидаги уч кишини Амир Темурни ўлдиришга  
юборди. Аммо улар Соҳибқирон хузурига етиб келол-  
мадилар. Улар Турон султонининг тажрибали хуфияла-  
ри томонидан қўлга олиниб, қотилларнинг бири жазо-  
лангач, бошқаларининг кулок-бурни кесилиб Шомга  
жўнатилди. Дамашқни камал қилишдан олдин Амир  
Темур даштларнинг бирида тўхтаб жангга ҳозирланди.  
Амирзода Рустам, амирлар Саййидхўжа, Шайх Али  
кўмондонлик қилган қўшин Шом яқинида Фараж нав-  
карлари билан тўкнашдилар.

Худди мана шу пайтда Амир Темур учун жуда оғир  
ходиса рўй берди. Кизидан туғилган набираси — амир-  
зода Хусайн ўз амирлари билан биргаликда Султон  
Фараж томонга ўтиб кетди.

Бу ҳол Миср султони учун нечоғли қувончли бўлган  
эса, Амир Темур учун шунчалик даҳшатли эди. Фараж  
амирзода Хусайнни асл подшоҳларни кутгандек қар-  
шилади.

Темур мактуб ёзиб, султондан набирасини ўз қўли-  
га топширишни талаб қилди. Шунингдек мактубда:  
**«Халабда асирга олинган элчимизни бизга қайтариб,  
хутбада номимизни қўшишни қабул қил. Шундай қил-  
санг, юртинг буюк бир таҳликадан, бизнинг беҳисоб  
қўшинимиздан зарар кўришдан қутулади»** деб ёзилган  
эди. Бу сафар султон элчини иззат-икром билан кутиб

олди ва ўз элчисини кўшиб Амир Темурга юборди. Элчи султоннинг: «**Амрингни қабул қилишга тайёрман, элчини беш кундан кейин сенга қайтараман ва қўлимдан келган хизматимни аямайман**» деган мазмундаги хатини келтирди. Мактубда кўрсатилган беш кунлик муддат ўтгач, натижа йўқлигини кўрган Амир Темур Дамашқ устига юрди. Шомнинг тоғли қисмида бўлиб ўтган беомон жангда араблар кўп одамларини йўқотдилар. Бу муҳорабада Турон қўшинининг амирзода Мироншоҳ билан амирзода Шохрух раҳбарлик қилган қисмига қарши Султон Фараж томонига ўтиб кетган амирзода Хусайн навкарлари жанг қилдилар. Амирзода Хусайн асир тушди ва у Шохрух мирзо олдига келтирилди. Бу ҳақда хабар топган Амир Темур хоин неварасини қўл-оёғини занжирбанд этиб хузурига келтирилишини талаб қилди.

Аmmo қаҳри қаттиқ жаҳонгир набирасини жазоламади. Амирзода Шохрухнинг ўртага тушиб оқибат тилаши туфайли нобакор набирасини авф этди, гуноҳи оғир бўлса-да, бурнини ҳам қонатмади, ҳатто уни совға-салом билан сийлади. Илло, Хусайн Соҳибқироннинг энг суйган қизининг фарзанди эди...

1401 йилнинг январь ойида Амир Темур Дамашққа яқинлашди. Дамашқда турган Султон Фараж арқони давлати-ю амирлари билан бир мажлис тузиб, «Нима қилиш керак» деган саволни ўртага ташлади. Араб тарихчиларининг қайд этишича, амирлар орасида мазкур масала туфайли бўлиниш юз берган. Бир гуруҳ амирлар: «Сўнгги даҳшатли воқеаларга қарамай, Дамашқ ҳали қўлимиздадир, шундай экан, бирлашиб Темурга қарши қурашайлик», — десалар, иккинчи гуруҳдаги амирлар: «Темур билан уруш қилмоқ ҳалокатлидир. Темур Шомни забт этмоққа қаттиқ киришган. Шундай экан, султон ҳазратлари Қоҳирага йўл олсинлар, ўзларини хавф-хатарга қўймасинлар. Шом халқи ўз келажагини ўзи ҳал қилсин», — дея даъво қилардилар.

Султон Фараж иккинчи гуруҳ фикрини маъқул топди. Вақтдан ютиш ниятида Амир Темур хузурига ўз элчисини йўллади. Элчи султоннинг: «**Бу ғавғоларнинг юзага чиқишида биз сабаб бўлдик. Баъзи жоҳил ва бадниятлар гапига кириб алдандик. Биз энди берган сўзимизни қаттиқ тутамиз. Агар амир ҳазратлари амр этсалар, бизга изн берсалар, ҳар не истасалар, шунга тайёрмиз. Шунга қадар икки тараф ўртасидаги бир-**

бирини англамаслик ҳолатини бартараф этишга ҳозирмиз. Худо шоҳид, биз гофилликдан кутулдик» деган сўзларини Амир Темурга етказди. Элчиси Соҳибкирон ҳузурда бу гапларни айтиб турганда Фаражнинг ўзи Дамашкни тарк этиш пайида эди. У кўпчиликни ғафлатда қолдирганча ярим кечаси шаҳардан кочиб, Қоҳира йўлига чиқди. Айрим араб тарихчилари султоннинг бу шармандали қочишини оқламоққа уриниб, уни мазкур ишга бир гуруҳ амирларнинг исён кўтариш ниятлари борлигини билгани мажбур қилди, дея кўрсатадиларки, аслида бу тўғри эмас.

Амир Темур султоннинг қочганидан хабар топиши билан унинг изидан ўз навкарларини юборди. Бироқ, улар султонни қувиб етолмадилар.

Бошсиз қолган шаҳарнинг таҳликаси кучайгандан кучайди. Дамашқ уламози мажлис қуриб, юзага келган аҳвол жиҳатидан Амир Темурга бўйсунитдан бошқа илож йўқлигини англадилар ва омонлик тилаш учун элчи жўнатишга қарор қилдилар. Элчилик вазифаси бир неча аҳли уламога, шу жумладан асли тунислик бўлган машҳур олим Ибн Холдунга юклатилди.

Элчилар Дамашқ ёнидан оқиб ўтувчи Барада дарёсининг соҳилида турган Амир Темур ҳузурига келдилар. Улар Соҳибкирон қаршисида тиз чўккан кўйи шаҳар калитларини топширдилар. Сўнг омонлик молини беришга тайёр эканликларини айтиб, бу ишни бажаришга икки-уч кунлик муҳлат беришни тиладилар. Амир Темур улар илтимосини қабул қилиб бўлгач, элчи-уламолар билан суҳбатлашди.

Белгиланган муҳлат ичида 10 миллион динор миқдорида омонлик моли йиғилди.

Аммо Дамашқ таслим бўлгани билан шаҳристон ичидаги мустаҳкам қалъа ишғол этилмаган эди. Қалъа деворлари устига ўрнатилган манжаник, аррада отган тошлар ва ермойли ўқлар унга яқинлашишга йўл қўймасди. Мироншоҳ ва Шохруҳдан қалъани забт этиш талаб этилди. Қамал пайтида катта ёнғин бошланиб, кўплаб ажойиб бинолар, шу жумладан Уммавийлар жомеъ масжиди ёниб кул бўлди.

Қалъа таслим бўлгач, Амир Темурнинг қўлига Шомнинг бутун хазинаси тушди. Дамашкнинг машҳур ҳунарманд ва усталари Самарқандга жўнатилди. Улар орасида, вақт ўтиб **«Ажойиб ул мақдур фи ахбори Таймур»** деган тарихий асарини битган Ибн Арабшоҳ



бор эди. Уша пайтда ўн икки яшар бола ота-онаси билан бирга Мовароуннаҳрга қараб ҳайдалган эди.

Темур Шомнинг олингани ҳақидаги хабарни Самарқандга, бутун Эрону Туронга йўллаш учун фатҳномалар ёзишга буйруқ берди. Дамашқда экан, бир неча марта Ибн Холдун билан суҳбатлар қурди. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳнинг боягина зикр этилган асарида ба-тафсил ўқиш мумкин.

Дамашқдан Қорабоққа қараб йўлга тушган Амир Темур йўл давомида Шомнинг яна бир қанча шаҳарлари ва қалъаларини ишғол қила-қила, ниҳоят Мордин шаҳрига етди.

Араб муаррихи Бадриддин ал-Айний «Икду ул Жу-ман» асарида Амир Темурнинг Шом юришини тадқиқ қиларкан, унинг забт этган шаҳарларини уч гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга хароб этилган шаҳарлар: Малатия, Албистон, Зибарта, Кахта, Хусни Мансур, Баҳасна, Рум қалъаси, Айнтоб, Талл Башир, Килис, Халаб, ал Боб, Шармин, Ҳамс, Боалбек, Дамашқ киритилган. Иккинчи гуруҳ кўп зарар кўрмаганлари бўлиб, улар: Сафод, Сайда, Байрут, Ҳамс, Биражик, Даранда шаҳарларидир. Учинчи гуруҳ омонлик берилган ёхуд халқи томонидан тарк этилган шаҳарлар: Гаргар, Равандан, Тайзин, Жарим, Шайзар, Карак Нух, Траблус, Кудус, Ажлин, Бейсан ва Наблусдан иборатдир.

Дамашқнинг ва номи тилга олинган шаҳарларнинг забт этилиши Амир Темурнинг етти йиллик уруш деб ном олган юришдан кўзда тутган икки мақсадидан бирининг амалга ошиши эди.

Едингизда бўлса, қиссамизнинг бошида, Амир Темур набираси Улуғбекнинг туғилиши арафасида Мординни камал қилгани ҳақида ҳикоя қилган эдик. Ушанда Соҳибқирон Улуғбек таваллуди муносабати билан Мордин аҳолисига омонлик берган эди. Аммо у шаҳар ҳокимиятини Маждиддин Исодан олиб унинг биродари амир Султон Солиҳга топширган, Исони эса Султонияга жўнатиб юборган эди. Вақт ўтиб, ҳукмдор тутқунни озод қилган, Маждиддин Исо эса Соҳибқироннинг Мовароуннаҳрга қайтганидан фойдаланиб, яна Мордин ҳокимиятини ўз қўлига киритган эди. Кейин у Миср султони билан алоқа ўрнатган, ҳатто мамлуклардан 30 минг динор ёрдам пули ҳам олган эди. Шу сабабдан Амир Темурнинг Шом юриши вақтида Маждиддин Исо зимдан унга қаршилик кўрсатиш пайида бўлди.

Мордин қалъаси — шаҳри остонасига етган Темур

мактуб ёзиб, Исони хузурига чорлади. Аммо Исо жавоб бермай қалъа ичида бикиниб ўтираверди. У ўз қалъасининг мустаҳкамлигига ишонар, қолаверса, бу ишончга маълум асос ҳам бор — Мордин шаҳри, айниқса унинг ичидаги ал-Бозз қалъасини олиш жуда мураккаб бир иш эди. Амир Темур шаҳар остонасида йигирма кунча қолиб кетди. У камал ҳаддан ошиқ чўзилиши кўзлаган режаларини бузишини англаб, шаҳарга ҳужумни кучайтирди. Вақт ўтиб, бир гувоҳнинг ёзишича, «шаҳар ер билан текисланиб кетди, унинг ўрни тақир майдонга айланди, аммо қалъани олиб бўлмади». Темур забт этилмаган қалъани шундай ташлаб кетолмасди, бўлажак Рум юриши пайтида орқада душман турмаслиги керак, деб ўйларди у. Шунинг учун ҳам қалъа қамалини давом эттиришни Оққуйунли Қора Усмонга топшириб, ортида қолган бошқа бир рақиб устига — Султон Аҳмад Жалойир эғалик қилган Бағдод томонга юриш бошлади.

Зафарли Шом юришидан кейин Амир Темур кўзлаган иккинчи мақсад — усмонли турклари султони Йилдирим Боязид билан жанг қилиш эди. Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад ҳозир ўша Боязид паноҳида яшарди. Бағдод ишғол этилмаса, Султон Аҳмад Султон Боязид ёрдамида Бағдодга қайтиб келиши ва орқадан туриб пичоқ санчиши мумкин эди.

«Ақл-идрокли киши ўз орқасида рақибига кўрғон қолдирмайди» — дерди фарзандларига Амир Темур.

Амир Темурнинг буйруғи билан биринчи ғул амирзода Пирмуҳаммад ибн Умаршайх қўмондонлигида Луристон, Хузистон ва Восит йўлига, амирзода Абу-бакр ибн Мироншоҳ раҳбарлигидаги иккинчи ғул Бағдод устига, амирзода Хусайн ва амирзода Халил Султон қўмондонлик қилган учинчи ғул Ирокнинг Бағдодга бўйсунувчи шаҳарларини забт этишга йўналди. Амир Бурундук, бошқарган тўртинчи қўшин эса ал-Жазира томонга қараб юрди.

Бу орада Бағдодга келган Султон Аҳмад Жалойир темурийлар қўшинининг шаҳарга яқинлашганини кўриб, яна қочишдан ўзга илож тополмади. Шўрлик пешонасига битилгани шу экан: ҳар гал Темур қувади, Султон Аҳмад қочади. Шаҳарда қолган шахзода Султон Тоҳир ҳам бироз вақтдан сўнг Хилла томонга қочди. Турон лашкарининг бир қисми уни таъқиб остига олди.

Бағдод Султон Аҳмад бекларидан бўлмиш Фарус

ихтиёрида қолдирилганди. Шаҳарда туркман уруғлари ва араб қўшинлари тўпланган бўлса-да, улар пароканда ва таҳлика ичида эдилар. Қўплари Шом юриши пайтида жаҳонгирнинг дастпанжаси зарбасини тотиб кўриб, бу ерга қочиб келган ҳарбий қисмлар эдики, уларнинг юрагида кўрқув тўр ёзиб улгурганди. Амир Темур Бағдод устига жўнатган илғор қисмлар шаҳар остонасига шарқ томондан етиб келишлари билан шаҳардаги қўшинларнинг сонига ишонган Фарус жанг бошлашга аҳд қилди. Аммо илк тўкнашувдаёқ унинг аскарлари тутдек тўкилиб, қочиб шаҳарга кирдилар.

Бу пайтда Амир Темур асосий қўшин билан Табриз томонга йўналган, йўл-йўлакай Нусайб ва Мосулни ишғол қилган эди. Бағдод ёнида бўлиб ўтган жанг тафсилотини эшитгач, у Шохруҳ мирзо қошига чопар юбориб, ўғлидан Бағдодга қараб юришни талаб қилди ва қутилмаганда ўзи ҳам ўша тарафга йўналди. Бағдод кирқ кунлик камалдан сўнг таслим бўлди. Сана 1401 йилнинг июни эди.

Бағдод фатҳидан сўнг Табризга келган Амир Темур узоқ вақт салтанат ишлари билан машғул бўлди. У сохта хон Султон Маҳмудхон билан Халил Султон мирзо қўмондонлигидаги қўшинга Машҳадгача бориб-қайтишни буюрди. Мақсади бу орада анча хотиржам бўлиб қолган мулкларда юзага чиқиши мумкин бўлган бебошликлар олдини олиш, ўша ердаги ҳокимлар ёвбошлик қилмасликлари учун уларнинг боши устида таҳдид ва таъкид қамчисини ўйнатиш эди.

## ТАБРИЗ ВА МАРОҒА

Икки тоғ тизмаси оралиғидан оқиб ўтувчи Ачучой дарёси номи билан аталган водийда жойлашган Табриз баҳаво ва серсув шаҳар эди. Ачучойдан чиқарилган сонсиз ариқлар яшил боғларга оби ҳаёт улашар, қорли чўккилар нафаси билан тўйинган шамол шаҳарга салкин ҳаво олиб келарди.

Обод ва ораста Табриз кўчаларининг ҳар икки томонида дўконлар зич жойлашган. Бу дўконларда Ер юзининг етти иклимдан келтирилган моллар билан эртадан-кечгача бақириб-чақириб савдо қиладилар. Шарқда азал-азалдан уруш ҳам савдогарлар учун тўсик бўлолмас, савдо қарвонлари муҳолифлар ўртасидан бемалол ўтиб кўзлаган манзили томон йўл оларди.

Шу сабадан Табриз бозорларини оралаган киши Хинду Тибетнинг атиру мушки, Хоразм ковунлари хидидан маст бўлар, Хитой ипаги-ю Марв гиламлари жилосидан кўзлари камашар, Хижознинг зотли туялари-ю Тохаристоннинг саман отларига махлиё тикилар, Шом олмаси-ю, Ирок хурмоларидан, Басранинг пўрта-холлари-ю Нишопурнинг тилларанг беҳиларидан кўз узолмасди. Расталарда ёйиб кўйилган моллар орасида Туркистон мўйнаси, Миср кимхобини, Рум шойиси-ю Форс либосларини, Бағдод бўйраларини, Майсон тўшакларию, Яман чакманларини, Самарқанд коғозини-ю Доғистон такинчоқларини кўриши мумкин эди. Табриз бозорлари ёлғиз Самарқанд бозорлари билан баҳслаша олмасди, холос.

Шаҳарда бир-биридан чиройли бинолар, мовий гумбазли масжидлар қад тиклаган. Улар минг бир тус берилган нақшлар билан зийнатланган. Айниқса, Алишоҳ жомеъ масжидининг зийнати ўзгача — бу яқин орада унинг қиёси йўқ. Масжиди жомеъ гумбазида жилоланган нурни кўрган мовароуннаҳрликлар соғинч ила Самарқандни эслардилар.

Табриз марказида атрофи гулдор панжаралар билан ўралган улкан сарой бор. Бу сарой хоналари саногини ҳеч ким аниқ билмас, бировлар йигирма мингга яқин, баъзилари эса ундан ошириб айтардилар. Саройни жалойирийлар сулоласига мансуб султон Шайх Увайс тиклатган. Шайх Увайс унга Давлатхона деб ном берган эди. Темурнинг ўзи ўтган шайхлардан бирининг кўҳна хонақоҳини маскан қилган эди. У Шом юриши пайтида Султонияга қайтган уғрукни Табризга келтириб мана шу Давлатхонага жойлаштирди.

Бир йилга яқин вақт давомида кўришмаган, бир-бирларини соғинган бобо билан набира мана шу Давлатхонада учрашдилар. Бир йил ичида бўйи анча чўзилиб қолган Улуғбек билан Сароймулкхонимни кўрган Амир Темурнинг толиққан юзига қон югуриб, кўнгли ёришиб кетди. Набирасини маҳкам кучоқларкан, қулоқларига ширин эркалашларни шивирлади. Сўнг жиддий тортиб, маликага қараркан, сўради:

— Мирзомнинг ахволлари қалай? Ҳалиям от минишдан китоб ўқишни ортик кўрадиларму?

Малика жилмаяркан, жавоб берди:

— Улуғбек мирзом китоб ўқишним, от минишним суядилар. Илмга бўлган ҳаваслари баҳодирлик машқлари йўлини тўсғонича йўқ.

Унинг бу гапидан бобонинг завқи келди:

— Баракалло! — деди меҳр билан. Сўнг кўшиб кўйди:

— Бобонгиз жангариликдан бошқа нарсани билмайдилар, деб ўйламанг, мирзом. Мен ҳам мудом илм талабидаман. Бобонгиз сўзини хамиша ёдда тутингим, аслида ҳар қандай жангу жадал ҳам қилич зўри билан эмас, ақл зўри билан ҳал қилинмай. Хом калла ила жанг қилмоқ келида сув туймоқ билан баробардур.

Кейин кирганидан бери миқ этмай ўтирган набираси юзини қакшол кафти билан силар экан:

— Нега индамайсиз, Улуғбек мирзо? — деди-да, Улуғбекка синовчан тикилди.

Узоқ муддат бобосини кўрмаган набира бобосидан ийманаётганини сезган Сароймулкхоним жилмайиб кўйди.

Табризда Амир Темур суюкли набираси билан сухбатлар қурди, унга Шом юриши пайтида бўлиб ўтган фаройиб воқеаларни, Ибн Холдун билан бўлган мажлислар ҳақида гапириб берди. Набирасининг сабоқда эришган камолини билмоқ учун саволлар бериб синашга қилди. Улуғбек мирзонинг бурро-бурро жавобларини эшитиб қувонди.

Ўша кунлар Гуржистону Нахичевон томондан келган хабар Амир Темурни безовта қилиб кўйди. Гуржистон подшоҳи Георгий Нахичевондаги Аланжак қалъасини қамаган навкарларга қаршилик кўрсатаётган эмиш. Бу хабарни эшитган соҳибқирон бир гуруҳ кўшинни ўша томонга жўнатди-ю, кейин ўзи ҳам юришга ҳозирланди. Жаҳли чиккан Темур: «Бу эсини йўқотган подшоҳнинг жазосини бермасам бўлмайди-ганга ўхшайди!» — деди Сароймулкхонимга. Сўнг йўлга отланиш олдидан уғрук аҳлини Табриздан ўн икки-ўн уч фарсаҳлик масофада жойлашган, Хулокухоннинг қадим пойтахти Мароғага жўнатди.

— Мароға кўп баҳаво жойдур, — деди Темур Сароймулкхонимга. — Кўп қадим подшоҳлар кишни Мароғада, Урмия кўли бўйида ўтказишни маъқул кўрмишлар. Сиз ҳам баҳор келгунича ўша ерда бўлингиз.

Сароймулкхоним эрига куллуқ қилар экан:

— Бош устига, олампаҳо. Улуғбек устозининг киссаларини кўп эшитган чоғи, Табризга келгандан бери ул кўҳна шаҳарни томоша қилайлик деб кистаб кўймайди.

— Биламан, Биби... Менга ҳам айтган... У Мароға-

даги Хулакухон замонидан қолган расадни кўрмоқчи эмиш. Майли кўрсин, томоша қилсин.

Амир Темур жўнаб кетди-ю, кетма-кет уғрук ҳам Мароғага йўл олди. Йўлда кетишаркан, уғрукнинг имиллаб йўл босаётганидан кўнгли сиқилган Улуғбек мирзо бибисига ялинди:

— Биз устозим ила илдамрок борсак... бу юришда Мароғага қачон етамиз?

Сароймулкхоним жилмайди:

— Бесабр бўлманг, мирзом... Хали Мароғада кўп тургаймиз, обдон томоша қилгайсиз...

Аммо Улуғбек ялиниб-ёлвориб туриб олгач, малика рози бўлди. Бир кўр навкар кўриқлаган Улуғбек мирзо билан Ҳамза Мароғага ошиқдилар.

Йўлда борарканлар, Ҳамза Мароғани пойтахт қилган, улар саёхатининг муроди бўлмиш расадхонани ҳам тиклатган Хулокухон ҳақида кўп ҳикоятлар сўйлади. Аммо бу ҳикоятлардан бири Улуғбек хотирасига қаттиқ ўрнашди.

— Хулокухон ҳоқони жаҳонгир Чингизхоннинг набирасидур, — деб қиссагўйлик бошлаган эди Ҳамза. — У биродари бўлмиш Манку ҳоқоннинг ҳукмдорлиги замонида бу томонларга юриш қилиб, улкан бир салтанат барпо этмиш. Бу салтанат Арабистондан то Чигатоё улусининг чегараси бўлмиш Жайхунгача, Дарбанддан Ҳинд уммонигача бўлган худудни ичига олган эди. Хулокухон қаҳри қаттиқ, урушқок бир киши эрсалар-да, илму санъат аҳлига меҳрибон назар билан қарардилар. Шу сабабданми ўша замонда жуда кўп зийнатли бинолар тикланган, уларнинг кўпи илму санъат аҳли учун хизмат қиларди. Алхусус Табризда тиклаган саройларини кўрдингиз...

— Бағоят гўзал сарой, — деб устозининг сўзини тасдиқлади Улуғбек. — Мароғадаги расад ҳам хоннинг буйруқлари билан тикланган деб айтганингиз хотирам-дадур.

Ҳамза «Ҳа, шундай!» дегандек, унинг сўзини тасдиқлади, сўнг ҳикоясини давом этди:

— Мирзом, Хулокухон Бағдодни олиб халифа Мўътасимни қандай нобуд этгани ҳақида эшитганмисиз?

Улуғбек мирзо от устида тебранаркан, зийрак кўзларини усозига тикиб, йўқ, дея бош чайқади.

— Ундай бўлса, мирзом, мен бу ҳақда ҳикоя қилсам, — деди завқи келиб Ҳамза, — Бу ҳикоя сиздек амирзода учун кўп ибратлидир.

Тарихдан маълумдирким, мирзом, Бағдод қудратли давлатнинг пойтахти эди. Барча мўмин-мусулмонларнинг раҳнамоси бўлмиш халифа шаҳардаги ҳашаматли саройда яшар эди. Бағдод ҳамиша, айникса, халифа Маъмун замонида илму урфоннинг бўстони бўлгон. Бу шаҳар ҳазинасида бутун ислом давлатларидан битмас-туганмас бойлик оқиб келарди. Хулоқухон яғмоси пайтида халифалик тахтида ал-Муътасим ўтирарди. У шунча мол-дунё тўплаган эдики, бунча давлатни ҳеч бир ҳукмдор тушида ҳам кўрмаган. Бирок, у даҳшатли урушнинг олдини олиш учун бу бойликдан бир чақа ҳам сарфлашга ҳасислик қилди, қўлини совуқ сувга ҳам урмай ўтираверди.

Хулоқу Бағдодга етиб келиб, урушқоқ бобоси ҳийласини қўллади. У асосий қўшинни шаҳар теварагидаги боғларга яшириб, ўзи бир ҳовуч навкар билан Бағдод дарвозасига келди.

Ал-Муътасим мўғулларнинг озлигига алданиб, шоша-пиша ўз аскарлари билан шаҳардан ташқарига чиқди. Хулоқу бўлса, ёлғондан қочган бўлди ва халифа бошлиқ қўшунни боғлар томонга олиб кетди. Қутилмаганда бутун лашқари билан, ҳимоясиз қолган подага ташланган бўри галасидек, шундай шиддат билан ташландики, Бағдод қўшинидан ному нишон ҳам қолмади. Халифа ал-Муътасим эса тутқун бўлди. Даҳшатга келган Бағдод мўғулларга таслим бўлишдан бошқа чора тополмади.

Хулоқухон шаҳарга кириб, халифалик ҳазинасида олтин тўла баланд бир минорани кўриб ҳангу манг бўлиб қолди. У халифани минорага олиб келиб унга шундай деди: «Нега бу олтинларни кучли қўшин тўплашга сарф қилмадинг? Ахир сен мамлакатинг устига бостириб келаётганимни билардинг-ку?». Бу гапни эшитган халифа ал-Муътасим нима деб жавоб беришини билмай қолди. Унинг очқўзлигу нодонлигидан ғазабланган Хулоқухон айтдики: «Эй ғофил, очқўзлик қилганинг учун мен сенинг таъзирингни берганим бўлсин!» Хулоқухон шундай деб ал-Муътасимни олтин тўла минорага қамаб, унга сув ҳам, нон ҳам берилмасин, деб буюрди. Шундай қилиб, халифа беҳисоб бойликлари орасида очидан ўлиб кетди...

Ҳамза жим қолди. Улуғбек ибратли ҳикоя мағзини чакмоқ билан банд эди. Икки суҳбатдош ёнма-ён борардилар. Икки томонда саф тизиб бораётган навкарларнинг отлари кўтарган чанг-тўзон ўт-ўлан ва дов-

дарахтларнинг япроқларига қўнар эди. Пастак пахса деворлар ичида боғ-роғлар яшнаб ётар, олма, ўрик, лиму, анжир ва анорлар фарқ пишган эди.

Жисман заиф туғилган, аммо йиллар давомида машаққатли йўлларда чиниккан, қадди-комати келишган бола от устида уста чавандозлар каби ўтираркан жазирама иссиқдан диккат бўлиб отини йўрттириб борарди. Унинг юзи бир куннинг ичида офтобда қорайиб қолгандай эди.

— Ҳадемай Марофага етгаймиз...

Бола ҳамроҳининг овозини эшитиб ҳушига келди ва узангига тираниб, Марофани кўрмоқчидек олдинга тикилди. Аммо йўл тиккага кўтарилиб кетган, олдинда гира-шира парда билан ўранган осмонупар тоғларгина элас-элас кўзга ташланарди.

Шу ёшида дунёнинг ярмини кўрган бола оламнинг бепоёнлигини, ҳаёт ранго-ранг эканлигини тушуна бошлаган, кўрган-эшитганларини иложи борича кўпроқ мушоҳада қилишга кўниккан эди. Унинг хотираси шу даражада кучли эдики, баъзан бобоси ёки бибиси бўлиб ўтган бирор воқеа қайси ой, қайси кунда юз берганини билишни истасалар, ундан суриштирар эдилар. Ҳамзадан сабоқ ола бошлагандан буён айниқса, тарих ва ҳикмат дарслари туфайли ҳар бир нарсани аниқ ва пухта билишга жон-дилидан берилиб кетган бу ўғлонни энди тасодифий суҳбатдошларининг пойинтар-сойинтар ҳикоялари қаноатлантирмай қўйган эди. Ҳатто Ҳамзанинг Марофа расадхонаси ҳикояси ҳам уни қаноатлантирмади. Энди Улуғбек эшитишдан кўра ўз кўзи билан кўришга кўпроқ қизиқарди.

Йўлчилар отлар жиловини тортиб тўхтадилар. Улар юксакликда туришар, шу ердан бошлаб йўл пастлашиб борган эди. Ҳамманинг нигоҳи қафтда тургандек кўри-ниб турган Марофага тушди. Улар шаҳар қалъасига етганда отдан тушдилар. Қасрнинг дарвозаси ланг очилиб, шаҳар ҳокими уларга пешвоз чиқди. Ҳоким улуғ соҳибқирон набираси бўлмиш Улуғбек мирзога қимматбаҳо тортиқлар кўтариб чиққан эди. У жаҳонгирни эслаши билан баданида уйғонган титрокни зўрға босиб, икки ёнга чекиниб, унга йўл очган навкарлар ўртасидан худди туш кўраётгандек қарахт ўтди-да, шаҳзода олди-га етгач, таъзим қилди. Сўнг тиз чўкканча қўлидаги тортиқларни Улуғбек оёқлари остига қўйди.

Улуғбек тамоман ўзини йўқотиб қўяёзган эди. Шу пайтгача ёлғиз ўзи бирор маротаба саёҳат қилмагани



учун бундай иззат-икромни ҳам кўрмаган эди. Ҳуе у қандайдир бир мўъжизадек ҳамма унга махлиё тикилиб қолган эди. Шахзода ҳамманинг диққати-эътиборида бўлиш унчям кўнгилли иш эмаслигини энди билди.

Улар Мароғага кирганда бакколлар молларини саранжомлаб, дўконларини ёпишарди. Шаҳар аҳолиси тун киришига хозирлик кўрарди. Олисдаги тепаликлар устида ой кўринди.

Эртаси кун Мароға ҳокими Улуғбек шарафига Урмия кўли атрофидаги сўлим бир масканда маросим тузди. Уша кунни улар кўл атрофида ов қилиш билан ўтказдилар.

Мароға шаҳри-ҳулоқулар давлатининг қадимий пойтахти. Шаҳарнинг биринчи қалъаси Чағоту дарёсининг Урмия кўлига ҳуйилишида тикланган, замон ўтиб у катта шаҳарга айланган эди. Шаҳар об-ҳавоси ёқимли, уни шимолда юксалиб турган тоғлар совукдан тўсиб турарди. Ривоятларда нақл этилишича, арабларнинг Озарбайжондаги биринчи ноибининг қароргоҳи ҳам бу ерда бўлган экан. Кейин бу шаҳарни Ҳулоқухон ўзининг пойтахти қилиб белгилади. Кейинчалик пойтахт Султонияга кўчиб ўтган бўлса-да, Ҳулоқу авлодлари киш фаслини ё Қорабоғда, ё мана шу Мароғада ўтказишган.

Урмия кўлида бўлиб ўтган шикор ва сайрибоғдан кейин Улуғбек мирзо билан Ҳамза Мароғанинг шимол тарафидаги тоғлар томонга йўл тутдилар. Бу юксак тоғлар яқинидаги улкан тепаларнинг бирида Ҳулоқухон замонида Носириддин Тусий раҳбарлигида тикланган расад харобаси мавжуд эди.

— Носириддин ат-Тусий кўп донишманд киши бўлган, — деб ҳикоясини бошлади Ҳамза. — Бу мухтарам зот асли ҳамадонлик бўлган. Ешликлари Тусда ўтган учун Тусий деб машҳур бўлдилар. У киши мурғакликдан илм олиш йўлида бўлдилар, кўп ўлкаларга бориб устоз изладилар. Носириддин Тусий таботату хикматни Ғутбиддин Мисрийдан, мантиқ илмини Фаридуддин Домоддан, риёзиёт, ҳайъатшўнослик, мусиқани Камолиддин Абдулфаттоҳ Мусо Мосулийдан, адабиёт илмини Абу ас-Саодатдан, шарият илмини Шайх Бурхониддин ва Носириддин Абутолиб Абдуллоҳдан ўргандилар. Оқибатда ўз замонида у кишига тенг келадиган донишманд топилмади.

Унинг доврўғини эшитган исмоилийлар давлати

хукмдори Мухташам уни, ўз саройига чорлади. Унинг хизматида экан «Ахлоки Носирий» китобини битдилар. Китобдаги айрим сатрлардан маълумки, Мухташам билан Носириддин Тусий ораларига ихтилоф тушган. Менинг билишимча, ихтилоф Носириддин Тусийнинг исмоилийлар этикодига шубҳа қила бошлагани туфайли бўлмиш. Оқибатда шундоқ донишманди замонани Аламутдек дахшатли бир қалъага зиндонбанд этдилар.

Шу ерга келганда Хамза шогирдига синовчан назарини тикди.

— Сиз Аламут хукмдори Хасан ас-Саббох тарихини билурмисиз, мирзо? — деб сўради кейин. Улуғбек рад жавобини бергач, киссахоннинг жияни эмасми, янги кисса бошлашга баҳона топилганидан завки келди.

— Накл борки, ўз замонасининг донишмандлари бўлмиш Низомулмулк, Умар Хайём мана шу исмоилийлар давлатига асос солган Хасан ас-Саббох билан Нишопурда бирга ўқиган, бирга дарс қилган эканлар. Шу туфайли бир-бирлари билан дўстлик ипи ила боғланган эканлар. Вакт етиб, Хожа Низомулмулкнинг икбол юлдузи кўтарилиб, эътибор топиб Султон Маликшоҳ мамлакатига вазир бўлганида, Хасан Саббох билан Умар Хайём дўстлари ҳузурига — Исфaxonга бордилар. Низомулмулк уларга кўп иззат-икром кўрсатди. Орадан маълум муддат ўтгандан кейингина, хожа дўстларидан не боисдан келганларини суриштирди. Умар Хайём дедик: «Бу ерга келишдан мақсадим шулки, менга тирикчилик маошини Нишопурдан тайин қилсанг, токи фароғатда кун кечирсам». Хожа Низомулмулк рози бўлди. Кейин Хасан Саббохга қараб: «Сен нима дейсан?» — деди. Хасан Саббох айтдики: «Мен дунёвий ишлар билан шуғулланишга кўпроқ илтифот қиламан». Низомулмулк унга Ҳамадон ва Динворнинг ҳокимлигини берди. Лекин Хасаннинг мақсади Хожа Низомулмулкнинг вазирлигига шерик бўлиш эди. Шунинг учун ҳам у берилган мансабни қабул қилмади ва хожадан кўнгли оғриб, у билан ёвлашиб қолди. Сўнгра у Султон Маликшоҳ надимлари билан алоқа ўрнатиб, улар билан нарду шатранж ўйнашга машғул бўлди. Шу йўл билан султоннинг яқинларини ўзига ром қилиб олди, улар орқали султоннинг арзига мана буларни етказди: «Йигирма йилдирки, султон подшоҳлик қилмоқда. У мамлакатдан не миқдор мол жамланиб, не миқдори харж қилинаётганидан вокиф бўлиши зарур». Султон Хожа Низомулмулкни чақириб: «Мамлакат,

бўйича жамланадиган ва сарфланадиган молни канча вақт ичида ҳисоб-китоб қилиб бера оласан» — деди. Хожа жавоб қилдики: «Подшоҳ салтанати туфайли бугун мамлакат сарҳадлари Қошғардан Антокия ва Румгачадур. Агар астойдил тиришиб ҳаракат қилсак, шояд бир йил ичида бу иш охирига етказилур». Эртаси кун кечкурун Ҳасан Саббоҳ султон олдида яна тиз чўкиб: «Агар султон бу ишни менга топширса ва қўлимни узайтирса, қирк кун ичида битириб, унинг арзига етказурман». Султон дафтархона ихтиёрини унга берди ва «Ҳисобчилар ва мустафийлар Ҳасаннинг ихтиёрида бўлиб, бу ишни қирк кунда поёнига етказсинлар», — деб буюрди. Ҳасан дафтар иши билан машғул бўлди. Қирк кун яқинлашиб қолган ҳам эдики, у бу ишни поёнига етказай деб қолди. Хожа Низомулмулк бу иш Ҳасаннинг қўли билан охирига етиши мумкинлигини тушунди. Шунинг учун хийла ва тадбир ишлатиб, қиркинчи кун етганда Ҳасан ҳисоб-китобини яширинча остин-устун қилиб қўйишга эришди. Султон муҳлат кун Ҳасандан: «Дафтарни мукамал қилдингми?» деб сўради. Ҳасан Саббоҳ: «Ҳа, мукамал бўлди», — деб жавоб қилди. Султон: «Ундай бўлса, келтир!» — деди. Ҳасан дафтарни султоннинг олдига қўйиб очди. Султон Рай хусусида сўраган эди. Румга тегишли варақ очилди. Ҳасан англадиким, Хожа Низомулмулк макру хийла ишлатибдур. Унинг кўнгли паришон бўлди, қўл-оёғи бўшашиб, шошиб-пишиб дафтарни йиғиштира бошладди. Султон унга қараб ўшқирди. Низомулмулк эса султонга арз қилди: «Эй Аллоҳнинг бандаси, мен бу одам девоналигини аввал бошданок билган эдим, лекин султонимиз мажбур этганидан қаршилиқ кўрсатолмадим. Ахир қандай қилиб, бу қадар улкан мамлакат қиримчиқимини қирк кунда поёнига етказиш мумкин». Аҳли мажлис хожанинг бу сўзларини маъқуллаб, Ҳасанни маломат қилдилар. Султон Маликшоҳ Ҳасанни дарҳол даргоҳдан ҳайдаб чиқаришни буюрди. У узок вақт Низомулмулкнинг ўч олишидан ҳайкиб у уйдан бу уйга кўчиб, бекиниб юрди.

Охир-оқибат шаҳардан қочиб, Дамлам қўҳистонидаги Аламут қалъасига келиб, тоат-ибодат билан машғул бўлди, қалъа кутволини фирибгарлик билан ўз муридига айлантирди. Ҳасан Саббоҳ ҳамма вақт қалъа ташқарисидаги ғорда истикомат қилиб, тоат-ибодат билан машғул эканини кўрган қалъа кутволи ундан Аламут ичкарасига кириб туришини сўради. Ҳа-

сан Саббоҳ шунда айтдики: «Мен бировнинг мулкида ибодат қилмайман. Менга қалъа ичидан бир хўкиз терисига сиғимли ерни сотгинки, токи мен ўз мулкимда тоат-ибодат қилган бўлай». Кутвол қалъа ичидан бир хўкиз терисига сиғимли ерни ажратиб, унга сотди. Ҳасан қалъа ичкарасига кириб олғач, унинг тамоми халқини, хййла ишлатиб мурид қилиб олди. Сўнг хўкиз терисидан ип эшиб, қалъа дарвозасининг бир табақасидан девор бўйлаб айлангириб, дарвозанинг иккинчи табақасига тортиб келтирди. Эрта тонгда қалъа ҳокимига одам юбориб, унга: «Эндиликда қалъа менинг мулким, чунки у менга сотилган. Бундан буён менинг мулкимда турмай, ундан чиқиб кет!» деди. Қалъа аҳолиси Ҳасан Саббоҳга муридан бўлиб қолгани учун, ҳоким ночор қалъани ташлаб чиқди.

Ҳасан Саббоҳ шу тарика, мақр йўли билан Аламути эгаллаб олди. Сўнг қалъага турли тарафлардан ўзига содиқ одамларини тўплади. У малъун кишиларни гумроҳ қилиш ниятида, зиндиқия ва бидъат мазҳабига даъват этиб, теварак-атрофга ташвиқотчилар юборди. Эрону Туроннинг аксар халқи кўп йиллар ўша манфур офатига гирифтор бўлдилар.

Ҳасан хййла-найранг ишлатиб, одамларни сотиб олиб Эрон шимолидаги кўпгина қаср ва қалъаларни қўлга киритишга эришди. Ҳасан Саббоҳ қирк йилга яқин ҳукмдорлик қилиб оламдан ўтди. У шу вақт ичида ўз одамлари устидан шундай қудратга эга бўлдики, унинг ҳар бир буйруғини кулоқ қокмай бажаришарди. Ҳар бир муриди унга жонини беришга тайёр эди.

Ривоят қиладиларки, муридлари садоқатини яхши билган Ҳасан ас-Саббоҳ уларни синаш билан кўнгилочарлик этарди. У баъзан юксак қояда туриб, рўмолчасини пастга ирғитар, шунда рўмолчани олиб чиқиш учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр муридлар ўзларини қоядан пастга отардилар.

Ҳасан ас-Саббоҳдан сўнг яна етти киши исмоилийларга ҳукмдорлик қилдилар. Олтинчиси Носириддин Тусийни зиндонбанд этган Муҳташам эди. Унинг ўлимидан сўнг Аламут тахтига Рукниддин Ҳуршоҳ ўтирди.

Носириддин Тусий Аламут зиндонда йигирма йил ҳибсда тутилди. Зиндонбанд ҳолда ўнлаб китоблар битдиларки, бундаин жасорат ҳар кишининг ҳам қўлидан келмас.

Йигирма йилдан сўнг бу юртни босиб олган Ҳулокухон исмоилийлар давлатини тор-мор этди. Аммо юз

йиллар давомида ҳеч ким, забт этолмаган Аламут калъасини кўлга киритиш оғир бўлди. Қалъа камали уч йил давом этди. Охири очлик қалъадаги исмоилийларнинг тинкасини қуритди ва Ҳуршоҳ таслим бўлишга мажбур бўлди. Қалъани ер билан текислаб, яқсон этдилар. Ҳулоку дастлаб Ҳуршоҳни оёқ-кўлини занжирбанд этиб, буюк ҳокон Мункаҳон ҳузурига — Қорақурумга юбормокчи бўлди. Аммо Филонга етганда Қорақурумдан етиб келган фармони олийга амал қилиб Ҳуршоҳни ўлдирдилар.

Ҳулокухон йигирма йил зиндонда ётган Тусийни ўз ҳузурига олиб келишни буюрди. Хожа хон ҳузурига ушбу китъасини ўқиди:

*Олти юз эллик тўрт йил даврини сурди араб,  
Зулқаъда ойи аввалин душанбаси келгунча то,  
Тушди тахтдин самоилий, подшоҳи Ҳуршоҳ ул кунни.  
Чўкди тиз Ҳулоку тахти олдида буткул мосуво.*

Хожа билан хон ўша кунни узоқ суҳбатлашдилар. Хожа ҳам хонга, худди мен сизга сўйлаган ҳикоятларни, Аламут ва Ҳасан ас-Саббоҳ қиссасини айтиб берган бўлса керак. Ҳулоку хожадан жуда кўп нарсаларни, шу жумладан Умар Хайём ҳақида ҳам суриштирди. Шунда Хожа Носириддин алам билан айтдики: «Менинг фазилатларим Умар Хайёмникидан ортиқ бўлса ортиқ, аммо кам эмас. Аммо Умар Хайём ўз кадрини топди, подшолар уни кўп азиз ва мукаррам тугардилар. Чунончи, Султон Санжар уни тахти ёнида олиб ўлтирар экан. Лекин менинг замонамда бирон иш ўз қондасида бўлмай қолди!» Бу гапни эшитган Ҳулоку хожага тасалли бериб: «Бундан буён сиз менинг тахтим ёнида ўлтирасиз», — деди ва уни вазир қилиб тайинлади.

Улуғбек билан Ҳамза тепаликдаги расад вайроналарини айланиб юришаркан, хароба устидан чор-атрофга кўз ташлаб ҳайратланишарди. Улуғбек болаларга хос қизиқиш билан ҳар бир нарсани узоқ кўздан кечирар, Ҳамза эса ҳикоя айтиш билан машғул бўларди.

— Хижрий 657 (мелодий 1259) йили Хожа Носириддин Ҳулокухонга расад қуриш масаласида арз қилдилар. Хон рози бўлиб, фармон бердилар. Расад тиклангач, юздан ортиқ мунажжим собита юлдузлар ва ўзга осмон ёриткичлари ҳолати ила ҳаракатини мунтазам қузата бошладилар. Расадда ўша даврнинг энг

мукаммал танжим асбоблари ила иш юритилар эди. Шунингдек, бу ерда Тусийнинг ҳаракати билан ўз даврининг билимдонлари: Али Нажмиддин Қазвиний, Маҳмуд Қутбиддин Шерозий, Мухиддин Муҳаммад Мағрибий, Ҳасан Найсабурий каби олимлар тўпланган эдилар. Расадаги кузатишлар асосида Носириддин Тусий «Зижи жадиди Элхоний»ни туздилар...

— Мирзом, — дея уқтирди Ҳамза, — яна шуни унутмангки, Мароға расади ўзига хос кутубхона ҳам эди. Бу ерда тўрт юз мингдан ортиқ асарлар жамланиб, бу асарлар расадхонада таржима қилинар ва уларга шарҳлар битиларди... Афсус, минг афсуским, Ҳулоқу-хон давлати таназулга юз тутиб, унинг мамлакати орадан кўтарилгандан бошлаб расад ҳам вайроналик-ка юз тутмиш...

Улуғбекнинг ўйга ботиб қолганини сезган Ҳамза уни ёлғиз қолдириб, расад вайронасидан пастга туша бошлади. Танҳо қолган Улуғбек вайрона устида турганча, унинг мукаммал ва улуғвор ҳайбатини кўз ўнгида тиклаб, юксакликдан нигоҳини юлдузларга қадаган эди. Боланинг юраги таассуротларга тўла эди, унинг хаёли Мароға расади устидаги осмон каби кенг ва орзу юлдузлари билан равшан эди...

Амир Темур йўл юлган Аланжак қалъаси Нахичевондаги энг мустаҳкам қалъа саналарди. Соҳибқирон беш йиллик (1392—1397) юриш пайтида ҳам қалъани камал қилган, аммо Тохир Жалойирий томонидан мудофаа этилган Аланжакни забт этолмаган эди. Амир Темур Ҳиндистонга юриш бошлаганида Гуржистон подшоҳи Георгий Еттинчи қалъага кўмакка келган, Тохир Жалойирийни иззат-икром билан Гуржистонга олиб кетган эди. Ўша-ўша султон Аҳмаднинг ўғли бўлмиш Тохирнинг одамлари сақлаган қалъа гуржилар кўмаги билан омон эди. Амир Темур Сивас устига юрганда Аланжак томонга ҳам аскар жўнатган, аммо қалъа камали ҳамон — бир йилдан ортиқ давом этарди.

Соҳибқирон Авниққа етмасдан Аланжак ишғол қилингани хақида хабар олди. Чопарнинг айтишича, амир Шайх Муҳаммад билан амир Ферузшоҳ бошлик кўшинлар қалъани эгаллаб, асир олинган қалъа кутволи Сайид Аҳмадни Амир Темур хузурига жўнатган эмишлар. Анча вақтгача жиғига тегган қалъани кўриш

истаги Амир Темурни Аланжакка етаклади. Манзилга етгач, қисқа муддат у ерда туриб, сўнг Шамхорга ўтди.

Шамхорда экан, кўрқувга тушган подшоҳ Георгийнинг элчилари келиб, Соҳибкирон тахти пойини ўпдилар. Гуржилар ҳукмдори ўз мактубида «Хирож ва бошқа лозим тўловларни беришга тайёрман. Фақат ўз юртимизда яшашга изн берсалар бас. Юриш тугагунга қадар истаганлари микдорида ҳам аскарый, ҳам моддий кўмак етказилишига кафилман», деб онт ичган ва авф тилаган эди. Амир Темур бу сўзларни эшитаркан, ёнида ўтирган амирларга қарата: «Сичқон сизмас инига, галвир боғлар думига» деб мана шу подшоҳга нисбатан айтса бўлур!» — деди. Сўнг элчиларга Георгийнинг илтимосини қабул қилганини айтаркан, Гуржистондан ўтадиган йўллар мудом очик тутилиши шарт, деб тайинлади. Соҳибкирон Гуржистон орқали юрилса, Рум мулкига энг қисқа йўл билан етиш мумкинлигини билгани учун ҳам шу талабни қўйган эди.

Нахичевондан сўнг Амир Темур Қорабоғга келди.

## БОЯЗИД БИЛАН ЖАНГ

Биз энди турк халқлари тарихининг аламли саҳифалари бўлган воқеалар хақида ҳикоя бошлаймиз...

Шом юриши зафар билан тугагач, навбат усмонли турклар султони Боязид билан жанг қилишга етган эди.

Усмонли турклар кимлар эди? Улар ҳам Турон заминида яшаган саха (сак) қабилаларининг авлоди, улар ҳам тарихда ўчмас из қолдирган Қанғ давлатини барпо этган ғарбий туркларнинг насллари эдилар. Буюк салжуқийлар давлати уларнинг қудрати ва иродаси билан тикланган эди.

1219 йили Чингизхон галалари Турон мулкига бостириб кирганда эллик минг ўтовли қанғли уруғи Кабихон (Қиё Алпхон) бошчилигида Рум мулкига қараб йўл олди. Маълум вақт ўтгач, уруш оловлари сўнганига ишонган Кабихоннинг ўғли Сулаймон бошлиқ турклар ўз она юртларига қайтмоқчи бўлдилар. Аммо Фурот дарёсини кечиб ўтаётганда Сулаймон сувга чўкиб ҳалок бўлди. Унинг ўғли Эртўрул тўрт юз ўтовли уруғини йўлдан қайтариб, Арзирум атрофларини ватан қилди.

Мўғул босқини туфайли ғарбга чекинган салжуқийлар Кичик Осиёдаги Византия империяси ерларини босиб олиб, Куния султонлигини тузган эдилар. Султон

Алоуддин Қайқубод замонида (1219-1236) султонликнинг энг гуллаган мавсуми бўлди. (Ўрнида айтиш жоиз, Самарқандда туғилган, Балхда вояга етган, Румда камолга етган буюк мутафаккир ва мутасаввиф мавлоно Жалолиддин Румий шу даврда яшаб ижод қилганлар).

Уста ва жасур саркарда бўлган Эртўғрул ўз фаолиятини дастлаб ён-атрофидаги уруғлар ерларини босиб олиш билан бошлади. Кейин Куния султони Қайқубоднинг Чигатой бошлиқ мўғул қўшини билан жанг қилаётганини эшитгач, Қайқубодга ёрдамга шошилди. Алоуддин Қайқубод унинг бу хизматини унутмади, мўғулларни султонлик сарҳадидан қувиб чиқаргач, Эртўғрулга Эскуд, Қорачатоғ, Томанчи ерларини тортиқ қилиб, уни ўз қўшинига қўмондон этиб тайинлади. 1272 йилда тўксон ёшга етган Тўғрулбек оламдан ўтди. Қайқубод унинг ўғли Усмонни отаси ўрнига тайинлади. Вақт ўтиб Куния султонлиги Эрондаги мўғул ҳукмдорлари — хулоқуларга тобе бўлиб қолган бўлса-да, Усмон отаси ва ўзи янги-янги мулклар эвазига кенгайтирган беклик мустақиллигини сақлаб қолди. Бу беклик **Усмон Ғозий** замонида қувватга тўлгани сабабидан у **Усмонли** давлати номини олди.

Биз ўз қиссамизда Улуғбек мирзо болалиги ҳақида хикоя қилар эканмиз, у келажакда нафақат фалакшунос олим, шу билан бирга муаррих бўлиб етишганини айтиб, «Тарихи арбаъи улус» («Тўрт улус тарихи») китобида Усмонлилар ёки **Оли Усмон (Усмон хонадони)** ҳақида ҳам маълумот берганини таъкидлаймиз. Улуғбек бу сулола ҳақида шундай ёзган эди: «Тарих ва хабарлар муҳаққиқлари наздида шул муқаррарки, **Ўғузхон Султон Усмонхоннинг ўн бешинчи бобосидир. У охир султонлардан бўлиб, Чин ибн Ёфас алайҳиссалом авлодларидандир... Ўғузхон қадимги бобоси бўлиб, Турк ибн Ёфас алайҳиссалом авлодидандир. Усмонхон аجدодлари исмлари ҳазрати Ёфас алайҳиссаломгача тубандаги тартибдадир:**

**Усмонхон ибн Эртўғрул ибн Сулаймонхон ибн Киё Алпхон ибн Қизил Буғахон ибн Бойиндурхон ибн Ойқутлуғхон ибн Турғорхон ибн Қилтунхон ибн Байсабқурхон ибн Боқи оға ибн Савузғорхон ибн Тўктемурхон ибн Бойсуқхон ибн Қўк Алпхон ибн Ўғузхон ибн Бойсубхон ибн Ялвожхон ибн Бойбукхон ибн Тўғрулхон ибн Ойтуғмишхон ибн Кужангхон ибн Ортуқхон ибн Қасорихон ибн Бектемурхон ибн Туркисхон ибн Ямоқ-**



хон ибн Қизил Буғахон ибн Ямоқхон ибн Бойбуғахон ибн Тўғрулхон ибн Қойихон ибн Жамукхон ибн Бойсурхон ибн Тўғрулхон ибн Севинчхон ибн Куртилмишхон ибн Жорсуғахон ибн Қаражархон ибн Бойчўқхон ибн Амудхон ибн Кумушхон ибн Қораўғлонхон ибн Сулаймонхон ибн Курчулхон ибн Қўрбуғхон ибн Бойтемурухон ибн Қуйхон ибн Макри Юманишхон ибн Макри Қуйхон ибн Мочинхон ибн Чинхон ибн Ёфас алайҳиссалом ибн Нух алайҳиссалом».

1301 йили Усмон Византия қўшинини Никодемия билан Никея оралиғидаги манзилларнинг бирида яқсон этгач, қисқа вақт ичида Мармара ва Қора денгиз бўйларидаги мулклар усмонлилар томонидан забт этилди.

Қадим булғор солномаларининг бирида қуйидагиларни ўқиймиз: «Усмоннинг вориси Ўрхон бўлди ва у отасининг ишини илгари сурди, душманларини кетма-кет мағлуб этиб, юнонлар мулкидаги Бурса шаҳрига етди. У шаҳарни қамал қилди ва ўғли Улуғ Мурад билан уни фатҳ этди. Бурса усмонлилар мулкининг пойтахтига айланди. Ўрхон 1362 йили оламдан ўтди, тахтни ёш Мурад эгаллади».

Мурад катта қўшин билан булғор ерига хужум қилмоқ учун юнонлар заминидagi сон-саноксиз катта-кичик кемалар билан кўрикланган кўрфазга келди. Византия императори Кантакузин кўрфазни мустаҳкам кўриклаш учун асосан кемаларга таянар эди. Аммо тез орада кемаларни ёлғиз ўзи озик-овқат, қурол-аслаҳа билан таъминлаёлмаслигини англаган Кантакузин аркони давлати билан келишиб Тирновода турган булғор шохи Александрдан ёрдам сўради. Булғорлар юнонларни масхара қилиб, улар йўллаган элчиларни қувиб юбордилар. Кантакузин серб ҳукмдорларига йўллаган элчилар ҳам шундай бадном этилиб хайдалди. Бу ҳақда эшитган Кантакузин «Ҳали бу қилмишингиздан пушаймон бўласиз, аммо ўшанда кеч бўлади!» деб булғорлар билан сербларга мактуб ёзди. Аммо улар пинакларини бузмай: «Турклар келишсин-чи, ўшанда кўрамиз», — деб жавоб бердилар. Шундан кейин такдирга тан берган Кантакузин Мурад билан сулҳ тузиб, Галлиполи кўрфазини туркларга топширишга мажбур бўлди. Трапезундия императори ҳам туркларнинг қўп эшаккли қайиқларидан фойдаланиш ҳақидаги сўровини рад этишга ботинолмади ва турклар қўшини Оврупо китъаси томонга хотиржам ўтиб олди. Мурад Ғозий

дастлаб булғорларни, кейин сербларни мағлуб этиб, уларнинг ерини босиб олди. 1366 йилда усмонлилар пойтахтни Бурсадан Болкон ярим оролидаги Андриаполга кўчириб, шаҳарга Эдирне деб ном қўйдилар.

Косово шахрида шахид бўлган Мурод ўрнини Боязид эгаллади (1389). У отаси ҳалок бўлган кунiek тахтни эгаллаш йўлида ўз биродари шахзода Ёкубни қатл эттирди.

Боязид жангчи боболари шухратини ошириш йўлида тиниб-тинчимайди. Кўп ўтмай шиддатли ҳужумлар туфайли у замондошлари орасида Оврупо-ю Осиёнинг бутун-бутун мамлакатларини ёкиб юборган чақин — «Йилдирим» номини олди. 1396 йили у Можаристон кироли Сигизмунд бошлик бутун Оврупо ўлкаларидан йиғилган салбчилар қўшинини яқсон этди. Никопол яқинидаги бу жангда Оврупонинг энг машҳур рицарлари Боязиднинг шиддатини тўса олмадилар: асир олинган граф Наварский ва йигирма тўрт овруполик шахзода ўлжа сифатида ғолибнинг орқасидан эргашишга мажбур бўлдилар. Бутун Оврупо давлатлари икки юз минг олтин микдоридан пул йиғиб ўзининг шахзодаларини қутқариб олишга эришди.

Никопол ғалабасидан сўнг Боязид Византия империясининг сўнгги парчаси — Константинополни камалга олди. Амир Темурнинг усмонлилар давлатининг шаркида пайдо бўлишигина Константинополни ҳалокатдан қутқариб қолди. Боязид талаби билан Византия императори Маниуил ўлпон тўлаб туриш ҳамда шаҳар бир турк маҳалласи ва масжид барпо этиш, мусулмонлар билан румликлар орасида ўртага чиқадиган можароларни исломий ҳуқуқ асосида қўриб чиқиш учун бир қози тайинлаш шартларига рози бўлди. Бу воқеалар Амир Темурнинг Шом юриши пайтида бўлиб ўтди.

Боязид кучли ва жасур рақиб эди. Амир Темур Хиндистон юришидан қайтишдаёқ Боязиднинг Оврупо ва Осиёда кучган шонли зафарлари ҳақида беш йиллик юриш (1392—1397) пайтида эгаллаган мулкларни: Гуржистону Арманистон, Ироку Шом, Озарбайжон ва Бағдод халифалигига эгалик қилишга даъволик қилаётгани ҳақида эшитган, ҳуллас Боязидга Рум ҳудуди торлик қилаётганини англаган эди. Оврупо-ю Осиёнинг катта қисмига ҳукмдорлик қилган бу салоҳиятли саркарда билан куч синаш тақдирида битилганини англаган Амир Темур шошилмай иш тутди. Боязид Византия

камали билан овора бўлган бир пайтда у Шом юришини бамайлихотир амалга оширди. 1401-1402 йиллар қишини Қорабоғда ўтказаркан, кўшинга дам бериш билан баробар бўлажак юришни ипидан-игнасигача пухта ўйлади. Икки қудратли куч: темир билан йилдирим бир-бири билан тўқнашувга ҳозирланар экан, дунё таҳлика ичида қолиб, тўқнашув қандай натижа билан тугагини кутар, испан, фаранг ва овруполик бошқа ҳукмдорлар аллақачонлар элчиларини ҳозирлаб, бўлажак ғолибни қутлашга шай туришар, воқеалар қай ҳолда яқун топишини билмай талвасага тушган майда ҳукмдорлар гоҳ Боязид тарафга, гоҳ Темур томонга кочиб ўтишарди.

Икки йил бурун Темур билан Боязид ўртасида бошланган мактуб ёзишмалари авжида эди. Шом юришида экан, Темур яна бир мактуб жўнатган ва Боязиддан ўзига итоат қилишни талаб қилган эди. Бунга жавобан Боязид «Қим-қимга тобе бўлишини жанг ҳал қилсин, мен жангга тайёрман», — маъносида жавоб берди. Амир Темур эса яна мактуб йўллаб, ўзаро иттифок бўлишса кофирларга қарши Ислоҳ куч-қудратини оширажагини айтиб, агар Боязид ўғилларидан бирини ўз ҳузурига омонат тарзида юборса, йўлланган хилъатни қабул қилса, Румга юриш қилишдан қайтажагини билдирди. Амир Темурнинг бу сўзларини Боязид кескин равишда рад этди.

Бу музокаралар кечар экан, Мовароуннаҳрдан амирзода Муҳаммад Султон бошлик янги кўшин етиб келди. Боязид ҳам ўзига тобе юртлардан кўшин тўплаш билан машғул эди.

Қиш ўтиб, баҳор келиши билан Қорабоғда ўтказилган қурултойда Боязид устига юришга қарор қилинди. Худди ўша кунлари Амир Темур Чин (Хитой) императори — Фағфури вафот қилгани ва у ерда ҳокимият таллашиш бошлангани хабарини олди. Чин устига юриш пайти етганини билса-да, аммо ўз манзилини тарк этса, янги забт этилган мулклар Боязид томонидан босиб олиншини билгани учун турк султони билан жанг қилишни маъқул топди. У Боязидга навбатдаги мактубини йўллаб, ундан қуйидаги беш шартни қабул қилишни талаб қилди:

**1. Вассали бўлмиш Арзинжон амири Таҳартонга (Мутаҳартенга) тобе Камах шаҳрини яна ўз эгасига қайтариш ва Камахни босиб олган пайтида қўлга олинган Таҳартон оиласини озод қилиш.**

2. Шаҳзодалардан бирини ўз ҳузурига омонатга юбориш.

3. Тобелик белгиси бўлган кулоҳ билан камарни қабул қилиш.

4. Онадўли бекларидан тортиб олинган ерларни (Ойдин, Сарухон, Манташа, Кермиян, Теке, Ҳамид-ўғиллари ва Чандарўғиллари бейликлари назарда тутилган) яна эгаларига қайтариш.

5. Қорақуйунлилар раиси Қора Юсуфни банди қилиб, ўзига юбориш.

Амир Темур бу талабни кўяр экан, султон Боязид қўл остида бирлашган бекларни ўз томонига ағдариб олишни максад қилган эди. Бу талабларини эшитган беклар Боязиддан совишларини у яхши фахмларди. Амир Темур ҳар бир ҳарбий тадбир тақдирини аввал ақли билан, шундан кейингина қилич билан ҳал қилишни мақбул кўрарди. Амир Темурнинг бу фазилати ҳақида усмонли туркларнинг XX асрдаги буюк фарзанди Мустафо Камол Отатурк шундай деган эди: «Менимча, жаҳонда ўтган саркардаларнинг энг улуғи Темурдир. У ҳеч қачон бирор урушни кўр-кўрона, фақат ҳарбий омадга ишониб бошламаган. У ҳар бир ҳарбий юришга жиддий, пухта, аниқ ҳисоб-китоб асосида узоқ йиллар давомида ҳозирлик кўрарди. Масалан, у Анкара жангида қозонган ғалабасини Боязид Йилдирим билан унинг вассаллари ўртасига ихтилоф солиш билан олдиндан таъминлаган эди. У ғалабага ақли билан эришди».

Амир Темурнинг талабларини эшитган Боязиднинг ғазаби қўзғалди, ўйлаб иш тутишга маслаҳат берган вазири аъзам Али пошшога: «Ҳали шарафимиз ҳам, кучли қўшинимиз ҳам бор, шундай экан, тобе бўлиб яшамасмиз!» — деди. Сўнг у Амир Темурни назар-писанд қилмаслигини кўрсатмоқчи бўлгандек, Турон султониға армуғонлар жўнатди. Аммо у жўнатган тортиқлар сони туркийларга хос тарзда тўққизта эмас, ўнта эди. Боязид тортиқлар билан баробар мактуб ҳам жўнатган, унда турк султони ўз исмини катта ҳарфлар билан битган ҳолда, Темурнинг исмини кичик ҳарфлар билан ёздирган эди. Бир-бирини ҳақорат қилишдан сўнг ҳар икки томон ҳаракатга келди. Ҳар икки ҳукмдор бир-бирларининг муносиб рақиб эканликларини яхши англашар, аммо ҳеч қайсиси паст қелишни истамасди.

Амир Темур набираси амирзода Муҳаммад Султон

бошлик янги кўшинни Камаҳ устига юборди. Тахт валиаҳди ўн икки кун ичида шахарни эгаллаб, бобосини қувонтирди. Шундан кейин Амир Темур Сивасга келиб тўхтади. Шу ерда туриб хуфияларни ишга солди — усмонлилар давлати худудида ва Боязид кўшини ичида юзага чиққан вазият, ҳар бир ҳаракат ҳақида батафсил маълумотларини тўплади. Йилдирим эса кўшинларини жамлаб, Темурга қараб ҳаракат бошлади.

Хикоямизни шу ерда тўхтатиб, Улуғбек мирзога қайтайлик. Саккиз ёшга тўлган амирзода уғруқда, бибиси Сароймулкхоним билан устози Ҳамза тарбиясида эди. Мурғаклиги сабабли ҳали жангу жадалда қатнашиш ҳуқуқини олмаган набира жаҳонгир бобосига қанча ялинмасин, уғруқда қолдирилган эди. Замонлар ўтиб, кўп киссагўй ровийлар Улуғбек мирзони ҳам румликлар билан жангда қатнашган қилиб чўпчакнамо киссалар битадилар. Бу киссалар чўпчакнамо бўлсада, уларда Рум юриши ҳақида қизиқ маълумотлар учрайди. Мана шундай киссалардан бирини сизга хикоя қиламан:

«...Амир (Темур) элатдин нома юбормоққа элчи талаб қилдилар. Номани Инок вазирга бериб, кенгаш қилдилар, беклар Мироншоҳни талаб қилдилар. Амирдин жавоб бўлмади. Андин сўнг Шоҳруҳ мирзони талаб қилдилар. Амир «Бу доим жанг талаб», — дедилар. Сўнгра Умаршайхни арз қилдилар. Амир айтди: «Мунга китоб ўқимокдин ўзга иш бўлмас». Сўнгра Султон Муҳаммад тўрани айдилар. Амир (Темур): «Бу шаробни яхши кўрар», — дедилар. Барчалари айдилар: «Бу хизматни уҳдасидин Мирзо Улуғбекдин ўзга киши чиқолмас, чораки кичик бўлса ҳам, улкансифатдур, фитратлик, ҳар ишга етук, кўб туйғундур, бу ҳар ишга лойиқ, барча нимарсага боб», — дедилар. Анда Мирзо Улуғбек Мағриб вилоятига ҳоким эрди, анга тезлик бирла келсун, деб хат ёзиб юбордилар. Андин сўнг Амир Соҳибкирон Миср узра ҳоким қўйуб, Олабоғ сариға келди. Шоҳруҳ тўра отасин мулозаматида бўлди, амир андин кўб хурсанд бўлдилар. Бу сўз мунда турсун, эмди икки калима сўзни Қайсардин (яъни султон Боязиддан) эшитмак керак.

Қайсар то ўғли боргунча бўлмай, бир юз етмиш кишини бошлиқ қилиб, аларга вазири аъзам Темуртошни (аслида Темуртош бекларбеги бўлган) амири аскар қилиб юбордилар. Тўрт сон киши денгиз каби ошиб-тошиб йигирма кунда Олатоғ бағрига етдилар. Бу

ғавғоларни дангкини (донғини) Миср аҳли эшиттилар, филҳол Миср ҳокимидин Амирға хабар келди. Амир Соҳибқирон тахти салтанат узра бекларга кўринушда эдилар.

...Амир Соҳибқирон анда айдилар: «Қимдур Темуртошга қўшун била бориб, муқобил бўлғай?» Анда беклардин етти киши ўрнидин туруб, Амирдин фотиҳа талаб қилдилар. Аввал Суюрғамишбекким, Чингизхон насли эрди, иккинчи Ҳинд Хожа кушбеги, учунчи мирзо Саъиддин Ваккос, тўртунчи мирзо Муҳиддин, бешинчи Мирзо Инжил, олтинчи Олтмишбек, еттинчи амир Баён Сулдуз. Анда Амир Соҳибқирон айдилар: «Илғор боши Суюрғамиш бўлсун, агар бу ҳалок бўлса, Мирзо Саъид Ваккос бўлсун, бу ҳалок бўлса, мирзо Муҳиддин, бу ҳалок бўлса, Мирзо Инжил, бу ҳалок бўлса, Олтмиш баҳодур, бу ҳалок бўлса, Баён Сулдуз бўлсун, бу ҳалок бўлса, Ҳинд Хожа илғор боши бўлсун!»

...Темуртош англадиким, мўғул бекларидин етти киши кўб-кўб аскар олиб келурмиш, деб. Бирдан карнай-сурнай табали жанг қоктилар. Темуртош аскарлари андоғ кўб эрдиким, етти юз туғ байроқлари бор эди. Бу тарафдин чангу тўзон кўрунуб, Амир Соҳибқирондин етти аскар бориб, саф тузаттилар. Нақора, баробанларни икки аскар жойларига тортиб бориб, жангга муқайид бўлдилар. Суюрғамишбек Амир Соҳибқиронни сўзиға амал қилиб, бири ўлса, бирини ўрниға ўлтурмок бўлуб, ул кун байроқларини кўтардилар.

Аммо ул тарафда тўрт минг тўфанчи Темуртош жиловинда эрдилар. Бирдан юз етмиш карнай, барабан чолдилар. Филҳол, иккала кўшун аралаш бўлуб, андоқ киргин бўлдиким, бу хангомаларни Амир (Темур) лашкарлари кўруб, ўзга ўрунға қоча бошлади. Қазо мешқоблари сув ўрниға қизил қон соча бошлади. Биров қўлинда чопку, биров қўлинда санчку, биров қўлинда болта, биров қўлинда найза, биров қўлинда қиличи обдор; бировни бели узилган, бировни аъзоси чўзилгон, бировни қорни ёрилгон, бировни қизил қонга қорилгон, бировни суюғи синган, бировни оёғи синган, бировни бағри тешилган, бировни кўзи тешилган, биров жон бермокда, биров қон тўқмокда, биров от чопар фириллаб, бировни одан йиқилур дириллаб, биров қилич силтар шириллаб, биров айланур гириллаб, биров қочқай фириллаб, биров йиқилар қолқайиб, биров ағанар қолқайиб, биров қолар шолпайиб, биров ётар ялпайиб, биров юрур оти ўйнаб, биров ётур тилин чайнаб, биров-

ни юраги кайнаб, бировни кўнгли айнаб. (Ўзбак бирла Рум қони денгиздек тошиб, ғавғо ҳаддидин ошиб, бир кеча-кундуз уруш бўлуб, Суюрғамишбек майдонда ёлғиз қолибдур. Румийлар келиб, бекни кўлин қалам қилдилар. Андин сўнг байроқни бу кўлига олди. Яна бу кўлин ҳам қалам қилдилар. Байроқ ерга тушти. Барча билдилар. Бекбача ўлдилар, деб майдондин бошин олиб кеттилар. Анинг ўрнига Мирзо Саъдиддин келди. Ани ҳам шахид қилдилар. Андин сўнг мирзо Муҳиддин келди, ул ҳам ҳам шаҳодатга етти. Яна Баён Сулдуз келди, ул ҳам ҳалок бўлуб, ўрнига Инжил келди. Ул ўлуб, ўрнига Олтмиш баходур келди. Анинг ўрнига Хўжа кушбеги келди. Ул кун икки тарафдин баходур йигитлар ҳалок бўлдилар...

...Мўғул бекларини бошини румийлар найзаларга санчиб олди. Анда Хинд хожа кушбегидан ўзга киши қолмаб эрди. Амир Соҳибкироннинг бир неча қул ва ғуломлари келиб, анинг атрофида бўлдилар. Аларни баъзиси «Қочайлик!» дедилар. Кушбеги айди: «Қариндошлар, барчаси ўлубдур, бизларни қочмағларимиз яхши эмас. Амир Соҳибкиронга нима жавоб берармиз?!»

Алкисса, румийлар бирдан «Аллоҳ акбар!» деб от қўйдилар. Ўзбекларга хатар, румийларга зафар бўлуб, ўзбаклардин бир нечалари ўлуб, қўблари қочиб, майдонда кушбеги ёлғиз ўзи қолди. Мун кўруб, Темуртош мулозимларига: «Бу баходурни тирик тутуб келтурунглар, андин сўз сўрайлик», — деди. Ани румийлар тугтиб олмоқга ҳаракат қилиб эрдилар, ёлғиз майдонда жавлон кўргузуб, қўб-қўб румийларни ҳалокат рутбасига солди, ала ҳазалкиёс, уруш тамоми ўн бир кун бўлди. Охирги кун отини милтиқ билла уруб йикиттилар, яёвлиғ ҳолида неча-неча кишиларни вужуд шахристонидин адам чўлистониға юборди. Охир бўлмади. Боғлаб олиб, вазири аъзам Темуртош қошиға келтурдилар. Вазир айди: «Сен қандоғ кишисан?» Кушбеги айди: «Соҳибкироним қули бўлурман». Яна вазир айди: «Нечук мунча ўзунгни ҳалокатга солурсан?» Кушбеги айди: «Амир Соҳибкирон хизматида тирикликдин ўлмакни афзал билурмиз». Вазир айди: «Амир Темурни сендан ўзга хизматчилари борми?» Хинд Хожа айди: «Қулларин ичида ярамас, акли пасти мендурман.». Вазир аъзам ҳайрат бармоқин тишлаб айди: «Бу афъол сизларда бор, албатта, Рум халқи сизларга тобе бўлса керак». Кушбеги айди: «Тез бўлғил, мани ҳам

ўлдургил, қардошлар фироқида юрак-бағрим кабоб бўлбдур». Вазир ҳарчанд насиҳатлар қилдики, «Сенга шоҳона хилъатлар бериб, Амир Темур олдиға юборайин», — деди, қабул қилмади. Айди: «Эй вазири акбар, мени қўйуб юборсанг, бир кунда билғил, мен сени ҳалок қилурман». Анда Темуртош ноилож Ҳинд Хожани қатлга буюрди. Андин сўнг Рум сипоҳлари Сувос мавзеини ёқасига бордилар.

Эмди икки калима сўзни Амир Соҳибқирондин эшитмак керакки, Олабоғ бағрида эрдилар. Қанча киши ўзбаклар қочиб, Амир Соҳибқирон қўшунлари ичра кириб қўшулди. Кўрган кечирганларин Амир Соҳибқиронга баён қилдилар. Анда ўзбак бекларин барчаси ҳозир эрди. Амир айдилар: «Иншоолох таоло, тонгла Темуртош қошиға аскар юборурман. Сипоҳларим ичра яхшиси бордур, анинг эътиқоди ҳам барчадин яхшидур. Ман ҳам ани барчадин яхши кўрарман, Албатта Темуртошга зафар тобса керак», — деб хараға дохил бўлдилар. Ул куни кечкурун жамъи тўралар келиб, Инок вазирга ҳар қайсилари айдилар: «Темуртош қошиға менга руҳсат бўлса, борсам», — деб. Иноктоз ул мард жонбозларга айди: «Мен билмадим. Амир Соҳибқирон ўз кўнглиға келгон ишини қилғай, тонгла кимға фотиҳа берса, ўзи билғай», — деди.

Эртаси чодир ва хаймаларни тикиб, кўринуш хонани тартиб бердилар. Анда Амир (Темур) тахт узра чиқиб ўлтуруб, уч кунғача ҳосу ом саломға келдилар. Беклар саллаларини бўйнилариға солуб, Амирдин фотиҳа талаб қилдилар. Амир сукутда бўлуб, қўл кўтармадилар. Ноилож, саллаларин ўраб қайтдилар. Андин сўнг тўралар бир-бир келиб, фотиҳа талаб қилиб турдилар. Алар Шохрух тўра, Мироншоҳ, набиралариндин ҳам бор эрди. Амир индамадилар, ноилож алар ҳам саллаларини ўраб, ўз ўринларида қарор олдилар. Соатидин сўнг, Амир бошларин кўтариб Шохрух тўрага қарадилар. Тўра, бул хизмат менга бўлди, деб ўрнидин туриб таъзим қилди. Андин сўрдилар: «Мирзо Улуғбек тўра қайдадур?» Шохрух тўра айди: «Тумовдур». «Келсун!» деб буюрдилар. Соатидин сўнг келиб, салом қилиб, қўлин алиф-лом қилиб, таъзим била турди. Амир айдилар: «эй Улуғбек болам, Темуртош бошиға бормоқға қувватинг етарму?» Улуғбек тўра айди: «Амири хумоюннингиз бўлса, сипоҳларимни назарингиздан ўтказсам-ўткурсам».

Соҳибқирон буюрдилар: «Келтур!» — деб. Андин



кейин Амир кошларидин тартиб бирла кўб-кўб жамоъа кўрук кўрсатмок учун жамъ бўлди. Аммо (Улуғбек) ўзин ахли ҳукуматлариким, умаро ва вузаро ила кенгаш қилиб, ҳукамолари иш кўрсатиб, аскаридин тўрт сон кишини ажратиб, ҳар сон ўн минг кишидин бўлур, андин сўнг қирк минг карнай, ногора, барабан келтурдилар. Сайёдларга буюрдиким, тўрт сон абобил келтуринглар, деб. Ани турк тилида «Еввойи калдирғоч» дерлар. Сайёдлар айдилар: «Калдирғочни нима қилур-сиз?» Ул айди: «Керакдур!» Андак фурсатда топиб келтурдилар. Анга яраша сандуклар тартиб бериб, сув била таомни корлуғочларга муҳайё қилиб қўйдурурлар.

Амир Соҳибкирон: «Эй Улуғбек болам, аскаринг ичра баҳодурларни манга кўрсатгил», — деди. Анда Улуғбек аскарларга: «Соҳибкирон назаридин ўтунглар!» — деди. Андин сўнг тўрт сон киши сипоҳгарликга ораста ва кироста бўлуб ўттилар. Аксарини оғизлари катта ва кўзлари кичик ва баъзиси ўрта бўйлук ва баъзиси узун бўйлук, қизил юзлук ва баъзилари узун сокол, баъзилари кўса, қулоқлари катта, тўғрисўз эдилар. Барча баҳодурларни икки кўзи отларни ёлида эрди. Булар ичра ҳар тоифадин бор эрди. Олдидаги ҳировуллари ўзбақлардин эрди. Яна алар ичра Сайиди Қурайшийким, тўрт ёри нозанин яъни чорёрлар авлодларидин ҳам бор эрди. Андин сўнг тўрт минг ҳофизи хушилҳомларни келтурдилар. Уруш кунда ғазал ўқи-мокга тайёр эрдилар... Аларнинг овозига аскарлар масту мустағрик бўлуб, ўзларин жангга урар эрдилар. Яна тўрт минг кишини кўлида бели била келтурдилар. Ул кун барчасин жамъ қилиб турфа шавкат ва хашамат бирла отландилар. Амир ҳам бирга чиқиб, видоълашиб, «Сени яратканга тошурдим», — деб қайтдилар. Бир неча кундан сўнг Рум сипоҳларига еттилар, андин кейин бир кишини жосус хилиб, аларга юбориб, хабар олдилар. Аммо кечаси бирла қанча аскарга оқ кийумларни кийгузиб, бошларида оқ салла, пешларин узун қўйуб, аларни Темуртош қошига илгари юбордилар. Анда тўрт минг киши келиб хандак қаздилар. Ул вақт Темуртош аскарлари қўшунлари ёв келганидин хабарлари йўқ, атрофга тарқалғон эрдилар. Ул кеча бирдан карнайчилар, ногорачилар навозишга келтурдилар. Рум сипоҳлари шошиб қолиб, бирин бири ўлтура бошладилар. Оқ кийумли кишилар аларга деди: «Эй Рум сипоҳлари, оғох ва доно бўлунглар, бизлар рижол ул ғойибдурмиз. Амир Темур мададига келиб эрдук». Ва-

зир бу сўзга таажжубда эрди. Қуёш амири кўк майдо-нида жилва кўргузди. Вазир ёвни кўрсаким, тўрт сонга якин келур, атрофида хандак пайдо бўлубдир. «Бир кечада нечук пайдо бўлубдир?» — деб барча хайратда эрди. Анда тўрт минг хофиз такбири ташриқ айтдилар. Алар таажжуб бармоғин тишлаб, бири келиб сўрди: «Сизлар қандоғ кишидурсизлар?». Булар айди: «Рижол ул ғойибдурмиз!» Вазир айди: «Бизлардин нима иш содир бўлди, рижол ул ғойиб ўзбак мададиға келур?!» Булар айди: «Сиз халки золим бўлурсиз, анинг учун биз ўзбаклар мададиға келдук». Вазир буюрдиким, ўқ отинглар, деб. Рум сипоҳлари бирдан ҳамлага турдилар. Улуғбек ҳам карнай чалдириб, урушмакға муқайяд бўлдилар. Яна хофизлар марсия ўқимакка бошладилар. Аларни тунука уйи киритиконга ўхшаш сирти тикон эрди, уч кеча-кундуз жанг бўлди, тўртинчи куни хўб танг бўлдилар. Рум аскарин халқа каби атрофини олғон эрди. Филхол, нома ёздириб, бир баҳодур кишини топиб, кўб ваъда қилди: «Агар тирик келсанг, ҳар не мақсудингга етказурман ва агар ўлсанг, авлодингни дунёдин мамнун килурман» — деб номани бериб юборди. Ул киши элчи бўлуб, хандакдин ўтуб, номани Темуртош вазирга келтуриб берди. Вазир очиб кўрса, дебтурким: «Эй вазир, огоҳ бўлгил, бизлар рижол ул ғойибдурмиз. Амир Темур ёрдамиға келгандурмиз, анга байъат қилмасанг, тонгла бошингда кўрарсан, абобил аскарин юборурмиз, гўё асҳоб ул фил қиссасин эшитгандурсан». Вазир кулуб, элчини «Тўғри сўзла, ростингни айтгил!» деб қийнамоққа бошлади. Элчи асло гапирмади, охир қийнай-қийнай ўлдурдилар.

Ул кеча Улуғбек сипоҳлари зикри жаҳрияни бошладилар. Аларни қилғон зикриға еру кўк зилзилага келди. Бу сўзни Румни халқиға данқи (донғи) кетиб, кўнгилларига ваҳми кўркунчи тушуб эрди. Кеч бўлуб, юлдуз қарлуғочлари кўк саҳфасида тайрон қилиб, Рум кундузин юз минг найранг бирла мунҳасим (қиска) қилдилар. Ул кеча минг-минг машъалалар ёқилди, тўрт тарафдин байроқларни жилваға келтуруб, такбир айтиб, хофизлар марсия ўқуб, румийларга қарши бора бошлади. Улуғбек қарлуғоч муваккиллариға айтиб эрди: «Жанг кизигон пайтида вақтида қарлуғочларни майдон ичра қўйуб юборгил». Бирдан кечи бирла жангға муқайяд бўлдилар, соатидан сўнг, кеча кундузга мубодала (алмашган) бўлди. Темуртош аскарин бирла Улуғбек аскарин мобайни қирқ кадам қолиб эрди, вазир

кўрдиким, рижол ул ғойиб даъво қилганлар барчаси жангга муқаййид бўлубдурлар. Анда туруб, Темуртош сипоҳларин чакириб, айди: «Эй кавм, кўркманглар, булар барчаси ёлғончидурлар». Бу сўздин сўнг, бирдан икки тарафдин от кўйуб, жанг-талотум бўлуб, ғавғо қўзғалиб ярок ва аслаҳалардин ўтлар чакилди, гўё жанг олови ёкилиб турган ҳолатда муваққиллар сандукларни очиб, қарлуғочларни кўйуб юбордилар. Рум халқи кўрдиларки, аскарлари асобил осмон юзин ва қуёш кўзин чигуртка каби олибдур. Аммо ул замон киши фасли эрди. Ани кўрмаганларига кўрсатиб, барчалари қоча бошладилар. Улуғбек сипоҳлари алар конин соча бошладилар. Муни кўруб вазири аъзам тоқат қилмай, бул ҳам қочиб, оти балчиққа ботиб қолди. Улуғбек сипоҳлари ани тутиб, асир қилдилар. Одамлар кўрқуб, Сивос шаҳри ичра бориб бир нечалари уйлари ичра кириб ёшуриндилар. Улуғбек сипоҳлари бирла алар орқасидан қувлаб, шаҳр ичра кириб, кўб-кўб одамларни ўлдуруб, ўрдага яқин бордилар. Ул кун румийларни ақли шошиб, бир-биридин адашиб, ғавғо ғаддин ошди...

...Ул кун Улуғбек ўрдага кириб, тахт узра қарор олди. Барча билдиким, булар бошлиғи Улуғбек экан, қошига Темуртош вазирни боғлаб келтурдилар. Фил-хол, вазирни бойлукларин ешиб, кўб иззат ва ҳурматлар қилиб, фатхнома ёздуруб, анга вазирни йўлдош қилиб, Олабоғ сариға, Соҳибқирон хизматлариға юборди. Вазир келгандин сўнг, Амир Темур айдилар: «Эй Темуртош, билмадимким, Қайсар кўнглиға нима ишларни йўл берур, аммо менинг аскарларимни кўрмабдур», — деб. Амир буюрдилар, тахтни тоғни устиға олиб чиқдилар. Мулозимлар чодир-чанбатларни тикиб, фаррошлар ерларни супуриб, ораста ва пириста қилдилар. Соҳибқирон вазир бирла ул ерга чиқиб, атрофға хабар юбордилар. Эрон, Турон, Туркистон, Ҳиндистон, ўзбек, қипчоқ, қирғиз, қозоқ, рус, қалмоқ барчасига хабар еткуруб, неча кеча ва неча кундуз барчалари Соҳибқирон хизматлариға етиб келабердилар...»

Тарихий ҳақиқатдан кўра, кўпроқ афсонага мойил бу қиссада бари бир ҳақиқат мавжуд. Бу буюк жаҳонгирнинг набирасига бўлган алоҳида бир меҳру муҳаббати борлигини тасдиқлаган ҳақиқатдир. Қиссадаги Соҳибқирон сўзларини эсланг. У набираси Улуғбек мирзони назарда тутиб: «Мен ани барчадин яхши кў-

рарман», — дейди. Халкимиз орасида Амир Темур билан Мирзо Улуғбек ҳақида тўқилган кўп ривоятлар мавжуд, уларнинг деярли ҳаммасида бобо билан набира ўртасида мавжуд бўлган меҳру оқибат алоҳида тилга олинади. Қиссамиз давомида биз бу ривоятларни ҳали кўп маротаба сизга ҳикоя қиламиз.

Олдинги лавҳаларда биз Амир Темур билан Султон Боязид ўртада бўладиган уруш муқаррарлигини англаб, бир-бирларига қараб йўлга чиққанларини маълум қилган эдик. Амир Темур Сивасда экан, турк султони вазири билан ўғилларининг шиддат билан йўл босиб, Сивасни қамал қилиш ҳақидаги таклифларини рад қилди. Усмонлилар қўшини асосини пиёда аскарлар ташкил қилса, Амир Темур қўшинида отлик қисмлар кўпроқ эди. Шу сабабдан ҳам Боязид рақиби билан отликлар ҳаракат қилиши қийин бўлган жойда жанг қилишни маъқул деб биларди. Шу сабабдан у Сивас билан Токат шаҳарлари оралиғидаги тоғли бир манзилда ўрнашиб, Сивасдан қўшин тортиб чиққан Амир Темурни кута бошлади. Аммо Соҳибкирон турк султонининг мақсадини аллақачон фаҳмлаган, шу сабабдан у қўшинни кескин орқага қайтариб, Қайсария томонга йўналди.

Боязид ҳам қўшинини кўзғатиб, рақиби билан ордан соя каби эргашди. Кутилмаганда Амир Темур усмонлилар йўлини тўсиш учун бурилди, аммо Боязид ҳам унинг ҳаракатини такрорлаб, орқага чекинди. Мовароуннаҳр қўшини юришни давом эттириб, Қиршаҳарга етди. Бу шаҳар орқали тўхтамай ўтган Амир Темур қўмондонларига Боязид қўшинини таъкиб қилиб Анкара томонга илдам бораверишни буюрди. Анкарага олдинроқ етиб борган Темур қалъани қамалга олди.

Қалъа ҳокими Яқуббей мудофаа ишларига бошчилик қиларди. Соҳибкирон қалъани турклар қўшини етиб келгунга қадар қўлга киритмок мақсадида ҳужумни кучайтирди. Шу билан баробар рақиби қелиши кутилган шимоли-шарқ томонга хабаргир қўшинларни жўнатди. Аммо Йилдирим Боязид мутлақ кутилмаган томондан — қалъани айланиб ўтиб, жануби-ғарбда, Қалажик ва Ровли томонда пайдо бўлди. Турк қўшини Чубуковадаги Маликшоҳ қишлоғи яқинида ўрнашди.

Воқеалар ривожидан ташвишга тушган Амир Темур аскарларига Анкара қалъасидан узоқлашишни буюр-

аскарларига Анкара қалъасидан узоклашишни буюрди. Кечаси билан Мовароуннаҳр кўшини янги манзилга кўчди. Унинг бу ҳаракатларидан хабар топган султон Боязид ўғиллари ва қўмондонлари қулай фурсатдан фойдаланиб, Темур кўшинига ҳужум қилишни таклиф қила бошладилар, аммо турк султони уларга қулок солмади.

Аммо Темур хушёр эди. У кечани бекор ўтказмади. Унинг навкарлари тонгга қадар ҳар хил ҳарбий эҳтиёткорликларни амалга ошириб қўйишди: янги манзилнинг ҳар тўртала томони жуда қаттиқ қузатув остига олинган, ҳарбий муҳандислар бўлажак жангга ҳозирлик кўришар, тун қоронғисидан фойдаланиб, ўнқирчўнқирларни текислаб, истехкомлар тикладилар. Чубук дарёсидан оқиб чиққан ирмоқлар устида ҳатто филлар ҳам бемалол ўта оладиган мустаҳкам кўприклар тикладилар.

Аммо кеча ёришиб, тонг отса-да, эртаси куни ҳам жанг бўлмади. Амир Темур бўлажак жангга пухта тайёргарлик билан мунтазам банд экан, бутун тадбирларни амалга оширишни тажрибали амирларига топширган, ўзи бўлса зоҳиран хотиржам ҳолда тўрт буржида туғлар қилпираган чодирда ўтириб, алломалар билан суҳбат қурди. Боязид ҳам рақибини менсимаетганини очик кўрсатиб қўймоқчи бўлгандек, Амир Темур кўз ўнгида катта шикор бошлади. Унинг бу ишини кўриб, Амир Темур бўлажак жангда албатта ғалаба қилажагига имон келтирди.

Анкара жанги номи билан тарихга кирган тўқнашув ҳижрий 804 йил зулҳижжа ойининг 27 куни — мелодий 1402 йилнинг 28 июлида бошланди. Жангда ҳар икки тарафдан 250 мингга яқин навкар қатнашди.

Йилдирим Боязид жанг олдидан ўз қўмондонлари олдида оташин нутқ сўзлади ва бекларидан фидокорона жанг қилишни талаб қилди. Амир Темур бўлса, кўшинлари сафга тизилгандан сўнг даргоҳида хизмат қилган ўз замонасининг улуғ шатранжчиси Алоуддин ат-Табризий билан шу қадар хотиржам киёфада катта шатранж ўйнашга киришдики, гўё унинг олдида ҳар кунги одатий воқеа содир бўлаётгандек эди.

Жанг майдони Анкара қалъасига яқин ерда — шарқда Чубук дарёси воҳаси, ғарбда Қушчу ва Мира тоғлари, Ова дарёси, Қишлагин дараси, жанубда Жанкуртаран, шимолда Каражавиран, Қушчу тоғлари орасидаги ҳудуд бўлиб, асосий жанг Чубук дарёсидан

ғарбга қараб бир фарсахга чўзилган Қизилчакўй дара-  
си ўртасида кечди.

Усмонлилар кўшини куйидаги тартибда ўрнашди:  
Маликшоҳ кишлоғи шимолидаги тепаликда ўрнашган  
марказда Султон Боязид, вазири аъзам Чандарлизода  
Али пошшо, шахзодалар Мустафо, Муса ва Иса Чала-  
бийлар, улар олдида яничарлару азоблар тизилдилар.  
Ўнг қанотда султоннинг вассаллари — Онадўли бекла-  
ри кўшини, қора татарлар, окчулар, шунингдек, Серб  
ва арнавут (албан) аскарлари жойлашдилар. Сўл қа-  
нотда эса шахзода Сулаймон Чалабий кўмондонлиги-  
даги Ойдин, Сарухон, Караси Румели қисмлари.

Амир Темур кўшини куйидаги тартибда тизилди:  
ўнг қанотда Мироншоҳ мирзо билан амирзода Муҳам-  
мад Султон бошлиқ амирлар, сўл қанотда Шохрух  
мирзо билан Халил Султон мирзо бошлиқ амирлар  
ўрнашдилар. Кўшин марказида эса Амир Темурнинг  
ўзи турарди.

Жанг усмонлилар ҳужуми билан бошланди. Турк-  
ларнинг отлик қисмлари Амир Темур кўшинининг ўнг  
қанотига ҳужум қилдилар ва унинг орқа томонига ўтиб  
олиб, асосий кучларни эҳтиётдаги қисмлардан айир-  
моқчи бўлдилар.

Лекин бу ҳужумни Амир Темур суворийлари му-  
ваффақият билан қайтардилар, боз устига тўхтамай  
қарши ҳужумга ўтиб, туркларни ўровга ола бошла-  
дилар.

Усмонлиларнинг сўл қанотига қарши жанг қилган  
мовароуннаҳрликлар ҳам машаққат билан олға сил-  
жирдилар. Фақат сўл қанот ортидаги қора татарлар ва  
айрим Онадўли беклари Темур тарафга ўтиб кетгач,  
уларнинг олға юриши осонлашди. Боз устига Шохрух  
мирзо билан Халил Султон мирзо ота-боболаридан  
қолган қарбий ҳийлани моҳирона қўлладилар: серблар  
ва арнавўтлар, совут кийган овруполик отлик аскарлар  
ёлғондакам қочган мовароуннаҳрлик амирлар кети-  
дан қувиб, қуршовга тушиб қолдилар. Серблар қанча-  
лик қаттиқ уришмасинлар, бу ердаги жанг фақат хо-  
инликлар туфайлигина эмас, балки темурийлар қарбий  
салоҳиятининг устунлиги сабабидан Турон навкарлари  
ғалабасига юз тутди.

Жанг бошидаёқ ҳар икки марказ бир-бири билан  
мардона сўқишдилар. Яничарларнинг мардона жанг  
қилишлари туфайли усмонлиларнинг аҳволи яхшилан-  
гандек эди. Аммо ўнг ва сўл қанотларининг қуршовга

олиниши сабабли марказдаги турк кўшинларининг иккала томони ҳам очилиб қолди. Шатранж ўйини билан банд Амир Темур жангни зийрак кузатар ва юзага келган ҳолат унинг нигоҳидан қочмади. У Ҳиндистон юришидан сўнг олиб келинган 32 филни марказдаги турклар устига ташлади. Бу тадбир марказдаги жанг тақдирини узил — кесил Амир Темур фойдасига ҳал қилди.

Вазият жиддий оғирлашганини кўрган аркони давлат султон Йилдирим Боязидга чекинмокни тавсия қилсалар-да, султон кўнмади. У қарийб йигирма йил давомида Ғарбу Шарқни ваҳимага солган кўшини бебош оломонга айланиб, бир қисми денгиз тарафга, бир қисми тоққа қараб қочаётганини кўриб турса-да, ҳамон паст тушгиси келмас, мағлубият нималигини билмаган нафсонияти ҳамон баланд эди. У йилдирим темирга урилиб парчаланганини сира тан олгиси келмасди.

Уни гапга кўндиролмагандан кейин таҳлика ичида қолган вазири аъзам Али пошшо бошлиқ бир гуруҳ кўмондонлар салтанат келажагини қутқариш мақсадида тўнғич шахзода Сулаймон Чалабийни олиб қочишга тушдилар. Бошқа бир беклар шахзода Мехмед бошчилигидаги мингга яқин аскар билан Амосия томонга от қўйдилар. Сўнги дақиқагача мардона жанг қилган султон Боязиднинг суюкли хотини Мария Оливеранинг иниси бўлмиш Серб деспоти Стефан Лазаревич бошлиқ овруполик муҳофизлар ҳам жанг майдонини тарк этиб, ғарб томонга йўналдилар.

Жангчилари, вазирлари, беклари ва ҳатто фарзандлари томонидан ташлаб кетилган Боязид ўзининг улкан кўшинидан жанггоҳдаги қуруқ изларгина қолганини кўриб турса-да, таслим бўлишни истамай яраланган шердек қутуриб, жанг қиларди. У ёнига келиб чекинишга маслаҳат берган амир Миннатбейга аламли ва қаҳрли нигоҳини тикар экан: «Шараф билан ўлишдан ортик бахт борму?!» — деди. Султон Боязид ёнида икки-уч мингга яқин пиёда ва отлик аскар қолган эди. Улар Амир Темур навкарлари қуршовида қолган, Султоннинг ўзи ҳам кўлида ойболта ушлаб мардона жанг қиларди. Ниҳоят, у мағлуб бўлганини ичида тан олди ва қочиш учун имкон излай бошлади. Султон бир ховуч навкарлар билан атрофидаги халканинг гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига шиддат билан ташланиб, қуршовни ёриб ўтишга уринарди. Темур навкарлари улар устига ўқларни дўлдай ёғдиришар, султон ёнидаги аскарларнинг

микдори лаҳза сайин камайиб борарди. Қўркувни унутганча, афтлари бужмайган Рум жангчилари мардона туриб килич чопишар, ўз ҳукмдорлари учун йўл очишга уринишар ва шу мақсадда мардона ўлим топишарди.

Тўрт томондан тинимсиз ёғилаётган ўқлардан Султон Боязиднинг бирор ерига шикаст етмаган бўлса-да, у отини икки марта алмаштирди. Учинчи от ҳам яра-лангач, у пиёда туриб жанг қила бошлади. Умидсиз Султон ҳадемай ўлим топишини, Амир Темурдан ўчолиш орзусига эришолмаслигини ўйлаб турган чоқда, унинг ёнидан эгар-жабдуқлари ажойиб, устига алвон ёпинғич ташланган бир ок от чолиб ўтди. Қўркувдан довдираб қолган от кулоқларини динг қилиб, кўзларини олайтириб, ўзини ҳар томонга ташлар, мурдаларга кокилар, улар устидан сакраб ўтар, оркага тисарилар ва безовта кишнар эди.

Султон Боязид отни таниди: — у шаҳзода Исоники эди. Султон кенжам шаҳид бўлибди, деган ўйдан ихраб юборди. Сўнг югуриб бориб отнинг жиловидан олди ва сакраб отга минди. Ўша захот жонивор жиловдорнинг измига тўла бўйсунди. Султон атрофига назар ташлади. Унинг навкарлари энди қутилишдан умид қилмай жанг қилардилар, ғалаба орзуси энди уларга бегона, уларга фақат бир чора қолган эди: энди улар дунёдан умидини узган одамлар сингари фақат ўт олишни ўйлардилар ва кутуриб қилич серпардилар.

Султон Боязид отини душман устига шиддат билан бошлади. Жон аччиғида олдинга ташланган от қутилмаганда ҳалкани ёриб ўтиб кетди. Султон отни аямай камчилар, экан, ортидан қувиб келаётганларнинг ҳайкириқларини эшитди. Аммо Боязиднинг кўнглида яна умид уйғонган эди. Аммо умид ҳам уни қора ўйларини ёритолмади. «Эх Аллохи карим, қани адолат?! Бу қандай синоатнинг бўлди?» — деб ўйларди у.

От шиддат билан учиб борар, ортдаги товушлар тобора узоклашаётгандек эди. Қутилмаганда Султон Боязид от устидан ерга учиб тушганини билмай қолди. Олдинги оёқлари чуқурликка тушган от гурсиллаб ерга ағанаган эди. Дам ўтмай ҳали эс-ҳушини йиғолмаган турк султонини бир гуруҳ отлиқлар ўраб олдилар. Улар ичидан шохона либос кийган малларанг бир суворий отидан сакраб тушди-да, султонни асир олди. Бу суворий Амир Темур тахтга ўтказган мўғул хони Султон Махмудхон эди. Султон хон иродасига итоат қилиб,



унинг етовида йўлга тушди. Дам ўтмай улар Амир Темур қароргоҳига етдилар.

Амир Темур ҳамон Алоуддин ат-Табризий билан шатранж ўйнаб ўтирарди. Жанг бошлангандан кейинги ўтган вақт ичида унинг хотиржам қиёфаси ўзгариб кетган, унинг тез-тез жанггоҳ томонга тикилган кўзлари энди оғир ўй-хаёлларга чўмган эди. У Боязидни асир қилиб келтирганларини эшитиши билан шошиб ўрнидан турди-да, султонга пешвоз юрди. Бора солиб бошини эгган куйи турган Боязидни кучоклаб кўришди. Бундан хайратга тушган султон бошини кўтариб Темурга тикилди. Ўзидан ёши улуг бу инсоннинг шакл-шамойилига разм солиб, ғайрат ва жасорат аломатлари барқ уриб турган юзининг латофатига, бургутдек бокишига, кексалигига қарамай келишган қадди-коматига, савлат тўкиб туришига ва бутун қиёфасининг хийбатига, ўзига кўрсатган иззатига ҳайрон бўлиб анграйиб қолди.

— Қадамингиз бош устига, Султон Боязид! — деди Амир Темур ва султонни чодирга олиб кириб, иззат-икром билан тўрға ўтказди. Боязиднинг оловдек ловиллаб турган чеҳрасида алам изтироби акс этган эди. Амир Темур эса ғамга ботган бу жасур ва кучли кишига ачиниб, хайрихоҳлик ва ҳатто бир қадар ҳурмат билан қараб турарди. Икки турк хокони — бири ғамга ботиб, иккинчиси тасалли беришга муносиб сўзлар излаб хаёлга берилиб, сукут саклаб қолишди. Сукутни Амир Темур бузди. У ўртада юз берган ихтилофда ўзининг ҳам айби борлигини айтиб, Султон Боязидга тасаллилар бера бошлади.

Кўп ўтмай улар олдига жангда асир олинган шахзодалар Муса билан Мустафо Чалабийни, бекларбеги Сари Темиртош пошшони, Қора Темуртош пошшонинг ўғли Алибей пошшо, Хожа Феруз пошшо, амирлар Миннатбей ва Мустафобейларни ҳам олиб келдилар. Амир Темур уларни ҳам тутқун сифатида эмас, азиз меҳмонлари каби кутиб олиб, иззат-икром кўрсатди.

Кеч тушиб, кун билан оламни бузган шовкин-сурон тинди. Моғамсаро ой ёруғи ёритиб турган Чубук дарёси билан Қизилчакўй оралиғидаги жанггоҳдаги сукунатни фақат ўликлар билан аралаш-қуралаш бўлиб ётган ярадорлар ва жон бераётганларнинг ингроклари, эгасиз қолган, бесаранжом ва уюм-уюм мурда-

лардан хайкиб, юришга йўл тополмай безовталанган хуркак отларнинг нотинч кишнашлари бузарди.

Бу кенг майдонда қандайдир бир соя жонсиз жасадлар орасидан зўрға қадам ташлаб тентираб юрарди. Булутлар чангалидан юлғиниб чиққан ой шуъласи устига тушди-ю, соя киефаси ёришди. У ўғли жасадини излаб юрган Она — турк онаси эди. Она кўзларидан оқаётган шошқатор томчилар ой нурида ялтираб товланарди. У фарзанди исмини айтиб чакирар, фарзандига атаган ширин сўзларини айтиб бўзларди. Унинг бу бўзлашлари бир-бири билан урушиб, бир-бирини чаваклаган ва кийналиб жон бераётган ҳар икки тараф навкарлари учун яқин ва таниш эди. Бечора она тилидан кўчган сўзлар ҳар икки томон англайдиган тилда — турк тилида эди. Бир тилда сўзлашган, аммо хукмдорлари тил тополмаганлари учун бир-бирларига тиг ўкталган навкарлар дунёдан кўз юмиш олдидан-кулоқларига эшитилган она ноласи остида, узоқларда қолган волидалари номларини тилга олиб, жон берардилар.

Она жанггоҳда узоқ тентираб юрди. Узоқ вақт унинг ноласи ой нури чулғаган майдон узра гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб жаранглаб турди.

— Ўғилгинам!.. Ўғлоним!.. Қутлугбегим!.. — хитоб қиларди онаизор йиғи ва қайғудан заифлашган титроқ товуш билан. Баъзан юракни эзувчи йиғи онани бўғиб, сўзини бўлиб қўярди. Шу қуйи у жанггоҳни уч айланди.

Шу пайт она қулоғига инграган товуш эшитилди. Дам ўтмай инграган товуш яна эшитилди, инграган одам энди қандайдир бир сўзни айтгандай бўлди. Аёл ростланиб, диққат билан қулоқ солди, қимдир зўрға товуш чиқариб, жуда секинлик билан унинг номини айтганини эшитди.

Аёлнинг авзойи бадани титраб кетди, пешонасидан маржон-маржон совуқ тер чиқди, даҳшатдан кўзлари кинидан чиқиб кетай деди. Қимдан сўраётганини ўзи ҳам билмасдан, баланд овоз билан сўради:

— Ким у?!.. Мени чакираётган ким?

Жавоб эшитилмади. Аммо дам ўтмай...

Она донг қотиб қолди, кўзлари даҳшатдан кенгайиб кетди. У ўғлининг товушини таниган эди.

— Эна!.. Энажон! — деди ўғлининг товуши.

— Ё тавба! Ё Худойим!... — Эсини йўкотгудек ҳолатга тушган она бақариб юборди. — Наҳотки?! ...Наҳотки, бу сен бўлсанг, ўғлоним, Қутлугбегим?!

Она товуш келган томонга бир дакика анграйиб каради-да, кейин бирдан мурдалар устидан хатлаб, эсини йўқотган телбадек талмовсираб югуриб кетди. Ниҳоят, ўша жойга етиб бориб, ўғлининг товуши бир-бирининг устида қалашиб ётган жасадлар орасидан чиқаётганини билди. Сўнг анча зўр бериб ўғли танасини уюм остидан тортиб олди. Ой нури боласининг юзини ёритди. Кўзларидан шашқатор ёш оқиб турган онаизор қаттиқ хўнграб юборди:

— Бу қандай кўргулик бўлди? Ким сени бу ҳолга солди?

У бирдан ғазаб билан қаддини ростлаб, қўлини кўтариб қимгадир таҳдидона бақирди:

— Минг лаънат сенга! Минг лаънат!

Ўғлининг қаттиқ инграб юборгани онани ҳушига келтирди. У ўғли устига эгилиб, унинг юз-кўзидан ўпаркан, синиқ товуш билан бўзлади:

— Тирикмисан, болам, тирикмисан?!.. Худойимга минг қатла шукур, минг қатла шукур! Ҳозир мен яра-ларингни боғлайман... уйга олиб бораман...

Онанинг ўтли лабларининг тегишидан ва бўзлашидан жон бераётган ўғли бир оз ҳушига келиб, сўнаётган кўзларини сал очди-да, заиф товуш билан шивирлади:

— Совуққотяпман, онажон... Тезроқ мени уйга олиб бор...

Сўнгги сўзларни айтар-айтмай унинг товуши тобора хириллаб, заифлаша бошлади, онасини кўриб кўнглида уйғонган қувонч ҳаяжондан унинг мадори бутунлай қуриди.

— Онажон! — деди у зўрға товуш чиқариб. — Мен... мен... ўлаётиман...

Она бирдан фарзанди оламдан кўз юмаётганини англади.

— Ўлмай тур, болам... — деб бўзлади она, — Мени ёлғиз ташлаб кетма... Сенсиз мен қандай яшайман?!..

Ўғил сўнгги марта кўзларини очиб онага тикилди ва қўлларини волидасига чўзган ҳолда бирпаслик талвасадан кейин жон берди. Йиғлашга ҳам мадори қолмаган она ўғли жасадини маҳкам қучоқлади.

Анчадан кейин жасадни бир амаллаб яшилранг жун чойшабга ўради ва бор кучини тўплаб уни судраб кета бошлади.

У кексалигига қарамай ҳали бақувват эди. Йиғлаб-бўзлаб жасадни судраб бораркан, гоҳ бирдан тўхтаб

колар, нималарнидир ўз-ўзига тейбаҳол уктирар ва яна турли алпозда ётган мурдалар оралаб йўл босарди.

У яна тўхтади, яна ўз-ўзига сўзлай кетди:

— Мен сени отанг билан бобон ёнига кўяман, ўғлим! У ер яхши, қишлоғимиз кўриниб туради. Мен ҳам ховлимиздан туриб мазорингни кўриб тураман... Кўраману сени эслайман, йиғлайман, дуолар-айтаман... Сенга болалик чоғларингда...

Шу пайт она ёнида кимдир инграб юборди. Она турган жойида атрофга аланглади-ю, қаршисида унга катта-катта кўзларини қадаб турган жангчини кўрди. Она бир зум ой нури зўрға ёритиб турган жангчи юзига разм соларкан, донг қотди. Йигит ўғлига ўхшаб кетарди. Ўшандай куюқ қошлар, ўшандай кирра бурун, ўшандай қалин лаблар, ўшандай навжувон, ўшандай келишган... Е раббим, улар икки томчи сувдек бир-бирларига ўхшар эдилар! Фақат она бу инграб ётган йигитнинг уст-бошидан унинг туркистонлик эканини фахмлади. Качонлардир унинг ота-боболари яшаган Туркистондан... Балки бу йигит бобоси она юртимиз деб ривоят қилган Нурота тоғларидандир?! Нега у ўз хешлари бошига қилич кўтариб келди?!

Шуларни ўйларкан, она йигитга нисбатан на қаҳр, на нафрат туйди. Фақат унга раҳми келди, холос. Туркистонлик жангчига яқинлашган аёл эгилиб йигитнинг ярасини кўздан кечирди. Елкаси чопилган, кўп қон йўқотиб узок хушсиз ётган, ранг-рўйи қордек оппоқ йигит онадан кўзини узмасди. У ўзини дунёга келтирган онасини кўриб турарди. Қарноб даштида чўпонлик қиладиган отаси қаерда экан? У гўё иситма-лаб ётибди-ю, онаси унга парвона бўлиб турибди. У жилмайиб онасини овутишга уринди:

— Даштда қорбўронда адашиб қолибман, эна!.. Ким мени уйга олиб келди?.. Энажон, ичим ёняпти, сув бер... Кўркма, эна, кўркма, мен албатта тузалиб кетаман!.. Отамга айтмадингми?.. Айтма... Ҳализамон отдек бўлиб кетаман... Ўзим отамга айтиб бераман... Ичим ёниб кетяпти!.. Эна, деяпман... Сув бер! Қараб туравермай, сув берсанг-чи!..

Она туркистонлик йигитнинг алаҳсираётганини сездди. «Яраси оғир», — деб ўйлади аёл. Сўнг елкасидаги жунрўмолни олиб йигитнинг устини ёпди. Бир зум ярадор қошида ўйга ботиб турди-да, яна ўғли жасади ўралган чойшабни судраб йўлга тушди. Бир неча қадам юрар-юрмас йигитнинг товушини эшитиб, тўхтади.

— Эна, деяпман!.. Эна, сув бер!..

Жанг майдонининг четида унинг араваси турарди. Хўкиз кўшилган аравани она кўшнисидан сўраб олган эди. Она бир амаллаб ўглининг жасадини аравага ортди. Сўнг хивчин билан хўкизни ҳайдаган бўлди-ю, кўли қотиб қолди. У яна туркистонлик жангчини... ўғлига ўхшаб кетадиган йигитни кўз ўнгига келтирди. Ниҳоят, кескин бурилиб, ортига қайтди. Йигит ҳамон алаҳсираб ётар, ҳамон онасидан сув беришни ўтинарди. Она жунрўмол билан йигитнинг елкасини танғиб боғлади, сўнг ўзи билан олиб келган кўй терисини ерга ёйиб йигитни унга судраб олиб ўтди.

«Уйга олиб бориб либосларини алмаштириш керак! Бўлмаса, кўшнилар уни ўлдириб кўйишлари турган гап... Яраси оғир, аммо тангри марҳамат қилса, тирик қолиши мумкин. Бечоранинг онаси ҳозир нима қилаётган экан-а?» — ўйларди тўлин ой ёруғида кўй териси устида ётган йигитни судраб бораркан.

Бир неча дақиқадан кейин бирида ҳаёт сўнган, бошқасида ҳаёт илиб турган икки жангчи танаси ортилган арава Қизилчакўй томонга қараб йўл олди. Аравага кўшилган хўкизни дунёнинг энг маҳзун онаси етаклаб борарди.

Ой тўлин, тонг яқин, она қайғуси ниҳоясиз эди...

Амир Темурнинг фармони билан шахзода Сулаймонни таъқиб қилиш учун амирзода Муҳаммад Султон бошлиқ 30 минглик кўшин пойтахт Бурса томонга от сурди. Соҳибқироннинг ўзи бўлса Анқарада бир ҳафта тургач, Султон Боязидни олиб Кутахия шаҳрига келди. У бу шаҳарда бир ойча турди. Бурса томонга юборилган кўшин шахзода Сулаймонни қувиб етолмади. Шахзода Бурсага келиб қалъанинг ҳазинасининг бир қисмини ва кенжа шахзода Қосимни олиб вазири аъзам Али пошшо билан биргаликда Дарижа шаҳрига қочган эди. Амирзода Муҳаммад Султон билан амир Шайх Нуриддин Бурсани фатҳ этиб, султон ҳазинасининг қолган қисмини қўлга киритдилар ва шаҳарга ўт қўйдилар. Бурсадан кейин тез орада Қуния, Окшаҳар, Қораҳисор ва Онадўлидаги бошқа бир қатор шаҳарлар забт этилди. Бурса фатҳи пайтида асир олинган алломалар: Боязиднинг куёви бўлмиш Сайид Аҳмад Бухорий, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Фанорий, Шамсиддин Жазирийлар Амир Темур ҳузурига юбо-

рилди. Худди ўша кунлари Шохруҳ мирзо ҳам асли бурсалик бўлган мавлоно Мусо Қозизода Румий исмли қирқ ёшлик фалакшунос ва риёзатчи олимни ўз хизматига қабул қилди. Мирзо бу аллома келажакда тўнғич фарзанди Улуғбек мирзонинг энг улуғ устози ва сафдоши бўлишидан беҳабар эди.

Амир Темур Кутахияда экан, Йилдирим Боязид томонидан забт этилган Карамон, Кермиян, Сарухон, Манташа, Ҳамидўғиллари бекликларини ўз эгаларига қайтариб берди ва узок йиллик курашлар оқибатида ягона ҳокимият остига бирлаштирилган давлатни парчалаб ташлади.

Амир Темур юриш давомида Боязиднинг тўнғич ўғли шаҳзода Сулаймонга мактуб йўллаб уни тобеликка чорлади. Сулаймон ҳам элчи юбориб, Амир Темур ҳокимиятини тан олди. Кетма-кет шаҳзода Иса Чалабий ҳам ўз итоатини маълум қилди. Шундан кейин Амир Темур учинчи шаҳзода Меҳмад Чалабий ҳузурига — Амосияга мактуб йўллаб, уни ҳузурига чорлади. Тез орада Меҳмад ҳам одам йўллаб итоатини билдирди. Византия императори Мануил ҳам Темурга вассал эканини тан олиб, унга кўп миқдорда олтин ва кимматбаҳо армуғонлар жўнатди. Кейин Миср мамлуклари султони Фараж элчилари келдилар. Улар султоннинг тобеликни бўйнига олгани ҳақида маълум қилган мактубини келтирдилар.

Соҳибкирон Онадўлида саккиз ой турди. Бу орада у Йилдирим Боязид узок йиллар давомида ололмаган Измир қалъасини 15 кун ичида, Улуборлу, Эгридир қалъаларини бир неча кун мобайнида забт этиб Боязидни дол қолдирди. Эгридир қалъаси қамал пайтида Султон Боязид каттик хасталикка дучор бўлди. Амир Темур султонни Оқшаҳарга жўнатди.

Бод касалига йўлиққан турк султони от устида ўзини тутиб туrolмас, шу сабабли эгар атрофига сунччиқсимон мослама ясалган эди. Бу эса гўё «мағлуб усмондилар султонини кафасга солиб олиб кетишди» деган ва ҳозирга қадар асардан-асарга кўчиб юрган афсонанинг пайдо бўлишига замин яратган эди.

Султон Боязидни Оқшаҳарга жўнатар экан, Темур ўзининг хос табиблари бўлган Иззатдин Масъуд Шерозий билан Жалолиддин Арабийларга султонни даволашни буюрди.

Аммо турк султони қаддини хасталикдан кўра, бахтсизлик кўпроқ эгган эди. Болалигидан ҳаёти жангу

жадалда кечган, ўн беш йиллик ҳокимияти давомида мағлубият нималигини билмаган иззати нафс хокими бўлган Йилдирим Боязид изтиробни бениҳоя ва бешафқат эди. У узоқ вақт ўғилларим мени қутқарадилар деган орзу ва умид билан алданиб юрди. Аслида бу орзу ва умиднинг асоси бор эди. Турк султони фахрий асирликда экан, манзилларнинг бирида унга содик кишилар чодир остидан ер ости йўли қазишга уриниб кўришди. Бирок, бу тадбир муваффақиятсизликка учраб, кўп одамнинг калласи кетди. Султонни кўриқлайдиган соқчилар сони бир неча баробар кўпайтирилди.

Кейин Боязид ўзи учун энг даҳшатли хабарни эшитди: Амир Темур уни ўзи билан Самарқандга олиб кетишга қарор қилган эмиш. Бу машъум хабарни олган кунни Рум ҳукмдори аламу изтиробга чиқолмай узуги кўзи остида — махфий жойда сақлаб юрган захарни ичди ва узоқ қийноқлардан сўнг 1403 йилнинг 9 мартида — пайшанба кунни Оқшаҳарда оламдан ўтди. Унинг жасади шохона иззат-икром билан шаҳардаги Шайх Маҳмуд Хайроний мақбарасида дафн этилди.

Султон Боязид ўлимидан бир неча кун ўтиб, Амир Темур бошига яна бир мусибат тушди. У тожу тахт вориси этиб белгилаган амирзода Муҳаммад Султон тўсатдан хасталаниб, дунёдан кўз юмди. Бу воқеа ҳижрий 805 йил шаъбон ойининг 18 кунни — мелодий 1403 йилнинг 13 мартида, муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Қораҳисор яқинида, муаррих Абдурраззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Сури яқинида содир бўлган эди. Муҳаммад Султоннинг жасади Соҳибқирон амрига биноан аввал вақтинчалик Султония шаҳрига олиб борилиб, дафн этилди. Бир йилдан сўнг — Амир Темур Мовароуннаҳрга қайтаётиб амирзода жасадини Самарқандга келтириб, марҳум шахзода тиклаган мадраса ёнидаги хонакоҳга қўйдирди. 1404 йилнинг ёзида эса набираси ва пири бўлмиш Мир Сайид Барака қабрлари устида мақбара тиклатди.

Амир Темур Рум мулкини тарк этиш олдидан, шахзода Муса Чалабийни отаси мулкига ҳукмдорликка белгилади ва унга ҳокимият рамзлари бўлмиш камар, обдор қилич, юзта от инъом қилди. Сўнг шахзода Мустафо Чалабийни олиб, мамлакатни тарк этди. У Мустафони Самарқандга олиб кетишга аҳд қилган эди.

1403 йилнинг июлида Амир Темур Гуржистонни саккизинчи марта забт этгач, Кура дарёсини

кечиб ўтиб кишлов учун Қорабоғда тўхтади. Баҳор келиши билан эса Самарқандга қараб йўлга тушди.

Соҳибқирон Озарбойжоннинг Неъматобод деган манзилида тўхтаб, у ерда тўй берди. Тўйдан кейинги курултойда сарҳадлари Хурмуз қадар бўлган Форсу Қирмон, Райдан Озарбойжонга қадар бўлган Ироқи Ажам, Аррон, Муғон, Қорабоғ, Ширвон, Шамахи, Дарбанд, Гуржистон, Арманистон, Абхаз ерлари, Хижозга қадар бўлган Диярбақир ва Ироқи Шом, Константинополга қадар Рум диёри, Искандария ва Нилга қадар шом ўлкасини Мироншоҳ мирзонинг ўғли бўлмиш набираси Умар мирзо қўл остига топширди. Форс ва Ироқи Шомдаги темурий ҳукмдорларни, Ширвоншоҳ Шайх Иброҳимни, Мордин ҳокими Султон Исони, Ван ҳокими Малик Иззатдинни, Гуржилар подшоҳи Константинни, Мароға ҳокими Чаликни, Ардабил ҳокими Бистомбекни Умар мирзога бўйсундирди. Соҳибқирон амир Жоқунинг ўғли бўлмиш амир Жаҳоншоҳни Умар мирзога оталиқ этиб тайинлади.

Амир Темур етти йиллик юриш деб ном олган ҳарбий тадбир давомида фақат жангу жадал билан машғул бўлмай шу билан бирга забт этилган мамлакатларда ободончилик ишларини ҳам амалга оширди. У вайрон этилган Бағдодда янги бинолар тиклатди, сув иншоотларини таъмирлади. Амир Темур Қорабоғда сосоний подшоҳлардан бўлмиш Кубод асос солган ва Хулоқухон вайрон қилган Байликон шаҳрини тиклаш мақсадида шаҳар атрофида девор бунёд қилди. Шунингдек, у сувсизликдан хароб бўлган ерларни маъмур этиш ниятида Аракс дарёсидан чиқарилган қадимий ариқларни қайта тиклашга киришди. Бу иш соҳибқирон ўлиmidан сўнг. Шохрух мирзо замонида ҳам давом эттирилди, бу ариқларда жуда кўп тегирмонлар қурдирилди.

Амир Темур Мовароуннаҳрга қайтаётиб, Ардабилга келиб машҳур Шайх Сафиуддин Исҳок Ардабилиий (Шох Исмоил—Хатойининг бобоси, сафавийлар сулоласи мана шу шайхдан бошланган) макбарасини зиёрат қилди ва теварак-атрофдаги бир қатор қишлоқларни, ерларни сотиб олиб, Шайх Сафиуддин макбараси қошидаги масжидга вақф қилиб берди.

Хуросонга етганда, Улўғбек мирзо ўзининг биринчи устози Ҳамза ибн Али Малик ат-Тусий Байҳақийдан ажралди. Ҳамза Шохрух мирзо хизматида бўлиш учун Ҳиротга кетди. У ўн йилча Шохрух даргоҳида яшади.



Мирзо унга Малик уш-шуаролик лавозимини ваъда қилган эди. Аммо Ҳамза бирдан саройни тарк этиб, дарвишликка берилди. Даставвал шайхлар шайхи Муҳиддин Тусий-Ғаззолий хизматиға борди. Ундан тариқатни, ҳадис илмини ўрганди ва устози билан ҳажга борди. Шайх Муҳиддин оламдан ўтгач, Шайх Ориф Озарий номини олган Ҳамза ҳаждан қайтиб келиб Саййид Неъматуллоҳ Валий хузурига борди ва бир мунча вақт унинг хизматида сулук касб этди. Кўп вақт ўтиб устозидан хирқаи табаррук олишга эришиб олам кеза бошлади. Ўттиз авлиё билан учрашиб, уларга суҳбатдош бўлди, икки марта пиёда ҳаж сафарига борди. Маккадан сўнг Ҳиндистонга сафар қилди. Ҳиндистонда ҳам кўп авлиёлар билан суҳбатдош бўлган Шайх Озарий кейинчалик жаҳонгашталиқдан қайтиб, хилватнишинликни маъқул топди, бошини тафаккур гирдобига эгди. Давлат эгалари — подшоҳлар, амирлар, султонлар хузурига туришдан сақланиб, ўттиз йил тоат-ибодат билан Исфароинда яшади...

Амир Темур Хуросон орқали Мовароуннаҳрга ўтиб, Кешга келди. Бу ерда пири бўлмиш Шамсуддин Кулол, отаси Муҳаммад Тарағай ва фарзанди Жаҳонгир кабрларини зиёрат қилди.

## СОҲИБҚИРОН ВАТАНИДА

Кеш воҳаси, Мирзо Бобур ёзганидек, «Самарқанднинг жанубидадур, тўқуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак добони дерлар, сангтарошлиқ қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи ҳўб сабз бўлур учун Шаҳрсабз ҳам дерлар».

Шаҳрсабз — қадимий Кеш Турон юртининг кўҳна шаҳарларидан. Юнон ва хитой муаррихлари — Ҳеродот, Ктесий, Вэй Чжэн, Оуян Сю ва бошқаларнинг маълумотиға қараганда, Кеш мелоддан аввалги V — асрдаёқ мавжуд бўлган. Қадимий Хитой солномаларида шаҳар номи «Ши» тарзида учрайди.

Шаҳар ва унинг теварагида, шунингдек, ёнма-ён жойлашган Китобда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида бу манзилда мелоддан аввалдаёқ катта шаҳар ўрнашгани аниқланган. Мелоддан аввалги II асрдан то мелодий III асргача шаҳар Турк ҳоконлигининг вассали бўлган Сўғд давлати таркибига

кирган. Мелоддан аввалги 328 йилда буюк фотиҳ искандар Мақдуний томонидан забт этилган.

Мелодий V—VIII асрларда Кеш Турк хоконлиги иттифоқига бўйсунса ҳам ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга эди. Уша замонлардаёқ шаҳар атрофи қалин паҳса девор билан ўралиб, дарвозалари ва буржлари бўлган, ичкарида шахристон билан мустаҳкам арк жойлашган. Мелодий 710 йилда шаҳар араблар томонидан босиб олинди. Араб босқинчилигига қарши бошланган Муқанна бошчилигидаги халқ ҳаракати пайтида Кеш исёнчиларнинг марказига айланди. Бу ҳақда «**Бухоро тарихи**» муаллифи шундай ёзади: «Муқанна Марв атрофи аҳолисидан, Қоза деб аталган қишлоқдан бўлиб, номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари қудунгарлик қилар эди, кейин эса илм ўрганишга машғул бўлди ва ҳар хил илмларни: кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганди... Ҳошим ибн Ҳакимни Муқанна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши қал ва кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрарди. Шу Муқанна аббосийлар давлатчиси Абу Муслим замонида Хуросон лашкарбошиларида бири Абдулжаббор Аздийга вазир бўлди ва пайғамбарлик даъвосини қилди ва бир қанча вақт шу даъвода турди. Абу Жаъфар давонакий одам юбориб, уни Марвдан Бағдодга олдириб келди ва бир неча йил давомида зиндонда тутди. Шундан кейин у зиндондан қутилиб, яна Марвга қайтиб келди... Муқанна ҳар бир вилоятга нома ёзиб, ўзининг доий (ташвиқотчи) ларига берди. У ҳали Марвга турган вақтидаёқ ҳар ерга доийларини юборди ва кўп халқни йўлдан оздирди. Марвда араблардан Абдуллоҳ ибн Амр номли бир киши бор эди, у Муқаннага имон келтирди ва қизини унга хотинликка берди. Ана шу Абдуллоҳ Жайхундан ўтиб, Нахшаб ва Кеш шаҳарларига келди ва ҳар ерда халқни лаънати Муқанна динига чақириб, кўп кишини йўлдан оздирди...

Хуросон амири бўлган. Хумайд ибн Қахтаба уни (Муқаннани) тутишга буюрди. Муқанна эса ўз қишлоғидан қочиб, бекиниб юрар эди. Охири Муқаннага Мовароуннаҳр вилоятида кўп халқ унинг динига киргани ва диннинг тарқалгани маълум бўлди ва у Жайхундан ўтишга қасд қилди... Муқанна ўттиз олти киши билан Жайхун дарёси соҳилига келиб сол тайёрлаб Жайхундан ўтди ва Кеш вилоятига борди. У вилоят Муқаннага бўйсунди ва халқ унга рағбат қилди. Шу

вилоятдаги Сом тоғи тепасида ғоятда мустаҳкам бир хисор (каля) бўлиб, унда оқар сув, дарахтлар ва экин ерлар бор эди. Бу хисор ичида ундан ҳам мустаҳкамрок яна бир хисоб бор эди. Муқанна уни тузатишга буюрди ва уни тузатдилар. Муқанна у ерга кўп мол ва беҳисоб озик-овқат йиғди, соқчилар тайинлади...»

Пайғамбарлик даъво қилган Муқанна исёни туфайли Кеш яна вайрон бўлди. У факат IX асрдан бошлаб қаддини тиклай бошлади. Араблар истилоси барҳам топиб, Мовароуннаҳр ўз бағридан чиққан янги сулолалар: салжуқийлар, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар учун улоқ майдонига айланди. Кейинги асрлар давомида ўлка гоҳ у, гоҳ бу давлат тасарруфига ўтар, ғолиб келган тараф мағлублар тиклаган иншоотларни бузар, янгиларини тикларди. Шунга қарамай, Мовароуннаҳр бу асрларда исломиятнинг буюк маданият ўчоғига айланди. Кўҳна Кеш ҳам Мовароуннаҳрнинг нуфузли маданий марказлари даражасига кўтарилди. Абу Али Ҳусайн ибн Хидр ибн Муҳаммад ан-Насафий, Абу Шукур Муҳаммад ибн Абдуссайд ибн Шуайб ал-Кеший, Абулмуин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий, Абу Нафс Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий ас-Самарқандий ал-Мотуридий, Аҳмад ибн Муса ибн Исо ал-Кеший, Абулфадл Бурҳониддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бурҳонун-Насафий, Абул Баракат Ҳафизиддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий каби машҳур ислом мутафаккирлари Кеш воҳасининг фарзандлари эдилар. Муррих Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Баъзи бир тарихий китобларда айтилишича, Кеш шаҳри қадим айёмларда исломнинг буюк уламолар йиғиладиган жой бўлган. Таниқли муҳаддислардан уч мўътабар имом: Абу Муҳаммад Абдаъ ибн Ҳамид ибн Наср ал-Кеший, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Аллоҳ улардан рози бўлсин, шу диёрга келиб ватан қилган эдилар. Уша даврнинг илм аҳли уларнинг билим ва фазилат нурларидан баҳраманд бўлмоқ учун мана шу муборак шаҳарга чор атрофдан, турли ўлкалардан йўл олардилар. Жумладан, Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нишопурий бу ерга ташриф буюриб, Абдаъ ибн Ҳамид ал-Кешийдан билим истифода қилган эди. Имомлар ва фозил кишилардан кўплари шу ерда жамъ бўлган эдилар. Уларнинг бар-

часига ҳам дарс ва ифода ўтишлари учун жойлар ажратилганди. Шунинг учун ҳам Кеш шаҳрига «Куббат ал-илм ва-л-адаб» («Илму адаб куббаси — маркази) деб лақаб берилган. Бу шаҳар ва диёрнинг боғу бўстонлари ва майсазорларининг таровати ва гўзаллиги, айниқса, баҳор айёмида тому деворларигача майсалар билан қопланиши туфайли «Шаҳрисабз» (Яшил шаҳар) номи билан машҳур бўлганди».

Тобора юксалиб бораётган шаҳарга унинг тарихидаги энг кучли зарбани Чингизхон берди — пакани мўғул хони бошлиқ ўрда 1220 йилда шаҳарни забт этиб, вайрон этди. Йиллар ўтиб, Кеш воҳаси, Чингизхон васиятига кўра, шахзода Чигатой ихтиёрига берилган улус таркибига кирди. Вайрон этилган воҳа кимсасиз бўлиб қолгани учун 1266 йилда Кешнинг унумли ерларига Еттисувдан жалойир ва барлос уруғлари кўчиб келиб, ерлик аҳоли таъсирида ислом динини қабул қилдилар ва қисқа вақт мобайнида воҳа тақдирини белгилайдиган кучга айландилар.

Кеш воҳаси Амир Темурнинг ватани эди. Сохибкирон туркий хисобга кўра сичқон йилида, хижрий 736 йил шаъбон ойининг йигирма бешинчи куни — мелодий 1336 йилнинг 8 апрелида Кеш шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси барлос уруғининг нуфузли кишиси — Муҳаммад Тарагай, онаси Тегуна (Такина) Хотун эди. Унинг амакиси Ҳожи барлос ҳам нуфузли амирлардан бўлиб, Чигатой улуси тахтининг хизматчиси эди.

Амир Темур мансуб бўлган барлос уруғи туркий қабилалардан биридир. «Барлос» калимасининг маъноси ҳақида «Темурнома»да шундай ривоят бор: «(Барлослар) доим қилични яланг қилиб, олиб юрардилар. Барлос маъниси «Қиличини қинга солмаган»ни айтурлар». Муаррих Рашиддин Фазлуллоҳ Қазвиний «Жоме ат-таворих» асарида барлосларнинг туркий уруғ эканини алоҳида таъкидлаб шундай ёзади: «Ҳозирги вақтда кўпгина уруғлар ўзларини насабдор ва улуғ эканликларини кўрсатиш учун Чингиз ва унинг уруғи мўғул бўлганлигига қараб, ўзларини мўғулларга қўшиб кўрсатадилар. Жалойир, татар, уйрат, унгут, кераит, найман, тангут каби уруғлар ҳам қадимги вақтда мўғулларни тан олмаганликларига қарамасдан, энди мактаниб ўзларини мўғулларга қўшиб кўрсатадилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари ўзларини қадимги вақтлардан бери мўғулларга қўшилиб келган деб хаёл қиладилар.

Холбуки, қадимги вақтда мўғулларнинг ўзлари ҳам чўлларда яшовчи туркий халқларнинг бир бўлаги бўлган холос». Рус шарқшуноси А. Хорошхин «Туркистонга оид мақолалар мажмуаси»да XIII асрда Чингизхон билан Туркистонга келган қабиладарнинг ҳаммасини мўғуллар деб ҳисобловчиларга эътироз билдиради ва агар уларнинг ҳаммаси мўғул бўлганда эди, ҳеч бўлмаганда уларнинг тили сақланиб қолган бўларди, деб ёзади. Сўнгги тадқиқотларга кўра, Мовароуннаҳрға бостириб кирган Чингизхон кўшинининг бор-йўғи беш фоизигина соф мўғул, қолган қисми туркий уруғлардан иборат бўлган.

Амир Темур болалигиданок барлос уруғи анъаналари руҳида тарбияланди. У энг аввало бўлажак жангларга тайёрланиб, жисмоний машқлар билан шуғулланиб ўзини чиниктирди, отда юриш, қилич чопқилаш, найзабозлик, камончилик санъатини пухта эгаллади. Амир Темур ҳақида ёзган кўп муаррихлар унинг отни бағоят севганини алоҳида қайд қиладилар. Соҳибкирон қаламига нисбат этиладиган «Таржимаи ҳол»да ҳам бу фикрни тасдиқловчи сатрлар мавжуд.

Бўлажак жаҳонгир ўн олти ёшга етгач, амир Муҳаммад Тарағай баҳодир уни масжидга олиб келиб, аждодлар анъанасига биноан, бундан кейин ўзига тобе аскарларга бошчилик қилишни ўғлига топширишини эълон қилган.

Амир Темур, айрим муаррихлар ёзгани ва солнома-ларда битилганидек, саводсиз киши бўлмай, мадраса таълимини олган билимдон, фозил инсон эди. Француз олими Алфонс де Ламартин ёзади: «**Дин, тиббиёт, тарих, ҳуқуқ ва астрономия соҳаларида Амир Темур ўта билувчан эди. Кўп ўқиган, Осийнинг энг унумли уч (турк, араб, форс) тилини жуда мукамал билган, зарофат ва қудрат ила ёзғувчи бир ҳукмдор эди... Овруро на Искандарда, на Аттилада ва на Московия зафарини кучган янги фотиҳ (Наполеон)да бундай даражали бир завқ ва идорани кўрган эмас!**»

Яна бир қатор муаррихлар, айниқса, рус тарихчилари Амир Темурни эътиқодсиз, исломни билмаган ва Чингизхон ясоғини ундан устун деб билган деб ёзди-ларки, бу ҳам ёлғондан ўзга нарса эмас. Бундай бўхтонларни рад этиш учун соҳибкироннинг сўзларини келтирамиз:

**«Давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Муста-**

фонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим».

Амир Темур болалиги кечган Кешни каттиқ севарди. Шу сабабдан ҳам у Мовароуннаҳр ҳокимиятини қўлга олган дастлабки паллада бу дилбар шаҳарни қуражак давлати маркази қилмоқни ҳам ўйлади. Мирзо Бобур ёзади: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтирур учун бир улуг пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун икки кичикроқ пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Қисро тоқидин бу бийикрактур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобирини андадур. Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ихтиёр қилди».

Мирзо Бобур, Қисро тоқидан буюкроқ, деб таърифлаган иншоот Оксарой эди. Оксарой 1380 йилда қурила бошланганди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Амир Темур Хоразмни Олтин Ўрда тасарруфидан тортиб олгач, дунёга машҳур хоразмлик усталарни ва ишга яроқли кишиларни Мовароуннаҳрга кўчириб, Кеш шаҳрига жойлаштириш тўғрисида фармон беради. Хоразмлик усталар Оксаройни тиклайдилар. «Ҳеч ким бундай иморатни ҳеч қачон кўрмаган ва унга ўхшашини бунёд этмаган», — деб хитоб қилган эди «Зафарнома» муаллифи Низомиддин Шомий. «Зафарномаи Соний» муаллифи Шарафиддин Али Яздий эса бу бино ҳақида ушмундоқ ёзади: «Сичқон йилига тўғри келган ҳижрий 781 йилнинг охири (мелодий 1380 йил марти), эрта баҳор фасли эди. Ўз қуввати билан табиатни гуллашиб яшнатувчи меъмор кўкатлар ва майсазорлар шаҳрини обод қилишга киришган, атиргул буталаридан қасрлар яратиб, лаългун шохчалар учини баланд кўтарган ва уларни ферузаранг нақшли барглар билан беаган бир вақтда... олий ҳазрат Соҳибқирон гулларида мушки анбар таралувчи, сувидан гулоб таъми келувчи Кешнинг хушҳаво ва ром этгувчи заминиди шодлик нашъасини суриб, ором олмақ азми билан бу ерда салтанат тахтини ўрнаттирди. Сўнг Шаҳрисабз кўрғонини қуриш ҳақида фармон

берди ва (ишларни) амирлару лашкар ўртасида тақсим қилди. Кўрғон қурилиши учун муносиб келувчи саодатли соатда унинг пойдеворини курдилар.

Шаҳар ичида эса казо-ю қадардек бажарилиши сўзсиз бўлган фармонга биноан бир қаср бунёдига асос солдилар. Унинг кунгирасининг баландлиги шу даражада эдики, ҳасаддан осмон кўзидан юлдузлар тўқар, қора тунда унинг деворлари чунонам оппоқ бўлиб кўринардик, ҳатто муаззинлар тонг отибди, деб гумон қилардилар. Иморат шу қадар баланд ва фавқулодда жозибали эдики, ҳатто кекса муҳандис бўлмиш гардун шунча йиллар жаҳон атрофида айланган бўлишига қарамай, бундай гўзал бинони ҳали кўрмаган эди. Ердан самога бош кўтарган бу саройнинг номи шарифи Оксарой деб аталди».

Сарой деворларига, соҳибқирон амрига биноан, жумладан шундай битик битилди: «Мин шакка фи валоятино ва кароматино фанзур ило иморатинно», яъни «Агар қудратимиз ва кароматимизга шубҳа қилсанг, шак келтирсанг, иморатимизга қара!».

Амир Темур етти йиллик юришдан қайтган йили Кешга келган Кастилия элчиси Рюи Хонзалес де Клавихо шаҳарни ва қарийб чорак асрдан буён қурилаётган саройни қуйидагича таърифлайди: «28 август пайшанба куни чоштгоҳда Кеш деб аталган катта шаҳарга келдик. Кеш сой ва анҳорлар ўтган текисликка жойлашган. Шаҳар атрофи кўплаб боғлар ва ҳовлилар билан ўралган. Аҳоли яшайдиган қишлоқлар, кўм-кўк ўтлоқлардан иборат, сувга сероб бу манзил ёзда жуда гўзал манзара касб этса керак. Далаларга бугдой, пахта, қовун-тарвуз экилган бўлиб, атрофи тоқзор ва мевали дарахтлар билан ўралган. Шаҳар тупроқ (пахса) девор ва чуқур хандаклар билан ўралган бўлиб, ичкарига кўтарма кўприклар орқали қирилган.

Темур ушбу шаҳарда туғилган, унинг отаси ҳам шу ерликдир. Кешда кўплаб катта иморатлар, масжидлар бор. Темурбек томонидан қурилаётган бир масжид алоҳида ажралиб туради. Унда Темурбекнинг отаси дафн этилган мақбара бор. Темурбек топшириғи билан унинг ўзи учун қурилаётган мақбара ҳали битмаган. Айтишларича, бундан бир ой олдин бу ердан ўтган Темурбек мақбаранинг қурилишидан кўнгли тўлмаганини изҳор қилган экан. Мақбаранинг эшиги паст эканини айтиб, уни қайтадан ишлашни буюрибди. Хозир усталар шу

топширикни адо этишяпти. Масжидга унинг катта ўгли Жаҳонгир мирзо ҳам дафн этилган.

Масжид ва макбаралар тилло, ложувард ва кошинлар билан мукаммал ишланган. Масжид олдидаги катта ховлида ховуз бор, теварагида дарахтлар ўсиб турибди. Шох фармойишига биноан, масжидда ҳар куни йигирмата кўй сўйилиб, отаси ва ўгли (шунингдек, пири) хотираси учун элга ош берилади. Элчиларни энг аввало шу ерга бошлаб келдилар. Кўплаб гўшт, мевачева келтирилиб, уларни меҳмон қилдилар. Овқатдан кейин элчилар катта саройга йўл олишди. Уларга шу ерда турар жой ажратилган эди.

Эртаси жума куни элчиларга катта саройни кўрсатдилар. Шох буйруғи билан бунёд этилаётган мазкур сарой қурилиши, айтишларича, йигирма йилдан бери ҳар куни тинимсиз давом этаркан. Шу кунларда ҳам кўплаб усталар ишлар эдилар. Саройга жуда узун йўлакдан ғоят баланд дарвоза орқали кирилади. Йўлакнинг икки томонидаги ғиштин равок ҳар хил гулдор кошинлар билан қопланган. Одамлар шу жойда шохни кутиб оларканлар. Шундан сўнг бошқа эшикдан катта ҳовлига чиқилади, ҳовли саҳнига оппоқ тоштахталар ётқизилган бўлиб, ҳашаматли долон билан ўралган. Ҳовлининг ўртасида катта ховуз бор. Ҳовли саҳнининг кенглиги уч юз газ келади. Мазкур ҳовлидан кенг уйга кирилади. Уйнинг жуда баланд ва кенг эшигига зарҳал ва ложувард бўёқлар ҳамда нақшинкор кошинлар билан сайқал берилган. Эшик пештоқининг ўрта қисмида қуёш нури қўламида шер сурати акс эттирилган, унинг четлари ҳам худди шундай суратлар билан безатилибди. Бу рамзий белги Самарқанд подшоҳининг расмий тамғаси ҳисобланади... Бу эшикдан тўртбурчак шаклидаги қабулхонага кирилади. Қабулхонанинг деворларига олтин ва ложувард ранг берилган ҳамда ялтироқ кошинлар ёпиштирилган, шифти эса сидирғасига заррин бўёк билан мойланган.

Бу ердан элчиларни иккинчи қаватга бошлаб чиқдилар. Бу ерда бизга шу қадар кўп хужра ва ҳашаматли хоналарни кўрсатдиларки, бутун бино зарҳал билан сайқаллангани учун уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил сўзлаш кўп вақтни олади. Бутун хужра ва хоналар олтин, зангори ва бошқа ҳар хил бўёқлар билан шу қадар мукаммал ишланганки, ғоят нозик дидли усталарга эга бўлган Париж аҳли ҳам буни кўриб ҳайратланган бўлар эди. Шундан кейин шох ва маликалар



яшашига мўлжалланган хона ва ҳарамни кўрсатдилар. Бу хоналарнинг дёворлари, шифти ва замини ҳаддан ташқари ҳашаматли безатилган. Сарой томи устида кўпгина усталар ишлар эдилар.

Шундан кейин элчиларни шохнинг ўз маликалари билан туриши ва базм ўтказишга мўлжалланган жуда кенг ва ҳашаматли саройга бошладилар. Кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар ўсиб турган кўплаб ҳовуз ва дид билан жойлаштирилган ўтлоқлар мавжуд бўлган катта боғ кўз олдимизда намоён бўлди. Бокка кираверишда шу қадар катта майдон мавжуд эдики, одамлар ёз ойлари сув бўйида, дарахтлар соясида ҳузур қилиб ўтиришлари мумкин эди. Сарой шу қадар ҳашаматли ишлангандики, тасвирлашга ожизман.

Мазкур сарой ва масжид шох томонидан ҳозиргача курдирилган улуғвор бинолар сирасига киради. Буларни шох шу шаҳарда дафн этилган отаси шаънига курдирган эди».

Мелодий 1404 йилнинг июлида Кешга кириб келган куннинг эртаси Амир Темур пири Хожа Шамсиддин Кулол, отаси Мухаммад Тарағай баҳодур хоки ётган макбарани зиёрат қилди.

Соҳибқирон билан Улуғбек икки қабр устида Қуръон тиловат қилдилар.

Хожа Шамсиддин Кулол XII аср охири — XIV аср бошида туғилган. Амир Темур илк эътиқод қилган пир шу зот эди. Ривоятга кўра, хожа Темур туғилишини ва жаҳонгир бўлишини олдиндан каромат қилган. Эмишким, амир Тарағай бир туш кўрибди. Тушида унга бир шамшир берибдиларки, ярқирашидан бутун олам мунаввар бўлибди. Ўша ҳолда кўлидан фаввора янглиғ сув чор атрофга отилиб, ер узра катра-катра тушибди. Ўз тушидан мутаассир бўлган амир ўша заҳот пири бўлмиш Хожа Шамсиддин ҳузурига бориб, кўрган тушини айтиб берибди. Бирдам ўйга ботган хожа айтибдики: «Эй амир Тарағай, сенинг наслинг хонадони салтанат бўлғай. Ва ул салтанатни сендан мавжуд бўладиган фарзанд тиклағай. Ул фарзанд оламини шамшир бирла забт айлағай ва замона, тобелар ва халойик андин мушфиъ бўлғай».

Улуғбек бу ривоятни кўп марта эшитган, аммо бирор марта бу ҳақда бобосидан сўрашга ботинолмаган. Нима сабабдан — ўзи билмайди. Хожа қабри қо-

шида бош эгган кўйи, кўзларини юмиб ўтирган Сохибқирон набираси кўнглидан ўтаётган ўйлардан хабар топгандек, кўзини очмай шивирлади:

— Кўзумни юмиб ҳазрати хожамни кўряпман. Назарларидан кўнглум мунаввар бўлмоқда...

Амир Темур жим қолди. Бир дамдан кейин бояги ҳолатда яна оғиз очди:

— Мундин қирк йилча бурун сарсону саргардон кезгон ўлкалардан қайтаётганимда қаршимдан ҳазрати хожам чикдилар... Узоқдан отдан тушиб, қошларига пиёда чопдим, тиз чўкиб этақларини ўпдим. Шунда хожам умидсиз кўнглимга мадад берғувчи сўзни айтдилар... Айтдиларки: «Яхши соатда қайтдинг, Темурбек! Тез орада бутун Мовароуннаҳр илқингда бўлғусидур!»

Амир Темур кўзларини очиб, набирасига ўгирилди.

— Менинг исмимни ҳам ҳазрати хожам кўймишлар. Раҳматли падарим ақика чоғида мени ҳазрати хожам даргоҳларига олиб борган эмишлар. Мени олиб қирганларида, Худо раҳмат қилгур, шайх Куръони Қаримдан ушбу оятни ўқиётган эканлар: «Амантум ман фи-с-сама ан йухифа бикума-л арда фа иза хийа тамуру». Бош кўтариб шунда айтибдиларки: «Эй амир Мухаммад Тарағай! Ушбу муқаррам оятдаги «тамуру» сўзи шарафига фарзандингга Темур исмини бердик!»

Шундан кейин Сохибқирон отаси қабри томонга ўтди, тиз чўкиб, кўзларини юмди. Улуғбек ҳам бобоси ёнидан жой олди.

Мухаммад Тарағай баҳодир оламдан кўз юмган чоғида Темур энди ўн етти ёшга тўлган эди. Кекса амир ўлими яқинлашганини сезгач, фарзандини қошига чорлади. Фарзанди ёнига чўккалагач, кекса барлос хотир-жам сўз бошлади:

— Ўғлим, кетар чоғим етди шекилли... Сенга айтар насихатларим бор — мен айтай, сен ақлингга жойла. Энг аввало Тангри таолонинг дини ва Мухаммад Мустафонинг шариатига хизмат этишдан умринг поёнигача тўхтама. Ҳар бир саъй-ҳаракатинг билан ислонми қўллаб-қувватла!

Толеингда битилган бўлса, ҳукмфармо бўлурсан, аммо ким бўлмагин, мусулмон бўл! Ҳеч кимсага ҳақсизлик қилма! Ҳеч кимга сабабсиз ранжу-озор етказма! Бировнинг ҳақига хийла ёки зўрлик билан хиёнат этма! Тўғрилик тўнини кийгил! Ҳеч бир бандани уч кундан ортик ҳибсда сақлама! Фақирлар ва ожизларга ҳар қандай шароитда мурувват кўрсат! Қўл остингда-

гиларнинг қалби ва кўнглидан фақат яхшилик билан жой топ! Акс ҳолда қувватсиз қолурсан ва унитиларсан...

Яна бир насиҳатим: ҳеч қачон бизнинг аждодимиз Абутурк бўлғонини унутма!..

Пири ва отаси макбараси жойлашган Дор ут-Тиловатни тарк этган Соҳибқирон Дор ус-Саодат томонга йўл олар экан, шу пайтгача хотиржам киёфасида маъюслик сезилди. У Дор ус-Саодатдаги макбарада ётган тўнғич фарзанди Жаҳонгирни эслаб, неча йиллардан буён дамбадам кўзғалиб, уни азобга соладиган қайғу измида қолган эди.

Жаҳонгир мирзо 1356 йили Нурмушк оғодан дунёга келди. Болалигидан отасининг бошига тушган сарсонлик, жангу жадал машаққатларини баробар тортди. Бир жангда етти яшар Жаҳонгирни от устида ўзига боғлаб қилиб чопкилашганини Соҳибқирон ҳанузгача юраги ҳаприқиб эслайди. Ўғли ўн уч-ўн тўрт ёшидан тажрибали амирлар қаторида ҳарбий юришларда қатнашди. У 1373 йили Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфининг Севинбека исмли жиянига (Жаҳонгирнинг ўлимидан сўнг Мироншоҳга узатилган) Қонигилда қатта тўютантаналар билан уйлантирилган эди. Аммо шахзода уч йилдан сўнг тўсатдан оламдан кўз юмди. Жаҳонгир мирзодан икки фарзанд қолди. Тўнғичи Муҳаммад Султон мирзо бўлиб, Соҳибқирон уни валиаҳд қилиб тайинлаган эди. Аммо, муаррих ёзганидек, «шаъни улуғ қудратли подшоҳ белгиланган тақдир валиаҳдни ўз хожасидан илгарироқ бақо оламига олиб кетди». Бунинг шарҳи Рум юриши баёнида айтиб ўтилди.

Жаҳонгир мирзонинг кичик ўғли Пирмуҳаммад мирзо бўлиб, у Балх, Тохаристон, Қийлон, Қандаҳор, Кобул, Ғазна мулклари, Синд соҳили ва Ҳиндистоннинг ҳокими эди.

Амир Темур тўнғич ўғлига ўз орзуси номини қўйган — уни Жаҳонгир деб атаган эди. Соҳибқирон бу ўғлига ўнлаб йиллар мобайнида мотам тутди, чунки Жаҳонгирнинг номи билан у ўз салтанатининг келажакини боғлаб қўйган эди. Темурнинг бевақт оламдан кўз юмган фарзанди учун чеккан қайғуси шунчалик қучли эдики, у дастлаб ният қилган, сўнг мулоҳаза қилиб қайтган орзусини — салтанат марказини Қешга кўчиришни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Кейинчалик бу орзуси салтанат тақдирига салбий таъсир қилажagini

яна бир карра фаҳмлагач, бошқа бир режа тузди. У ўлимидан кейин ўглининг ёнида ётишни истади ва шу максатда Жаҳонгир мирзо мақбараси яқинида ўзига сағана тиклашни буюрди.

Ўша кунни Амир Темур сон-саноксиз мол сўйиб, пири, падари ва ўгли хотирасига элга ош таркатди.

Ўн ёшли Улуғбек мирзо Соҳибкирон бобоси Кешда бунёд этган улуғвор биноларни томоша қилиб хайрати ошар, «Қошки мен ҳам шундай бинолар тикласам!»— дея орзу қиларди. Аммо бола йиллар ўтиб ўзи ҳам бобоси курдирган бу хайбатли иморатлар ёнида Гумбази Сайидон, Қўкғумбаз масжидини барпо этишидан ҳали беҳабар эди.

Амир Темур яна бир неча кун Кешда туриб, ниҳоят доруссалтана — Самарқандга қараб йўл олди. Йўлга чиқадиган кунни асли Кеш яқинидаги қишлоқдан бўлган ва Амир Темур қароргоҳининг бошлиғи вазифасини бажарувчи Муҳаммад Қушчининг қувончи ичига сифмасди. Унинг хонадонида фарзанд туғилган эди. Соҳибкирон ҳузурига бир неча муддат қишлоғида қолишга рухсат талаб қирган Муҳаммад Қушчи чиқиб кетаётганда тайинлади:

— Ўғлингнинг исмини Али деб қўй, токим шердек бўлиб ўссин!

Аммо Соҳибкирон ҳам, қувончини ичига сифдиrolмай от қамчилаётган ота ҳам туғилган бола вақт ўтиб Улуғбек мирзонинг фарзандидек азиз шогирди ва сафдоши — Мавлоно Али Қушчи бўлиб вояга етишидан вокиф эмасдилар.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### БОҒИ ДИЛҚУШО

Кониғил ўтлоғининг этагида жойлашган улкан боғ сукунат ичида. Қоронғи кечада улкан дарахтларнинг серяпроқ шохларидан тимқора соялар ерга тўшалган. Бир-бирига ариқлар билан уланган учта ҳовузнинг сокин мавжида юлдузлар акси жилоланади. Ҳовузлар ва ариқлар теварагидаги устунларда ёниб турган машъалалар атрофга хира ва титроқ нур сочади.

Боғнинг тўрт бурчагида муаррихлар ёзганидек ат-Тоир юлдузига етгудек баланд минорлар қад кўтарган.

Боғ сахни хандаса услубида тўртбурчак шаклидаги ўтиш жойлари ва олтибурчагу учбурчак шаклидаги чаманзорларга бўлинган. Йўлаклар четига октераклар, олти ва учбурчакли чаманзорлар атрофида эса турли-туман мевали дарахтлар ва гулбуталар яшнайди. Боғнинг ўртасида уч баланд тоқли, қуббаси кўкка бўй чўзган сарой юксалган. Оқ мрамрдан тикланган бу қўшқават сарой деворлари ой нурида сутдек товланади. Узоқдан караган одам ҳам саройнинг кенг, катта, осмон ва юлдузлар акс этган кошинлар билан безатилган пештоқини яққол кўра оларди, унинг ялтираб кўриниши кўп одамларни мафтун этарди.

Саройнинг ташқи ҳовлисида боғни кўриқлайдиган навкарлар турадилар, улар мудом қуролланган, мудом буйруқка шай ҳолда турадилар. Саройнинг ички ҳовлисида эса туғлар билан безатилган олтига фил сафи зиёратчиларни хайратга соларди. Энг ички, учинчи ҳовлисида эса соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг олтин нақшли тахти ўрнатилган бўлиб, бу ерда у элчиларни қабул қиларди.

Боғи Дилкушо деб аталган бу чаманзор ва қаср соҳибқироннинг кенжа хотини малика Тўкалхоним шарафига хижрий 799-мелодий 1396 йилнинг эрта кузида барпо этилган эди.

Шому Рум юришидан қайтган Амир Темур хотинлари ва набиралари билан мана шу боғда яшар эди. Саратон чикқанига карамай, иссиқ авжида. Аммо Боғи Дилкушодаги ҳовузлар бу яшил гўшага иссиқни йўлатмайди. Бу боғга кирган киши худди жаннатга кириб қолгандай бўлади. Азим октераклару қайрағочлар чоратрофга қуюқ соя ташлайдилар. Уларнинг зич япроқлари орасидан тушиб турган куёш нурлари боғнинг пишиқ гишт ётқизилган ҳовлиси сахнига сочиб қўйилган тилла тангаларга ўхшайди. Тўрт томонда отилиб турган бир-бирига ўхшамаган фаввораларнинг қумуш зарраларида етти рангли камалак товланади. Уларнинг сувлари узра қизил ва сарик тилладан ишланган олмалар ўйнаб туради.

Тунги сукунатни ёлғиз боғ ичига оқиб кираётган ариқлару тиним билмай кўкка отилиб турган фаввораларнинг соқин жилдираши, гоҳи-гоҳида қасрдаги сонсиз хоналарда ухлаб ётган канизаклар уйку аралаш қимирлаганда қўллари-ю оёқларидаги тақинчоқларнинг жаранг-журунги бузарди. Боғ теварагини гир



ўраб, кеча-кундуз хушёр турган сокчи навкарлар ҳам фақат шу тинчликни сақлаш учун қўйилгандек эди.

Аслида бу сокчилар қасрнинг ҳовуз томонга қараган айвонидаги нақшинкор сўрида ухлаётган қариянинг оромини кўриқлайдилар. Бу қария етти иқлимни ваҳимада тутган Амир Темур эди. Дунёдаги кўп ўлкаларни забт этган, у ердаги энг гўзал масканларда хордик чиқарган, лекин ер юзида Самарканд боғларидек дилхуш ва кўркам гўшаларни учратмаган, ҳеч қаерда бу боғлардагидек хотиржам ухлаган эмас. У ҳозир тушида набираси Улуғбекни кўрарди. Шунинг учун бўлса керак, камдан-кам жилмайиб қараган соҳибкироннинг чуқур ажин босган юзида билинар-билинмас табассум зоҳир эди.

Амир Темур Шом юришидан Самаркандга шундай дабдаба билан қайтдики, узоқ вақт буюк ҳукмдорни кўрмаган Турон доруссалтанаси аҳолисининг етти яшаридан етмиш яшаригача ўз умрининг охиригача кўрмаган тантаналар гувоҳи бўлдилар.

Буюк фотиҳ энг аввал юриш пайтида чеккан заҳматлари ва қилган қаҳрамонликлари учун жангчиларни муносиб мукофотлашни ихтиёр этди. Бу тантанавор маросим Қонигил ўтлоғида бўлди. Маросим бошланиши олдидан бақовуллар Соҳибкирон ҳодирини қаршисига Самарканд, Кеш, Бухоро, Хоразм усталари ясаган турли-туман қурол-аслаҳаларни, бир-биридан зийнатли фахрий либосларни, гўзал эгар-жабдуқларни, уюм-уюм муҳрли узукларни, олтин сирғаларни, фил суягидан ясалган эгарлафу бебаҳо тошлар қадалган кумуш камарларни, бекиёс қилич-ханжарларни келтириб қўйдилар. Чодирдан анча нарида бир-биридан зотдор аргумоқлар ер тепиб, ўйноқлаб турардилар.

Қонигилга олиб келинган тортиқлар қанчалик кўп бўлмасин, Шому Рум юриши пайтида қўлга киритилган ва халқ назари учун ёйиб қўйилган ҳарбий ўлжалар олдида ушқочалик эди. Уларни юзлаб филлар ва минглаб туя-ю хачирлар кўтариб келган эдилар. Олтин ва қимматбаҳо тошларга тўлғазилган сандиқларнинг кўплигидан кўзлар камашарди. Бу шоҳона жавоҳирлар орасида Арманистон ва Гуржистон подшоҳларининг тожлари ҳамда Султон Йилдирым Боязиднинг дастори ҳам бор эди. Бу тожлар тантана ниҳоясигача парёстикчалар устида Амир Темур тахти пойида турди. Ўша куни кўшин орасида мукофотланмаган киши қолмади. Кўпчиликнинг мартабаси ошди, оддий навкарлар ўнбо-

ши, ўнбошилар юзбоши, юзбошилар мингбоши, мингбошилар туманбоши, туманбошилар амирларга айландилар.

Амир Темур шонли юриш қатнашчиларини сахийлик билан мукофтлагач, унинг йўқлигида пойтахтда салтанат ва адолат равнақиға зид ишлар қилган амалдорларни жазолаш билан машғул бўлди. Жазоға сабаб бўлган воқеалар хусусида муаррих Фасех Хавофий «Мужмали Фасехий»да шундоқ ёзади: «Ҳижрий саккиз юз еттинчи, муҳаррам ойининг ўнинчисида (1404 йилнинг 19 июлида) амир Соҳибқирон Рум ва Шом юришидан Самарқандға қайтдилар... Амир Соҳибқирон жомеъ масжиди қурилишини кўздан кечирдилар ва қурилишға ажратилган маблағни эҳтиёжсиз совурган ва кайфу сафо билан мутғасил машғул бўлган Хўжа Маҳмуд Довуд билан Муҳаммад Жалдға қаҳр қилдилар. Буларнинг айби билан қурилайётган Сароймулкхоним мадрасасининг пештоки амир соҳибқирон жомеъ масжидининг пештокидан бироз баландрок бўлиб қолган эди. Амир Соҳибқирон уларни Қонигилда қатлга етказдилар».

Хавофийнинг бу ахборотини «Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Таймур» — «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» номи асар муаллифи Ибн Арабшоҳ ҳам тасдиқлайди. Унинг қайд этишича, масжиди жомеъ қурилишига бошчилик қилиш Муҳаммад Жалд деган аъён зиммасиға юклатилган. Бирок, жомеъ масжиди иморатидан кўнгли тўлмаган соҳибқирон бу аъённи қатл этиб, унинг молу мулкини мўсодара қилган. «Бундай қаттик жазоға сабаб, Муҳаммад Жалд бошчилигида қурилайётган жомеънинг қатта малиқа (Бибихоним) қурдирган мадрасаға нисбатан пастрок ва омонат бўлганида», — деб ёзади Ибн Арабшоҳ. Ибн Арабшоҳнинг бу қайдини Шарафиддин Али Яздий ҳам тасдиқлаб ёзади: «Соҳибқирон ўзининг кўрсатмаси билан қурилган биноларнинг бири, аммо у сафарда эканлигида қўтарилган жомеъ масжидини бориб кўрганида, унинг баланд ҳиммати назарида кичик ва паст кўринди. Шунинг учун амри олий содир бўлдиким, масжидни бузсинлар ва қайтадан баландрок ва кенгрок қилиб қурсинлар. Шу даргоҳни кенгайтириб ва баланд қўтариб қуриш ишида қусурға йўл қўйганлиги учун Хўжа Маҳмуд Довуд сўроққа тутилиб жазоланди...»

Мана шу воқеалардан кейин Амир Темур хотинлари ва набиралари билан Боғи Дилқушоға кўчиб келди.



Улуғбек ҳам бобоси билан бирга эди. Боғдаги саройнинг бир неча хонаси Рум юриши пайтида Бурсада қўлга киритилган кутубхона китоблари билан тўла эди. Бир рус тарихчиси тан бериб ёзганидек, шафкатсиз ғазабнинг учқунлари чирсиллаб турган лаҳзаларда олимларга шафкат инъом қилиб, уларни навкарлардан авайлаган Темур солнома ва китобларни севимли кишиларининг ижод маҳсулидек эъозларди. Бурса кутубхонаси қашқарчи жангу жадал пайти безарар, омон қолган бўлиб, ўта эҳтиёткорлик билан Самарқандга келтирилган эди. Китоблар сақланадиган хоналарга фақат чуқур билимли кишиларгина кириши руҳсат этиларди. Улуғбек эса деярли ҳар куни ўша хоналардан чиқмасди. Амирзодага сабоқ берган уламолар ҳам вақтларини кутубхонада ўтказардилар.

Токлар чирмашиб кетган мрамор устунли, чинни безакли айвондан кириладиган хонада ётган Улуғбекнинг кўзидан уйқу қочган. Ундан уч қадамча нарида, Румдан келтирилган тахтиравонга ўхшаш ёғоч сўрида бибиси Сароймулкхоним тинчгина ухлаб ётарди. Улуғбек бугун кутубхонада рўй берган воқеаларни хаёлидан ўтказарди.

Бугун Мавлоно Аҳмад сабоқдан сўнг уни кутубхонага бошлади.

— Мирзом, мен сизнинг риёзиёт ва илми ҳайъатга бўлган рағбатингиздан қувонаман. Бурса китоблари ичида сизнинг илхомингизни қўзғатувчи шундай китоблар борки, аларни сизга кўрсатсам дегандим. Аллоҳ насиб қилса, биз аларни бирга мутолаа қилурмиз.

Олдиндан тайинланган бўлса керак, улар хонага киришлари билан китобдор сапчиб ўрнидан турди ва бир неча китобни кўтариб мавлоно Аҳмад олдига қўйди.

— Мана бу китоб, — деди мавлоно китоблардан бирини қўлига олиб, — Абдурахмон Абулхусайн ибн Умар ас-Сўфийнинг «Китоб ал-кавокиб ас-собита», яъни «Собит юлдузлар китоби»дур. Бул китобда ас-Сўфий ҳазратлари юлдузли осмон харитасини муфассал тасвир этмишлар ва салафларининг маълумотларига ҳам ойдинлик киритмишлар. Улуғ донишманднинг ёзмишларича, юлдузли осмон одамизотга марказида ўзи турган гумбаз сифатида намоён бўлармиш. Гумбаз мана шу марказ ва икки — Шимолий ва Жанубий қутб орқали ўтувчи фаразий ўк атрофида айланади, бир кеча-кундуз мобайнида тўлиқ айланиб чиқади. Яна эътироф қиладиларки, осмонда юлдузлар ҳад-худудсиз

бўлишига қарамай, катталиги ва жойлашув тигизлигига кўра ўзаро фарқланишига ҳам эътибор бермоқ жоиздир. Ана шунда энг ёрқин юлдузларни ва бошқа юлдуз туркумларини осонгина ажратиш мумкин бўлур. Бу китобнинг арабча нусхасидур.

Мана бу эса...— Мавлоно Аҳмад бошқа китобни кўлига олди «Собит юлдузлар китоби»нинг форсий нусхасидур. Ани Мароғада расад тиклаган Носириддин Тусий ҳазратлари таржима қилмишлар.

Мана бу китоб эса,— мавлоно Аҳмад учинчи китобни кўлга олди,— фалакшунослар пири Батлимуснинг «Алмажастий» китобларидур. Бул кўхна китобда Батлимус ҳазратлари 1022 юлдузни ўзида мужассам этган 48 юлдуз туркумини муфассал тасвир қилмишлар, аларнинг ҳар бирининг осмон гумбазидаги ўрнини, қолаверса, 12 буржнинг жойлашувини аниқ кўрсатмишлар.

Мавлоно Аҳмад бирин-кетин бошқа китобларни ҳам кўлга олиб, ҳар бирининг маънисини хақида мухтасар тарзда тушунтира бошлади.

— Мана бу китоб Иккинчи Арасту номи ила машхури жаҳон бўлган ал-Фарғоний ҳазратлари томонидан битилган «Китоб фи жавомеъ илм ан-нуҷум ва усул ал-ҳаракат ас-самовия» яъни «Юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёриткичлари ҳаракатининг асосини кўшувчи китоб»дир. Мана бу рисола эрса, Абу Маҳмуд Хўжандий ҳазратлари ихтиро қилган Судси Фаҳрий деб аталган асбоб баёнида битилган асардурким, ҳеч бир расад бу асбобсиз иш юргизолмас.

Улуғбек сўнгги китобни устози кўлидан эҳтиром билан оларкан, кўз ўнгида Мароғада кўрган расадхона гавдаланди. У китобни авайлаб варақларкан, дилидаги ҳаяжон тилига кўчиб гапирди:

— Аллоҳ таоло насиб этса, биз ҳам Самарқандда расад барпо этурмиз.

Мавлоно Аҳмад шогирдига маънодор тикиларкан, ёшгина боланинг бу гапидан ажабланмади. Илло у аллақачон Улуғбекнинг келажакда иктидори буюк бир олим бўлиб етишишига имон келтирган эди.

Тўшақда ётган Улуғбек ҳозир ат-Тусий китоби баҳона айтилган сўзларини эсларкан, вужудини аллақандай ҳаяжон чулғаб, ташқарига чиқиб юлдузларга тўйиб-тўйиб қарагиси келаетганини сезди. Бола ухлаб ётган бибисини безовта қилишни истамагандек, секин

кўрпадан сирғалиб чикди ва охишта кадам босиб ташкарига чикди.

Боғи Дилкушо жим-жит ва коронғи эди. Бола ховуз юзида акс этган юлдузлар жимжимасини кўриб хайратга тушди. У жимжимадан кўзини узолмай ховузга якинлашди.

Панада турган соқчи навкар шахзодани таниди-ю, нима қилишини билмай, ўйга ботди. «Бундай бевакт маҳалда амирзода нима қилиб юрибди?»— деб ўйларди у. Аммо шахзодага якинлашишдан хайиқди, факат зийраклик билан болани кузата бошлади. Шовкин чиқарса, соҳибқирон уйқусини бузса, нима бўлиши ёлғиз худога аён.

Шахзода эса мрамар ховуз четига ўтириб олди, сўнг енгил қавшини ечиб, оёғини сувга тикиб, ўйнай бошлади. Ховуз юзи мавжланиб, унда акс этган юлдузлар жилоси сув бетига ўйнай бошлади. Соқчи тўсатдан ўзига таниш одам шарпасини сезиб қолди-ю, ранги оқариб қотиб қолди. Шарпанинг хайбатдор овози тун сукутини бузди, шахзода кўркиб кетганидан ховузга тушиб кетишига сал қолди.

— Ярим кечада нима қиляпсиз, мирзо?

Бола шошиб ўрнидан турди. Ундан беш-олти кадам нарида Амир Темур турар, унинг кўзлари жиддий боқар эди.

— Юлдузлар...— деди бола жилмайиб.

— Юлдузлар...— Амир Темур ховузга қаради.— Ҳа, юлдузларми?..

Соҳибқирон набирасига якинлашиб, унинг кўзларига тикилди.

— Ховуздаги аксига эмас, юлдузларнинг ўзига тикилмоқ завқли эмасму, Улуғбеғим?

Бобо билан набира ёнма-ён туриб кўзларини осмонга тикдилар. Серюлдуз осмон гумбази Боғи Дилкушо устига тўнтариб қўйилгандай эди. Бирдан Соҳибқироннинг хотирасида болалик кунлари жонланиб, завқи келди.

— Юринг, мирзо, гумбаз устига чиқамиз,— деди у набирасига ғалати тикилиб: Кўп ўтмай бобо билан набира сарой пештоқи устида пайдо бўлдилар. Нафаси қисилган Соҳибқирон тепага чиққач, анча вақтдан кейин тинчланди. У бир пайтлар атайлаб ўзи олиб чиққан курсида ўтириб, набирасига мағрибда зумрад нур сочиб турган Зухро юлдузини кўрсатиб, гап бошлади:

— Ул кавокиб карвонларга йўл кўрсатгувчидир. Аммо у ҳаётда адашганларга нажоат йўлини кўрсатиб беришга ожиздир. Ҳаётда адашмай десангиз Акл, Тафаккур юлдузи кўрсатган йўлдан боринг. Аклу Тафаккур инсон учун Зухро юлдузидан ҳам чароғондур...

Соҳибкирон ҳамма катта ва ёруғ юлдузларнинг номларини яхши биларди.

— Ана каранг, мирзо, хув анави юлдуз ал-Вокъедур; ана униси насри тойир, хув ёнма-ён порлаётган икки юлдузни Фуркадон деб атайдилар. Ана бу биров тарик селиб кўйгандай кўринган юлдузлар ғужуми Хулкардур...

Бобо набирасига муғомбирона тикилди-да, бир четда ёлғиз товланиб турган юлдузни кўрсатаркан:

— Хув анави юлдузни Шаъри дерлар, — деди.

Улуғбек ажабланиб бобосига ялт этиб каради, сўнг:

— Йўк, бобожон ул Суходур, — деб эътироз қилди.

Соҳибкирон набирасини синаш учун атайлаб юлдуз номини чалкаштирганини сездирмай, жиддий бош силкиди:

— Оре рост, Улуғбек, ул Суходур.

Осмонга тикилиб турган Улуғбек тўсатдан:

— Ия! — деб юборди.

— Нима бўлди, мирзо? — деди ажабланган соҳибкирон.

— Пайкадамингизми, бобожон, хув анаву томонда бир юлдуз ёниб турарди. Бугун эса кўринмайди.

Набирасининг зийраклигига яна бир қарра таҳсин ўқиган Соҳибкирон кулимсираб жавоб берди:

— Ўша сен йўқотган юлдузни Алғул дейдилар. У ғалататвор юлдуздур: уч кун ёниб, сўнгра сўнади, кейин яна пайдо бўлиб, аввалгидек порлаб тураверади.

— Бунинг сири нимада? — деб сўради таажжубланган Улуғбек.

— Бунинг сири Аллоҳнинг иродасида яшириндур, — деди Амир Темур, — Бандалари бу сирни англашга ожиздурлар.

Улуғбек осмонга тикилганча, ўйга чўмди. Бироздан сўнг оғиз очди:

— Аллоҳ таоло бандаларига сиз Зухро юлдузига киёслаган аклу тафаккурни ато қилган экан, иншооллох, бу сир ҳам кун келиб аён бўлғусидур.

Соҳибкирон набирасининг бу сўзларини эшитиб, лол қолди, у хатто нима дейишини ҳам билмас эди.

Пастда қорайиб шовиллаб ётган Боғи Дилкушо,

олида кундузги ташвишдан хориган Самарканд уйку огушида эди. Ахён-ахёнда боғ билан шаҳар ўртасидаги зулматда килтираган нур кўринарди. Бу ҳаловат нималигини билмаган ва соҳибқирон тинчини кўриклаган сокчи навкарларнинг кўлларидаги машъалалар. Улар тўсатдан ҳар жой-ҳар жойда пайдо бўлиб товланишар, аммо улар заминни қуршаб олган зулматни ёритишга ожиз эдилар. Юлдузлар эса чегараси ва ниҳояси номаълум осмонни ёритиб, осмонга зеб бериб, Боғи Дилкушо ўртасида бўй чўзган сарой пештокида турган чол билан боланинг юрагини чароғон этардилар.

Тўсатдан қаср олдида безовта аланглаган Сароймулкхоним пайдо бўлди. Унинг ортидан бир тўда канизак эргашган эди. Боғ ичи бир пасда шовкин-суронга тўлди. Тенада турган Соҳибқирон овоз бергач, бобо билан набирага кўзи тушган канизакларнинг нафаси ичига тушиб, жимиб қолишди. Фақат панада турган сокчи навкар ҳамон ўзини сездирмай атрофга безовта алангларди.

Сароймулкхоним пастга тушган эри билан набирасини суюниб қарши олди.

— Жуда кўркиб кетдим,— деди малика Соҳибқиронга яқинлашгач. У набирасини кучоқлаб, пешанасидан ўпаркан, ўпкалади:

— Кўркитиб юбордингиз-ку, болам!

Соҳибқирон маликага бир оғиз гапирмай, «Хўп, мен кетдим!» дегандек, бош силкиди-ю, айвонга қараб кетди. Улуғбек ҳам бобосига эргашди. Канизаклар ҳам сассиз соялардек сирғалиб, кўздан йўқолдилар.

Сокчи йигит хотиржам бўлди. У қўлидаги найзага пешонасини босаркан, «Ҳадемай тонг отади!» — деб ўйлади.

Боғи Дилкушо яна сукут ичида қолди. Бу сукунатни фақат октеракларнинг сокин шовиллаши, боғ ичига оқиб кираётган ариқлару, тиним билмай кўкка отилган фаввораларнинг сокин жилдираши бузарди. Осмонда юлдузлар гужғон ўйнарди.

## ЧУМОЛИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Улуғбек чўккалаб олганича, ўймакор лавҳга кўйилган китобни варақлаб, мутолаа қилади. Унинг олдидаги китоб фалакиёт илмининг пири саналган юнон донишманди Батлимуснинг «Алмажастий»си эди.

Фалакиётга оид дастлабки асарлар, илмда қабул этилган юлдуз туркумларининг аксарияти ҳам қадимги Юнонистонда тузилган эди. Милоддан анча аввалроқ юнонлар осмонга қадимги дунё худолари ва ғаройиб жасоратлари билан доврўғ таратган афсонавий қаҳрамонларни, шунингдек хайвонлар ва хилма-хил буюмларни «жойлаштириш»ган. Ушбу юлдуз туркумлари қадимги шоирларнинг шеърӣ сатрларида, книдлик Евдокс, Эратосфен, Тимохарис, Хиппарх, Менелай каби фалакшуносларнинг илмӣ асарларида тасвирлаб берилган. Аммо Шарқда Батлимус номи билан ном чиқарган Клавдий Птолемейнинг «Алгамест» асари кўпроқ машҳур эди. Араблар бу китобни «Алмажастий» деб аташарди.

«Алмажастий»да Батлимус 1022 юлдузни ўз ичига олган 48 юлдуз туркумини муфассал тасвирлаган, ҳар бир туркумнинг осмон гумбазидаги ўрнини белгилаган, шунингдек, фалакиёт илмида жуда муҳим ўрин тутган 12 буржнинг жойлашувини аниқ кўрсатган эди. «Алмажастий» араб тилига Бағдоддаги «Байтул Хикма»да фаолият юргизган олимлар томонидан ўгирилган. Китоб таржимаси билан ал-Ҳажжож ибн Юсуф ва Хунайн ибн Исҳоқ машғул бўлишган. Улуғ ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний эса «Алмажастий»даги ҳар бир бобга шарҳ ёзганлар, «Алмажастий» ўттиз боб бўлганидан ал-Фарғоний шарҳлари ҳам ўттиз бобдан иборат эди. Ал-Фарғоний бу асарини «Рисолат ул-фусул мадҳал фил-Мажастиӣ ва хуво солосул фаслан» («Алмажастий»нинг бобларига кириш ва у ўттиз бобдан иборат») деб атаган эди.

Улуғбек китобни қайта-қайта ўқиб чиқар, аммо сўзлари ёд бўлиб кетгани билан ундаги фикрларни англашга қийналар эди. Жимжитлик кўйнидаги бокка шу яқин ўртадаги, мулозимлар яшаган орқа ховли томонидан болаларнинг қий-чуви элас-элас, худди гала-гала бўлиб учаётган қушларнинг чуғуллашига ўхшаб эшитиларди. Бола ўша томонга бир зум тикилиб қолади, сўнг кўзини яна китобга тикади. Яна ёд бўлиб кетган жумлаларни такрорлай бошлайди.

Бу китобни устози Мавлоно Аҳмад назорати остида бошлаган эди. Аммо яқинда мавлоно бобосининг топшириғи билан Хиротга жўнаб кетди-ю, Улуғбек боши берк кўчага кириб қолди. Мана, қарийиб бир ҳафтадан бери, олдидаги китобни хижжалаб ўқийди. Мавлоно Аҳмаднинг ёнида бўлмаганидан, номаълум тушунча-

ларни сўраб оладиган кишиси йўқлигидан боланинг аччиғи чиқади.

Мавлоно Аҳмаднинг айтишича, «Алмажастий» кўл-ёзмасини кўплаб марта кўчириб ёзиш оқибатида Батлимуснинг собит юлдузлар жадвалида талай хатолар ва чалкашликлар пайдо бўлганки, уларга ойдинлик киритиш зарур эди. Бундан бир неча аср аввал бу мушкул вазифани машхур олим Абдурахмон ас-Сўфий ўз зиммасига олиб бажарган эди. У ҳар бир юлдуз туркумини изчиллик билан кўриб чиққан ва ўзининг кузатишларига асосланиб, унга кирувчи барча юлдузларнинг ўрни ва катталигини текширган. Ас-Сўфий бу меҳнати натижасида жами 1017 юлдузнинг аниқлаштирилган жадвалини тузган эди.

— Аммо орадан қарийиб беш юз йил ўтди, бу жадвални илму урфон етишган боскичдан туриб, янгидан аниқлаштириш лозим,— деган эди мавлоно Аҳмад.— Аммо бунинг учун расад тикламок зарурдир.

Улуғбек ўшанда «Тезроқ улғайсаму бир расад тикласам!» — деб ўйлаган эди.

Мавлоно Аҳмад Хиротга кетгандан бери Улуғбек саволлари билан бобосининг холи-жонига қўймайди. Бобоси ҳам набираси олдида уялиб колмаслик учун жавоб беришдан аввал узок мушоҳада қилади. Бола эса етти ухлаб тушига кирмаган нарсалар билан кизикади, ҳамма нарсани билгиси келади. Чунончи, нега куёш ёзда барвакт, кузда кеч чиқади? Иссик ва совук нимадан пайдо бўлади? Нега булутнинг ранги оқ? Шунга ўхшаш сон-саноксиз саволларки, буларнинг баъзилари Амир Темурнинг ўзига ҳам маълум эмас. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон гапни хамиша ўз ҳаёти билан боғлиқ бирор воқеага бураркан, бола диққатини бошқа нарса билан машғул этишга уринарди. Кейин эса саройдаги уламолардан сўраб-суриштириб, ёки китоб титқилаб набираси саволига жавоб изларди.

Улуғбек китобдан бош кўтараркан, каршисида қулимсираб қараб турган бобосини кўрди.

— Ҳа, Улуғбегим, нега боғ суқунда десам, китоб кўраётган эканлар-да,— деди Амир Темур.— Бу кетишда баҳодурлиғни унутиб, мулло бўлмасангиз, деб қўркаман.

Бобоси бу гапларни пичинг аралаш айтганини сезган Улуғбекнинг юзи дув қизарди. Сўнг бобоси фикрини чалғитишга уриниб:

— Бобожон, мана бу суратни қаранг,— деди,— Ма-

на бу Қавс юлдузининг шаклидур. Ас-Сўфийнинг ёзишларича, араблар бу юлдузда сувлокка бораётган туякушни кўришган эмиш...

— Илло, Сомон йўли дарёга киёсланган-да,— деди Ас-Сўфийнинг китоби билан яхши таниш Амир Темур. Бобо шундай деди-да, набираси кўлидаги китобни олиб хонтахта четига кўйди.

— Китоб ўқиғанингиз бугунча етар,— деди сўнг жиддийлик билан.— Қолаверса, бу китобни ўкимокка хали ёшлик қилурсиз. Фахмимча, уни қайта-қайта ўқиб англамаяпсиз, шундоқму?

Улуғбек маъюс киёфада «Ха!» дегандек бош силкиди.

— Қани, юринг, боғ айланамиз,— деди Амир Темур. Набира бобосига эргашди.

Боғ айланишаркан, Соҳибкирон набирасига озгина навқар билан кўп сонли рақибга қарши қандай жанг қилиш ҳақида сабоқ бера бошлади. Икковлон узок вақт ёнма-ён юриб боғдаги бинафшазор атрофини айланишди. Тўсатдан Темур тўхтаб диққат билан ерга тикилиб қолди. Улуғбек бобоси нигоҳи қадалган томонга қараб, чумоли уясига кўзи тушди.

— Дунёда чумолидек меҳнатқаш жонзот йўқ,— деди Соҳибкирон, сўнг «ялт» этиб набирасига қараркан, хиёл кийик кўзлари қулимсиради.

— Хоҳласангиз, чумолидек митти жонивор менга қандай кўмак бергани ҳақида хикоя айтиб берурман,— деди Темур. Кейин набирасининг кўзида кизиқиш сезиб, хикоясини бошлади:

— Бу воқеа менинг сарсонун саргардонлик кезларим юз бергон эди. Ўшанда йигирма олти ёшда эдим. Аввал сизга хикоя қилган эдимки, олтмиш икки кунлик зиндонбандликдан қутилиб, Хуросон мулкида беҳаловат кун кечирардим. Бир куни тўсатдан хузуримга Сеистон ҳукмдорининг элчиси кўп совға-салом билан келиб қолди. Сеистон малики мenden иттифоқчи бўлишни ва катта бир юмушда унга кўмак беришимни сўраган экан. Суриштириб кўрсам, мени чорлаган малик Маҳмуд мулки ўшанда исён ичида қолган экан. Унинг кўп амирлари, шу жумладан унинг биродари ҳам ёвбошлик йўлига кирган эканлар. Кун сайин малик Маҳмуднинг аҳволи танглашиб, исёнчиларнинг қўли баланд келаётган эмиш. Малик Маҳмуд ёрдамим эвазига менга Сеистондаги бир неча қалъани ҳадя қилажagini ваъда қилган эди.



Мен ўша кездеги иттифокдошим амир Хусайн билан маслаҳатлашдим: унинг бир ўзи менсиз Сеистонга борадиган ва малик Маҳмудга ёрдам берадиган бўлди. Аммо орадан кўп муддат ўтмай амир Хусайн менга чопар юбориб, агар мен тезда аскарларим билан ёрдамга шошмасам; унинг ўзи исёнчи амирларга бас келиши кийинлигини маълум қилди. Мен дарров кўшиним билан йўлга отландим ва Сеистонга етиб бордим. Малик Маҳмуд Сеистоний катта хадялар билан мени қаршилаб кутиб олди ва менга кўп иззат-икромлик кўрсатди. Ҳатто у умрининг охиригача менга сидқидиллик билан хизмат қилиши ҳақида Қуръон устида қасамёд қилди. Мен маликнинг самимийлигига ишониб, унга ёрдам қилишга киришдим.

Сеистон хукмдорининг душманлари мен етиб боргунга қадар еттита қалъани қўлга киритган эканлар. Шу қалъаларнинг бирига тунда, кутилмаган бир паллада ҳужум бошлаб, тўрт тарафдан ўровга олдим. Жанг бир кеча-кундузга чўзилиб, менинг фойдамга ҳал бўлди ва мен қалъани қўлга киритдим. У ерда жуда кўп бугдой газираси бор экан, ҳаммаси бизга ўлжа бўлди. Аммо амир Хусайн мендан сўраб ўтирмасдан бутун ўлжани ўз навкарларига улашиб берди. Мен қалъани олишда ҳеч иштирок этмагандек, бунга аҳамият бермаган кишидек бўлиб турдим.

Бу қалъага амирни тайинлаб, бошқа қалъа томон юрдим. Қалъадаги кўшин ва аҳоли деворларга чиқиб, бизга каттиқ қаршилиқ кўрсатдилар: мен қалъанинг ичига кириш учун кўп куч ишлатдим. Аскарларимнинг кўпчилиги минг бир машаккат билан қалъа тепаси устига чиқиб олди, шунда қалъа ичидагилар ночор аҳволда қолганларини англаб, биз келишимиз билан «Ал-омон, ал-омон!» деб бизга таслим бўлишдан бошқа чора тополмадилар. Бу қалъадаги ўлжани ҳам амир Хусайн мендан сўрамай-нетмай ўз кўшинига бўлишиб берди. Мени бу гал ҳам амир Хусайннинг бу гуноҳини кечдим.

Кейин мен учинчи қалъа устига юрдим. Бу гал амир Хусайнни ўзимга шерик қилмадим. Бу сафар энди биз ёнига яқинлашиб бўлмас мустаҳкам бир қалъага истехкомларига дуч келдик. Мен баходирларимга, қалъага чиқиш учун каманд нарвонларини тайёрлашни буюрдим. Тонгга яқин карнайлар чалишни буюрдим ва «Аллоҳу акбар!» дея сурон солиб навкарларим билан қалъага ҳамла қилдим. Навкарларим шиддат билан

олга юриб, қисқа фурсатда ичкарига кириб олди ва қалъа бизга таслим бўлди.

Эрталабки бомдод номозини ўқиб бўлганимдан сўнг менинг олдимга асир олинган қалъа одамларини қўлларини боғлиқ ҳолда келтирдилар. Бу қалъада ҳам мен жуда катта ўлжани қўлга киритдим, Амир Ҳусайннинг ўзи келиб, мени бундай мустаҳкам қалъани фатҳ этганим билан табриклаган бўлди. Зафарли жанглари тўғрисидаги хабар чор-атрофга тарқалди.

Менинг бу ғалабамдан душманлар ҳам қўркиб, талвасага тушдилар. Малик Маҳмуд Сеистоний қолган тўрт қалъадан ёрлиқлар олди, уларга эгалик қилиб турган амирлар ўз қалъаларини қаршилик кўрсатмай малик Маҳмуд Сеистонийга топширишларини ва уни олий ҳукмдор деб тан олишларини билдирдилар. Шу билан баробар бу талвасакор амирлар малик Маҳмуд кўнглига қулғула солиб: «Агар Амир Темур Сеистондаги барча қалъаларни бир бошдан қўлга киритса, сени мамлакатингдан маҳрум қилади, бизни эса соғ қўймайди. Кел, яхшиси унга қарши бирлашиб курашайлик!» — деган мазмунда кетма-кет мактуб ёзган эдилар.

Малик Маҳмуд Сеистоний уларнинг бу сўзларига учиб, тунда менга билдирмай мактуб йўллаб уни авраган амирлари томонга кочиб ўтиб кетди. Кўп ўтмай улар бирлашиб менга ҳужум қилмоқчи бўлишгани хабари менга етиб келди.

Мен ҳам пайсалламай ўз қўл остимдаги навкарларни уч гуруҳга бўлиб чиқдим. Буронғоримга бир қисм навкарларим билан амир Ҳусайн қўшинини қўйдим, бошқа бир қисм қўшинимни жувонғорга белгиладим, ўзим бўлсам энг сара баҳодирларим билан қалбада — марказда турадиган бўлдим. Биринчи қаторда камончиларни, иккинчи қаторда найзадор жангчиларни жойлаштирдим.

Жанг ашаддий бўлди, ҳар икки тараф беомон жанг қилди. Мен ўзим жангнинг энг қизиган маҳалида ўн икки баҳодирим билан урушаётганларнинг ўртасига — ўровга тушиб қолдим. Сеистонлик бир амир бошига энди қилич ураман деган ҳам эдимки, қаршидан отилган икки ўқ вужудимга «шарт» этиб санчилди: бири — оёғимга, бири — қилич тутган ўнг тирсагимга. Илк дафъа оғриқни сезмадим, сеистонлик амир бошини сапчадек узиб ташладим. Аммо кўп ўтмай кўп қон йўқотганим туфайли кўз ўнгим хиралаша бошлади. Қачон ҳушимни йўқотганимни билмайман, ўзимга кел-

сам, бир яйдок даштда ётибман. Мени жанг майдонидан олиб чиққан амир Жоку бошлик баходирлар ёнимда давра куриб ўтиришарди. Уларнинг суҳбатини индамай эшитарканман, сеистонликлар мағлуб бўлиб қочганларини билиб олдим. Мен душман оркага юз ўгириб, чекинган маҳалда ҳушдан кетган эканман. Яна шуни билдимки, бир қанча баходирларим, шу жумладан амир Хусайн ҳам жангдан кейин аҳволимни кўриб, мени ўладига чиқариб, ташлаб кетибдилар.

Амир Жоку мени Хурмуз тарафига олиб кетди. Денгизга яқин бир овлок жойда манзил қурдик. Аҳволим борган сайин баттарлашиб ҳаётдан умидим қолмади. Бирга келган айрим амирлару навкарлар ҳам мени ташлаб кета бошладилар. Дунё унутган бир бечора одамга айландим. Ярам узок битмай азоб берди. Инсон боласи пешонасига қандай азоб-уқубат битилган бўлса, шуларнинг ҳаммасини тортдим. Дунё мени унутганига ишониб, мен ҳам уни унутишга қарор қилдим. Бу аҳволим билан на жанггу жадалга, на бошқа бир жиддий амалга ярайман, деб ўйлаб кеча-кундуз ўртанар эдим. Мана шундай умидсизлик чоҳидан мени бир чумоли олиб чиқди.

Хурмуз тарафларга баҳор келган кезлар эди. Миноб дарёси оқиб тушадиган олисдаги тоғларнинг ёнбағирлари қалин қор тўшаклари билан ёпиғлик бўлсада, совуқ чекинган, водийдаги юпка қорлар эриб, ер ҳам офтоб кўрида секин-аста илий бошлаган эди. Соқин ойдин тунларда далаларда уна бошлаган уруғларнинг тирсиллашини эшитса бўлар-гўё олам назаридан пинҳон сон-санони номаълум кўринмас мавжудотлар ўзаро шивирлашаётгандек...

Дарахт таналари бўйлаб, томирлардан шохларга қараб оби ҳаёт шарбати югура бошлади. Ҳавони тотли нордон ислар тутиб кетди, далаларда ихрож униб чиқди, майсалар кўкарди, чимзорларда мойчечаклар, кизгалдоқлар, нафис сариқ наргислар гул оча бошлади.

Ҳар нарсда ва ҳар ёқда кўклам тантана қиларди: бири бирини охулардек қувиб юрган денгизнинг оппоқ кўпикли мавжларида, кўпчиган далаларни қоплаб улгурган яшил сабзаларда, ғунчаларини ёза бошлаган атиргулларда, жўшиб оқаётган асов Миноб тўлқинларида ва кун сайин тўлиб оқиб, тошиб чиқаётган лойқа арикларда, мазорлардаги сарвларда, анорзор боғларда, кунботарда алвон тусга қирадиган уфқда, ғирашира осмонда чакнаб турган порлоқ шом юлдузларида

ва биз манзил қурган адир теграсидаги сувларда — хар нарсада, хар ёкда кўклам тантана қиларди. Аммо мен буларни сезмасдим, хис қилмас эдим. Вужудимда кундан-кунга кучайган умидсизлик оғриғи мени енгиб, мен тобора ўлим ҳақида ўйлайдиган бўлиб борардим.

Денгиз тарафлардан кўчманчи қушлар Мовароуннахр томонларга қараб учиб ўта бошладилар, шунда юрагимда шундай кучли бир аламли соғинч уйғондики, ўзимни қўйишга жой, беомон ҳаёллардан қутилишга имкон тополмай қолдим. «Энди буёғи нима бўлади? Қандай қилиб от минаману қандай қилиб қиличбозлик қиламан? Она юртимни кўраманми, уни топтаб ётган ёғийлар билан жанг қилоламанму? Еки ватандан узоқ бир чеккада хору зор яшайманму?» — деб ўйлардим, учиб ўтаётган қушлар ортидан изтироб билан термилиб.

Оёғимни зўрға босиб, далалар томонга кетдим. Юриб-юриб бир ёлғиз дарахт остида бориб тўхтадим. Уни яшин урган, танаси қуйиб қорайиб кетган эди. Аммо ўлик дарахт танаси остида янги насл кўкариб чиққанини кўрдиму ҳаяжонланиб кетдим. «Мана ҳаётга муҳаббат! Мана умид ва орзунинг тимсоли! Мана кимдан ўрганишинг керак, Темурбек!» — деб ўйладим. Кейин дарахт ёнидаги харсангтошга ўтирдим.

Офтоб шууридан ва азобли уйқусизликдан кўзларим ачишаркан, қўйнимдан, бир пайтлар зангори тусда бўлгану қўлма қўл юравериб, ранги ўчган, кўкимтир тус олган чарм билан муковаланган мўъжазгина китобчани олдим. Бу Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари жамланган китоб эди. Уни Самарқанддаги китоб расталаридан бирида сотиб олган эдим. Бирдан кўнглимда тақдиримни билмоқ учун китоб орқали фол очиш истағи туғилди-ю, китобнинг тўғри келган жойини очдим. Очдиму назарим тушган ҳикматни ўқиб, йиғлаб юбордим. Қайта-қайта ўзимни ҳаяжонга солган сатрларни ўқирдим:

*Кўзум намлик, дилим ғамлик, жон аламлик,  
Нечук илож этаримни билмам, дўстлар.  
Бу ҳасратда, надоматда ёшум оқиб,  
Қаю тараф кетаримни билмам, дўстлар.*

Китобдан бошимни кўтариб, ярамдан кўра кўпроқ зиркираб азоб бераётган юрагимдан дардни аритмоқчи бўлган каби кўксимни силаб, дамба-дам хўрсинардим, гоҳ кўзларимни азоб билан осмонга қаратиб тип-тиник

осмонда чарх ураётган ёлғиз бургутни кузатиб, гоҳ умидсиз нигоҳимни ерга тикиб, қаршимдаги харсангтош ёриғидан чиқиб, тепага ўрмалаётган чумолилар карвонига тикилиб ўтирардим. Шу қадар изтиробда эдимки, гоҳ ўзумни унитиб, кўксимдаги ханжарни ушлаб-ушлаб қўярдим — жонимга касд қилгудек аҳволда эдим.

Тўсатдан чумоли карвонининг бир четида ғимирсиланаётган майиб чумолига кўзум тушди. Мен босиб олдимми, ёки бошқа бир сабабданми, чумолининг бир оёғи мажақланган эди. У тизилиб тепага ўрмалаётган бошқа чумолилар ортидан тош устига чиқишга уринарди. Аммо ярим қаричча кўтарилгач, ерга учиб тушди. У яна тошга келиб ёпишди. Бу гал ҳам бир қаричча кўтарилиб-кўтарилмай яна ерга қулади. Мен кўз узмай, унинг ҳаракатларини кузатардим. Майиб чумоли тақдирига ган бермади, яна ҳарсангтошга ёпишди, яна ярим йўлга етмай, ерга учиб тушди. Бу ҳолат қайта-қайта такрорланди.

Ниҳоят чумоли минг бир машаққат билан тош устига ўрмалаб чиқди ва у ердаги нон ушоқларининг бирини орқалаб, изига қайтди.

Мен ичимда майиб чумоли матонатига қойил қолдим. Шунда тўсатдан ичимда ўйладим: «Шу ожиз чумоличалик эмасмусан, Темурбек? У қисматига кўнмай, ўз ҳаёти, ўз вазифасини бажариш учун машаққатлардан кўркмай шунчалик курашади-ю, сен Аллоҳ таоло тилу забон берган, онгу тафаккур берган инсон бўлатуриб, умидсиз бўласанму?!»

Ўрнимдан туриб, орқага қайтар эканман, бутун атрофим ўзгарганини сездим; энди ёзилган барра япрокларда шудринглар йиғилган, ғуж-ғуж товланган бу симобранг томчиларда сарҳадсиз яшил осмон акс этиб турарди. Олис-олисда мавжланиб ётган денгиз устида эса паға булутларни эслатиб гала-гала бўлиб чағалайлар учиб юришарди.

Ҳа, Улуғбегим, мени ҳаётга қайтарган чумоли бўлади, — деб хикоясини якунлади Амир Темур.

Улар кечгача Боғи Дилкушони кезиб юришди. Куёш доларанг уфққа қараб оғгандан кейингина кўшкка қараб йўл олишди. Йўлда келишаркан, боғ ўртасидаги ариқ устида қурилган кўприкда бир зум тўхтаган бобо қақшол қўлини набира елкасига қўяркан, яна оғиз очди:

— Агар тақдиримда баҳодирлиғ ҳаваси бўлмағони-

да эди, балки мен ҳам юлдузлар илми ила машғул бўлардим.— Амир Темур бир нафас тўхтаб сукут қилгач, давом этди.— Ҳозир ҳам юлдузлар тилини мукаммал биламан. Аммо юлдузларсиз ҳам суюкли набирам тақдирини олдиндан кўриб турибман. Ма-на, Самарқандга келгандан берин сизни кузатаман, табиатингиз шаклланишига разм соламан. Ҳозирда-ёқ сизнинг қайси йўлдан боришингизни айтиб берса бўлади. Бунинг учун гўё юлдузлардан маслаҳат сўрагандай бўлиб кўринишнинг асло ҳожати йўқ-дур.— Бобо муғомбирона кулимсираб набирасига зимдан тикилди.

Улуғбек яна бир нарсани кутгандек, бобосига қараб кўйди. Темур андак хомушлиқдан сўнг давом этди:

— Мен сизнинг қандай ташналик билан илм олишингизни кўриб, билиб турибман. Агар юлдузларнинг тили бўлганда, эҳтимол менинг айтганларимни тасдиқлар эдилар! — Бобо бирдан ҳаяжонланиб кетди. Ҳаяжонланганда эса у баъзан набирасини сенлаб гапирарди.— Сенинг йўлинг машаққатли бўлур! Ниҳоятда каттиқ меҳнату заҳматдан иборат бўлур! Сен гоҳ сарсон, гоҳ султон, гоҳ қочок, гоҳ қувғинди бўлурсан! Аммо аминманки, юрагингда ёниб турган нарсадан — илму урфон йўлида жон куйдириб ишлашдан асло тоймая-жаксан!

Темурнинг овози тобора кўтарилиб, панжалари Улуғбекнинг елкасига ботиб борарди.— Сен ҳамиша майиб чумоли ҳақидаги ривоятимни ёдда тут. Қийинчиликлар олдида тайсалланиб ўтирма, уларни енгишни ўрган! Чумолидан ўрган!

Улуғбек бобосининг сўзларидан ҳаяжонланиб кетди. Бир оғиз сўз айтмай, бобоси қўлини олиб кўзларига суртди. Бобо ҳам суюкли набираси бошини силар экан, меҳри ийиб кетди, ой ёруғида киприклари йилтиллаб кетди. У болани бағрига босаркан, кулоғига шивирлади:

— Аммо қилич чопқилаш машини ўзум кузатаман. Шунини унитмангким, қиличнинг ақл яратган, яъни ўзини ҳимоя қилиш учун кашф этгандур...

Эртаси кун Амир Темур Ҳиротга чопар жўнатди. Соҳибқирон ўғли Шохрух даргоҳида хизмат қилаётган фалакшунос Қозизода Румийни Улуғбекка сабоқ бериш учун Самарқандга олиб келишни буюрган эди.

Улуғбек эса ҳар гал китоб мутолааси пайтида қийин жумбоқларга дуч келганда, уларни четга сурмас, сабр

билан ечишга уринарди. Энг кийналган чоғлари қулоғи остида бобосининг овозини эшитарди:

— Чумолини унутма! Чумолидан ўрган!

## **ЯНГИ САБОҚЛАР. ОВДАГИ ХОДИСА. САНДИҚ.**

Амир Темур набирасининг қулоғига шивирлаб айтган сўзларини унутмади — Улуғбекнинг камонбозлик ва қиличбозлик машқини шахсан ўзи назоратга олди.

У бир пайтлар, йигитлик кезларида ўз навқарларига қандай қаттиққўллик қилган бўлса, ўн ёшар Улуғбекка ҳам ўта талабчанлик билан сабоқ берди. Аввалги устозлари амирзодани аяб, қаттиқ гапиролмаган бўлсалар, бобо набирасини сира аямади, қунт билан сабоқ берди.

Набирасининг камон ипини қанча куч билан тортмасин, нишонга уролмасликдан чўчиб, хаяжонланаётганини сезган Соҳибқирон кескин оҳангда таъкидлади:

— Нишонга уриш учун факат куч ила кўз эмас, ишонч ҳам лозимдур, мирзо. Ёлғиз машқда эмас, жангда ҳам ишончи кучли жангчиларгина ғолибдур. Кўркмасанг — енгасан!

Камонбозликдан сўнг отда туриб жанг қилиш машқи бошланарди. Ойқорга минган Улуғбек қилич, қалкон ва найзани қўлга оларди. Биринчи кун «Машқда қалкон нимага керак?» дегандек бобосига ҳайрон бўлиб қараган эди, жаҳонгир:

— Хужум қилишни эмас, ўзини пухта ҳимоя қилишни билган доно жангчидур. Қалкон машқда чикора деб ўйлама, уни ишлатишни машқда ўрганмасанг, қачон ўрганасан? — дея уқтирди.

Улуғбек чап қўлини қалкон илгагидан ўтқариб, найзани ушлади, ўнг қўлига эса қилич тутиб хужумга шайланди. Соҳибқирон машқ учун атайлаб ясалган, усти кигиз билан ёпилган одамсимон тулубга қараб от чоптирган набирасининг ҳар бир ҳаракатини зийраклик билан кузатар экан, унинг камчиликларини кўрсатиб турарди.

— Найзани маҳкамрок ушлангиз! Отни тезлатингиз! Тезрок! Яна тезрок! Қилични суғурингиз! Урингиз! Барақалло! Қайтингиз! Энди найза ила хужум қилингиз!

Улуғбек қанча тиришмасин, дастлабки кунлар от

чоптириб хужум қилишни ўргангунча она сути оғзига келди. Аммо бобоси унга раҳм қилишни ўйламади. Сокин боғ четидаги ялангликда соҳибқироннинг ҳайбатли овози тўхтамай янгради:

— Ўнг кўлингиз толикса, чап кўлингиз ила савашинг! Кани, ҳа, қилични чапга, найзани ўнгга олингиз!

— Сўл кўл ила чопкилашмоқ шартму? — деб мингирларди Улуғбек бобосига эшиттирмай. Аммо соҳибқирон худди унинг кўнглидаги гапларни эшитиб-билиб тургандек, хитоб қиларди:

— Сўл кўл ила савашинг, сўл кўл ила...

Набираси ҳаракатларидан кўнгли тўлмаса, уни тўхтатиб, қайта-қайта уқтирарди:

— Жанг пайти душманга ўнг кўлдан келсангчи, демайсиз, мирзо. Ёғий тўрт томонингиздан ёприлғай... Кани, бўлингиз... Отни... отни тезлатингиз! Қилични кўтарингиз, урингиз! Яна!.. Яна! Яна урингиз!

Аммо ҳафталик машқдан кейин салтанатнинг шарқий сарҳадларига жўнатилган амирзода Халил Султон билан амир Шоҳмалик қайтиб келдилару соҳибқирон бўлажак Хитой устига юриш режасини пухталашга киришди. Шу сабабдан Улуғбек яна устозларидан сабоқ олиш билан машғул бўлди, яна китоблари билан ёлғиз қолди.

У боғ четидаги шийпонда ўрнашиб, кун бўйи мутолаа билан машғул бўларди. Кечалари ҳам алламаҳалгача бола яшаган хона деразасидан таралган заиф шам нури тунги боғ кўйнига сочиларди Бибисининг ташвиш билан айтган гапларини эшитганда, бола жилмайиб китобдан бош кўтарар, аммо ҳаёли китобдан узилмасди.

— Улуғбек, болагинам,— деб ёлворарди Сароймулкхоним,— бундай қилаверсангиз, бобогизга айтаман. Қаранг, юзингиз заъфарондек саргайиб кетибмиш. Иброҳимга ўхшаб тенгқурларингиз билан ўйнаб-кулиб юрсангиз дейман! Ҳеч бўлмаса, бориб амакиларингизни кўриб келсангиз дейман!

Улуғбек бибисининг жой куйдириб айтган сўзларини эҳтиром билан тинглар, аммо ўйин-кулгу ҳақидаги гапларни қулоғи ёнидан ўтказиб юборарди.

Шундан кейин Сароймулкхоним пайт топиб, Амир Темурга набирасидан арз қилди. Соҳибқирон Малика гапини индамай тинглади, сўнг суриштириб, набираси сабоқхонада эканини билди. Илло, Сароймулкхоним арз қиламан деб пайт пойлагунча, Хиротдан чақирил-



ган Мавлоно Қозизода Румий доруссалтанага етиб келган, мана, икки кундирки, Улуғбек янги устози сабоқларини олаётган эди. Шунга карамай, Амир Темур малика сўзини ерда колдиришни истамади, набирасини кўрмокчи бўлди.

Сохибқирон амирзода сабоқ олаётган хонага яқинлашаркан, ичкаридан Мавлоно Қозизода Румийнинг овозини эшитди. Мавлоно мударрисларга хос баланд ва равон товушда уқтирарди:

— Қамар миёни замин ва офтоб хомил шавад ва рўйи офтобро бипушад...

Амир Темур тамоқ кириб, ўзига хос гарзда ташрифидан огоҳ қилгач, хонага кадам кўйди. Аллақачон қад ростлаган мавлоно билан набираси таъзим бажо этдилар. Сохибқирон қошини чимириб, икки кўлини кўксига кўйиб, бош эгиб турган устозу шогирдга синовчан тикилди. Улуғбек кўз остидан бобосига назар ташларкан, унинг нимадандир аччиқланганини фахмлади. «Бибим арз қилганмикан?» — деб ўйлади бола.

— Мавлоно, — деди Амир Темур ниҳоят, — нечун иккинги хам турк бўлатуриб, форсийда сўйлашасиз?

Овознинг ва саволнинг залворидан мавлоно Румий елкаси қисилиб, қадди баттар эгилди. Бобосининг саволи Улуғбекни хам гангитиб кўйди.

— Бу қандай холки, фарзандлар оналарини хор этсалар?!.. Ё тилингиз онангиздек азиз эмасму, мавлоно?! — Темурнинг босиқ овози хонанинг ичини тўлдириб, бутун хавони сиқиб чиқаргандек мавлоно Қозизода Румийнинг юзи бўғриқди. — Ахир, тоқайгача турк ҳукаюлари ўз тилларини писанд қилмайдилар?! Ахир, ҳазрат Ибн Сино турк фарзанди эмасмидилар? Ё Арастуи Соний бўлмиш ҳазрат Фаробийни турк онаси туғмаганмидики, турк тилини кўйуб, арабу форсийда китобларини битдилар? Кўзларини тўрт очиб турк тилининг кўрки-ю фазилатини кўра биладиган фарзандлар қачон туғилгайлар?! Қачон?! Айтнинг, мавлоно, қачон?! ...Қачон бир вафодор фарзанд туғилгаю, турк тилига ўгайлик қилмас, фарзандлиғ қилгай?!.

Амир Темур жавоб кутмай, ортига қайрилди. Сўнг остонада тўхтаб, мавлонога қарата гапирди:

— Мен турклик қаддини тиклайман деб дунёга келганман, мавлоно! Яна билурманки, унинг қаддини ёлғиз қиличим зўри эмас, сиздек ҳаким зотларнинг тафаккури кўтаргай... Истайманким, набирамнинг онгига фақат илму ҳикматни эмас, ҳозир мен айтган гапларни

ҳам сингдирсангиз! Илло, шунда оддий устоз эмас, отадек яқин устоз бўлурсиз!

Амир Темур мавлонодан кўзини узиб, набирасига қаради. Орада жимлик чўкди.

— Улуғбек, — деди ниҳоят у, — Ҳозир бўлинг, эрта шикорға кетамиз. Зомин тарафларға!

Бобоси сўзини эшитган набира олдидаги китобларни тахлай бошлади, сўнг токчада хуржунни олиб, унга китобларни солишга шайланди. Боланинг бу қилиғини кўриб Темурнинг ранги ўзгарди:

— Болалик қилманг, мирзо, бунақада китобларни хор қиласиз-ку! Китоб мукаддас нарса, уни авайлаш керак. Туз-намакни, ота-онани, устозни қандай кадр этиш лозим бўлса, китобни ҳам шундай эъзозлаш жоиз... Сиз китобларни хуржундан олинг-да, токчага тахта-танг. Овни китоб ила эмас, ўк-ёй ила қилгайлар. Бўлинг, мирзо...

Темур сўзини яқунлаб, қотиб турган, Мавлоно Қознодаги кўз кирини ташлаган бўлди-ю, хонадан шитоб билан чиқиб кетди. Мулзам бўлиб қолган Улуғбек китобларни тахлар экан, яшил чарм билан муқоваланган дафтарни токчадан олиб кўйнига яширди. Сўнг ов учун маҳсус тикилган либосларини ҳозирлаш учун ташқарига отилди.

Ез охири эди. Эрта саҳарда Боғи Дилкушодан чиққан бир тўда суворилар Кўҳак дарёси устидаги кўприкдан ўтиб Зомин тоғлари томонга йўл олдилар. Олдинда Амир Темур билан унинг эски сафдоши амир Шоҳмалик, уларга изма-из Улуғбек мирзо билан Иброҳим Султон борардилар. Ҳаммалари чопон остидан енгил совут кийиб олганлар. Орқада от йўрттириб келаётган мулозимлар кўлида лочинлар, елкаларида овбоп ёйкамалак. Лочинларнинг бошларига чарм қалпоқчалар кийдирилган. Яна орқарокда озиқ-овқат ва чодиру палослар ортилган хачирлар борарди.

Улуғбек остида Соҳибкирон бобоси Ойқор деб ном берган корабайир бир маромда йўртиб боради. Бобоси бу отни набирасига Рум юришига чиқиши арафасида тақдим қилган эди. Темур бу отни Норин соҳилларидан келган бир навқар остида кўриб қолган, эски синчи эмасми, тулпорнинг кўркамлиги-ю зотдорлигидан ҳайратда қолган эди. Кейинчалик у норинлик навқарни рози қилиб, отни ўзига олган ва набирасига тортик этган эди.

Биз арабий, туркманлий отлар таърифини кўп эшит-

ганмиз. Аммо ўрни келгани учун айтиб ўтиш жоиз, бизнинг она юртимиз, хусусан Фарғона отлари қадимги замонларда жуда машҳур бўлган.

Тарихдан маълумки, ўтмишда Довон деб аталган Фарғона водийсида етиштирилган корабайирлар бир неча марта Хитой билан Довон ўртасида уруш очилишига сабаб бўлган. Хитойликлар Довон отлари довуғини эшитиб, уларни қўлга киритмоқ мақсадида неча қарра бостириб келганлар. Мана шундай урушларнинг бири мелоддан аввалги 102-йилда бўлган. Хитой сарқардаси Ли Гуанли бошчилигидаги 60 минглик қўшин Довон пойтахти бўлган Қосонни келиб қамал қилган. Довонликлар мардона жанг қилганлар. Хитойликлар эса қамал узок чўзилганини кўриб, «Агар Довон аргумоклари бизга берилса, қайтиб кетамиз!» дейишган. Аммо хитойликларнинг омади юришмай, катта талофатлар кўриб чекинадилар. 60 минг кишилик қўшиндан 10 минг киши, қўлга олинган 30 минг отдан бор йўғи минггаси Хитойгача етиб борган.

Фарғона отларининг таърифи қадимги хитой шеърисида ҳам акс этган. Ўтмишда яшаган машҳур хитой шоири Ду Фу «Жаноб Фаннинг Фарғонадан келтирилган аргумоғи» шеърида шундай ёзади:

*Мана, машҳур аргумоқ,  
Фарғона унга Ватан!  
Қулоғи нақ бамбукнинг  
Япроғидек тиккайган.  
Қара, қандай кўркам у,  
Қандай узун оёғи!  
Бўронларни уйғотар  
Кўтарилса тўғи!  
Сенга йўлдош бўлса у,  
Кўрқмай йўлга кетарсан.  
Қанча узок бўлмасин,  
Манзилингга етарсан.  
Шундай отинг бор бўлса,  
Ҳамиша кўнглинг тўқдир:  
Сен учун бу дунёда  
Узоқ-яқин йўл йўқдир!*

Улуғбек минган Ойкор ана шу Ду Фу таърифлаган Фарғона отларининг наслидан эди.

Овчилик қарвони кечга яқин бир манзилга етди. Бу тоғ билан дашт оралиғида жойлашган, атрофи ов ки-

лишга бол чакалакзорлар билан куршалган хушманазара водий эди. Бу яшил гўшага жон киргизиб турган мўъжиза — водийнинг турли жойларидан отилиб чиккан мусаффо булок сувлари-ю, тоғлардан оқиб тушаётган ирмоқлар эди. Бу сувлар атрофида бўй чўзган муаззам кайрағочлару ёнғоқлар, ўриклару бодомларнинг сарғая башлаган, аммо ҳали куюк япроклари ерга тангача офтоб туширмасди. Овчилар босиб ўтган дашт қўйнида ўт-ўланлар аллақачонлар қовжираб кетганига қарамай, бу масканда ажриқ ҳамон кўм-кўк яшнаб турарди.

Эртаси кун и узоқка кетмай, теваракда ов қилдилар. Тоғ ичида илвасинлар, густовуқлар, каклигу беданалар шу қадар кўп эдики, ҳатто уларни қўл билан ҳам тутса бўларди. Улуғбек бошлиқ гуруҳ манзилга эрта қайтиб келди. Овланган қушларнинг сон-саногини кўп эди. Мулозимлар дарров ишга киришдилар, улар чодирлар олдида гулханлар ёқиб, семиз жониворларни тилимлаб сикга тортиб пишира бошладилар. Чўгга ёғ томиб жизиллаб аланга оларди. Ҳамма ёқни қабоб ва тоғ кўкатларининг хушбўй хиди тутиб кетган эди.

Улуғбек қайрағоч соясидаги гиламга чўзилиб, қўйнидаги дафтарни олди. Одатда Улуғбек ҳар сафарги ов қаерда ва қандай ўтганлиги, қанақа жониворлар овлангани, уларнинг умумий сонини мана шу махсус дафтарга қайд эттириб қўярди.

Вақт ўтиб, бу дафтар ҳақида муаррих Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида ғаройиб бир воқеани ёзиб қолдиради. Муаррих шундай ҳикоя қилади:

«Мирзо Улуғбек фаросати ҳам хотирасининг қуввати шу даражада эдиким, ҳар жойда бирон жониворга ўқ отиб, ов қилса, бу тарихни эслаб қолар, воқеа қайси кун и, қаерда содир бўлганлигини жониворлардан қайсилари овланганлигини дафтарга битиб қўяр эди.

Тасодифан ўша дафтар ғойиб бўлди ва қанча қидирсалар ҳам уни тополмадилар. Дафтарни сақловчилар саросимага тушдилар. Подшоҳ деди: «Ташвиш тортманглар, мен дафтарга ёзилган гапларни бошдан-оёқ ёд биламан». Шундан кейин подшоҳ қотибларни чакиртириб айтиб турди, улар ёзиб олдилар. Янги дафтар тўлган ҳам эдики, аввалги йўқолган дафтар топилди. Ҳар иккала дафтарни солиштириб, тўрт-беш ихтилофдан бўлак фарқ топмадилар. Онҳазрат истеъдоди, ўткир зеҳни борасидаги бундай нақллар кўпдир»...

Эртаси кунни катта ов бошланди. Таърифга сигмай-диган гаройиб бу ҳодиса ҳар сафар Улуғбекни лол қилади. Овчилар дастлаб лочинларни ишга соладилар. Овчи кушлар мовий кўкка ўрлаб бирин-кетин ерга шиддат билан ташланиб, ўткир чангалларини ўлжаларига ботиришга киришадилар. Тустовуку қуёнларнинг жон аччиғида фиғон солишлари дамба-дам эшитиларди. Улуғбек гоҳ осмонда, гоҳ заминдаги ур-йикитларни хаяжон билан томоша қиларди. Лочинлар унинг теграсида қуюндек учиб ўтишарди-да, кўкка ўрлаб, сузиб юришарди ва қамишлару буталар орасида жонини сақлашга уринган жониворларга дадил ҳужум қилишарди.

Кейин йирик ҳайвонларни ов қилишга ўтдилар. Тонг отмасданоқ водий теварагини қуршаб олган мулозимлар белгиланган товушни эшитишлари билан чакалакзорлардаги ёввойи эчкилару кийикларни овчилар турган жойга ҳайдадилар.

Улуғбек бобоси билан отдан тушмай буталар панасида беқиниб туришарди. Тўсатдан улар қаршисидаги очик жойда улкан кийик югуриб чиқди. Уни кўрган соҳибкирон:

— Қани бўлинг, Улуғбек! — деб шивирлади.

Улуғбек шошилди, отидан бир сакраб, шудрингдан ҳўл ўт устига тушди-да, ерга эгилганча, шамол эсаётган томонга юзланиб, кийик тўхтаган жойга қараб пусиб бора бошлади. Бола юраги гурс-гурс ўраётганини эшитарди. Соҳибкирон нафасини ичига ютиб набираси ҳатти-ҳаракатини қузатарди. Бирдан унинг ранги қордай оқарди. У кийик турган жойдан ўн беш-йигирма кадамча нарида ҳужумга шайланиб турган йўлбарсни кўриб қолган эди. Соҳибкирон остидаги от хавф-хатарни олдиндан сезган, кимир этмас, у таёкдек қотиб қолган эди.

Амир Темурнинг тоқати тоқ бўлди. У орқасида шитирлашни сезиб ўгириларкан, амир Шоҳмаликнинг доқадек оқ башарасини кўрди. Амир ҳам сакрашга чоғланган куйи шайланиб турган йиртқични кўрган эди.

Кийик ҳам бир нарсадан ҳадиксирагандек, бошини азот кўтариб, қулоғининг динг тутди. Узок юургани ва кўркувдан унинг икки биқини тушиб-чиқар, авзойи бадани қалтирарди. Йўлбарс эса йўл-йўл бели ўт-ўлан орасидан илондек тўлғаниб, чилвирдек эшилиб, тобора унга яқинлашиб борарди. Кийик йиртқич хидини туйган, хавф-хатар яқинлашиб келаётганини сезган эди — у тўсатдан ўзини чакалак ичига урди, аммо у ёқдан

кучайиб келаётган оломон шовқин-суронидан ҳайкиб яна очик жойга чиқди. У икки ўр орасида қолганини пайкаган, саросимада олазарак боқарди.

Темур набирасига қараб: «Эҳтиёт бўл!» — деб қичқиришга оғиз жуфтлади-ю, лекин бу аралашуви қандай тугабини билмагани учун жим қолди. У отидан тушди ва набираси турган томонга сассиз қадам ташлади.

Худди шу пайт ўлжасига яқинлашиб қолган йўлбарс бир сакради-да, ўт-ўлан устидан учиб, оҳиста чўкди ва яна бор кучи билан сакраб, кийик томонга отилди. Қийик шаталок отиб қочди. Аммо йирткич унга етиб олиб, олдинги панжалари билан бир уриб кийикни йикитди. Ўша лаҳза Улуғбек узган ўк шувиллаб учди. Ўк йўлбарс вужудига ботиб, у ерга шалпайиб тушди. Қийик эса дахшатдан кўзлари чақчайиб кетганича, ўрнидан туришга уринарди Ярадор йирткичнинг жони оғриб ўкириб юборган бўлса-да, яна чайқалиб ўрнидан турди. Ўлжасининг қочаётганини кўргач, у яна кийик томонга ташланди, аммо сакраш асносида, каттик хириллади-ю, гурсиллаб ерга кулади, дам ўтмай нафаси ўчди. Бола узган ўк йирткичнинг юрагига ботган эди.

Амир Темур набираси олдига чошиб борди. Унинг ордидан бошқалар ҳам жонсарак бўлиб, зир югуриб келардилар — ерда уларнинг соялари лип-лип ўйнарди. Гаранг бўлиб, каёкка қочишини билмай қолган кийикка ҳеч ким киё боқмас эди. Жонивор тўсатдан олдинга ташланиб, ўт-ўланлар устидан дик-дик сакраб кўздан ғойиб бўлди.

— Қўрқдингизму? — деб сўради Соҳибкирон набирасидан.

— Қўрқдим...— деди кизарганча Улуғбек — Аммо кейин бир сўзингизни эсладим.

— Хўш... — Соҳибкирон набирасига синовчан тикилди.

— Бир машваратда «Қўркмасанг — енгасан» деганингиз ёдимга тушди.

— Ҳақиқатни айтмоқдан уялманг, мирзо,— деди Амир Темур набираси кўзларига боқиб.— Бошга қилич келса-да, рост сўзлангиз. Бу жангдаги баходирлигдан кам эмас, устундур...

Улар манзилга қайтишганда, овда бўлиб ўтган воқеани аллақачон ҳамма эшитган эди. Овга чиққан амирлар бирин-кетин келиб, Улуғбекни ажойиб ўлжа билан табриқладилар, мулозимлар эса ёшгина амирзо-

данинг жасоратини тилдан қўймай, унга афсонавор тус бериб, қиссагўйликда бир-бирлари билан баҳс қилардилар. Соҳибқирон набирасининг ҳаёти бир лаҳза бўлса-да хавф-хатар остида қолганини ботинан англаса-да, набирасининг баҳодирлигидан қувонарди.

Кечкурун Самарқанддан чопар келди. У анчадан буён келиши кутилган Миср мамлуклари султони Фараж, Қастилия қироли Ҳенрих Учинчи ва Хитой фағфури йўллаган элчилар кетма-кет доруссалтанага етиб келганлари хабарини етказди. Амир Темур элчиларни қандай кутиб олингани ва қаерга жойлаштирилгани хусусида суриштиргач, доруссалтанани тарк этишидан аввал берган кўрсатмалари тўла бажарилганини фахмлаб, хотиржам бўлди.

Гарчи элчи йўллаган уч ҳукмдор билан ўртада юзга чиккан муносибатлар турлича бўлса-да, Соҳибқирон ҳар учала элчиликни ҳам тантанали кутиб олиб, шаҳар атрофидаги энг гўзал боғларида жойлаштиришга фармон берган эди. Соҳибқирон ҳар учала элчилик қай мақсад билан келганидан ҳам яхши хабардор эди. Агар Қастилия қироли Ҳенрих Учинчи уни турк султони Боязид устидан қозонган ғалабаси билан табриклашни мақсад этган бўлса, Хитой фағфури Амир Темурнинг навбатдаги юриши бу гал албатта Хитойга қарши бўлишидан ташвишланиб, Соҳибқирон билан алоқани яхшиламоқ ниятида эди. Миср султони Фараж бўлса, Турон султонининг вассали сифатида унга яна бир карра ўз итоатини билдиришни кўзлаб элчиларни юборган.

Амир Темур чопарни Самарқандга қайтараркан, тайинлади:

— Бориб айтгинким, мен эрта-индин йўлга чиқаман ва худо хоҳласа, доруссалтанага етиб, Боғи Дилкушо-да қўнғайман.

Аммо элчиларга Амир Темур хаста деб айтсинлар... Шошил!

Яна икки-уч кун тоғ билан дашт орасидаги водийда қўнғил ёзган Соҳибқирон тонг саҳарлаб Самарқандга қараб йўлга тушди.

Йўлда кетишаркан, Улуғбек бобосидан ўзини қачондан бери қийнаб келган муаммони сўраб, билмоқчи бўлди. У Соҳибқирон билан ёнма-ён от йўрттириб бораркан:

— Нега муҳрингизда айнан «Рости-русти» деган ҳикматни нақшлагансиз? — деб сўради.

Қиссахонликни беҳад суйган Амир Темурнинг ўзи ҳам ҳикояту нақл айтишни ёқтирарди. Ўрни келса ўз далилларини албатта бирор ривоят билан асослашни маъқул кўрарди. Набирасининг саволини эшитгач, у бир зум ўйга ботиб қолди-да, оғиз очди:

— Бул саволингизга жавоб беришдан аввал бир ҳикоят айтсам...

Бир подшоҳ бор экан. Кўп одил подшоҳ экан. Бир кун у вазирига айтдиким: «Мен ҳаж тавоф қилмоққа борурман, сен борурмусан?». Вазир айтдиким: «Эй подшоҳи олам, тахтни бўш қўйиб Каъба тавофига борсангиз, эл-халойиқ боштоқ бўлмасму?». Нима қилишини билмаган подшоҳ айтдиким: «Унда нима қилай? Ҳаж тавоф қилмасам, мусулмонлигим қолдиму? Маслаҳат бер!». Шунда вазир шундай деди: «Бунинг йўли бордур, подшоҳим. Сиз ҳаж қилғон ҳожининг ҳаж савобини сотиб олсангиз бўлмай!». Подшоҳ ҳам: «Майли, боргин, менга ҳаж қилғон ҳожи савобини сотиб олиб бергин! Тоқим қиёматда ҳажилар билан тургайман»,— деди. Вазир: «Подшоҳ учун ҳаж савобини сотадиган борму?» деб мамлакат айланаркан, бир манзилда бир кимарсаға йўлуқди. Ул киши айтдиким: «Фалон ерда бир зоҳид бортуруп. Йигирма қатла Каъбага яёв борибтурур ва тагин ҳаж қилибтурур ва ҳеч кимнинг ошиини емас, анга боринг. Ул бир ҳаж сотса, подшоҳ учун олинг».

Бориб ул зоҳидни подшоҳ хузурига олиб келдилар.

Подшоҳ айтдики: «Эй зоҳид, бир йўли қилғон хажингнинг савобини бизга сотурмисан?»

Зоҳид айтдики: «Эвазига нима берурсан?»

Подшоҳ айтди: «Минг қизил танга берайин!»

Зоҳид айтдики: «Минг қизил танга оз туруп».

Подшоҳ айтди: «Эй зоҳид, оз бўлса, ўн минг қизил танга берайин!»

Зоҳид айтдики: «Бу ҳам оз туруп».

Подшоҳ айтдики: «Оз бўлса, ўзинг не тиласан тилагил, ўшани берайин».

Шунда зоҳид айтди: «Эй подшоҳим, бир ҳаж не бўлмай, йигирма хажимнинг савобини сенга берайин, сен бир соат адолат қилғонинг савобини менга берсанг!»

Подшоҳ хайрон қолиб сўради: «Эй зоҳид, бир соат адолат қилғоннинг савоби на бўлур?»

Зоҳид айтдиким: «Бир соат адолат қилғоннинг саво-



би одамларнинг ва фаришталарнинг ва хурларнинг ибодатидан ортиқтурур!»

Энди англадингизми, Улуғбек, нечун мен муҳримга «Рости-русти» сўзини нақшлаган эканман? — деб ҳикоясини савол билан яқунлади Амир Темур.

Улуғбек «Ҳа!» дегандек бош силкиди. Дам ўтмай Амир Темур яна гапирди:

— «Рости-русти» дегани «Адолат — кучда» деганигина эмас, унинг маъниси бениҳоядир. «Рост бўлсанг, ҳақ бўлсанг, ҳақгўй бўлсанг, ўсгувчисан, кучлисан», ёким «Ҳақиқатварлик, ростлик кучингга куч қўшгувчидир!» маънолари ҳам бор эрур!

Улуғбек Самарқандгача Ойқор устида тебраниб, бобоси сўзларини ўйлади. Ўйларкан, улғайса, бобосининг бу улуғ шиорига содиқ бир хукмдор бўлажagini ният қилди.

Боғи Дилқушога етиб келган чоғиёк, Улуғбекнинг сабри чидамай китоблари турган хонага ошиқди. Аммо овга жўнаш олдидан тоқчада тахланган китоблар ўрнида йўқлигини кўриб, хонага кирганича қотиб қолди. Тўсатдан унинг кўзи бурчакда турган мўъжазгина сандиққа тушди. Бундай гўзал, гулдор нақшлар билан зийнатланган сандиқни у ҳалигача кўрмаган эди. Улуғбек бир нарсани фаҳмлагандек, югуриб бориб, сандиқ қопқоғини очди. Очди-ю, қувончини яширолмай кийкириб юборди. Сандиқ ичида унинг китоблари тартиб билан тахлаб солинган эди.

Бола ортида кимдир турганини сезиб, қайрилиб қаради. Ортида бибиси кулиб турарди.

— Бу сизга, — деди бибиси. — Бобонгиз уни атайин сизга атаб сандиқсоз усталарга буюриб, ясаптилар!

— Илоҳим, бобомиз дунё тургунча турсинлар! — деди Улуғбек эхтиром билан қўлини кўксига босганча.

Амир Темур совға қилган китоб сандиғи Улуғбек мирзога умрининг охиригача ҳамроҳ бўлди. Унинг ўлимидан сўнг эса Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлган Али Қушчи устозининг китоблари солинган бу сандиқни Рум тарафга олиб кетди.

Хозир бу сандиқ Туркияда, Истамбул шаҳридаги Тўпкопи музейида сақланади. Мабодо, ўша томонларга йўлингиз тушса, унга бир кўз ташлаб, улуғ аждодлар санъатига ҳурмат бажо келтириб, бобо билан набира хотирасини ёд этмокни унутманг.

## РИВОЯТЛАР

Мен ўтган бобларнинг бирида Амир Темур ва Мирзо Улуғбекка бағишлаган кўп нақлу ривоятлар борлигини айтиб, киссани ўқиш давомида бу нақлу ривоятлар билан сизни таништиришга ваъда берган эдим.

### БИРИНЧИ РИВОЯТ

Самарқанд шахрининг жанубий сарҳадида қадимий бир ёдгорлик бор. Соҳибқирон ва унинг набираси ҳақида тўқилган афсоналарнинг бири мана шу кўхна обиданинг вайрон бўлиши билан боғлиқ ҳолда яратилган. Аслида бу ёдгорликнинг на Темурга, на Улуғбекка боғлиқ жойи бор, у Соҳибқирон вафотидан қарийб ярим аср, Улуғбек ҳалокатидан бир неча йил кейин — темурий ҳукмдорлардан бўлмиш Султон Абусайид замонида, унинг хотини Ҳабибабегим томонидан бевакт кўз юмган фарзанди Соҳиб Давлатбека шарафига қурдирилган.

Бу ёдгорлик ҳақида муаррих Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг «Самария» асарида қуйидаги маълумотларни ўқиймиз:

«Ҳожа Абдидарун мазорининг шимолида бўлиб, халқ томонидан «Ишратхона» деб аталадиган юксак дахма улуғ ҳарам мастураси Давлатбека дахмасидур. Унинг онаси амир Жалолиддин кизи Ҳабиба Султонбегим ушбу гумбазни бино қилдируб, турмоқ учун бир неча ҳужра солдиргандир».

«Ишратхона» номи аслида «Ашратхона»дир, яъни бу ном ўнта хона деган маънони билдирган. Йиллар ўтиб, оддий халқ маъноси ўзига номаълум «Ашратхона»ни изоҳлаш жуда осон «Ишратхона» деган сўзга айлантириб юборган. Биз «Бибиҳоним киссаси» китобимизда мана шу муносабат билан яратилган афсонани ҳам айтиб ўтган эдик.

Фаранг олими Алфонс де Ла Мартин таърифлаганидек, «афсоналар орасида юксалган Самарқанд»да яшаган халқ ҳар бир тарихий воқеани сирли ва ҳавасли бўлишини истаган ва шу жиҳатдан Самарқанддаги ҳар бир улуғ ёдгорлик яратилишини, унинг қисматини бу тупроқда яшаган улуғ, донишманд фарзандлар, биринчи навбатда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек номи

билан боғлаган, шукухли ва ибратли наклу ривоятлар тўкиб асрлар давомида ўз хотирасида авайлаб-асраб келган. Мен сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган биринчи ривоят мана шу Ишратхона ёдгорлиги билан, аниқроғи унинг вайрон бўлиши билан боғлиқдир.

Эмишким, Шому Румдан зафар қучиб қайтган Улуғ Фотиҳ-Амир Темур Кўрагон энди бўлажак Хитой юришига ҳозирлик бошлаб, кўзланган ҳарбу жанг режасини тузишга киришди. Шу сабабдан у Фирузбоғдаги Ишратхонада ўзининг жанговар амирлари, ёшу улуғ ботир фарзандлари-ю набираларини йиғиб махфий мажлис қурди. Мажлис бир неча кун давом этса-да, ҳеч яқун топмас эмиш. Боғни уч халқа қилиб ўраган соқчи навкарлар кеча-кундуз хушёр тортиб Соҳибкирон ва мажлис аҳли тинчлигини сақлашар экан. Амир Темурнинг фармони олийсига биноан, боғга бирор киши киргизилмас ва бирор кишининг ташқарига чиқишига йўл қўйилмас экан.

Худди ўша пайтда Соҳибкироннинг набираси Улуғбек мирзо Кўксаройда экан. У эрталабдан сарой бўйлаб бетоқат юрар; аммо ўзини нима безовта қилаётганини билмас экан. Хаёлига ҳадеб бобоси келаверар экан. Охир-оқибат Улуғбек мирзо қоғоз-калам олиб, саройдаги энг баланд минора устига чиқиб, кечаси билан ухламай, тўлин ой ёруғида ҳисоб-китоб билан машғул бўлибди. Унинг мақсади бобосига бирор хатар ҳавф солиш-солмаслигини билиш учун Амир Темурнинг толеъномасини тузиш, бобосини эрта-индинги ҳаётига юлдузлар ҳукми қандай эканлигини билиш эди.

Ёш мунажжим аввал баландликни аниқлаб, олдидаги қоғоз устига юлдузлар ҳолатини билдирувчи толеънома жадвалини чизди. Сўнг юлдузларнинг йиллик жойлашишини аниқлади, уларни 12 бурж бўйича жойлаштирди ва ниҳоят тонгга яқин натижага эришди. Аммо натижага қараб, Улуғбекнинг ранги оқариб кетибди. Саҳм ус-саодат ва саҳм ул-ғайбнинг ҳар иккиси жуда қиска — бир неча соат ичида Амир Темур ҳаёти ҳавф-хатар остида қолишини кўрсатиб турарди.

Улуғбек мирзо нима қилишини билмай, гангиб қолибди. Ниҳоят у тезлик билан Фирузбоғга бориб, бобосини Ишратхонадан олиб чиқишини англаб етибди ва минорадан тушиб, отини қамчилаб, бобоси турган манзил томонга қараб ўқдай учибди. От чоптириб бораркан; бобосини қандай қилиб Ишратхона қўшқидан олиб чиқишни ўйлабди. Чунки у Амир Темурнинг Фи-

рузбоғга ҳеч кимни, ҳатто амрзодалару маликаларни ҳам буйрук бўлмагунча киритмасликка фармон берганидан хабардор эди-да. Бўлиб ўтган воқеани то кўрикчи навкарлар бошлиғига тушунтиргунча, у кириб Соҳибқирондан руҳсат олиб чиққунча анча вақт ўтиши маълум эди. Ниҳоят, Улуғбек бир қарорга келиб, отини кичаб бораберибди.

У Фирузбоғни ўраб турган биринчи ҳалқа кўрикчиларини кўриши билан қиличини яланғочлабди ва бор кучи билан қийкириб от чоптирибди. Унинг важоҳатини кўрган кўрикчи навкарлар нима қилишларини билмай қолибдилар. Кўрикчиларнинг талвасага тушишидан фойдаланиб Улуғбек мирзо шиддат билан уч халқани ҳам бузиб, ўтиб кетибди. Ва тўхтамай от билан Соҳибқирон бобоси мажлис қуриб ўтирган кўшк ичкарисига бостириб кирибди. У худди ҳужумга шайланиб, қиличини кўтариб олганча, уни гоҳ бу амир, гоҳ у мирзо боши устида ўйнатар ва тўхтамай ҳайбатли овоз билан бақирар экан. Бу дахшатомуз ҳолдан кўркиб кетган амирлару мирзолар кўшкдан ташқарига қочиб чиқа бошладилар. Бир гуруҳ хос навкарлар хангу манг қолган Амир Темурни олиб чиқибдилар. Кўшк ичида одам қолмаганини кўрган Улуғбек ҳам ховлига отилиб чиқибди.

У кўшкдан чиқиши билан Амир Темур буйруғи билан навкарлар тўрт томондан ёпирилиб, Улуғбекни отдан тушириб, қўлидан қиличини тортиб олибдилар. Сўнг уни оёғини ерга тегиздирмай Соҳибқирон олдига олиб борибдилар. Суюкли набирасининг кўз кўриб, қулок эшитмаган қилмишидан бениҳоят қаттиқ ғазабланган Амир Темурнинг ранг-рўйи оқариб кетган экан. У хали эс-хушини ўнглаб ололмай турган Улуғбекка яқинлашиб, қаҳр билан сўрабди:

— Бу нима қилганинг, падаркусур?!

Аммо Улуғбек мирзо бобосига жавоб беришга улгурмабди. Худди ўша лаҳза гулдуреган бир овоз келиб, осмону атроф қоронғулашгандек бўлиб, ер қаттиқ силкиниб, у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлабди. Бу зугумга дош беролмаган кўшк деворлари тарс-тарс ёрилиб, бирин-кетин гурсиллаб қулай бошлабдилар. Рўйи жаҳонни чангу тўзон қоплабди.

Ниҳоят, ер силкиниши тўхтаб, чангу тўзон тарқалиб, Соҳибқирон хануз қаршисида бош эгиб турган набирасини кўрибди. Улуғбек бошини кўтариб:

— Мана шу сабадан бетамизлик қилдим, бобожон!— дебди.

Амир Темур Кўрагон бор гапни англабди-ю, хаяжонланиб суюкли набирасини кучоқлаб, пешонасидан ўпибди. Сўнг набирасига:

— Бу ҳолни нимага асосланиб билдинг?— деб сўрабди.

Улуғбек икки кўлини кўксига қўйиб, бобосига жавоб берибди:

— Мен сизнинг ҳаётигиз хавф остида қолгани башоратига энди етган эдим, яъни, бобожон, толеъномангизни аниқлаган эдим, аммо бу қандай хавф-хатар эканини билолмай, нима қилишимни билолмай турганимда, тўсатдан мен турган минора кошени кўчиб, бу даҳшатли ҳолни билдирган толеънома даражаси ҳарфи устига тушиб, уни эзиб ташлади. Шу сабадан кўнглимда «Бобом ҳаётига бўлган хатар зилзиладандур ва бу хавф бир соат ичида бўлажак» деган фикр туғилди. Ҳа, бобожон, бу саҳм ул-ғайбнинг иши бўлди.

Бу сўзларни эшитиб Соҳибқироннинг юзи ёришди ва набирасига мамнун тикилди.

Мана шундай қилиб, юлдузлар илмини билган доғнишманд набира ўз илми ва фаросатининг кучи билан жаҳонгир бобосини ўлимдан қутқариб қолган экан.

### ИККИНЧИ РИВОЯТ

Кунлардан бир кун Амир Темур Кўрагон ҳузурига бир одам келиб арзу дод қилибди.

— Эй султони Турон, мен умр бўйи меҳнатим ортидан ҳалол нон еб келдим. Бола-чақамни ҳам меҳнат орқали боқдим. Бундан бир ойча аввал мана шу ҳалол меҳнатим ортидан орттирган арзимас бойлигимни бир кўзачанинг ичига жойлаб, «Бир кун эҳтиёжимга ярайди»,— деб умид билан ўзимга тегишли даланинг бир четига ўсиб турган чилонжийда дарахтининг остига кўмган эдим.

Қуни-кеча муҳтож бўлиб қолгач, кўзачага жойлашган пулимни олиш учун чилонжийда ёнига келдим. Аммо дарахт остини қазиб, кўзачани тополмадим. Қимдир дарахт тагини қазиб, кўзачани олиб кетган экан. Нима қилишимни билмай, охири сиздек адолатпеша султонга арзу дод қилишга аҳд қилиб, ҳузурингизга келдим.

Амир Темур Кўрагон арзчининг сўзларини эшитиб, ўйлай-ўйлай ҳеч бир натижа чиқара олмабди. Соҳибкироннинг ёнида ёшгина Улуғбек мирзо арзга келган одам гапини эшитиб турган экан. Бобосининг нима дейишини билмай, тарадудда колганини кўргач, соҳибкирондан гапиришга рухсат тилабди.

— Сўйланг, мирзо!— дебди Амир Темур Кўрагон.

Улуғбек зийрак кўзлари билан бобосига тикилиб, оғиз очиб айтибди:

— Менга сабоқ берган устозларим таъбирича, чилонжийданинг илдижи касалликка дори эмиш. Шу илдиз шифосига муҳтож бўлган бирор киши дарахт остини казиган, кўзачани ҳам топиб олиб кетган. Аммо кўзачани топиш осон.

Зукко набираси сўзларини диққат билан эшитиб турган Амир Темур Улуғбекка синовчан тикиларкан:

— Демак...— дея уни мақсадга кўчишга ундаган бўлди.

— Демак, энди шаҳардаги бор табибларни суриштириб, қайси бирлари шу яқин кунларда чилонжийда илдижини топиб келишга буюрганини аниқлаш лозимдур. Ўша табиб топилса, кўзача ҳам топилғусидур,— деб сўзини якунлади улуғбек.

Амир Темур фармойиши билан шаҳардаги барча табибларни суриштира бошладилар. Ниҳоят, бир табиб: «Мен фалончи касалга бундан бир неча кун илгари чилонжийда илдижини келтиришни буюрган эдим, олиб келди, мен доривор тайёрлаб бердим»,— деди ва у касалнинг каерда туришини айтди.

Ўша одамни топиб, Кўксаройга олиб келдилар. Соҳибкирон бўлиб ўтган воқеани унга баён қилди.

У одам:

— Табиб буюргандан кейин бир жойдан чилонжийда дарахтини топдим. Илдиздан бироз олиш мақсадида тагини қовлаган эдим, пул солинган кўзачани топдим, уни ўзим билан бирга келтирдим. Агар эгаси чиқса топшираман деган эдим,— деди.

Соҳибкирон арзу дод қилиб келган одамни кўрсатиб:

— Ўша чилонжийда ўсган ер мана шу одамнинг ери, у ўзи бир фақир одам, агар кўзачани эгаси бўлмиш шу одамга топширсангиз савоб иш қилган бўлур эдингиз,— деди.

Фақир одам кўзачанинг рангини, ичида қанча пул борлигини айтгач, киши кўзачани топширди.

Мана шундай қилиб, соҳибқирон бобоси ҳали қила олмаган муаммони унинг зукко набираси Улуғбек мирзо ҳал қилиб берган экан.

### УЧИНЧИ РИВОЯТ

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг набираси Мирзо Улуғбек ёш болалиқдан бошлаб заковат ва фаросат соҳиби бўлиб, кўп билимларни эгаллаб, устозларини бениҳоя ҳурмат қилувчи, устозлари ҳам уни севгувчи эдилар.

Мирзо Улуғбек ёш бола пайтида Амир Темур Рум мулкидан олиб келган бир донишманд унга сабоқ берган экан. Румлик донишманднинг бир одати бор экан: сабоқ бериш давомида бошини энгаштириб ерга қараб ўтирар экан. Агар шогирди бирор жумлани янглиш ўқиса, ё бошқа бир хатога йўл қўйса, бошини кўтариб, унга қараб қўяр экан.

Бир куни Мирзо Улуғбек устози олдида бир китоб ўқир эди. Китобда бўлган: «Уддасидан чиқмаган нарсангизни нега ваъда қиласиз?» деган жумлани ўқигач, устози бошини кўтариб, унга бир қараб қўйибди. Улуғбек мирзо: «Эҳтимол янглиш ўқиган бўлсам керак»,— деб жумлани диққат билан қайтадан ўқибди. Аммо устози бу гал ҳам бошини кўтариб, унга қараб қўйибди.

Мирзо Улуғбек сабоқдан кейин бобоси ёнига келиб:

— Бобожон, устозимга бирор нарса ваъда қилган бўлсангиз, дарҳол ваъдангизга вафо қилинг,— деб бўлган воқеани Амир Темурга айтиб берибди. Амир Темур набирасининг ҳикоясини эшитиб:

— Устозинг мендан Румда қолиб кетган кутубхонасини олиб келишга одам юборишимни сўраб, бу китоблар менга эмас, набирангизга керакдур, деб илтимосини баён қилган эди, мен одам юборишга ваъда қилган эдим, аммо эсимдан чиқиб кетибди,— дебди набирасининг зукколигидан мамнун бўлиб. Сўнг румлик донишмандга берган ваъдасини дарҳол бажо келтиришга киришган экан...

Энди навбат ибратли нақлларга:

Амир Темур суюкли набираси Муҳаммад Тарағай — Улуғбек мирзога айтар эканким:

— Салтанатни адолат била мустаҳкамла, илло ёлғиз адолатгина уни енгилмас қалъага айлантиражак!

Соҳибкирон набирасига насиҳат қилган экан:

— Бирор кишига нисбатан қанча қаҳрланма, юрагингда уни авф этиш истаги бўлмаса, сен подшоҳ эмас, оддий жаллодсан, холос. Ўлдириш ё жазолаш эмас, подшоҳларнинг иши авф этмокдур.

Улуғбек мирзо жаҳонгир бобосидан сўрабдиким:

— Энг кучли одам деб кимни айтиш мумкин?

Амир Темур жавоб берибди:

— Ўз нафсини тия олган киши энг кучлидур.

— Ҳокимият,— деб айтар экан Амир Темур набирасига,— бамисли ўткир шамширдур. Уни тезроқ қўлга олиб, ишга солгинг келади. Аммо қўлга олишинг билан уни ақлу фаросат билан ишлатишни ўйлай бошлайсан.

Амир Темур Улуғбек мирзога айтар экан:

— Ҳеч қачон ихтиёрингни тилёғламага берма, атрофингга лаганбардорларни тўплама. Улар сенинг эмас, ўз манфаатларини кўзлаб сени мактайдилар. Ўз ихтиёрини шундай кимсаларга бериб қўйган ҳукмдорга садоқатли инсонлар яқинлашмайдилар, улар тилёғламачилар билан бир даврада ўтиришдан ор киладилар.

Соҳибкирон Улуғбек мирзога яна айтган экан:

— Мактовларга маҳлиё бўлма, илло мактов подшоҳлар соясидур. Яна унутмагинким, бугунги мактовлар эртага абадий лаънатларга айланмоғи мумкин.

Яна унутмагинким, сендан олдин ҳам улуғ подшоҳлар ўтган ва сендан кейин ҳам буюк ҳукмдорлар келажак. Шу асосда иш тут. Токим ўтганлар хатосини такрорлама, келгусиларга ибрат бўл!

Улуғбек мирзо бобосидан сўради:

— Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима-ю, энг ёмон нарса нима?

Амир Темур жавоб берибдики:

— Дунёда инсон учун энг яхши нарса ҳам ботир, саъй-ғайратли, ҳам гўзал ахлоқли бўлиб ном чиқариш. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарса ахлоқсизлик ва хоинлик билан ном чиқаришдир.



Амир Темур жомеъ масжиди қурилиши қандай якунланганини кўриш учун Боғи Дилкушодан чикиб шаҳарга келди. У ҳафтада бир-икки марта қурилиш майдонига келиб турган бўлса-да, ҳар гал бу ерга кадам қўйса вужудини хайрат чулғайди. Масжиди жомеъ шу қадар улуғвор эдики, унинг сахни жума кунлари бутун доруссалтана аҳлини сиғдира оларди. Унинг ғоятда юксак пештоқи узоқ-узоқлардан кўзга ташланарди. Бобур мирзо ҳам «Бобурнома»да бу иншоот ҳақида шундай ёзган эди: «Темурбек... яна Оҳанин дарвозасига ёвуқ, қалъанинг ичида бир масжиди жомеъ солибтур, сангин, аксар Ҳиндистондан элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни «Ва из ярфау Иброхимал қавоида ило охири» андоқ улуғ хат битибтурларким, бир курух ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий имораттур...»

Жомеъ масжиди тўрт иморатдан: катта масжид, икки кичик масжид ва ҳайбатли пештоқдан иборат бўлиб, улар тўртбурчакли ҳовлида жойлашган, беш минг квадрат метр сахли бу ҳовли 470 тошдан тарошланган устунга ўрнатилган гумбаз билан ёпилган эди. Катта масжиднинг гумбази ҳақида муаррих Шарафиддин Али Яздий: «Агар осмон гумбази унинг такрори бўлмаганда, бу гумбаз дунёда ягона бўларди», — деб ёзган эди.

Амир Темур набираси Улуғбекни етаклаб жомеъни бир бошдан айланиб чиқди. Сўнг пештоқнинг ён қаторидаги айланма зинадан, юқорига — кунгура равоқли майдонга чиқди ва юксакда туриб шаҳарга, узоқдаги, куз келиб, ранго-ранг бўёқларга беланган боғларга кўз ташлади. Соҳибкироннинг ҳаяжони ортиб, завқ билан хитоб қилди:

— Замон келиб сиз ҳам бундай хайрли ишларга қўл урурсиз, иншооллоҳ. Аммо унутманг, куражак биноларингиз беқиёс ва ҳайбатли, салтанатимиз шуқуҳидан дарак бергулик даражада улуғвор бўлсун! Илло, обидалар келажак авлодларга кимлигимиздан далолат беражаклар!

Амир Темур жомеъ чиройидан кўнгли нечоғлик яйрамасин, бироз бўлса-да, ташвишли ўйлардан халос

бўлолмади. Бўлажак Хитой юриши унинг вужудини бир зум ҳам тарк этмасди.

Эртаси куни соҳибкирон элчиларни ҳузурига даъват қилди. Қабул маросими Боғи Дилкушодаги саройда тантанали вазиятда ўтди. Ўша куни Турон султони тахтининг пойига Кастилия (Испания) кироли, Миср султони ва Хитой ҳокони йўллаган элчилар келиб, бирин-кетин юқундилар.

Испан кироли Хенрих Учинчининг элчиси Руи Хонсалес де Клавихо томонидан битилган «Буюк Темур тарихи» китобида бу маросим шундай тасвирланади:

«Саккизинчи сентябр, душанба куни (1404 й.) элчилар кўнган боғларини тарк этиб, Самарқанд шаҳари томон отландилар. Боғдан шаҳаргача бўлган водийда боғлар, ҳовли-жойлар, бозорлар ва бошқа манзиллар бор эди. Уч соатча йўл босиб, шаҳар ташқарисидаги подшоҳ яшаган боғ ва саройга етдилар. Элчилар етиб, келишлари билан уларни ичкарига таклиф қилдилар. Сўнг уларни икки жаноб қаршилаб «Подшоҳ учун олиб келинган буюмлару тортиқларни бизга топширинг, биз уларни тартибга келтириб, тортиқларни подшоҳ ҳузурига олиб борадиган махсус кишиларга берамиз. Бу подшоҳга яқин амирлар фармойишидур»,— дедилар. Элчилар олиб келган нарсаларини бу икки жанобга бердилар.

Совға-салом топширилгандан сўнг, элчилар ўша икки жанобга эргашдилар... Боғ дарвозаси жуда катта ва баланд бўлиб, у олтин суви билан қопланган, қимматбаҳо тошлар ва кошинлар билан зийнатланган эди. Унинг олдида ойболта ушлаган соқчилар туришарди...

Элчилар боғга киришлари билан ҳар бирининг устида шийпонча ва иккитадан туғ ўрнатилган олтига филни кўрдилар. Фил устидаги шийпончада ўтириб олган масхарабозлар одамларни кўнглини очиш билан машғул эдилар. Яна бироз юргач, элчилар ўзлари топширган совға-саломларни тартиб билан кўтариб турган одамларни кўрдилар. Улар бу ерда ҳам бир зум тўхтагач, яна олдинга юрдилар. Икки жаноб элчиларнинг кўлларидан ушлаб етаклаб боришар, уларнинг сафида Темурбек бир канча вақт олдин Кастилия кироли ҳузурига йўллаган туронлик элчи ҳам қадам ташлар, унинг кастилияликлар кийим-бошини кийиб олганини кўрган чор-атрофдаги одамлар қаҳ-қаҳлаб кулардилар.

Элчиларни баланд супада ўтирган қари бир жаноб олдига олиб келдилар. Бу жаноб Темурбек ҳамширала-

ридан бирининг ўгли бўлиб, элчилар унга таъзим қилдилар. Сўнг уларни бошқа баланд супада турган мурғак шахзодалар олдига бошлаб бордилар. Улар подшоҳнинг набиралари бўлиб, уларга ҳам таъзим бажо этилди. Шу ерда элчилардан қиролнинг Темурбекка йўллаган мактубини беришни сўрадилар. Мактубни шахзодаларнинг бири олди. Айтишларича, бу шахзода подшоҳнинг катта меросхўри Мироншоҳ мирзонинг ўгли (Халил Султон) экан. Бу уч шахзода ўша заҳоти ўринларидан туриб, мактубни подшоҳга бериш учун олиб кетдилар. Элчиларга ҳам олдинга юришга даъват бўлди. Подшоҳ гўзалликда бекиёс уйга олиб қирадиган эшик олдида, ерда турган тахт устида ўтирар, унинг ёнгинасида кип-қизил олмалар ўйнаган фаввора юксак-юксакларга отилиб турарди.

Подшоҳ ипакли мато устига гуллар нақшланган кўрпача устида лўлаболишга ёнбошлаб ўтирарди. Унинг эғнида бирорта ҳам нақш чекилмаган ипак либос, бошида ёкут, дур ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган оқ бўрк бор эди.

Уни кўрганлари заҳоти элчилар ўнг тиззаларини букиб, кўлларини кўкракларига босган куйи таъзим қилдилар. Кейин бир неча қадам босиб, яна таъзим қилдилар, сўнг учинчи маротаба таъзим қилиб, тиз чўкиб туравердилар. Подшоҳ уларга ўринларидан туришни ва ўзига яқинроқ келишни буюрди. Элчиларни бошлаб келган жаноблар тўхтаб қолдилар, чунки уларга подшоҳга яқинлашишга изн йўқ эди. Подшоҳ ёнида унга энг яқин уч амир туришар: уларнинг бирини Шохмалик, иккинчисини Бурундўк, учинчисини Шайх Нуриддин деб атадилар. Бу уч амир элчиларга яқинлашиб, элчиларни кўлтиғларидан олиб подшоҳга яқинроқ жойга олиб келиб, тиз чўқтирдилар. Подшоҳ эса уларни яна яқинроққа келишга чорлаб, элчиларни яхшилаб кўздан ўтказмоқчи бўлди...

Подшоҳ элчиларга ўпишлари учун кўлини узатмади, чунки бу одат уларга хос эмас, улар бошқа улугларни ҳам кўлини ўпмайдилар, чунки улар жуда мағрур кишилар...

Шундан кейин подшоҳ элчиларга мурожаат қилиб: «Ўғлим бўлмиш қиролнинг турмуши, сиҳат-саломатлиги қалай, аҳволи тузукми?»— деб сўради. Элчилар унга батафсил жавоб бердилар, ўз мақсадларини баён қилдилар, подшоҳ эса уларнинг гапларини диққат билан эшитди.

Сўнг Темурбек атрофини куршаб ўтирган хонлару амирларга хитобан ифтихор билан шундай деди: «Қаранглар, мана, ўғлимиз бўлмиш Испания қиролининг менга юборган элчиларини кўрингиз! У дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюғидур. Улар, фаранглар, ҳақиқатдан ҳам улуғ халклардир. Ва мен ўғлим бўлмиш Испания қиролига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмак истайман. Бизга совға-салом жўнатмай, ёлғиз шу мактубини йўлласа ҳам рози эдим. Мен унинг саломатлигини билиб гоят мамнун бўлдим, бу эса ҳар қандай тортиқдан ҳам ёқимлидур».

Кирол юборган мактубни эса подшоҳнинг набираси боши устида кўтариб турарди. Элчилардан бири тилмочга қарата: «Подшоҳга айт, бу мактубни мендан бошқа киши ўқиёлмайди, қачон рухсат берсалар ўқиб беришга мен тайёрман»,— деди. Шунда подшоҳ набираси кўлидан мактубни олиб, унга кўз ташлади ва уни эшитишга ҳамиша тайёрлигини айтди. Элчи мактубни ҳозирок ўқиб беришга тайёрлигини айтгач, подшоҳ, кейин унга одам юбориб, дам олиши пайтида мактубни тинглаяжагини ва қиролга қандай гапларни етказилишини ҳам ўшанда айтишини маълум қилди.

Шундан кейин элчиларга тик туришга рухсат берилди ва уларни подшоҳнинг ўнг томонига олиб бориб ўтказишди. Элчиларни олиб борган амирлар уларни Хитой ҳақони Темурбек ҳузурига йўллаган элчилардан қуйига ўтказишди. Аммо Темур ўша заҳоти амирларининг хатосини тузатди. Элчиларнинг ўрнини алмаштираман, Соҳибқирон хитойлик элчиларга қарата жиддий оҳангда такрорлади: «Сизлар талончи, номуссиз киши бўлмиш душманимнинг элчиларисиз, шу сабабдан қуйида ўтирингиз. Агар Аллоҳ насиб этса, яқин орада ўлпон тўлашдан бошқа топшириқ билан келадиган бўлсангиз, сизни осиб ўлдираман».

Қабул зиёфат билан яқунланди. Дастурхонда асосан қовурилган от гўшти, турлича пиширилган қўй этидан тайёрланган таомлар қўйилган эди. Олтин ва кумуш идиш-товокларга от буйраги, қўй калласи, думбаси ва бошқа яхна гўшдан иборат мазали таомлар тортилганди. Таомлар устини обинонлар билан ёпиб қўйгандилар. Овқатдан сўнг турли мева-чевалар тановул қилиш учун дастурхонга келтирилди.

Амир Темур олис Кастилия қироли элчисига катта эҳтиром кўрсатди. Расм-русмга кўра келтирилган сов-

ғалар уч кундан сўнг эътиборга муносиб кўрилса-да, бу ғал Соҳибқирон ўша куниёқ қирол юборган тортиқларни кўздан кечирди. Суюкли Сароймулкхонимга уларнинг энг яхшисини танлаб олиш имконини бергач, Соҳибқирон инъомларни ўз яқин кишиларига бўлиб берди. Сўнгра элчилар меҳмоннавозлик билан кузатилди. Азиз меҳмонлар Боғи Дилкушодан жўнаш олди-дан уларнинг қийналмасликлари, ҳол-ахволларидан мунтазам хабардор бўлиб туриш учун элчиларга саройнинг улуғ ва мартабали кишиларидан мутасаддилар тайинланди.

Шундан кейин икки ойдан зиёд вақт давомида элчилар Турон султони, маликалар ва амирлар уюштирган тўю-зиёфатлардан бўшамадилар. Руи Хонсалес де Клавихо Амир Темур саройи улуғворлигини авжи камолга етган даврида зиёрат қилиб, доруссалтана атрофидаги Кониғил ўтлоғида, бир-биридан гўзал боғларда кўрган ажойиботларни тасвирлар экан, ҳайратини яширмайди. Биз бу ўринда, испан элчиси ўз кўзи билан кўрган бирикки ажойибот ҳақида қисқа сўйлаймиз.

Элчи кўрган ғаройиб нарсаларнинг бири олтин дарахтдир. Эман шаклида ясалган бу дарахт танаси инсон оёғи йўғонлигида, атрофга ёйилган шохлари яшил билан копланган. Бу дарахт мевалари ўрнида жуда кўп кизил ёқут, забаржад, феруза, сафир ва ажойиб, йирик дурлар шохларга осилган, япроқлари турли рангдаги мино билан ишланган, бутокларида мевалар каби осилган дурларни чўкиб турган қушлар бўлган.

Испан элчисини ҳайратга солган ажойиботларнинг бири Амир Темур учун тикилган саропарда — чодир эди. «Тўртбурчак шаклда, баландлиги уч найза бўйи келадиган бу кўшкнинг четлари қарийб бир найза бўйи ердан кўтарилиб турарди. Унинг кенглиги юз қадамча келади, тўртбурчак шаклида, шифти гумбаздай думалоқ бўлиб, ҳар бири одам танасидай келадиган ўн иккита устунга ўрнатилган эди. Устунлар ложувард, зарҳал ва бошқа бўёқлар билан безатилган. Кўшкнинг у бурчагидан бу бурчагигача учта устун қўйилган бўлиб, ҳар бир устун бир-бирига маҳкамланган уч бўлакдан иборат. Устунларнинг бўлақларини арава ғилдиракларига ўхшаш мослама орқали, баъзи жойларида чамбарак ёрдамида кўтариб мустаҳкамлаганлар. Уларнинг тепасидан пастга қадар туширилган шоҳи лахтақлар устунларга шундай ўралган эдики, бир учидан иккинчисига пештоқ ҳосил қилган эди. Мазкур кўшк-

нинг ташки томонида тепаси унга уланиб кетган тўрт-бурчак шаклда соябонли пиллапоя қурилган. У бир оз йўғонроқ йигирма тўрт устунга таянган. Ушбу кўшкда жамиъ ўттиз олти устун бор. Кўшк — чодир чамаси беш юз рангдор чизимча билан тортилган. Унинг ичкараси кизил гиламлар билан қопланган. Гиламлар устига ҳар хил рангдаги шоҳи газлама-лардан турли шаклда чиройли килиб, баъзи ўрин-ларда зарҳал иплар билан кўшимча лахтаклар ти-килган. Шифтнинг ўртаси жуда чиройли безатилган бўлиб, унинг тўрт бурчагида каноти туширилган тўрт бургут тасвирланган.

Кўшк ташки томондан нопармон тусли газламага ўхшаш оқ, қора ва сарик йўл-йўл шоҳи мато билан қопланган. Ҳар бурчагидаги устуннинг тепасига устига ой тасвири қўндирилган мис олма осилган. Кўшкнинг энг баланд жойларида аввалгиларидан ҳам баландроқ яна тўрт устун ўрнатилган. Ушбу устунлар устида ҳам мис олма ва тўлин ой тасвири бор. Тилга олинган устунлар орасида ҳар хил шоҳи кунгиралари бўлган бурж кад кўтарган. Буржнинг ўз эшиги бор. Қаттиқ шамол туриб устунлар қимирлай бошлаганда одамлар кўшкнинг тепасига чиқиб, зарур жойларида у ёқдан бу ёққа бемалол юрар эдилар. Кўшк жуда баланд бўлиб, шу қадар кенг ва улуғвор эдики, унга ҳайратланмасдан қараш мумкин эмас. У мен тасвирлагандан кўра хийла гўзал эди.

Кўшкнинг ичкарасида, бир томонда, гиламлар усти-га уч-тўрт қават кўрпачалар тўшалган, супа шохга мўлжалланган: чап томонда, шохсупадан биров чет-рокда гиламлар тўшалган бошқа супа, унинг ёнида пастроқ яна бир супа бор. Унинг атрофи гулдор шоҳи мато билан бамисоли қаср ёки шаҳар девори сингари ўраб олинган. Шоҳи тўсик устига данданалари юкори-га чиқиб турган, ички ва ташки томондан боғичлари бўлган лахтаклар ҳар хил усулларда тикилган эди. Бу лахтаклар шоҳи тўсикни бир маромда саклаб туришга ҳам хизмат қилади. Шоҳи тўсикларни ичкаридан устунлар тутиб туради. Бир отлик бўйи баробар келадиган ҳалқа шаклидаги тўсикнинг кенглиги уч юз ка-дам эди. Тўсикнинг пешток шаклида ишланган баланд йўлаги бор. Ичкари ва ташқарига очиладиган эшиклар ҳам шоҳи тўсиклар сингари безатилган. Эшикнинг те-пасида тўртбурчак шаклидаги кунгирадор минора бор... Эшик, пешток ва минора ҳаммасидан яхшироқ ва

мукаммал ишланган. Шоҳи тўсик «Саропарда» деб аталади».

Тарих саккиз юз еттинчи йил рабиул-аввал ойининг биринчи куни — мелодий 1404 йил 7 октябрда Амир Темур набираларига атаб катта тўй бошлади. Бу тўй маросими Кониғилда бўлди. «Минг бир кеча» ҳикояларини эслатадиган шоҳона базмлар ва меҳмондорчилик қирк кун давом этди. Чину Мочин ва Ҳиндистондан келган кўзбойлогичлар, қизиқчилар, муқаллидлар, дорбозлар тўй аҳлининг вақтини чоғ этди. Асосий базм ҳозир сиз тасвирини ўқиган саропардада уюштирилган бўлиб, унга элчилар ҳам таклиф этилдилар. Базмда қатнашган Клавиҳо ёзади: «Зиёфат тугаши билан шоҳнинг энг яқин аъёнларидан бўлган, унинг хонадонини бошқарувчи амир Шохмалик ва амир Шайх Нуриддин шоҳга совға такдим этдилар. Совға бир неча узун пояли кумуш идишлардан иборат бўлиб, хар бирига канд, майиз, бодом, писта ва бошқа ширинликлар солинган, устига бир парча шоҳи газлама қўйилган эди. Бу идишлар тўққизтадан эди, чунки уларнинг удумига қўра шоҳга такдим этилаётган совға тўққиз нарсадан иборат бўлиши лозим. Шоҳ совғалардан шу ерда ҳозир бўлган ясовулларга улашди, устига шоҳи парча ёпилган идишлардан иккитасини элчиларга такдим этди».

Тўй ниҳоясида Соҳибқироннинг набиралари: Улуғбек, Иброҳим Султон, Ижил, Сайид Аҳмад, Пирмуҳаммад, Бойқаро мирзолар уйлантириб қўйилди. Улуғбек мирзога марҳум Муҳаммад Султоннинг қизи Ўғабегимни никоҳлаб бердилар. Улуғбек бибиси ёнида жой олган Ўғабегимга болаларга хос кизиқиш билан қаради. Ипак матоларга ўранган, бошида қизил қалпоқ кийган, қўлларига сон-саноксиз билақузуклар таққан, оғзини катта-катта очиб, кемтик тишини кўрсатиб ниманидир қавшаётган бу етти яшар қизалокни кўрган Улуғбекнинг кулгуси қистади. Кейин эса ҳеч кимга билинтирмай ўрnidан турди-да, кўшқдан чиқиб, мулозимга Ойқорни келтиришини буюрди. У отга миниб Чўпонота томонга йўналди. Бир неча хос соқчилар соядек унга эргашдилар. Бу тепалик юксаклигидан юлдузларни қузатиш кишига сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган завқ бахш этишини Улуғбек аллақачонлар сезган эди. «Бу ердаги хоҳлаган тепалик устида расад тиклаш мумкин»,— деган эди бир куни Мавлоно Қозизода Румий.

Шаҳзода тепаларнинг бирига от билан чиқиб бо-

раркан, унинг мақсадини англаган кўрикчи навкарлар тепалик пастада тўхтаб қолдилар.

Куз осмони булутсиз, шу қадар шаффоф, тиник эдики, ҳатто оддий кўз билан бир юлдуз туркумини бошқасидан осон фарқлаш мумкин. Юлдузлар шуури фақат фалакка эмас, заминга ҳам сеҳрли ва дилгир манзара инъом этган: бу манзарага тикилган Улуғбек тўй ўтаётган ўтлоқ томон боқаркан, хайрати яна ошди. Ой нури ёритиб турган чодирлар узра туғлар хилпираб турар, бутун тўй майдони сон-самоғи номаълум машғалалар билан ёритилган, уларнинг ёруғида ҳатто бибиси Сароймулкхоним чодирига ўрнатилган, бир тавақасида Авлиё Пётр, иккинчи тавақасида Авлиё Павел тасвири олтин суви билан зийнатланган улкан эшик ял-ял товланиб, якқол кўриниб турарди. Бу эшик Бурсани забт этишда қўлга киритилган эди. Бир зум тўй манзарасига тепалик устидан туриб қараган Улуғбек, кўзларини осмонга қадаши билан бутун борлиқни унутиб, суюкли юлдузлари билан юзма-юз қолди.

Анчадан кейин тепаликдан тушиб, шовкин-сурони тўрт тарафга ёйилаётган тўйхона томонга қараб от йўрттириб бораётган шахзода; бибисининг айтишича, энди унинг жуфти ҳалолига айланган Ўғайбегимнинг оғзини катта-катта очиб, кемтик тишини кўрсатиб кавшанаётган ҳолатини кўз ўнгига келтираркан, пикирлаб кулиб юборди. У манзилга, етиб, ўз ўрнига бориб ўтираркан, бобоси билан жиддий тарзда ниманидир суҳбатлашаётган амакиси Пирмуҳаммад Жаҳонгирга кўзи тушди. Ўғайбегимнинг отаси шу мирзонинг акаси эди, шу сабабдан валиаҳдлик энди унга ўтганди. Йигирма тўққиз яшар Пирмуҳаммад Жаҳонгир мана неча йилким бобосининг амри билан бир пайтлар Маҳмуд Ғазнавийдек қудратли султонга тегишли улкан мамлакатни идора қилишдек мушқул вазифани уддалаб келаяпти. Улуғбек уларни нима ҳақда суҳбатлашаётганларини билмоқчи бўлгандек, бобоси билан амакисидан кўзини узмасди.

Нихоят, тўю-томошалар поёнига етгач, соҳибкирон Қонигилдан кўчиб шаҳарга қайтди ва Бибиҳоним мадрасасида тўхтаб, Хитойга бўладиган юриш масалалари ҳал қилинган махфий кенгаш ўтказди. Кенгашда Мироншоҳ мирзо, Шоҳрух мирзо ҳамда Умаршайх мирзонинг ўғли Искандар мирзодан бошқа барча шахзолалар, нўёнлар, доруғалар, Бердибек, Худойдод Ҳусайний, Додмалик, Пирмуҳаммад Тоғойбуко, Шоҳмалик,



Шайх Нуриддин, Саодат Темуртош каби нуфузли амирлар чакирилди. Махфий тўпландида бу катта юриш икир-чикиригача бир бошдан таҳлил этилди. Мажлис ниҳоясида Амир Темур улуғ амирлари ва бошқа мутасаддиларга бетўхтов эл-юртларига бориб лашкар тўплаш, қурол-аслаҳа, от-улов ва бир ойга етгулик озик-овқат захирасини тайёрлашни буюрди. Шунингдек, бўлажак юриш хайрли тугаши хакига қурбонлик сўйилиб, шахзодалар, амирлар ва бошқа ҳукмфармолар мавқеъ ва даражаларига яраша кимматбаҳо саруполар, мурассаъ эгар-жабдуқлар, шамшир ва ханжарлар, тилла ва кумуш камарлар, асл зотли аргумоқлар, нақдиналар билан сийланиб, юртларига қайтишга ижозат олдилар. Такдирланган фарзандлару набиралар қаторида Улуғбек мирзо ҳам четда қолмади. Унга Тошкент, Сайрам, Янгикент, Тароз, Ашпара ва Жета вилоятидан Хитойгача бўлган мулк суюрғол бўлди Улуғбекнинг иниси Иброҳим Султонга эса Андижон, Ахсикат, Қошғардан ва Хўтангача бўлган ҳудуд берилди. Бу икки набирага берилган ерларнинг талай қисми ҳали Амир Темур ҳукуматига тобе бўлмай, бўлажак юришда уларни забт этиш аллақачонлар режалаштирилиб қўйилган эди.

Ҳар икки шахзода ҳали ёш бўлганлари учун уларга оталиқлар тайинланди. Туркларнинг билкут қабиласидан бўлган амир Шохмалик Улуғбек мирзога оталиқ бўлди.

Подшолик сиёсатиға бағишланган қадимий китобларда ёзилишича, ҳукмдорларнинг саройида амалдаги русумға биноан мурғак шахзодалар тарбияси, уларни муҳофаза қилиш, ҳол-аҳволи, ўқиш-ўрганишини кузатиб, назорат қилиб бориш юқори мартабалик амирларнинг қўлиға топширилган. Бу мартабаға эришган амирлар оталиқ унвонини олардилар. Оталиқлар ёш шахзодалар тарбияси билан шуғулланиш билан бирга, шахзодаларға тегишли мулкни ҳам бошқарганлар.

Хитойни забт этиш Амир Темурнинг азалий орзуси эди. У кўп маротаба йўлга чиқаман деб турганида, албатта, бирор қор-қол бўлиб, режаси кейинга сурилди. Биринчи марта, набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг Ҳиндистон билан уруш очиши; иккинчи марта беш йиллик юриш пайтида фатҳ этилган, салтанатнинг ғарбий сарҳадларига усмонли турклар султони Йилдирим Боязиднинг хавф солиши, оқибатда етти йиллик сафарға қасд этилгани Хитой юришини кечик-

тирган эди. Соҳибқирон қариб қолганини англар, тезроқ орзусини амалга оширишга шошиларди. Шу сабабдан баҳор келиб, яйловларда ўт кўқаргунча сабр қилиш борасидаги маслаҳатларга ҳам қулоқ солмасдан, қиш яқинлашганига қарамай йўлга чиқишга аҳд қилган эди.

Хоним мадрасасида ўтказилган кенгашдан кейин Амир Темур, совуқ тушгани сабабидан боғларига эмас, Самарқанд арки ичида жойлашган Кўқсаройга кўчиб ўтди. Кўқсарой тўрт қаватли мустақкам ва маҳобатли қаср бўлиб, деворлари тўқ кўк мрамор билан қопланган бу маскан Соҳибқирон замонида ҳам, ундан кейин ҳам салтанатнинг муҳим тадбирлари ўтказиладиган жой сифатида хизмат қиларди. Бу ерда давлатнинг бош хазинаси ва кўрхона (қурол-аслаҳа омбори) жойлашган эди. Кўқсаройда зиндон мавжуд бўлиб, унда хавфли давлат жинойтчилари сақланар, ўша ерда қатл этилардилар.

Қасрда, шунингдек, махсус устахоналар жойлашган бўлиб, мохир усталар кеча-ю кундуз тиним билмай қилич, найза, ўқ, совут, жиба, тура, зирех, ҳафтон, табарзин, баргуствон сингари уруш яроқлари ясардилар. Амир Темур Кўқсаройга кўчиб ўтган қуниёк, даставвал қурол-аслаҳа амборларини, устахоналарни бирма-бир кўздан кечириб, кўрбоши билан устабошиларга бўлажак ҳарбий юриш муносабати билан зарур фармойишларни берди.

## АЙРИЛИК

Осмонни қора булутлар қоплаган, тонг салқини изғиринга айланган кеч кузак кунларининг бирида Амир Темур Самарқанддан чиқиб Сирдарё томонга қараб йўналди. Теварак атрофда майсалар қовжирган, ердаги ҳазонлар ўз рангини йўқота бошлаган, куз мавсуми охирлаб, қиш яқинлашиб қолгани табиатнинг ҳар бир аломатида сезиларди.

Бепоеъ дашт аро улкан қўшин хотиржам йўл босади. Навқарлар бу галги юриш неча йил давом этишини билмайдилар — баъзилари бунга йўлаб ҳаёлга ботган, айримлари эса тахмин айтиб, баҳс қилишади. Баъзи бирлар «Ростдан ҳам Хитой устиғами?» — деб гумонсирашади. Уларнинг бундай шубҳаланишига асос бор эди.

Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур Самарқандда боғ-

бўстонлар бунёд қилиш ва қасрлар қуриш билан машғул бўлиб турганда қўшни мамлакатлар (унинг хужумидан) осойишта бўлиб, бақамти ўлкалар эса ундан беҳавотир эдилар. Темурнинг ишлари ниҳоясига, қасрлари (қурилиб) камолига етгач, у ўз қўшинига Самарқандда жам бўлишини буюрди. Кейин улар учун ўзи ўйлаб топиб ихтиро қилган таркиб ва тазрибда (махсус) қалпоқлар тайёрлашларини ҳамда жангчилар уларни кийиб, юришга отланишларини амр қилди. Темур уларнинг қайси томонга боришларини маълум қилмади. Бу қалпоқлар улар учун шартли бир белги эди. Темур ўз ерларининг барча томонларида олдндан посбонлар тайинлаб қўйган эди. Сўнгра Темур Самарқанддан чиқиб, ўзини Хўжанд, Турк ерлари ва Жандга боряпман деб овоза таркатди. Шундан кейин у ўз аскарлари гирдобига шўнғиб кетдики, гўё у денгиз қаърига тушиб ғойиб бўлгандек эди, унинг қаёққа бурилиши ва қайси томонга ғорат ва талаф элтишини ҳеч ким билмасди, у шаҳар кетидан шаҳар босиб ўтиб кечакундуз йўли юрди, у юлдузлардек учар ва чавандозлардек тез чопарди ҳамда қўнган ҳар бир жойда чарчаган зотдор туяларни ташлаб кетар эди. Ниҳоят, у ҳеч ким ўйламаганда, Дуристон ерларида пайдо бўлди.

Яна шу муаррих бу ҳақда ёзади: «Темурнинг қўшин байроқлари машриқда турганда, унинг ноғорлари нағмалари ва удларининг зарблари Ирок, Исфаҳон ва Шероз хисорида янграганда, бирдан унинг торларининг жаранглаши ва қарнайларининг ғатиллаши Рум кўчаларида, Руҳа манзилларида ва Хижоз қарвонлари ораларида эшитилиб қоларди...»

Шу сабабдан ҳам Амир Темур юришларида суяғи қотган тажрибали навкарлар «Хитойга деб боравериб, тагин Мозандарондан чиқиб қолмайлик! деб бир-бирларига гап қотишар, бу гапни эшитган ёш навкарлар Шом ва Рум жанглари ҳақида мафтункор ҳикояларни эшитган ва ўша сеҳрли ўлкаларга ошиқ бўлиб қолганларидан «Қошки, шундай бўлса!» деб ўйлашарди. Ҳар бир навкар жангга шай, жасоратга тайёрлигини намойиш этмоқчидек шахдам қадам ташлайди, отини ўйнатади.

Темур ўзининг ҳарбий юришларига ниҳоятда пухта тайёрланар, одатда ҳар бир жангчининг қуроли ва озиғини шахсан ўзи кўздан кечирарди. Муаррихларнинг ёзишича, ҳар бир жангчи бир йилга етадиган озиқ-овқат ва бошқа буюмлар захираси, тўрт хил қу-

рол-яроғ — бир камон ва ўттиз ўк-ёй, совут ва қалқонга эга бўлиши лозим бўлган. Ҳар икки жангчида бир от ва ҳар ўн кишида бир чодир, бир белкурак, бир кетмон, бир ўроқ, бир арра, бир теша, бир бигиз, юзта игна, арқон, бир пишик тери ва бир қозон бўлиши талаб этиларди...

Қўшиннинг олдига тушиб, анча узоқлаб кетган бир тўп отлиқлар — Халил Султон, Султон Ҳусайн ва улардан ёшроқ бўлган шахзодалар: Улуғбек, Иброҳим, Султон, Бойқаро, Ижил, Суюрғатмиш ўзаро суҳбатлашиб кетишмоқда. Улардан сал кейинроқда бир гуруҳ хос навқарлар ҳар қандай хавф-хатарни даф этмоққа шай ҳолда от ниқташади.

Эрта саҳар йўлга чиқилганига, хавонинг авзойи бузилиб, тунд ва кўнгилсиз бўлиб турганига қарамай (сарой мунажжими янги юриш учун саодатли деб шу кунни белгилаган эди), доруссалтанада зериккан навжувон мирзолар шеър айтишиб келишмоқда. Деярлик ҳаммаси шеър ёзишдан хабардор. Халил Султоннинг ғазалари эса хатто кўшиқ бўлиб эл орасида тарқалган.

Ҳозир улар ким ўзарга шеър айтишни яқунлаб, янги эрмак бошлашган. Бу шеърый ўйин ўзига хос мусоҳаба бўлиб, биринчи киши ғазал матлабини айтар, иккинчи киши уни давом эттирар, у ёғи ҳам шундай тарзда давом этиб, еттинчи байтга етганда, навбат олган шоир албатта ўз таҳаллусини кўшиб ғазални яқунлаши лозим эди. Тажрибали Халил Султон от устида тебранаркан, ўзига тенгдош Султон Ҳусайнга, кейин мурғак шахзодаларга кўз ташлади-да, кўзларида муғомбирона ўт чакнаб, биринчи сатрни бошлади:

*Эй кўрклилар хаёли била мубтало кўнгул...*

Ҳусайн ялт этиб, Халил Султонга тикилди, унинг совук кўзлари ҳам бир лаҳза чўлгангандек бўлди. Улуғбек аллақачон Халил Султоннинг ҳийласини англаган, ғазални давом эттиришга тайёр, аммо ўзидан ёши улуғ Ҳусайн Мирзо айтишини кутарди. Ҳусайн давом этди:

*Кўзи била кетургон ўзини бало кўнгул...*

Халил Султон билан Ҳусайн бир-бирларига қараб, роҳатланиб кулдилар, сўнг икковлон Улуғбекка қарадилар. Улуғбек эса Иброҳим Султонга қаради. Ибро-

хим Султон «Ўзинг айтавер!» дегандек бош силкитди. Улуғбек ўша заҳот жарангли овозини баралла кўйиб:

*Не ерда бир қамар киби юз кўрижак равон,  
Кўзунг юмуб тушарсан анинг устино, кўнгул...*

— деб айтди-ю, ўзига ҳайрон қараб қолган Халил Султон билан Хусайнга қараб хоҳолаб қулиб юборди. Баёв табиатли Иброҳим Султон бир зум ичида айтилган сатрларни ўзича қайтарди-да:

— Ия, бу Сайфи Саройи ғазалидан-ку?! — деди.

Энди ҳаммалари баравар қулиб юбордилар. Халил Султон ҳийласи амалга ошмаганидан, Хусайн унга шерик бўлганидан, Улуғбек ўзини писанд қилмаган акаларини болаганидан, Иброҳим Султон эса бу муғомбирликни олдиндан сезмаганидан завқланиб куларди. Гўё бепоён дашт кўйни ёшларнинг кулгуси билан тўлгандек туюларди.

Улар ҳозир бирга эдилар, улар бирлигининг боиси Соҳибқирон бобо эди. Аммо қазодек қайтарилмас ҳукмга кўра уч ойдан сўнг ўзаро рақиб бўлиб, бир-бирларига қилич қайрашларини билмас эдилар. Бу даҳшатли ҳукм қўшин ўртасида оппок от устида оғир тебраниб келаётган жаҳонгирнинг ўлиmidан сўнг кучга кириши ёлғиз Аллоҳга аён эди.

Самарқанддаёқ қўшиннинг ўнг қаноти Тошкент ва Сайрамда, сўл қаноти эса Яссиди кишлаши мўлжалланган эди. Шунга кўра Халил Султон мирзо бошлик амирлар Тошкентда, Хусайн мирзо эса Яссиди, Темурнинг ўзи эса қўшиннинг қолган қисми билан Ўтрор ва унинг атрофларида кишлаши ҳам барчага маълум. Темурнинг ҳисоб-китобига кўра, қўшин уч ярим минг чақиримдан зиёд йўл юрмоғи зарур эди. Йўлнинг олислиги, қўшиннинг улканлиги шунга етарли озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминланмоғи лозим. Шунинг учун ҳам қўшин ортидан ҳар хил юклар ортилган захира қарвонлари изма-из йўл босади.

Амир Темур юришларга қўшинини олиб чиқавериб ғоят пишиб кетган қўмондон эди. У фақатгина яқин муддатга мўлжалланган озиқ-овқат ғамлаш билан чекланиб қолмай, тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, навкарлари изидан бир неча минг от-аравага буғдой юклаб юрарди. У эртанги кунини ҳам ўйлаб, қўшин қайтаётганида ҳам озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун қулай жойларга буғдой, арпа, сули эктирарди.

Шунингдек, кимизи ва кимронини ичиш учун бир неча минг бия ва туя олиб юрарди.

Амир Темур дастлаб Оксулотда бир ой турди, жумадулохирнинг поёнида эса Утрорга караб йўл олди. Заркент шаҳри яқинида кўшин муз коплаган Сирдарё устидан эсон-омон ўтиб олди. Қиш қаттиқ келган, дарё устини коплаган музнинг калинлиги икки-уч тирсакка етган эдики, бу муз кўприк ҳар қардан пиёда ва отлик кўшин ўтса, бемалол бардош берарди. Кўшин дарёдан эсон-омон ўтган бўлса-да, йўлда кўп одам нобуд бўлди. Қалин қор баъзи жойда отнинг кўкрагича ёғган, совук кучайиб борарди.

Амир Темур минг бир машаққат билан Утрорга етиб, шаҳар ҳокими Бердибек саройига кўнди. У кишни Утрорда ўтказиб, баҳорда Хитойга ҳамла қилиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Аммо унга баҳорни кўриш насиб этмади. Утрорга етган кундан икки ҳафта ўтиб, Соҳибқирон бетоб бўлиб қолди.

Хасталикнинг учинчи куни Соҳибқирон ўлими яқинлашганини сезди-ю, Сароймулкхонимни чақиртирди. Кейин амир Шохмалик билан амир Шайх Нуриддин чақиртирилди. Ниҳоят, амирлар чиқиб кетдилару чодирдан чиққан хос табиб мавлоно Фазлуллоҳ Табризийнинг шогирди бўлган йигит Улуғбекка яқинлашди:

— Амирзодам,— деди у пичирлаб,— сизни сўраяптилар...

Улуғбек ичкарига қадам кўйди-ю, бобосининг ковоқлари юмилганини кўриб, кўрқиб кетганидан, ялт этиб бибисига қаради. Бибиси «яқинроқ ўт!» дегандек ишора қилгач, бобосига яқинлашди. Ўша захот бобосининг ковоқлари сезилар-сезилмас пирпираганини илғади. Бобосининг кўзларида нур йилтиради. Боланинг бўғзига нимадир тикилиб келди, аммо ўзини тутиб, бобоси олдида тиз чўкди. Сўнг кўрпадан чиқиб турган беморнинг кафтини силай бошлади.

— Улуғбек мирзо!— бобосининг товуши ўзгармаган, ўшандай кучли ва қатъий эди.— Келдингизму?

— Келдим, бобожон, келдим!— дея шоша-пиша жавоб берди у.

Улуғбек парку ёстикка бош кўйганча хира кўзларини унга тикиб турган бобосига караб эгилди. Бобосининг юзи икки-уч кун ичида сарғайиб кетганини кўриб, ичидан зил кетди. Ҳатто у ҳам ёшгина боши билан бу ўлим муқаррарлигининг аломати эканини англади.

— Қошимда бўлинг, — деди бобоси пичирлаб, — Гапирмасангиз ҳам, майли...

Улуғбек бибисига қаради. Аммо бибиси Мавлоно Фазлуллоҳ билан пичирлашиб турарди.

— Муҳаммад Тарағай бобонгиз... — Яна бобосининг товуши эшитилди, — Менга қилғон васиятлари ҳақида... сўйлағоним ёдингиздаму?

— Едимда, бобожон, ҳар ўғитингизни зехнимга жо этгонмен... — деди Улуғбек яна бобоси устига эгилганча.

— Кўп яқинлашманг, мирзо, — деди тўсатдан бобоси, — Нафасингиз кучлидур, нафасимни қайтармасин...

Табиб йигит Улуғбекнинг енгидан тутди. Аммо бола бобоси унга яна нимадир демоқчилигини сезгач, табиб йигитга эътибор қилмади.

— Уша сўзлар қулоғингизда бўлсун... Хўпми, болам?..

Яна бўғзига нимадир тикилиб келди-ю, бола жавоб бермоққа иложсиз қолди, фақат «Хўп!» дегандек бош силкитди, холос.

Табиб йигит яна шахзоданинг енгидан тутди, бу билан суҳбатни бас қилишни сўради. Улуғбек кадини ростлади.

У чикаётиб, бибиси билан ҳамон пичирлашиб гаплашаётган мавлоно Фазлуллоҳга кўз ташлади. Сўнг индамай, вазмин одимлаб ташқарига чикди.

Амир Темур қайтиб ўрнидан туролмаслигини англагач, тақдирга тан бериб, энг содик амирларини хузурига чорлади ва гапни чўзиб ўтирмай, ўзидан кейин набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгир салтанат эгаси бўлиши ҳақидаги сўнгги амрини эълон қилди.

Сўнг барча амирлари, сарой одамлари олдида сўнгги васиятини айтиб, туриб, котибга ёздирди.

— Англаб турибманки, рух куши қалб кафасидан парвоз қилмоқчи, Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётибман, — деб васиятномасини бошлади буюк жаҳонгир. — Сизларни унинг лутфу марҳаматига топширдим. — Амир Темур шундай деб Сароймулкхонимга, унинг ёнидаги набираларига тикилди, уларнинг йиғлаётганларини кўриб, сўзини давом этди: — Оби дида қилиб ўлтирманглар, оху нола чекманглар, чунки бундан фойда йўқ. Рухимни фотиҳа ва такбир билан шод этинглар.

Алҳамдиллоҳ, Тангри таолонинг ёрдами-ла маъ-

мурайи оламини шундай забт этдимки, бугун тамом Эрону Туронда бирор кишининг бошқаларнинг ишига аралашиши ёки жабру бепок қўлини бечораларга озор бериш учун кўтаришга мажоли йўқдур. Гуноҳим қанча кўп бўлса ҳам кечиринглар, деб Тангри таолонинг мулкини бекиёс сахийлик билан қўриқладим, золимларнинг тажовузли қўлини мазлумларнинг этагидан юлиб ташладим. Салтанат куриб ўлтирганимда, эшитмаган ёки менга хабар қилмаган, ёхуд дунё собит бўлмаган пайтлардан бошқа вақтда зўравоннинг заиф устидан зўравонлик қилишига йўл қўймадим...

Шундай бўлса-да, дунё менга вафо қилмади, билингларики, сизга ҳам вафо қилмайди...

Лекин жабру зулмга монёлик қилиш ишини кечиктириш мамлакатни хавфу ғафво остида қолдиради, жумлаи ҳалойикнинг ҳузур-ҳаловатини бузади, маслағу тариқатнинг бузилишига олиб келади. Қиёмат куни буни биздан сўрайдилар, суриштирадилар...

Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикким, Самарқанд тахти унинг амр-фармонида бўлғай, тамкинлик ва истиклол билан мулку миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсун. Сизлар эса унга тобеълик ва бўйсунуш маросимини ўрнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қувватланглар, токи олам бузилмасун, юрт парчаланмасун...

Ўғилларим, Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбик этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздур. Заифаларни қўриқланг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсун. Мен киби узун салтанат сурмак истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз... Орангизда нифок тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи надимларингиз ва душманларингиз нифок тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка киришажакдурлар. Фақат тузугим ва васиятим сизга тўғри йўл кўрсатғай. Аларга содиқ қолсангиз, тош бошингизга тушмас...

Амир Темур жим қолди. Суюкли хотини олдидагина хасталигини, хасталик заифликларини борича очик кўрсатган қария амирлари қаршисида ҳамон қатъият-



ли ҳукмдор эди. У ҳар бир амирга каттик тикилиб, таъкидлади:

— Яна айтаман: мендан сўнг тожу тахт эгаси Пирмухаммад Жаҳонгир бўлажақдур. Унга, худди менга итоат қилганингиз каби, итоатда бўлингиз.

Бундан бир неча йил аввал Соҳибқирон валиаҳдликка Жаҳонгир Мирзонинг тўнғич фарзанди Муҳаммад Султонни мўлжаллаган эди. Аммо набираси Рум юриши поёнида аллақандай дардан тўсатдан қазо қилди. Валиаҳдлик марҳум амирзоданинг иниси Пирмухаммад Жаҳонгирга ўтди. Соҳибқирон Хитой юриши арафасида набирасини Ғазнадан чакириб, унга ўз ниятини маълум қилган ва унинг тож-тахтга даъвосини мустаҳкамлаш учун хонлар наслидан бўлган инисининг бевасини Пирмухаммадга никоҳлаб берди. Ҳатто Конигул тўйларидан сўнг Сароймулкхоним мадрасасида ўтказган мажлисда ўзига садокатли амирларга валиаҳдлик ҳақида келган қарорини айтган, улардан шахзодага содиқ бўлиш ваъдасини ҳам олган эди. Аммо ҳозир... Ҳозир у ўлим тўшагида ётибди, Пирмухаммад Жаҳонгирни ёнига чорлагани билан, у етиб келгунча Тангри таоло унинг жонини олиши аниқ: Демак амирларга қасам ичиришдан бошқа йўл йўқ!

Амир Темур яна ҳар бир сафдошига тикилиб, буюрди:

— Ҳар бирингиз бу амримга итоат оминини бажо келтирингиз! Сўнг Куръони Карим устида қасам ичингиз!

Ўша он барча амирлар бараварига «Омин!» деб фотиҳа айтдилар ва бирин-кетин муқаддас китобни ўпиб, қасам ичдилар.

Ҳамманинг кўз ўнгида Амир Темур салтанат муҳрини олиб васиятномага босди. У шундай қилишга мажбур эди. Чунки ҳозир унинг ёнида мурғак шахзодаларни айтмаганда, ёши улуғ на бир фарзанди ва бир набираси бор. Қанийдики, улар шу ерда — ёнида бўлсалару валиаҳдлик борасидаги гапларни унинг ўз оғзидан эшитсалар...

Аммо амирзодаларни чорлаш ҳақида амир Шоҳмалик оғиз очганда, соҳибқирон «йўқ!» дегандек бош чайқаб, гапирди:

— Вақт ўтди, Шоҳмалик, аммо... аммо Шоҳруҳни бир кўргум бор эрди...

Амир Темур гапини тугатолмади, уни каттик йўтал тутди. Анчадан кейин юзи кип-қизариб кетган Со-

хибқирон яна хира кўзларини амир Шоҳмаликка тикиб, дона-дона қилиб айтди:

— Улуғбек мирзони сенга топширғонимни минбаъд унутма... Сен анинг оталиғисан... Ундан бохабар бўл!

Яна бир дамдан кейин Амир Темур икки сафдошига қаттиқ тикилди:

— Биламан, валиаҳдлик Шоҳруҳга бўлсун, дейсиз!.. Аммо, валиаҳдлиғ тўнғич ўғил хонадониға бўлсун, демаганми ота-боболар?!

Шоҳмалик!.. Нуриддин!.. Бохабар бўлинг! Мабодо васиятимға хилоф ишлар рўй берса, йўл қўйманғиз! Қилич бирлан йўл қўйманғиз! Васиятимни бузғон ким бўлмасун, ўғлимми, набирамми, жазоланғиз! Илло, шундай қилмасанғиз, барчанғиз нес-нобудлик комиға тортилғайсиз! Бу сўзларим ёдинғизда бўлсун!

Соҳибқирон Сароймулкхоним ҳам Шоҳруҳ тарафдори эканини биларди. Шу сабабдан у малика билан ҳам гаплашди.

— Биби,— деди Амир Темур,— сиз салтанат маҳди улёсидурсиз. Шундай эркан, салтанат тақдири сизға ҳам боғлиқдур... Бу суҳбат балки сўнғиси бўлғай. Сиздан ёлғиз бир ўтинчим: валиаҳдлиғ расми бузулмасун!

Амир Темур Кўрагон саккиз юз еттинчи йил шаъбон ойининг ўн еттинчисида — мелодий 1405 йилнинг 18 феввалида етмиш ёшида оламдан ўтди.

Армений Вамбери ёзади: «Ўлим билан юзларча марта юзма-юз келган Темур ҳаётининг бу сўнғи дақиқаларида ўзининг қахрамонлик вазифасига содик қолди. Уни ўраб олган болалари, набиралари ҳамда куролдош дўстлари дунёдан кўз юмаётган олий ҳукмдор учун аччиқ кўз ёши тўккан пайтда, у ҳаммасини ўзаро иттифок ва дўстона ҳаёт кечиришларини истаб, ўзига ворис этиб тайинлаган Пирмухаммадга итоат этишларини васият қилди. Унинг ҳузурига набираси Мирзо Халил Султонни ва бошқаларни чақириш учун ижозат сўраганларида, у ўзининг ҳаёти жуда оз колганини айтиб, бунга салбий жавоб берди. Ўзининг суюкли ўғли Шоҳруҳ мирзони бир кўриб қолмаганига афсусланди. Шундан кейин тез ҳолдан тойди. Бир ишора билан мулло Ҳайбатуллонинг Қуръондан бирор сура ўқишини илтимос қилди. 807 йил шаъбонининг еттинчи (аслида ўн еттинчи. — Х. Д.) — мелодий 1405 йил 18 февраль кун и кечқурун жон таслим этди».

Тарихчи Бўрибой Аҳмедов ёзади: «Бердибек, Шоҳмалик ва Шайх нуриддин эртаси (1405 йил 19 февраль)

куни нахорликдан кейин Темурнинг хотинлари, Улуғбек, Иброҳим Султон ва Мухаммад Жаҳонгир билан яширин кенгаш ўтказдилар. Ҳозирча юз берган фожиани ошкор қилмаслик, марҳумнинг тобутини барча маликалар, Улуғбек ҳамда кичик ёшдаги бошқа шахзодалар билан бирга амир Ҳожа Юсуф қавчин мутасаддийлигида, Али Дарвиш шивоғул бошлиқ кўриқчилар ҳимоясида махфий суратда Самарқандга жўнатиш, Иброҳим Султон ва Халил Султон бошчилигида Хитой устига юришни бошлаб юбориш, тожу тахт масаласини юришдан кейин Самарқандда қурултой чақириб ҳал қилишга қарор қилинди. Лекин, амалда ҳар ким ўз билганича иш тутди, амирларнинг ичган қасамлари қасамлигича қолди. Биринчи бўлиб қасамдан Темурнинг яқинлари кечиди. Шайх Нуриддин билан Шохмалик ҳам, Темурнинг бевалари ҳам васиятга ҳилоф равишда ҳокимиятни Шохруҳга топшириш пайига тушдилар. Шунинг учун ҳам улар Темур ўлимини Халил Султондан ҳам, Султон Ҳусайндан ҳам сир тутдилар. Тошкент ва Яссига борган чопарлар шахзодаларга гапнинг ростини айтишмади. Фақат Соҳибқироннинг оғир бетоб бўлиб қолганини хабар қилдилар, ҳолос. Ҳиротга юборилган Шайх Темур қавчин эса Шохруҳга бўлган гапни очиқ-ошкор айтди. Шундан кейин Шохруҳ рамазон ойининг бошида (1405 йил 1 март куни) ўз номига хутба ўқиттириб, пул зарб қилдирди.

«Ойни этак билан ёпиб бўлмас», деганларидек, Темурнинг ўлимини ҳам яшириб бўлмади. Совуқ хабар тез орада Саброн билан Тошкентга ҳам етиб борди. Султон Ҳусайн қўл остидаги кўшинни ташлаб, минг чоғли сара йигити билан Самарқандга қараб от сурди. Халил Султон ҳам фурсатни қўлдан бермади. Ҳаммадан аввал Самарқанд ҳокими амир Арғуншоҳ билан алоқа ўрнатди. Унинг Самарқандга юборган вакили Арғуншоҳ билан гапни бир жойга қўйиб қайтди. Амир Арғуншоҳ Темурнинг жасади солинган тахтиравондан бошқа бирон зотни шаҳарга киритмаслик ва пойтахтни Халил Султон етиб келгунча эҳтиёт қилиб туришга сўз берди...

Кўп ўтмай Хитойга юришни давом эттириш режаси ҳам чиппаққа чиқди. Темур вафотидан бир ҳафта ўтгандан кейин, 1405 йил 24 февраль куни чошгоҳда Иброҳим Султон билан амирлар отланишиб кўшин билан Ўтрордан чиқдилар, лекин ҳаммаси бўлиб бир тош йўл босдилар, ҳолос. Улар Азуж ариғигача бориб,

Кулдурма кўприги олдида чодир тикдилар. Лашкар орасида бузилиш юз бермаслиги учун Амир Темурнинг туғи Иброҳим Султон чодир кулбасига тикиб кўйилди. 19 февраль куни Тошкент билан Сабронга юборилган чопарлардан ҳар учала кўшин — Иброҳим Султон, Халил Султон ҳамда Султон Хусайн бошлик кўшинлар Чўклик мавзеида кўшилиши ва у ёғига юришни бир-галикда давом эттиришлари айтиб юборилган эди. Бахтга қарши чопарлар нохуш хабар олиб келдилар: Султон Хусайн аллақачон кўшинни ташлаб Самарқандга отланибди ва ҳаммадан илгари тожу тахтни кўлга киритиш пайига тушибди. Мархум Умаршайх мирзонинг ўғли Амирзода Аҳмад билан Худойдод Хусайний, амирлардан Едгоршоҳ орлот, Шамсиддин Аббос, Бурундук барлос ва бошқалар ҳам тил бириктириб, Халил Султонни подшо кўтарибдилар. Бу хабар Иброҳим Султоннинг ёнидаги амирларни довдиратиб кўйди. Охири улар ҳам Иброҳим Султон ҳамроҳлигида орқага қайтишга қарор қилдилар ва Темурнинг Хитой юриши харажатлари учун ўзи билан бирга Ўтторга олиб келган хазинасини ҳам олиб, шитоб тарзда Самарқандга қараб юзландилар...

Иброҳим Султон ва унинг амирлари тобут билан бораётган оғалар (маликалар) ва мирзоларга (Улуғбек, Муҳаммад Жаҳонгир, Ийжил, Бойқаро, Суюргатмиш) Оксулотда етиб олдилар, уларга кўшилиб, Самарқанд сари юрдилар. Шохмаликнинг таклифи билан, ҳар эҳтимолга қарши, жиба ва совутларини кийиб олдилар ва саф тортиб, жанговар тартибда йўлга тушдилар. Кўшиннинг ўнг қанотига Улуғбек билан амир Шохмалик, унинг сўл қанотига Иброҳим Султон ва Шайх Нуриддин бошлик этиб тайинландилар.

Амир Арғуншоҳ шаҳарга факат тобут ортилган тахтиравоннигина киритди. Чорраҳа дарвоза олдида келган Шохмаликка эса Темурнинг сўнгги иродаси билан Ўттордан юборилган фармони олийни рўқач қилди ва «Борлик шахзодалар иттифок бўлуб амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирни подшоҳ кўтармагунларича бирон зот қалъага дохил этилмайду», — деб жавоб қилди...»

Арғуншоҳнинг хиёнат йўлига кирганидан шубҳаланган амир Шохмалик Улуғбек билан Иброҳим Султонга маслаҳат солди:

— Баттол Арғуншоҳ қалъага ёлғиз маликалару мурғак мирзоларни киритамен, деб эмиш. Аммо, миш-

мишларга кўра, Халил Султон одами анинг ёнида, аларга ваъдаси бор эмиш... Шул сабабдин бунда турмок мушкулдур, Бухорога йўл олмок лозим. Тангри таоло иноят этса, Самарқандни яна олғаймиз...

Бу гапни маъқул топган шахзодалар Бибихоним ва бошқа маликалар билан хайрлашдилар. Кекса бибиси кўнган Алиобод қишлоғидаги ховлидан кўзлари намланиб чиққан Улуғбек Сароймулкхоним билан абадий видолашганини билмас эди. Хеч кимга билинтирмай, кўзлари четидаги намни бибиси совға қилган рўмолча билан артар экан, ўн яшар боланинг юраги бесаранжом дукилларди.

Улар Бухорога ярим йил аввал Хитой юришига чиқилган йўл билан борардилар. Фарқи, куз эмас, баҳор эди, улкан қўшин эмас, бир гуруҳ навқар уларга ҳамроҳ эди. Улуғбек ўша олис кунни эслади. Ўшанда осмон булутли, кўнгил қувончли эди. Бугун осмон чароғон, кўнгил ҳуфтон. Унинг кўз ўнгида хохолаб қулган шахзодаларнинг қувончли ҳолатлари кўринди-ю, Сайфи Саройи ғазалининг давоми тилига қуюлиб кела бошлади:

*Бир гул яноқлу, жоду қароқлуға ўғрасанг,  
Жонинг фидо қилурсан ўшул анго кўнгул.*

*Султонлар ўғли зулфина густоҳ қўл сунаи,  
Сан-сан алинда бир пули йўқ бенаво кўнгул.*

*Улқим сани жафо била ўлтурмаға тилар,  
Минг жон била қилурсан анға хуш дуо, кўнгул.*

*Тартиб замона хўбларинин жаврини мудом,  
Кўрдунгму ҳеч биринда булардан вафо, кўнгул.*

*Куйдим санинг била неча кез фурсат ўтина,  
Ииллар чекиб санинг била жавру жафо, кўнгул.*

*Қози эви на ерда, ажаб, муфти қайдадур,  
Қилғай эдим санинг била хуш можаро, кўнгул.*

*Сайфи Саройини бу қароқида боғласанг,  
Хўблар жафоси бирла бўлурсан фано, кўнгул...*

## БУХОРО. ҲИРОТ. САМАРҚАНД УЧУН КУРАШ

Бухорога қараб йўл олган Улуғбек билан Иброҳим Султонга жаҳонгирнинг икки улуғ сафдоши — амир Шохмалик ва амир Шайх Нуриддин ҳамроҳ бўлдилар. Бухорога етмасдан қувғинларни шаҳар доругаси Ҳамза Султон бошлиқ ақобирлар қутиб олдилар.

«Матни Шамсия» таҳаллуси билан машҳур бўлган хожа Ота Малик Жувайний ўзининг «Тарихи Жаҳонкушой» деган китобида Бухоронинг фазилати ҳақида шундай ёзган: «Бухоро машрик шаҳарларидан бўлиб, Қуббат ул-исломдир. У томонда (яъни Мовароуннаҳрда) мадинат ул-ислом ўрнида бўлиб, фуқароси факихлар ва олимлар нури билан безалиб, унинг атрофи маънилар маъшуқалари билан зийнатланган. Бухоро қадимдан ҳар асрда ҳар қандай дин олимлари тўпланадиган жой бўлиб келган. «Бухоро» сўзи «бухор» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўтпарастлар тилида «илм макони» демакдир. Бу талаффуз уйғур (яъни турк) ва хитойлик бутпарастларнинг тилига яқиндир, чунки уларда сиғиниш жойлари бўлган маъбарларни «бухор» деб атайдилар. Бухорнинг номи аслида Лумижкат бўлган».

Шаҳар тарихини ёзган Наршахий Бухоро номлари баёнида ёзади: «Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухоро кўп исмларга эга дейди ва ўз китобида Нумижкат деган исмни келтиради. Яна бошқа бир жойда мен уни Бумискат деб келтирилганини кўрдим. Бошқа бир жойда араб тилида «Мадина тус-суфрия», яъни «Мис шаҳар» ва яна бошқа бир жойда араб тилида «Мадина т-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деб ёзилган. Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машҳурроқдир. Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас.

Бир ҳадисда Бухоро номи Фаҳира бўлиб келган. Хожа имом, зоҳид, воиз Муҳаммад ибн Али Нужободий раҳматли Салмонн Форсийдан бир ҳадис ривоят қилган: Салмоннинг айтишича, Пайғамбар, Худо унга ўз раҳмат ва саломини йўлласин, шундай деган: «Жаброил, унга Худонинг раҳматлари бўлсин, айтганки, кун чиқиш томонда бир жой бор, уни Хуросон дейдилар (Бу даврда ҳали Моваруннаҳр калимаси қўлланилмас эди. Х. Д.), унинг учта шаҳарини киёмат куни ёқут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар, улардан нур

чикиб туради. У шахарларнинг теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбиҳ, ҳамд ва такбир айтадилар, келини куёв уйига олиб боргандек, у шахарларни эъзоз ва икром билан махшаргоҳга олиб келадилар. Бу шахарларнинг ҳар бирида етмиш мингдан байроқ, ҳар бир байроқ тагида етмиш мингтадан шахид ётган бўлади ва ҳар бир шахиднинг шафоати билан худони бир деб билувчи етмиш минг киши азобдан қутилади. Қиёмат куни у шахарнинг ҳар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва орқаси ўн кунлик йўл бўлиб, буларнинг ҳаммасида шахидлар туради. Ҳазрати Пайғамбар, Худо унга раҳмат ва саломини йўлласин, «Эй Жаброил! У шахарларнинг номларини менга айт!» деб сўради. Жаброил, унга Худонинг саломни бўлсин, «Шахарларнинг бирини араб тилида Қосимий, форсчада Яшкард дейдилар, иккинчисини арабчада Самарон, форсчада Самарқанд дейдилар, учинчисини арабчада Фохира, форсчада Бухоро дейдилар»,— деб жавоб берди. Пайғамбар, Худо унга ўз саломни ва раҳматини йўлласин, сўради: «Эй Жаброил! Нега Фохира деб атайдилар?» Жаброил: «Шунинг учунки, қиёмат куни Бухоро шахари ўзида шахидларнинг кўплиги билан фахр қилади»,— деб жавоб берди. Пайғамбар, Худо унга ўз салом ва раҳматини йўлласин, хитоб қилиб: «Эй Худо! Фохирага баракат бергин, унинг халқлари дилларини такво билан пок этгин, ишларини покиза қилгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилгин!»— деди. Ана шу маъни туфайли бухороликларнинг раҳмдилликларига, уларнинг эътиқод ва покликларига кун чиқиш ва кун ботиш гувоҳлик беради».

Баъзи бир ривоятлар Бухоро шахрига Сиёвуш асос солган деса, бошқалари эса улуғ турк ҳокони Алп Эр Тунга — Афросиёб бино қилган деб маълумот беради. Аммо шу нарса ойдинки, Бухоро худди Самарқанд каби неча минг йиллик тарихга эга.

Бухоро қадимдан суви ширин, хавоси латиф, атрофи кенг, нозу неъматли, моллари кўп бўлиши билан зийнатланиб, уламо тоифасининг тўпланган жойи, фасоҳат, балоғат ва ширин сўзларнинг манбаи бўлиб келган.

Бухоро Соҳибқироннинг азиз волидаси Такина Хотуннинг она юрти. Эсингизда бўлса, Такина Хотун маърифати ва таквоси туфайли «Садр уш-шариа», «Тож уш-шариа» деб улуғланган садрлар хонадони фарзанди эканини айтган эдик.

Улуғбекнинг ёдида: Рум сафарига чиққан бобоси шаҳарга яқинлашганда отдан тушган, пою пиёда бўлиб Бухорога кирган эди. Бу суюкли волидаси хурмати, фарзандлик ҳақи эди. Кўнглини айрилиқ азоби эзган набира ҳам бобомерос ҳақ ва ҳурматни бажо келтирди: Самарқанд дарвозаси кўзга кўриниши билан отдан тушиб, шаҳарга пиёда юриб кириб борди.

Вазият нечоғли таҳликали бўлмасин, Улуғбек эртаси куни Иброҳим Султонун кекса амирларни эргаштириб, бобосининг пири Сайид Амир Кулол мазорини тавоф қилди, муршиди комил ҳақиға Қуръон тиловатини бағишлади. У бобосининг оғзидан эшитган сўзларни эслади. «Салтанатдан эришган жамийки нарсам ва мустаҳкам маконларни фатх қилишим — булар ҳаммаси Шайх Шамсуддин Кулолнинг дуоси, Сайид Амир Кулолнинг мадади-ю Шайх Зайнуддин Тайбодийнинг химмати туфайли ва барча топган баракатларим эса факат Сайид Барака ёрдамида бўлган» — деяр эди бобоси. Бобосининг хикояти ҳам ёдида: Самарқандни пойтахт қилган Амир Темур чопар жўнатиб, Сайид Амир Кулолни ўз ҳузурига чорлади. Аммо кекса пир шогирдининг бу таклифига: «Биз бу ерда иршоду дуо бирла машғулдирмиз ва бизга бирор жойга бормоққа ижозат йўқдур», деб жавоб беради. Аммо Соҳибқирон қошига кенжа фарзанди Амир Умарни йўллар экан, унга: «Эй фарзандим, Амир Темурга «Агар Аллоҳ таоло ҳузурда кадр топишни истасангиз, кундалик турмушингизда такво ва адолатни барқарор қилинг!» деган сўзимизни етказгайсиз», — деб тайинлайди. Амир Умарни отасининг халифаси Шайх Жамолиддин Дехистоний тарбиялаган эди. Амир Темур пирининг фарзандини иззат-икром билан кутиб олди ва уни мухтасиблик мансабига тайинлади. У 803 (1400) йилда оламдан ўтгач, улуғ устози Мир Сайид Барака ёнига кўйдирди. («Самария»дан: «Гумбаз ичида (Гўри Мирда) супа устида Мир Сайид Умар бин Сайид Кулолнинг ҳам қабри бордир. Унинг мазорида нур зохирдир»)

Улуғбек мирзо тажрибали амирлар билан бамаслаҳат иш кўриб, падари Шохруҳ мирзо етиб келгунга қадар Бухорода муқим қолишни маъқул топди. Отасини шошилтириш мақсадида амир Шохмаликни Хиротга отлантирган амирзода Бухоро қалъаси деворлари, буржлари ва дарвозаларини мустаҳкамлашга киришди.

Аммо Самарқанд тахтини эгаллаган Халил Султон бу ҳолдан хабар топгач, хуфияларни ишга солди, охир-



окибат доруға Хамза барлос ва унинг биродари Рустам барлосни ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлди. Хиёнаткорлар зуғуми туфайли Улуғбек Бухорони ташлаб чиқиб, Хиротга йўл олди. Шаҳарни шошиғич тарк этгани туфайли аҳли ҳарам, уғрук ва хазина фитначилар кўлига тушди.

Қоракўл йўлидан бесаранжом от чоптирган шахзода бир амаллаб Жайхундан кечиб ўтсам, у ёғи бахайр, деб ўйлаган эди. Аммо йўл осон кечмади, Хиротга етгунча минг машаққат ичида бўлди.

Шоҳруҳ мирзо саргардон ўғилларини катта тантана билан кутиб олди, аҳли ҳарам ва хазина Бухорода колганини эшитиб қайғурди.

Халил Султоннинг Самарқанд тахтини эгаллаб олиши Шоҳруҳ мирзонинг нафсониятини нечоғли азобга солмасин, у ҳали Мовароуннаҳр устига юришга имконсиз эди. Умиди Улуғбек сақлаган хазинада эди, бу ҳам рақиблар кўлида қолди.

Халил Султон ихтиёрида эса Соҳибқироннинг хазинаси — неча йиллик Мовароуннаҳру Хуросон хирожи, юришлардан олиб келинган тоғ-тоғ бойлик бор. Эшитишича, шоиртабиат Халил Султон бу бойликни тахтга ўтирган кунидан бошлаб ўзини кўллаб-қувватлаган амиру беклар устидан Найсон булутлари ёғдирган ёмғирдек сочаётган эмиш. Тожу тахт хаваси йўлида Соҳибқирон падари ўтқир қилич воситасида битталаб жамлаган уммон каби зару жавоҳирни бебурд набира қоп-қоплаб совураётган эмиш.

Қолаверса, Соҳибқирон ўлими дараги тарқалгач, Хуросонда ҳам нотинчлик пайдо бўлган, гоҳ Сеистондан, гоҳ Балхдан исён овозаси етади. Боз устига кўп ўтмай Шоҳруҳ мирзонинг ҳужумидан кўрккан Халил Султон кўшин билан Термизга келиб тухтади. Хуллас, Самарқанд йўли ҳозирча берк эди.

Мовароуннаҳр ҳам нотинч. Темур давлати тасарруфидаги шарқий ҳудуддаги мулклар Самарқанд билан Хирот ўртасида уруш бошланишини интиқ кутишар, мабодо кутганлари рўй берса, бош кўтаришга ҳозирлик кўришарди. Халил Султон буни яхши англади, шу сабабдан амакиси билан жанг бошлашдан қаттиқ ҳайқарди. Бобосидан қолган хазина туфайли унинг тарафдорлари қанчалик кўп бўлмасин, валиахдлик ҳуқуқини бузиб тожу тахтни эгаллаганини унутмаслиги керак. Шаръий ҳуқуқ бузилганиданми, назарида бошидаги тож омонат, бир қилич силташдан учиб кетади.

гандай. Унинг бу ҳолатини сезган атрофидаги амирлар эса кундан-кун безбет ва очофатли бўлмоқдалар. Ма- бодо уруш бошланса, бобоси ўлимидан сўнг доруссал- танада йиғилиб, хазина устида ўлаксахўр калхатлар- дек тинимсиз айланаётган бу бадниятлар нима қили- шини худо билмаса, бандаси билмайди!..

Шу сабабдан ҳар икки тараф сулҳ тузиш мақсадида бир-бирларига элчилик юбора бошладилар. Бу узокка чўзилмади. Сулҳ тузилди. Унинг шартларига кўра, Ху- росон Шохруҳ мирзо мулки, Мовароуннаҳр эса Халил Султон мулки саналадиган, шунингдек Халил Султон валиаҳдлик ҳуқуқи поймол этилган бечора Пирмуҳам- мад Жаҳонгирнинг ҳарами Хоникани шаръий эри ҳузу- рига — Балхга юборадиган, Улуғбекнинг Бухорода кўлга киритган хазинасини қайтарадиган бўлди.

Сулҳ тузилган бўлса-да, ҳар икки томон бир-бири- дан шубҳаланиб, рўй бериши қисмат дафтарига би- тилгандай туюлган беомон урушга ҳозирлик кўришни тўхтатишмади. Ҳозирлик суръати кунма-кун ошиб бо- рарди. Дастлаб сулҳ тузиш билан тожу тахтга бўлган даъволарини сақламоқчи бўлган амирзодалар бу даъ- во ёлғиз қилич зўри билан ажрим бўлишини англаган, ҳар бири «Мен енгаман!» деган умид ичида колган эди. Ҳар икки томон амирлари ўз ҳукмдорларини жангга чорлашдан бўшамас эди. Соҳибкирон хазинаси қуриб бораётганини пайкаган Самарқанд амирлари янги ха- зиналар илинжида, хазонайи омирадан чақа ҳам тег- маган хиротлик амирлар ўз ҳақларини тезроқ кўлга киритиш ниятида урушга даъват қилардилар.

Бу орада Халил Султон ҳулоқулар мулкани бош- қарган отаси Мироншоҳ ва биродарлари Умар билан Абубакрни кўмакка чорлади. Улар ҳам хаялламай Ху- росон устига юриш бошладилар. Шохруҳ салтанати- нинг устунлари кирсиллай бошлади. Бу кирсиллаш ҳар икки томонни қаттиқ ҳаяжонга солди, ҳатто шу пайтга- ча Шохруҳ ҳокимиятини тан олган айрим ҳокимларни исён йўлига бошлади. Биринчи бўлиб, Соҳибкирон куё- ви бўлмиш Сулаймоншоҳ бош кўтарди. Аммо Шохруҳ, отаси муллавачча деб таъна қилган Шохруҳ тақдирга тан бермади, атрофига кучли кўшин тўплаб, Улуғбекни олиб оғасига қарши йўлга чикди. Икки ўт орасида қолишдан кўрққан Шохруҳ мирзонинг бахтига қутил- маганда Мироншоҳ юришни тўхтатиб, орқага қайтди. Сулаймоншоҳ эса жанг қилиш ўрнига Самарқандга қараб кочди.

Самарканд билан Хирот ўзаро яна сулҳ туздилар. Аммо муносабатлар «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаверди.

1406 йил қишининг ўртасида Шохрух биринчи бўлиб ҳаракат бошлади. Унинг амир Шохмалик ва Улуғбек мирзо бошчилигидаги қўшини Жайхун ёқасида аламзада валиаҳд Пирмуҳаммад Жаҳонгир лашкари билан бирлашиб, дарёни кечиб ўтди ва Термизни эгаллади. Шу юришда тўхтамай юриб, Ғузор, Шаҳрисабз эгалланди, Ғалабадан маст амир Шохмалик Қарши яқинидаги Маймурғ манзилида Халил Султон қўшини билан тўкнашиб, кутилмаганда рақиб зарбасига дош беролмай орқага қочди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир Балхга, Улуғбек билан амир Шохмалик Андхудга қочиб бордилар. Халил Султон мағлубларни дарёгача қувди, аммо дарё ортида Шохрух мирзо қўшини билан келиб турганини билгач, Жайхундан ўтмади.

Шохрух мирзо бутун айбни амир Шохмалик бўйнига қўйди, Кекса амир аразлаб, Балхга кетди. Шохрух эса хушомад билан унинг кўнглини овлаган маккор амир Саидхўжани амирул умароликка тайинлади. Кўп ўтмай амирул умаро қуввати ва шавкати ошиб кетганидан боши айланиб, подшоҳга хиёнат қилди: бир қатор ўзига яқин амирларни бошлаб Жом томонга қочди. Амир Шохмалик яна Шохрух хизматига қайтди.

Шохрух ўғли билан амирни хиёнаткор Сайидхўжа устига отлангирди. 1406 йил ёзи давомида кечган ўзаро урушлар ниҳоят Астрободнинг Сиёхбилод қишлоғи яқинида яқун топди: Сайидхўжа тор-мор бўлиб, Шерозга қочди. Бу воқеадан сўнг Шохрух Халил Султоннинг биродари Умар мирзога Самарканд билан Хирот можаросига аралашмаслиги қафолати эвазига Мозандаронни суюрғол қилди. Улуғбекка эса Тус, Ҳабушон, Қалот, Нисо, Абивард, Язир, Сабзавор ва Нишопур мулкининг ҳокимиятини топшириб, амир Шохмаликни ўғли ёнида — Астрободда қолдирди.

1407-1409 йиллар давомида Мовароуннаҳр билан Хуросон ўртасида жиддий бир тўкнашув юз бермади. Ҳар икки ҳукмдор ички ғавғо ва исёнларни тинчитиш билан овора бўлдилар. Ҳар икки ҳукмдор ўз мамлакатидида содир бўлаётган ғалаёнларда рақиб томоннинг ташаббусини илғаб оларди. Биз бу ғавғолар хусусида тўхталмаймиз, диққатимизни томонларнинг бош мақсади — Амир Темур тожу тахти учун кечган урушларга қаратамиз.

Бу йиллар айникса, Шоҳрухга қийин бўлди. У тўрт йил давомида деярли тинчимади. Улуғбек ҳам жангу жадалдан бўшамади, неча марта ҳаётини хавф остида қўйиб, қилич чопишди. Унинг умри ўсмирлик фаслига кадам қўйди. Аммо юрагининг нозик томирларига илашиб қолган болалик туйғулари баъзан жунбушга келиб, Соҳибқирон бобоси билан ҳамнафас бўлган чоғларини, Самарқанднинг дилбар боғларини, Кўҳак тоғларини унинг ёдига солади. Айникса, суюкли бибиси Сароймулкхоним ҳақида етиб келган даҳшатли хабар уни каттик ҳаяжонга солди. Хабар ҳақиқатан даҳшатли эди. Халил Султон севгили хотини Шодимулк оғанинг кистови билан кекса маликани мажбуран эрга бериб юборганмиш. Бу хабар Шоҳрухнинг ҳам кўнглини оғритди. Ўзини ва фарзандини суйиб-эркалаб катта қилган, отасининг иззатли хотинининг бундай бадном этилгани Халил Султон ҳокимиятининг таназзулидан дарак эмасми?! Хазинани бўшатган Халил Султон зару акча ўрнига энди маликаларни улашишга ўтибдими, демак тахти омонат бўлиб қолибди!

Шоҳрух бирор нобакор бу қалтис вазиятдан фойдаланиши мумкинлигини ўйларкан, шитоб билан ҳаракат қилиши лозимлигини англади.

Худди ўша кунлари унинг ҳузурига замонасининг улуғ шайхи, ҳазрат Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг иккинчи халифаси Хожа Муҳаммад Порсо келиб, Мовароуннаҳрда бўлаётган воқеалардан арз қилди. Биз бу ҳақда ҳикоя қилишни ўша воқеалар гувоҳига топширамиз.

Мавлоно Абдулрахим Ёнистонийнинг нақл қилишича, Хожа Порсо ҳар замон Мовароуннаҳр мусулмонлари аҳволидан Шоҳрух мирзога маътуб ёзиб турар экан. Бу иш Самарқанд подшоҳи Халил Султонга маъқул тушмабди ва у Хожа Порсога одам юбориб, Бухородан чиқиб кетишни талаб қилибди. Хожа шунда: «Аввал мазоротларни тавоф қилайлик, кейин, майли, кетайлик!»— деб мавлоно Ёнистонийдан от олиб келишни сўрабди. Мавлоно отни эгарлаб, Хожани миндирибди. Хожа Порсо дастлаб Қасри Орифонга бориб. Хожа Баҳоуддин Накшбанд мазорини, сўнгра Сухорга ўтиб Амир Сайид Қуллолнинг марқадини тавоб қилиб Хурсон томон йўл олмоқчи бўлади.

Мавлоно Ёнистоний ҳикоя қилади: «Ҳазрати Хожа ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг марқадларини тавоф қилдилар ва ул кишининг муборак юзларида шундай хай-

батли ғазаб пайдо бўлдики, отни қамчилаб шиддат бирла Сухорга йўл олдилар. Анда хазрати Сайид Амир Кулол қабрларини тавоф этиб Хуросон томон йўл олдилар ва йўлда ушбу байтни ўқидилар:

*Ҳаммаро зеру забар кун, не забар монад, не зар,  
То бинонад, ки имрӯз дар ин майдон кист.*

(Мазмуни:

*Барчасин айлагил ер ила яқсон,  
Баландидан ҳам настидан ҳам қолмасин нишон.  
Билиб олсин ул агар билмаса —  
Бу кун ким эрур соҳиби майдон.)*

Шохруҳ мирзо Хожа Порсо ташрифидан беҳад қувонди, хожанинг пойқадами сабаб бу гал албатта ғалабага мушарраф бўлажагини англади. Қўп ўтмай Хожа Порсо Мовароуннаҳрга қайтди. Унинг ёнида Шохруҳ мирзонинг Халил Султондан уруш жойини муқаррар қилиши талаб қилинган подшоҳлик нишони бор эди. Хожа нишонни Бухоро жомеъ масжидида ўқиб элулусга маълум қилгач, Самаркандга — Халил Султонга юборди.

Халил Султонга қарши юриш 811 йил зулкаъда ойининг бешинчи куни (1409 йил 22 мартада) — Улуғбек мирзо роппа-роса ўн беш ёшга тўлган куни бошланди. Ҳиротдан чиққан Шохруҳ кўшини Бодҳизга келди. Тусда ҳукмфармолик қилаётган Улуғбек мирзо ҳам Бодҳизга шошилинч даъват этилди. Ота-бола Бодҳизда экан, Шохруҳ тахминни тўғри чикди: Халил Султон ҳокимияти омонат бўлиб қолганидан дадиллашган амир Худойдод Хусайний исён бошлагани хабари келди. Кетма-кет етган хабар олдингисидан дахшатли эди: Халил Султон жангда енгилиб, исёнчи амир қўлига асир тушибди, Соҳибқирон пойтахти Самарканд амир Худойдод қўлига ўтибди, Шодимулк оға ҳам эри тақдирига шерик эмиш.

Шохруҳ мирзо бир ойлик ҳозирликдан сўнг, Самарканд томонга юриш бошлади. Йўлда экан, амир Худойдоднинг элчиси келиб подшоҳга юқунди. Элчи олиб келган мактубга кўра, амир Худайдод амирзода Халил Султон билан Шодимулк оғани Шохруҳ қўлига топширишга тайёр, аммо бир шарт эвазига, яъни Шохруҳ мурғак амирзода Муҳаммад Жаҳонгирни Самарканд ҳукмдори деб тан ола. Шохруҳ амир Худойдод мақсадини тушунди: нобакор тахтга болани ўтказиб,

ўзи унинг номидан мамлакатни бошқармоқчи. Аччиғи чиккан Шохруҳ элчини хушёр кузатишни буюриб, йўлида давом этди. У йўл босгани сайин амир Худойдоднинг ваҳимаси ортарди.

Кейинги воқеалар ривожини билиш мақсадида муаррих Абдурраззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг кўшилиш жойи») асарини варақлаймиз. Муаррих ҳикоя қилади:

«Бу хабарлар ҳазрат ҳокони сайд (Шохруҳ)га арзга етказилгач, зулкаъданинг йигирма биринчисида (7 апрелда) ҳумоюн мавкаб Мовароуннаҳрга қараб юрди. Онҳазрат (илгарироқ) амир Черкасни мирзо Халил ҳузурига юборган эди, амир Худайдод ўз навқари ва мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг навқарини Черкасга кўшиб (Шохруҳ) ҳузурига) қайтарди ва улар Қутлуғ Темур работида ҳумоюн ўрдуга етиб келдилар ва амир Худойдоднинг: «Мен онҳазратнинг қулиман, бу хил ишлар хизматкорлик юзасидан содир бўлди, энди қай тарздаки ҳукм бўлса, уни адога етказаман»,— деган сўзларини арз қилдилар. Ҳазрати ҳокони сайд Худойдоднинг навқарига Чубин қовчинни кўшиб, унинг ҳузурига жўнатди ва «Энди бизда бирор ихтиёр қолмади, биз ўзимиз етиб борамиз, ҳар нимаики тўғри топилса, ишооллоҳи таоло, ўшанга амал қилнади. Амир Худайдод ҳеч тараддудсиз бизнинг ҳузуримизга юзлансин, подшоҳона иноят унинг аҳволига қаратилгандир»,— деган хабарни йўллади. Зулхижжанинг олтинчисида (22 апрелда) онҳазрат Жайхун сувининг лабига етди.

Амир Шайх Нуриддин Мовароуннаҳр тарафига боришга ижозат сўраган вақтида: «Қачонки ҳумоюн мавкаб Мовароуннаҳрга қараб юргудек бўлса, мен ҳам олий ўрдуга келиб кўшиламан»,— деб арз қилган эди. У ана шу булжорга амал қилиб Бухорога келганида, амир Худайдод амир Шайх Нуриддиннинг ҳумоюн ўрдуга юзланганлиги хабарини олди ва доруссалтана Самарқанддан илғор тарзида отга миниб, Шайх Нуриддин устига ҳужум қилди ва унинг одамларини тормор қилиб Самарқандга қайтиб кетди.

Шохруҳ ҳазратларининг мавкаби сувдан ўтди. Амир Худайдод мирзо Аҳмад Мирак ва мирзо Сайид Аҳмадларни Хисор вилоятини бўйсундиришга юборган эди, бу шахзолалар уларни чақириш ҳақидаги фармон содир бўлишидан илгаринёқ олий ўрдуга етиб келиб,

лутф марҳаматларига эришдилар. Мирзо Халилнинг хотини бўлмиш Шоҳмулк оғони Абдулхожа ўрдуга етказди.

Хузурда етганда Худойдоднинг тамаъ тиши ноумидлик танглайида сингач ва замона ошиғи унинг муроди-ча ўғирилмагач, мирзо Халилни банд қилиб тез суръат била қочишга юз тутганлиги хақида хабар келди. Ху-моюн мавкаб давлату иқбол шаън-шавкат қароргохи (Самарқанд)га юзланди. (Ҳокони саид) ўзидан илгарироқ амир Алоуддин Аликани девон аминлари билан биргаликда шаҳар ва хазиналарни забт қилишга жўнатди. Самарқанднинг улуғлари Работи-Емгача келишиб кутиб олиш шартлари, улуғлаш ҳам ҳурматлаш расм-русумларини бажо келтирдилар, мирзо Мухаммад Жаҳонгир ва бошқа амирлар (ҳокони сайдинг) кўлини ўпиш шарафига етишдилар. Йигирма еттинчи зулҳижжада (1409 йил 13 май куни) доруссалтана Самарқанд хумоюн мавкабнинг қароргохи бўлди. Самарқанд ақобирлари ва шарифлари дуою саноларни адога етказишиб, шод-хуррамликлар қилдилар. Онҳазрат хаммани подшоҳона инъом ва хусравона иноятлар билан иззатлаб, меҳрибонликлар кўрсатди. Амир Шайх Нуриддин ва амир Мубашширлар мулозимат қилиш шарафи билан саодатга эришиб, улуғ амирлар каторига тизилдилар...»

Самарқандга кирган куннёк Шоҳруҳ мирзо Улуғбек, амир Шоҳмалик ва бошқа ақобирлар билан Кўксаройдаги Амир Темур хазинасини кўздан кечирмокка бордилар.

Хазина бўм-бўш эди. Қопқоклари ланг очилганча ётган сон-саноксиз сандикларни эринмай бир бошдан назардан ўтказган Шоҳруҳ мирзо уларнинг ҳар бири устида узок бош чайқаб турди. Орқага қайтар экан, тўсатдан ҳассасининг учи тупроқ билан қоришиб ётган тангага тегиб кетди. Шоҳруҳ эгилиб бир дирҳамлик тангани кўлига олди, сўнг артиб-тозалаб ҳамёнига солди. Ҳамроҳларининг ажабланиб турганларини сезгач, чуқур нафас олиб, сўзларни дона-дона қилиб айтди:

— Биз ушбу дирҳам хақи отамиздан қолгон хазина ва меросдан баҳраманд бўлдук!

Бир неча кундан сўнг Халил Султон билан Шодмулк хизматида бўлган, хазинани бўшатишда хисса қўшган амиру амалдорлар, тафтиш натижасида аниқланган гуноҳлари бўйинларига қўйилиб, ўлимга буюрилдилар.

Соҳибжамол малика Шодимулк Самарқандда, аммо Халил Султон мирзони амир Худойдод Хусайний Андижонга олиб кочиб кетган эди. Кўп вақт ўтмай, амир Худойдод Мўғилистон хони Муҳаммадхондан кўмак тилаб боргани, хон уни ўлдиргани, хиёнаткорнинг калласи Самарқандга жўнатилгани, Халил Султон мирзо эса аввал Хўжандда, кейин Ўтрорда куч тўплашга урингани, аммо омади юришмагани хақида хабар келди. Шоҳруҳ бўлажак ғавғолар олдини олиш мақсадида кўшин билан Туркистон томонга йўл олди. Эсанкираб қолган Халил Султон, бахт қуши бошидан учганини англади-ю, ўлимини бўйнига олиб Шоҳруҳ мирзо хузурига келиб юқунишга мажбур бўлди. Аммо Шоҳруҳ жиянини ўлдирмади, 1409 йилнинг декабрида Хиротга йўл олар экан, Халил Султонни ўзига ҳамроҳ қилди.

Улуғбек мирзо эса отасининг олий фармонида бинотан Мовароуннаҳр ҳокими бўлиб қолди. Мамлакатни ўн беш яшар ҳоким номидан унинг оталиғи амир Шоҳмалик бошқара бошлади. Шоҳруҳ жўнаб кетганидан кўп ўтмай, Туркистон ҳокимияти топширилган амир Шайх Нуриддин нонкўрлик йўлига ўтди, топган шон-шавкати, давлати Соҳибқирон марҳамати туфайли бўлганини унутиб, унинг фарзандларига қарши ис исён бошлади. Хижрий 812 зулҳижжа ойининг ўрталарида — мелодий 1410 йил апрелида исёнкор амир Хисори Шодмон ҳокими Муҳаммад Жаҳонгир мирзо ва Сайрам билан Янги ҳокими, амир Худойдод Хусайнийнинг ўғли амир Абдуҳолиқлар билан тил бириктириб, Самарқандни забт этиш пайида кўшин тортди. Асли кипчок бўлган амир Шайх Нуриддин бу юришга кўчманчи ўзбекларни ҳам тортишга уриниб, мақсадига эришди — Чингиз ўғлон бошчилигидаги кўчманчилар исёнчилар сафига қўшилдилар.

Зулҳижжанинг ўн бешинчи куни — 20 апрелда Мовароуннаҳр пойтахтининг ғарбида жойлашган Қизил работ номли мавзеъда икки томоннинг кўшинлари тўқнашдилар. Омад исёнчиларга қулиб боқди, Самарқанд кўшини мағлуб бўлди. Улуғбек мирзо Жайхун тарафга, амир Шоҳмалик эса Қоратепага қочди. Лекин у ерда узок туролмай, Самарқанд жанубидаги Олақарағ тоғларига яширинди. Шайх Нуриддин эса амакиваччаси Шайх Ҳасанни Улуғбекнинг изидан жўнатди. Яна бир қисм кўшинни Тоғай Буғо бошчилигида Бухорога отлантиргач, ўзи Чингиз ўғлон билан бирга Самарқандни



камал қилди. Аммо бу гал омади юришмади. Самарқандликлар уни шахарга киритмадилар.

Шайх Нуриддин исёни яна бир йил давом этди. Ниҳоят, амир Шохмалик қўллаган хийла туфайли музокарага чакирилган амир Шайх Нуриддин Хиркадок исмли навкар томонидан бўғизланди.

Икки йил давом этган нотинчлик давомида Улуғбек мирзо билан амир Шохмаликнинг оралари анча бўзилиб қолди. Бунга оталикнинг давлат ишларини бошқаришда Улуғбек билан ҳисоблашмай қўйгани сабаб бўлди. Ниҳоят, Улуғбекнинг талаби билан амир Шохмалик Хиротга даъват этилди. Бир неча муддат ўтгач, кекса амир Хоразмга ноиб этиб тайинланди. Хизматлари муносиб баҳоланмагани амир Шохмаликни каттик ранжитди. Бу норозилик вақт ўтиб, теңурийларни тарих саҳнасида суриб чиқарган Муҳаммад Шайбонийхонга хизмат қилган, «Шайбонийнома» асарини яратган шoir — амир Муҳаммад Солиҳда ҳам зоҳир бўлди. Илло, Муҳаммад Солиҳ амир Шохмаликнинг набираси эди.

Мовароуннахрнинг мутлақ ҳокими бўлиб қолган Улуғбек мирзо мана шу санадан эътиборан қирк йил давомида не-не таҳликали ва шукуҳли кунларни бошидан ўтказди. У соҳибқирон бобосидан ибрат олиб, улуғ иншоотлар: мадрасалар, боғлар, қўшқлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар тиклайди. Қўҳақ тепаликларининг бирида расадхона барпо этади, у ерда ўз замонасининг улуғ олимларини тўплаб, фалак илми билан машғул бўлади, тарихда «Зийжи жадиди султоний», «Зийжи жадиди Қўрагоний» номлари билан машҳур юлдузлар жадвалини яратади.

У Самарқандга — болалик манзилига қайтган, аммо болалиги Теңур ўлиmidан сўнг бошланган ғавғоли кунларда, жангу жадал майдонларида, нотинч Хуросону Мовароуннахр йўлларида қолган эди. Унинг йигитлик айёми бошланган, бу айём нотинчлик кучоғида кечшини қўнгли сезиб турарди.

## ХОТИМА

Ҳижрий 853 йил рамазон ойининг саккизинчи куни — мелодий 1449 йил 25 октябрь куни Самарқанддан чиққан кичик қарвон жанубдаги тоғлар томон йўл олди. Қарвоннинг ўртасида қотма гавдалиқ, кўркам ва оқ юзли, юз-кўзидан вазмин табиатлиги сезилган, соқсоқоли оқарган бир киши оғир ўйга ботган ҳолда кўк човқар от устида бир маромда тебранади. Аччиқ хаёлга ботган бу киши ўғли Абдулатиф мирзо томонидан Мо-вароуннаҳр тахтидан соқит этилган Мирзо Улуғбек эди.

Қарвон доруссалтанадан узоқлашиб, Дарғам ариғи ёқасидаги тепаларнинг бирига яқинлашганда, қувғинди подшоҳ отини тўхтатиб, оёғини узангидан узди. Номоздан кечикмаслик учун бошқалар ҳам шошилишиб отлардан тушдилар. Қарвон аҳли тепалиқ этагида шом намозини адо этгач, Мирзо Улуғбек Дарғам ариғи томон юрди. Бу сув баъзи ерда ўт-ўланлари мавж урган ўтлоқлардан ўтса, бир хил жойда тошлоқ, тақир ерлардан ўтарди. Бир хил жойларда катта-кичик оқиш тепаларни тилиб ўтиб, чуқур ва хайбатли жарлар ҳосил қилган. Халқ томонидан Дарду ғам деб аталган, йилнинг тўрт фасли қутуриб оқадиган бу улкан ариқ соҳилида тураркан, бирдан кекса подшоҳнинг кўзлари намланиб, бўғзига аччиқ бир нидо тикилгандек бўлди-да, алам билан пичирлади:

— Бу қандоқ ёзуғинг бўлди, Аллоҳи қарим?!

Сўнг кескин ортига буриларкан, шошилиб келиб отига минди ва «чуҳ» дея ниқтади, аммо от кўзғалмади. От эгасининг овозига эмас, юрагининг сассиз амрига бўйсунаетгандек эди. Қувғинди ҳукмдор отига аямай камчи урди. Тулпор Дарғамдан сўнг бошланган дашт ўртасини кесиб ўтган йўл бўйлаб чоғиб кетди. Аммо бир фарсахдан сўнг эгаси яна оғир хаёлга ботганини сезган жонивор бир маромда йўртиб кета бошлади.

Қуз осмонини булут қоплаган, ҳаво нам. Қуёш мағриб томонга оған сайин салқин аччиқ изғиринга айланаиб бормокда. Дашт йўли теварагидан қизғиш кўғай-

лар қовжираб қолган, шамол одам бўйи ўсган ёвшанлар, оқиш армонларни тебратеди, қуриб, бандидан узилган янтоқлар думалаб узоқларга кетади. Тонгда ёғиб ўтган ёмғирдан отлару хачирларнинг туёқлари ялтирайди, тўпикларигача ҳўл.

Хавонинг азвойи бузилиб, тунд ва кўнгилсиз бўлиб турганига қарамай пешинда Самарқанддан чиккан қарвон бепоён дашт бўйлаб сокин йўл босади. Қарвон аҳли ичида ҳаммани шошилтириб ғайрат қилаётган, қора қашқа от минган, мошқичири соқолли киши — Мирзо Улуғбекка ҳамроҳ қилиб тайинланган Ҳожи Муҳаммад Хисрав эди. У қуз кунни қискалигидан тезроқ бирор манзилга етиб олишга ҳаракат қилар экан, йироқдаги тоғларнинг қор босиб оқарган чўккиларига қуюқ қора булутлар кўнаётганини безовталаниб кузатарди. Хиёл вақт ўтмай ўша булутлар кўпайиб, силжиб, ёйилиб, кўк сахнининг бир томонини қоплаб олди. Бир лаҳзада қош қорайгандек, чор атроф хиралашди.

Қарвондан анча орқада, кўз қараши етмас масофада беш-олти отлик қора бўлиб от йўрттириб боради. Баъзан яқинлашиб, кўзга кўринмаслик учун йўллар теварагида юксалиб турган тепалиқлар панасида бекинишар, ортда қолганда отларини аямай камчилашади. Бу гуруҳ аслида иккига бўлинган, икки отлик ҳамиша ёнма-ён, бир-биридан орқада қолмай, бошқалар эса уларни қоралаб боришарди.

Ҳожи Муҳаммад Хисрав отини қичаб, Мирзо Улуғбек олдига етганда тўхтади.

— Аълоҳазрат, тўн қўнмасдан бир манзилга етсак, — деди у.

— Маъқул, — деб билинар-билинемас бош силкиди Мирзо Улуғбек.

Улар ёнма-ён кета бошладилар. Анча вақтдан кейин орадаги сукунатни Мирзо Улуғбек бузди. У ичидаги тўфонни юз-кўзида зоҳир қилмай, хушчакчаклик билан ҳожидан аввалги ҳаж сафарлари хусусида суриштира бошлади. Ҳожи ҳикоясини тугатолмади, орқадан подшоҳнинг махсус чопари туғини кўтариб, от қўйиб келаятган отликни кўриб, юрагига ғулғула тушди. Отлик Абдуллатиф мирзо билан бирга Балхдан келган сулдуз қавмига мансуб навқарлардан бири эди. Елкасига юкланган вазифани бажариш мақсадида отини аямай чоптирган чопар йигит юз-кўзидан қора тер қуйиларди. Ҳожи навқарга яқинлашиб:

— Хўш, нима гап ўзи? — деб сўради.

Чопар эса айтадиган гапни бошқалар эшитишини истамеди, шекилли, хожига яқинлашиб шивирлади: — Аълохазратларини бирон ободон ерга олиб бориб, ўша жойда кутинг, Мирзо Улуғбек подшоҳ эрур, шул сабабдин ул зоти олийларининг сафари ҳам турку тожикни хайрон қилатурғон тарзда, зўр дабдаба билан кечмоғи лозим, бунга тайёргарлик эрса ҳали поёнига етишмағондур.

Ҳожи Муҳаммад Хисрав кутилмаган бу ҳодисадан ажабланиб, нима дейишини билмай, бир дам чопар йигит юзига синовчан тикилди. Йигит эса хожининг кўнглига шубҳа солганини сезиб, баланд овоз билан таъкидлади:

— Подшоҳининг амру фармонлари шу!

Табиатан хуррак хожи қўлини кўксига кўяркан:

— Фармони олийга бош эгурмиз, — деди.

Чопарга шу гапни эшитиш кифоя эди, чамаси, отининг бошини орқага қайириб, Самарканд томонга ўқдай учиб кетди. Унинг ортидан кўтарилган чангу тўзон окшом ёруғида чиройли кўринди. Хожининг ўйга ботиб қолганини кўрган Мирзо Улуғбек унга яқинлашиб: «Хўш, Ҳожи, чопарни нечун йўллабдурлар?» — деб сўради. Ҳожи Ўртада бўлган гапни айтиб бераркан, қувгинди подшоҳ ялт этиб чопар от чоптириб кетган томонга қаради. Унинг кўзлари ғалати чакнаганини кўрган хожининг кўнглидаги шубҳа баттар кучайди. Бутун вужуди музлагандек бўлди, аммо хаяжонини сездирмай, Мирзо Улуғбек нима дейишини кутди. Подшоҳ эса қадди-комати эгилганича, ҳамон Самарканд тарафга тикилиб турар, унинг кўнглига ҳам шубҳа оралаган, бу шубҳа совук ва кўрқинчли эди.

Бесаранжом хожи ниҳоят оғиз очди:

— Аълохазрат нима буюрадилар?

Мирзо Улуғбек хамроҳига бир зум «Сен ҳамма гапни биласан! Улар билан тилинг бир!» — дегандек диққат билан тикилди. Ҳожи баттар бесаранжомланиб, ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Ниҳоят, қувгинди подшоҳ маҳзун пичирлади:

— Билганингизни қилинг, таксир.

Қарвон яна йўлга тушди. Бир соат ўтмай, улар йўл устидаги Оби Сабух деб аталган ариқ ёқасида жойлашган кичик бир кўрғонга едилар. Шу ерда тўхташ маъқул топилди.

Мирзо Улуғбек оддан тушди ва оёғи увишиб қолганидан сал оксаб кўрғонга кирди. Унинг қаршисига ўн-

ўн икки яшар бола югуриб чикди ва юлдуздек чакнок, ялтироқ кўзларини таажжуб билан келувчиларга тикди.

— Чоп, отангни чақир! — деди буйруқ оҳангида Ҳожи Муҳаммад Хисрав тун салкинидан жунжикиб тураркан.

Доруссалтана теварагида қурилган подшоҳликка тобе қалъалардан бўлган кўрғоннинг эгаси — кекса мингбоши заррин энгли эски тўнини елкасига ташлаб, ярим тунда уни безовта қилган одамлар ташрифидан бироз ваҳимага тушганича қарвон аҳлига пешвоз чиқди. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон замонида тикланган бу кўрғон вақт ўтиб хароб бир аҳволга келган бўлса-да, кўрғон эгаси ойма-ой мунтазам маош олиб турарди. Гарчи йиллар ўтгани сайин маош миқдори камайиб борган бўлса ҳам кўрғон эгаси бировга арз қилишга кўрқар, ярим харобага айланган кўрғон учун жавобгарлигини бир зум унутмай кун кечирарди. Ҳозир олдида турган одамлар ярим тунда қолган йўловчилар ёки савдогарлар эмас, подшоҳлик одамлари эканини билгач, бу одамларга бошпана бериш бахтига мушарраф бўлишидан қувониб кетди. Қарвон аҳли билан бир бошдан кўриша бошлаган бу одам Мирзо Улуғбек қаршисида қувончини унитиб, дағ-дағ титраб, тўхтаб қолди. У турган жойида қотиб қолган, сўзлашга тили айланмас эди.

— Ҳа, таксир, сизга нима бўлди? — деди Мирзо Улуғбек унинг даҳшатга тушиши сабабини билса ҳам.

Кўрғон эгаси ўғил билан ота ўртасида бўлиб ўтган машъум можаролардан яхши хабардор, кечагина қулоғига сўнгги миш-мишлар ҳам етган: Мирзо Улуғбек тахтдан соқит этилиб, шахзода Абдуллатиф подшоҳ бўлиб оқ кигизга ўтказилган эмиш... Шу сабабдан кўрғон эгаси қаршисидаги одамга қандай муомалада бўлишни билмай ҳангу манг эди. Ниҳоят, у титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

— Марҳамат, аълоҳазрат, марҳамат! — дея қувинди подшоҳга таъзим қилди-да, ўзини четга олди. Сўнг кўрғон бурчагидаги оиласи билан яшаган уйга кираркан, эшикни ёпиб, занжирни зулфинга илди. Шушу қорасини кўрсатмади.

Кўрғон ҳовлисидаги дарахтларга машъалалар ўрнатилгач, хачирлардан юқлар туширилиб кўрғон ўртасидаги бино айвони бурчагида тахланди. Мирзо Улуғбек билан Ҳожи Муҳаммад Хисрав айвондан қоп-қоронғи уй ичкарасига кириб, тўрдаги хонага ўрнашдилар.

Хона совуқ эди. Ости зах, тошдек кора ер. Неча ўн йиллардан бери одам нафаси иситмаган, ғурбатга чўккан кулбанинг хар бурчагида ғамгин қоронғилик ҳукм суради. Тўрт томон девори сувоғи тўкилган. Қоронғи гўрдек зах уйнинг бир бурчагида хунук ясалган ўчоқ бор, ҳолос. Кўҳна кулбанинг тешик-тешигидан изиллаб шамол уриб, бошпанани кимсасиз сахрога айлантириб, музлатиб юборган. Йўл бўйи совуқдан котиб, титраб-қакшаб келган Ҳожи Муҳаммад тонггача бу ерда иснолмай, дилдираб ўтиришини тасаввур қилиб, йўлга кечикиб чикканидан пушаймон бўлди.

Мирзо Улуғбек сувсар пўстинини кийди. Сўнг мулозимлар гилам ёзиб тўшаган кўрпачалар устига ёнбошлади. Юрагида сиркираган оғриқ азоби нечоғли кучли бўлмасин, у ўзини хотиржам тутишга уринарди. Кекса подшоҳ кўзини юмди. Ўша лахза ўнгида мунгли кўзлари жикка ёшга тўлган суюкли кизи Робиа Султонбегимни кўрди. «Мени ташлаб кетманг, отажон!» деб бақирарди кизи...

Охиста-охиста кадам босиб мулозимларнинг бири кирди. У кўлида кумғон билан тос кўтарган эди. Мулозим тосни Мирзо Улуғбек олдига қўйди. Ҳамон оғир ўйлар ичида қолган қувғинди подшоҳ енгларини шимариб қўлларини мулозим тутган кумғондан оқиб турган муздек шаффоф сувга тутди. Кетма-кет кирган бошка мулозим дастурхон ёзиб, таом келтирди. Мирзо Улуғбек билан Ҳожи Муҳаммад Хисрав таомга яқин силжидилар. Улар таом билан машғул эканлар, пойгакда ўтириб олган бола чакноқ кўзларини Мирзо Улуғбекдан олмай таажжуб билан боқар, гоҳ мирзо, гоҳ хожининг уни овқатга даъват қилганларини эшитмагандек, илжайиб турарди.

Мирзо Улуғбекнинг иштаҳаси йўқ эди. У жиндакки-на нон билан уч-тўрт бурда ковордоқдан еди, кейин бироз асалдан олиб, нонга сурди-да, болага узатди. Бола уялганидан ирғиб туриб хонадан чиқиб кетди.

Нихоят қорни тўйган хожини кўзларини юмиб, қўлларини юкорига кўтариб, фотиҳа ўқиди. Мирзо Улуғбек чордона қуриб ўтирган қўйи кўзларини хожига тикди. Хожини, насиб бўлса, эртага тонгда доруссалтанадан навқарлар кўриқлаган хашаматли қарвон етиб келиши, ана ўшанда йўл ҳам тез униши ҳақида сўзлаётган эди. Мирзо Улуғбек эшик томонга қараб-қараб қўяр, ташқаридан эшитилаётган овозларга кулок солиб, хожининг сўзларини паршон ҳолда тингларди. У сувсар

пўстин кийганига қарамай, бадани жунжиқаётганини сезди. Аммо бу совукданми, ичида ғимирлаган совук шубҳаларданми, билмасди.

Эшик ғийкиллаб очилиб, мулозим дастурхон йиғиштиришга кирганда, Мирзо Улуғбек унга хона ўртасидаги ўчокка ўт қалашни буюрди. Дам ўтмай икки навқар бу юмушга тутиндилар, ўтни катта қилиб ёқдилар. Подшоҳ ўчокка яқинлашиб, гуркираб турган гулханга тикилди. Гулхан ёнида тинч-хотиржам бўлиб кўринган бу одам юрагида оламга дахшат солгулик бир тўфон ҳоким эди. «Нима гуноҳим бор эканки, бу жафолар бошимга келди?» — деб ўйларди гулхан ёнида турган одам.

Унинг беш ўғлидан иккитасигина омон қолди. Қолганлари эрта ўлиб кетдилар. Тирик қолган ўғилларининг тўнғичи Абдуллатиф бибиси Гавҳаршодбегим кўлида тарбияланди. Маликадаги такаббурлик, ҳамма ишда бош-қош бўлишга интилиш, серзардалик бола табиатига кўчди. Йиллар ўтиб, серзардалик дағалликка, кўполликка, такаббурлик манманликка, тожу тахт ҳаваси хирсга айланди. Бобоси Шохруҳ мирзо оламдан ўтганда, бибисининг алдовига учди. Гавҳаршодбегимнинг: «Тожу тахтга отанг эмас, сен муносибсан!» — деб қулоғига қуйган гапларга ишониб, босар-тусарини билмай қолди. Кейин бибиси уни лақиллатиб алданганини — Хиротда қолган бошқа набираси, Абдуллатифдан суюқликроқ Алоуддаврани қулай фурсатни бой бермасдан тахтни эгаллашга даъват қилганини билди. Аччиқланган шахзода кекса бибисини тутқун этди. Аммо тез орада Алоуддавлага бас келолмай ўзи тутқун бўлди. Ихтиёридин қалъасида зиндонбанд этилди. Шу воқеа туфайли тожу тахтнинг шаръий вориси бўлмиш Мирзо Улуғбек ҳокимият учун курашишдан воз кечиб, ўғлини қутқаришга уринди. Охири сулҳ тузилди. Алоуддавла Абдуллатифни зиндондан озод қилди.

Ҳибсдан бўшаган ўғлини кутиб олгани ёдида: ўшанда ўғли отидан сакраб тушди-да, қучоғини ёзганча отасига қараб югурди. У ҳам қучоғини ёзганча бориб. Абдуллатифни бағрига босди. Қаттиқ қучоклаб туриб, юзидан, кўзларидан ўпди, анчагача бағридан бўшатмади. Ота билан фарзанд ўртасида, мана шу соғинчли қучокдан бошқа бир оғиз сўз бўлмади. Ўғлини анча вақтгача кўксига босиб туриб бўшатганда, ота-боланинг оппоқ юзлари хаяжондан баттар оқарган, ранглари ўчган эди.

Тўнғич ўғлига тикилганича атрофдаги оламни англай олмай, у бир нафас эсанкираб қолди. Йигирма ёшга тўлай деб турган ўғли — новча бўйлик, кирра бурунлик, қўнғир мўйлови эндигина сабз уриб келган, лаблари ғоят нафис, яхши кийинишни ёктирган Абдуллатиф мирзо ота назарида ҳамон ёш бола сингари эди.

Ота фарзандининг эсон-омон қайтганидан беҳад қувонди. Ўғлини ёнига ўтқазиб узок суҳбатлашди. Ихтиёриддин қалъасида чеккан азоблари хикоясини алам билан эшитди, фарзандининг ҳижил қўнғлини тасаллилар билан кўтарди. Суҳбат сўнгида сулҳга кўра Мовароуннахр тасарруфига ўтган Балх мулкини Абдуллатифга суюрғол қилганини айтди.

Аmmo кўп ўтмай бу ноқобил ўғил ўз отасига қарши исён бошлади, юзсизлик қилиб туккан отаси тирик туриб тахтни эгаллади. Бу камлик қилгандай кекса отасини хажга юбориш бахонаси билан юртдан бадарга қилди.

Унинг кўз ўнгида ўғлининг кибрли юзи кўринди. «Падари бузрук, — деди Абдуллатиф сўнги учрашувда, — жуда толиқибсиз, сал дам олиб Макка-Мадинага бориб, Каъбани зиёрат қилиб келмайсизму? Бу бевафо дунёнинг ташвишини кўйиб охиратни ўйлайдиган ёшдасиз! Қайтиб келганингиздан сўнг қолган гапларни бамайлихотир гаплашмайсизму, падари бузрук?!» Шаҳзоданинг теварагида ўтирган аркони давлат ўз ҳукмдорларининг шундай дейишини олдиндан кутиб турганларини Улуғбек сизди. Бошидан бахт куши учиб кетган подшоҳлар тарки дунё қилиб, Маккага — хажга кетиши, буни рад этганлар эса ўлим топиши ҳам одат тусига кириб қолган. Мирзо Улуғбек ўғлининг сўзларини эшитиб, ранги бўздай оқариб, узок вақт ерга тикилиб қолган эди.

Кенжа ўғли шаҳзода Абдуллазиз мирзо нимжон туғилди. Шу сабабданми, ё у туғилишидан бироз муддат аввал ўн икки яшар ўғли Абдурахмон вафот қилганиданми, бу ўғлига кўпроқ меҳрибон бўлди. Шаҳзода талтайиброк ўсди. Ота эса ўз меҳрини ортик қилаверди. Ҳатто Тарноб жангида Алоуддавла устидан қозонган ғалабасини ҳам бу жангда жонбозлик қилган Абдуллатифнинг эмас, кенжасининг номи билан боғлаб, фатҳномани Абдуллазизнинг номига ёздирди. Бундан норози бўлган тўнғич шаҳзода ёвбошлик йўлига кирди.

Абдуллатиф мирзо отасига ўхшаб илмга иштиёқ-



манд, айникса юлдуз илмига кўнгил кўйган эди. Кенжа эса илмга бепарво ўсди. Отасидан унга ёлғиз муסיқага бўлган меҳр юкди. У танбурни шундай берилиб чалардики, юзлари ловиллаб кизариб кетарди. Хиёл кўтаринки қирра бурни, юпқа лаблари билан отасининг кошларига ўхшаш ингичка, қаламдек чизилган коп-қора кошларига қараб Абдуллазизни Самарқанднинг энг гўзал йигити дейиш мумкин. Ҳар икки шахзоданинг бўйи баланд, қадди-басти келишган, қомати расо. Бирок кенжанинг суяклари нозик бўлгани учунми, жуссаси заиф бўлиб туюлади. Шунга қарамай кенжа шахзода маиштапарастликда акасидан устун эди. Мана шу маиштапарастлиги, отаси хизматидаги амирлар ҳарамига очикдан-очик кўз олайтириши Мирзо Улуғбекнинг душманларини кўпайтирди, подшоҳ шаънини қора қилди.

Ҳозир Абдуллатиф ўз инисини ҳам зиндонбанд қилган. Аммо у шу билан тўхтаб қолармикан, отасини бадарға қилган бу юзсиз ўз инисини ундан баттар жазога дучор қилмасмикан?!

Бахтиқаро отанинг ғазаби ўт олиб, хамияти жўш уриб кизишди. Қовоғи солинган, ранги ўчинқираб кетган чехрасида даҳшатли қаҳру ғазаб акс этиб турганга ўхшарди. У Самарқандни тарк этиш арафасида кўрган тушини эслади.

Тушида бепоён саҳрода ўзини ёлғиз турган ҳолда кўрди. Туман. Қоронғилик босган кун экан. Шомми, тунми номаълум эди. Фақат ғира-шира сароб ичида ёлғиз турар, осмонда на қуёш, на ой, на юлдузлар бор экан...

Тасодифан ўчокдан учган учқун Мирзо Улуғбек пўстинининг пешига тушди ва унинг бир четини куйдира бошлади. Оғир ўйга ботган ҳолда турган аламзада подшоҳ анча вақтгача буни сезмади. Сезде-ю, уни енгги билан уриб ўчирди. Кейин ўчокдаги оловга тикиларкан:

— Аҳвол не эканини сен ҳам билдингму?! — деб пичирлади.

Шу воқеа сабаб бўлдики, Мирзо Улуғбекнинг кайфияти тамом бузилди, оғир-оғир тин олиб, изтироб аралаш нималарнидир пичирлай бошлади. Анча вақт шу ҳолда хонада у ёк-бу ёққа юрди. Сўнг бўзрайиб ўтирган ҳожига яқинлашиб, маҳзун товуш билан сўради:

— Мирзо Абдуллазиз омонму экан? Балки қатлга етқурмадиларму эркан они?

Ҳожи Муҳаммад Хисрав бахтиқаро отага тасалли-

лар бериб, юпатишга уринди. У Абдуллатиф мирзо ҳеч қачон ўз туғишган биродари жонига қасд қилмаслигини гапирди. Гапирарди-ю, ичини шубҳа келтирарди. Хонада ўтирган бу икки одам Абдуллатиф мирзо аллақачон қонли ишга қўл ургани, икки кун аввал, ҳали отаси Самарқандни тарк этмаган бир маҳалда, Қўксаройда яширин тарзда ўз инисини қатл эттирганидан беҳабар эдилар. Худди шу пайтда доруссалтанадан йўлга чиққан ўлим элчилари улар тўхтаган кўрғонга яқинлашиб қолганидан ҳам воқиф эмасдилар.

Ҳожи Муҳаммад Хисрав ҳаж сафарига чиқиш олдидан Абдуллатиф мирзо уни ўз даргоҳига қорлагани, унга таҳдидона сўзлагани ҳақида ўйларди. «Менга қара, хожи, агар падаримиз бўлмиш Мирзо Улуғбек йўлда зид бирор ёмонлик ўйласа, ё бизга қарши жанг қилмоқ учун бирор манзилга кочса, сен бу ҳақда билиб туриб, бизга хабар бермасанг, ё олдини олмасанг, мендан қутилишни ўйлама, ер тагидан бўлса ҳам топиб каллангни оламан. Мен Тангри таоло ишини қилиб юрибман, ҳеч ким менга ҳалакит бериши мумкин эмас. Уқдингму, хожи?» — деди шаҳзода уйқусизликдан қизарган кўзларини чақчайтириб.

— Худойимнинг ўзи сакласин, — деб оҳиста шивирлади хожи.

Худди шу палла бола аллақачон ухлаб қолган эди. У туш кўрарди. Тушида қандайдир баджаҳл кимсалар гуллаб турган олмани камондан ўққа тутишди. Ўқлар зарбидан гулбарглар дув-дув ерга тўкиларди. Дам ўтмай олма шохлари яп-яланғоч бўлиб қолди. Энди баджаҳл кимсалар юлдузларга ўқ уза бошладилар. Осмондан қон томчилай бошлади. Боягина ерга тўкилган гулбарглар сап-сарик хазонга айланган, қон мана шу баргихазон устига томчилаб, уларни алвон рангга бўярди. Кейин бирдан қоп-қора қиёфали отлик пайдо бўлди. У қўлидаги дудама қилич билан дарахт томонга учиб келди. Сўнг қиличини зарб билан урди, дарахт «қарс» этиб, ерга ағанади. Бола дарахтнинг ўз устига қулаётганини кўриб, даҳшатга тушиб, бўғилиб бақириб юборди. Бақирди-ю, уйғониб кетди. Ташқаридан кўрғон дарвозасини бесаранжом ураётганлари шовқини келарди...

Уйқуси ўчган Ҳожи Муҳаммад Хисрав билан гаплашиб ўтирган Мирзо Улуғбек ҳам бу шовқинни эшитиб, бесаранжонланди. Ҳожи ўрnidан кўзгалди.

— Яна нима бўлди? — деди у зўрға товушини чиқариб.

У хали гапни тугатмасдан, хона эшиги куч билан урилган зарбдан шарақлаб очилиб кетди ва қоп-қора сумбатли бир навкар шериги билан ичкарига отилиб кирдилар. Мирзо Улуғбек биринчи навкарни таниди. У Абдуллатиф мирзонинг Аббос исмли эрони навқари эди. Аббоснинг отаси бир қанча вақт илгари Мирзо Улуғбек амри билан фирибгарликда айбланиб, қатлга етказилган эди.

Аббоснинг кўриниши ваҷоҳатли эди. Ҳожи Хисрав орқага тисарилиб хона бурчагига тикилиб олди. Аббосга кўзи тушиши билан ранги ўчган Мирзо Улуғбек сапчиб ўрнидан турди. Сўнг Аббосга ташланиб, бор кучи билан унинг кўкрагига мушт туширди. Қариб қолган подшоҳдан буни қутмаган Аббос орқага тисарилиб кетди, аммо унинг шериги мушукдай чакқонлик билан орқадан келиб, Мирзо Улуғбекка ёпишди. Қутириб кетган Аббос қари подшоҳни муштлай кетди. Сўнг подшоҳнинг ҳолсизланиб қолганини кўргач, икковлашиб қўлларини қайириб, устидаги сувсар пўстинни ечиб олдилар.

— Бадбахтни маҳкам тут! — деб ўшқирди Аббос шеригига. — Мен арқон топиб келгаймэн...

У шундай деб ташқарига отилди. Мирзо Улуғбек ортиқ қаршилиқ кўрсатмас, тизза чўққанича, қўллари қайирикли ҳолда, бош эгиб ўтирарди. У келганлар мақсадини алақачонлар англаган, дастлаб қаршилиқ кўрсатган бўлса-да, кексалиги туфайли бу икки зўравонга бас келолмаслигини, қолаверса, бу иши бефойдалигини фаҳмлаган, такдирга тан берган эди. У бурчакда тикилиб, дағ-дағ титраётган ҳожига ўгирилди:

— Таксир, таҳорат олсам...

Ҳожи гаранг эди, у дастлаб қувғинди подшоҳнинг нима деганини англамагандек бақрайиб турди. Кейин бирдан гап нимадалигини англади, зўрға оёққа турди ва Мирзо Улуғбекнинг қўлларини ушлаб турган навқарга мўлтираб қаради. Навқар эса бирдан ҳеч нима демасдан Мирзо Улуғбекнинг қўлларини бўшатди. Кейин ҳожига қарата:

— Тез бўлингиз! Аббосни билмайсиз... — деди.

У шундай деб ташқарига чиқди. Ҳожи югуриб бориб эшикни занжирламоқчи бўлди. Аммо занжир узилган эди. У шалағи чиққан эшикни бир амаллаб зичлаб ёпди ва таомдан олдин мулозим келтирган қумғонни

келтириб Мирзо Улуғбек олдига кўйди. Ўчокка якин турган кумғондаги сув илик эди.

Ҳожи Муҳаммад Хисрав бундай ишлар одатда пинҳона қилинишини, гувоҳлар қолдирилмаслигини билар, шу сабабдан Аллоҳдан ўзига омонлик тилаб ёлворарди. Таҳорат олган бахтиқаро подшоҳ қиблага юз тутиб, намоз ўқимокка турди. Аммо эшик худди ўтган сафаргидек қаттиқ зарбадан шарақлаб очиларкан, бир табақаси узилиб ерга тушди. Аркон ушлаб олган Аббос қахрли кўзларини намозда турган подшоҳга тикиб, уни еб кўйгудек ўқрайганича бир муддат остонада тўхтади. Мирзо Улуғбек ўрнидан кўзғалаётганини қўриши билан ўрнидан туришга имкон бермай елкасидан босди ва жаҳлдан бўзариб бақирди:

— Ҳой мочағар, қаердасан, келмайсанму?

Хонага шериғи ховликиб кирди. Икковлашиб мизонинг кўлларини орқага қайириб, маҳкам боғладилар ва ташқарига судраб олиб чиқдилар.

Кеча ойдин эди. Қўрғон сахни ойдинда оқариб турарди. Аммо ховлида бирор кимса кўринмас, қарвон ахлининг барчаси бўлаётган воқеадан даҳшатга тушиб, қаршилиқ кўрсатиш ўрнига, пана-панада бекиниб олган эдилар.

Аббос банди подшоҳни машғалалар ўрнатилган чинор остига олиб бориб, хазонлар устида тиз чўқтирди. Мирзо Улуғбекнинг яланғоч боши ой ёруғида ярақлаб турарди. Аббоснинг юрагини ўч чўғи қиздирар — олдида бош эгиб турган одамни қийнаб, азоблаб иродасини синдирмоқни истар, аммо Абдуллатиф мирзо падарига азоб берганини билса, соғ кўймаслигидан хавфсираб тинмай сўқинарди. У банди учун қийноқли лахзаларни чўзиш максасида қиличинини суғиришга шошилмасди, олдинга энгашганча Мирзо Улуғбекнинг юзига тиржайиб тикиларди. Энгашиб тураркан, юзида қувонч билан ғазаб акс этиб турар, қоп-қора башараси ёвуз йирткичга ўхшаб кўринарди. Тўсатдан унинг хаёлига бир ўй келди-ю, кўзлари сузилиб кетди. У банди подшоҳ қулоқларига паст овозда нималарнидир шивирлай бошлади. Маҳкум подшоҳ ялт этиб бошини кўтарди, лаблари титради, кўзларининг нури сўнгандек хиралашди. Кейин қаноти синган бургутдай бир интилиб, аламангиз ҳолда хиркиради:

— Абдуллазиз!.. Болам!..

Унинг кўз ўнги қоронғилашди. Анчадан кейин кўзи-

ни очди. Қимсасиз ҳовлини, ойдин кечани ва қаршисида тиржайиб турган қоп-қора башарани кўрди.

Мирзо Улуғбек бир неча дақиқадан кейин ўлишини сёзди. Хотиралар чакмоқ ёруғида кўринган тасвирлар каби, ҳаддан ташқари тезлик билан бирма-бир унинг хаёлидан ўта бошладилар. У ҳали ўз қаршисида унинг юзини қакшол қафти билан силаётган соҳибқирон бобосини кўрар, ҳали бошида мунгли аллалар айтган бибиси Сароймулкхонимни кўрар, ҳали суюкли ўғли Абдуллазизни, эрка қизи Робиа Султонбегимни кўрар, ҳали шумшук кўзли Абдуллатифнинг қакчайган башарасини, ҳали масъум шогирди Али Қушчининг ғамгин нигоҳини кўрар эди. Бу хотираларнинг ҳаммаси унда ҳеч қандай туйғу уйғотмасдан, учиб ўтарди. Умрнинг санокли дақиқалари қолганини сезган онг на ғазабга, на шодликка, на ачинишга, на бирор бошқа хис-туйғуга ўрин қолдирмаётгандек эди.

Худди ўша лаҳза у деразадан ўзига қараб турган болага кўзи тушди. Улуғбек: «Болани олинг!» — деб бақирди. Аббос унинг нима деб бақирганини билмай бир зум атрофга аланглади, сўнг «Подшоҳ кўрқувдан эсдан оғди» деб ўйлади. Унинг қилич кўтарганини кўрган Мирзо Улуғбек қалима келтирди: «Ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ!»

Қилич шувиллаб тушди-ю, бандининг бошини танасидан жудо қилди. Бошсиз жасад худди балиққа ўхшаб патирлаб отилиб тушар экан, шаҳиднинг бўғзидан оққан қизил қон тирқираб чиқиб ҳазонларни, нам ерни бўйай бошлади. Аббос эса қиличини жасад эғнидаги тўнга артди-да, шериги етаклаб келган отга ирғиб минди ва дам ўтмай икки отлик қора тун қўйнига сингиб йўқолди.

Ҳовли саҳнида ҳеч ким йўқ эди. Фақат бу қонли воқеани кўриб, даҳшатдан эсанкираган бола дераза олдида қотиб турарди. Унинг кўзларида бир неча лаҳза аввал Мирзо Улуғбек кўзларида товланган маҳзун алам акс этиб турарди.


Чорак соатдан сўнг пана-панада биқиниб олган Ҳожи Муҳаммад Хисрав бошлиқ қарвон аҳли кўрқув ичида бир-бирларига сиқилишиб, бири бошқасини олдинга итариб, ўзи унинг орқасидан боришга тиришиб, оёқларини секин босишиб шаҳид жасади тепасида тўпландилар. Сўнг кўрққанларини билдирмаслик учун шанғиллаб гапириб, ёв босгандек шошилиб, юқларини яна ҳачирларга ортиб, жасадни сувсар пўстинга ўраб,

хачирларнинг бирининг устига боғлаб, Самаркандга қараб йўлга тушдилар.

Тонгда шаҳид подшоҳ қони оққан ерни кетмон билан тарашлай бошлаган қўрғон эгаси ўзига қараб ўтирган ўғлининг кўзларидаги мусибатни сезмагандек ёкимсиз овозда минғирлаб қўшиқ айтарди.

Атрофни қалин туман босган, ҳаво рутубатли, осмонда қуёш йўқ эди.

*1993-94 йиллар*



## АМИР ТЕМУР ВА МИРЗО УЛУҒБЕК ХАЁТИНИНГ СОЛНОМАСИ

- 1336 йил 8 апрел — Шахрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида, Қашқадарё воҳасида яшовчи барлос уруғи амирларидан бўлган Муҳаммад Тарағайнинг оиласида Амир Темур дунёга келди.
- 1343 йил — Етти ёшга тўлган Темурни мадрасага бердилар.
- 1352 йил — Амир Муҳаммад Тарағай аждодларидан қолган анъанага биноан ўзига тобе навкарларга бошчилик қилишни Темурга топширади.
- 1356 йил — Амир Темурнинг онаси Такина Хотун оламдан ўтади.
- 1356 йил, куз — Амир Тарағай ўғли Темурни барлос амирларидан амир Чоку (Чағуи)нинг кизи Турмиш оғага уйлантиради.
- 1357 йил — Турмиш оғадан Муҳаммад Жаҳонгир туғилади.
- Амир Темур амир Қазаған хизматига киради.
- Амир Темур амир Қазағаннинг набираси, амир Хусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғага уйланади.

- 1358 йил — Амир Қазаған куёви томонидан ўлдирилади. Ҳокимият Қазағаннинг ўғли амир Абдуллоҳга ўтади.
- 1360 йил — Маҳаллий туркий амирларнинг ҳокимият учун кураши авжига чиққанидан фойдаланиб Мўғлистон хони Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга юриш бошлайди.
- Амир Темур вазият тақозоси билан мўғил хони хизматига киради ва Кеш ҳукуматида қабул қилади.
- 1361 йил — Мўғлистон хони Туғлуқ Темурхон иккинчи марта Мовароуннаҳрга кўшин тортади.
- Амир Темур яна Туғлуқ Темурхон хизматига киради. Мовароуннаҳр Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёсхўжага берилади ва Амир Темур унга вазир этиб белгиланади.
- Илёсхўжа чақуви туфайли Туғлуқ Темурхон Амир Темурни ўлимга буюради.
- Амир Темур пири Саййид Амир Кулол маслаҳати билан Хоразм томонга кетади, у ердан Хуронга ўтади.
- 1362 йил — Сеистон ҳукмдори Малик Маҳмуднинг даъвати билан Амир Темур унинг душманларига қарши жанг қилади. Аммо кейин Малик Маҳмуднинг ўзи билан бўлган жангда оғир яраланади. Бунинг оқибатида бир кўли шол ва бир оёғи оксок



бўлиб қолди. Шу боис Темурланг, оқсоқ Темур каби лақаблар билан аталди.

1363 йил

— Амир Темур қирк йигити билан яна кураш бошлаб, Ғарбий Афғонистондаги бир қанча қалъани мўғиллардан тортиб олади.

— Амударё ёқасида ва Ҳисор вилоятидаги Пули Сангин мазиллида мўғил қўшинлари билан жанг ва Амир Темурнинг ғалабаси.

— Мўғилистон хони Туглуқ Темурхон оламдан ўтади ва Илёсхўжа Мовароуннахрни тарк этади.

1363—1364 йиллар

— Амир Темур билан амир Ҳусайн Хуросоннинг бир қисми ва Мовароуннахрни шерикчилик асосида бошқарадилар.

1364 йил

— Мўғилистон хони Илёсхоннинг Мовароуннахрга юриши.

1365 йил, баҳор

— Илёсхоннинг навбатдаги босқини. Амир Темур билан амир Ҳусайн Чирчиқ дарёси яқинида мўғиллар билан жанг қиладилар. «Лой жанги» номи билан машҳур бу тўқнашувда мовароуннахрликлар амир Ҳусайн айби билан енгилдилар (1365 йил 5 май)

1365 йил, ёз-куз

— Самарқандда мўғилларга қарши Мовлонозода Самарқандий, Хурдаки Бухорий ва Абубакр Қалавий раҳбарлиги остида сарбадорлар ҳаракати бошланади. Шаҳарни забт этолмаган

мўғиллар Мўғилистонга қайта-  
дилар ва Самарқанднинг сарба-  
дорлар томонидан бошқарили-  
ши.

1365—1366 йил, киш— Амир Темур сарбадорлар билан  
алоқа ўрнатиш мақсадида амир  
Аббос баходирни Самарқандга  
юборади.

1366 йил, баҳор — Амир Хусайн ва Амир Темур-  
нинг Самарқандга келиши ва  
Амир Хусайннинг сарбадорлар-  
ни хиёнаткорона қатл этиши.  
Амир Темур ҳаракати билан  
Мавлонозода ўлимдан қутқази-  
лади.

— Амир Темурнинг суюкли хотини  
Ўлжой Туркон оғанинг ўлими.

1368 йил — Амир Хусайн билан амир Темур  
ўртасида совуқчилик тушиши  
ва ўзаро тўқнашувларнинг  
бошланиши.

1369 йил — Амир Темур пири Мир Саййид  
Барака билан учрашади.

1370 йил, баҳор — Амир Темур амир Хусайннинг  
қароргоҳи — Балх устига  
юради. Амир Хусайннинг тас-  
лим бўлиши ва қатл этилиши.

Амир Темур амир Хусайн ҳара-  
мидаги Сароймулкхоним билан  
Тағой Туркон оғани ўз никоҳи-  
га олади. Сароймулкхоним хон  
авлоди бўлгани туфайли Амир  
Темур «Кўрагон», яъни «Хон  
куёви» лақабини олади.

Балхда ўтказилган қурултойда  
(1370 йил, 10 апрель) Амир Те-  
мур Мовароуннаҳр амири ва

Соҳибкирон унвони билан кутланди.

Тахтга сохта хон Суюрғатмиш ўтказилиб, Амир Темур унинг номидан давлатни бошқаришга киришади.

- 1371 йил — Амир Темурнинг Жата-Мўғлистонга юришлари.
- 1372 йил — Амир Темурнинг Хоразм устига қилган биринчи юриши ва Хоразмнинг Амир Темур давлати тасарруфига ўтиши.
- 1372—77 йиллар — Амир Темур Мовароуннахрний ягона ҳокимият остига бирлаштириш учун курашади.
- 1376—77 йиллар — Амир Темурнинг Ок ўрдага қилган юришлари ва Тўхтамишнинг Амир Темур кўмагида Ок ўрда пойтахти Сигноқни эгаллаши.
- 1380 йил, баҳор — Амир Темур Шахрисабзда Оксаройни тиклашга амр беради.
- Амир Темурнинг илк Хуросон юриши пайтида пири Зайниддин Абу Бакр ат-Тайбодий билан учрашуви.
- 1381—1383 йиллар — Амир Темурнинг Хуросон юришлари.  
— Мироншоҳнинг Хуросон ҳокими қилиб тайинланиши.
- 1383 йил — Амир Темурнинг Жата-Мўғлистонга юриши.
- 1384 йил — Амир Вали ҳукмдорлик қилган Астрободга тобе ерларнинг забт этилиши.

- 1386—1388 йиллар — Амир Темурнинг уч йиллик юриши: Жанубий Эрон, Озарбойжон, Туркистон, Арманистоннинг забт этилиши.
- 1387 йил — Тўхтамишнинг Амир Темур тасарруфидаги ерларга хужум қилиши. Мироншоҳнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси.
- 1388 йил — Тўхтамишнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши. Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфининг Тўхтамишни қўллаши.
- Эрондан қайтиб келган Амир Темурнинг Хоразм устига юриши.
- 1389—1391 йиллар — Амир Темурнинг Тўхтамиш устига юришлари.
- 1391 йил 18 июн — Қундузча дарёси яқинида бўлиб ўтган жангда Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалаба қозониши.
- 1393—1394 йиллар — Амир Темурнинг Шероз, Исфаҳонни забт этиши ва музаффарийлар сулоласи ҳукмдори Шох Мансурнинг жангда ўлдирилиши. Бағдоднинг забт этилиши. Муаррих Низомиддин Шомийнинг хизматга қабул қилиниши.
- 1394—1395 йиллар — Амир Темурнинг Шом ва Рум устига юриш бошлаши ва Тўхтамишнинг қўшин тўплаётганини эшитиб орқага қайтиши.
- Амир Темурнинг Терек дарёси ёқасида Тўхтамиш билан жанг қилиши. Тўхтамишнинг мағлубияти, Амир Темурнинг Жанубий Россия, Кримни забт этиши.

- 1394 йил 22 март — Амир Темурнинг беш йиллик ҳарбий юриши пайтида, Эрон Озарбайжонидаги Султония шаҳрида соҳибқироннинг кенжа ўғли Шохруҳ мирзо оиласида фарзанд туғилди. Фарзанднинг онаси тархонлар наслидан бўлган Гавҳаршодбегим эди.
- 1394 йил апрел — Ироқдаги Мордин шаҳрини камал қилиб турган Амир Темур набираси туғилиши шарафига шаҳар аҳлига омонлик берди ва ёш меҳмонга ўз отаси шарафига Муҳаммад Тарағай деб ном берди.
- 1395 йил, баҳор — Малика Сароймулкхоним ўз қарамоғидаги Муҳаммад Тарағай Улуғбекни Самарқандга олиб қайтди.
- 1397 йил — Амир Темурнинг беш йиллик юришдан Самарқандга қайтиши.
- 1398 йил — Ҳиндистон юришига чиққан Амир Темур Улуғбек мирзони Кобулгача бирга олиб борди ва набирасига иссиқ таъсир қилишидан хавфсираб Самарқандга қайтарди.
- 1398 йил, декабр — Амир Темурнинг Деҳли шаҳрини забт этиши.
- 1399 йил, баҳор — Амир Темурнинг Ҳиндистон юришидан Самарқандга қайтиши ва зафарга бағишлаб Жомеъ масжидини қуришга фармон бериши.
- 1399 йил, куз — Амир Темур Шом ва Румга (етти йиллик) юриш олдидан Қорабоғда кишлаши. Мирзо

- Улуғбек Қорабоғда устози Ҳамза ота-Тусий — Шайх Ориф Озарий билан танишди.
- 1400 йил — Амир Темурнинг усмоний турклар ҳукмдори Йилдирим Боязид ва Миср султони Фаражга қарши юриш бошлаши.
- 1401 йил, киш — Боғдоднинг иккинчи марта забт этилиши. Рум устига юриш.
- 1402 йил 25 июл — Амир Темурнинг Анкара (Ангор) қалъаси яқинида Султон Боязид билан жанг қилиши. Султон Боязиднинг мағлубияти ва асир тушиши.
- Усмоний турклар пойтахти Бурсанинг забт этилишидан сўнг олим Қозизода Румий Шохрух мирзо хизматига қабул этилди.
- 1404 йил июл — Улуғбек мирзо бобоси билан Самарқандга қайтди ва бобо билан набира бутун ёзни Боғи Дилкушода ҳамсухбатлик ила ўтказдилар.
- 1404 йил 16 октябр — Кониғилда бўлган тўйда Улуғбек амакиси Муҳаммад Султоннинг қизи Уғайбегимга уйлантирилди.
- 1404 йил куз охири — Самарқандда Хитой юриши ҳал қилинган мажлисда Улуғбек мирзога Тошкент, Сайрам, Янгикент, Тароз, Ашпара ва юриш пайтида забт этилиши мўлжалланган Жета вилоятидан Хитойгача бўлган ерлар суюрғол бўлди.
- 1405 йил 16 феврал — Хитой юришига отланган Амир Темур Утрорда хасталаниб, оламдан ўтди.

- 1405 йил март — Бобоси жасадини кузатиб келган Улуғбекни Самарқандга киритмайдилар ва у Бухорога йўл олади.
- 1405, 18 март — Самарқанд тахтига Мироншоҳ мирзоннинг ўғли Халил Султон мирзо чиқади.
- 1405—1406 йиллар — Отаси Шоҳруҳ мирзо хузурига — Ҳиротга келган Улуғбек мирзога Тус, Ҳабушон, Калот, Нисо, Абивард, Язир, Сабзавор ва Нишопур суюрғол бўлди.
- 1405—1409 йиллар — Улуғбек мирзо отаси билан ҳамкорликда Мовароуннаҳр учун Халил Султон билан урушади.
- 1409 йил — Мовароуннаҳрни қўлга киритган Шоҳруҳ мирзо Самарқанд ҳокимиятини Улуғбекка топширади.
- 1409—1411 йиллар — Улуғбек оталиғи этиб тайинланган амир Шоҳмалик шахзода номидан мамлакатни бошқаради, исёнчи амирларга қарши жанг қилади.
- 1411 йил — Улуғбек отаси кўмагида Тошкент, Ясси, Саброн, Сайрам, Янгикентни яна Мовароуннаҳрга қўшиб олди.
- 1415 йил — Улуғбек Фарғонани ўз тасарруфига киритди.
- 1417 йил — Улуғбек Бухорода мадраса тиклади.
- 1420 йил — Самарқандда Улуғбек мадрасаси қурилди.
- 1425—1428 йиллар — Кўҳак тепаликларидан бирида расадхона қурилди.

- 1425 йил, баҳор — Мирзо Улуғбек Мўғилистон устига юриш бошлади ва ғалаба қозонди.
- 1425 йил — Улуғбек Мўғилистондан олиб келтирилган кош тоши — нефритни Амир Темур қабри устига ўрнатди.
- 1427 йил, баҳор — Улуғбек кўмагида Оқ Ўрда тахтини эгаллаган Бароқхон Сирдарё бўйидаги Мовароуннахрга тегишли шаҳарларни эгаллади. Улуғбек Оқ Ўрда устига қўшин тортди ва Сигнок яқинидаги жангда мағлуб бўлди. Бароқхон Самарқандгача уни қувиб келди ва Мовароуннахрнинг кўп шаҳарларини талади.
- 1430 йил — Улуғбекнинг сафдоши Ғиёсиддин Жамшид вафот этди.
- 1433 йил — Ғиждувондаги мадраса қуриб битказилди.
- 1435 йил — Шаҳрисабзда Қўнғумбаз масжиди ва Гумбази сайидон макбараси қуриб яқунланди.
- 1337 йил — Улуғбекнинг ўстози ва сафдоши Қозизода Румий вафот этди. Улуғбек мавлоно Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий билан бошлаган «Зижи жадиди Қўрагоний»ни сафдоши ва шогирди Али Қушчи ҳамкорлигида ёзиб тугаллади.
- 1447 йил — Шохрух мирзо вафот этди. Улуғбек мирзо Хуросонга қўшин тортди. Аммо ўғли Аб-



дуллатиф асир олингани учун Алоуддавла мирзо билан сулх тузди. Улуғбек шахзода Абдуллатифга Балх ҳокимиятини топширди.

- 1448 йил — Алоуддавла билан Улуғбек мирзо ўртасида уруш бошланди, Мовароуннаҳр кўшини Хуросонни эгаллади. Улуғбек Абдуллатиф мирзони Хиротда қолдириб Самарқандга қайтди.
- 1449 йил — Хирот ҳокимиятини Абулқосим Бобур мирзо эгаллади. Абдуллатиф қочиб Самарқандга келди. Улуғбек ўғлини Балхга жўнатди.
- 1449 йил, баҳор — Шаҳзода Абдуллатиф отасига қарши исён бошлади. Улуғбек Балх устига кўшин тортди.
- 1449 йил, ёз — Улуғбек хизматида бўлган Султон Абу Саид мирзо исён бошлаб, Самарқандни қуршовга олди. Улуғбек кўшин билан Самарқандга қайтди.
- 1449 йил 19 сентябр — Самарқанд яқинидаги Димишк кўрғонининг шарқий тарафидаги ялангликда Улуғбек мирзо билан Абдуллатиф мирзо ўртасида жанг бўлди. Улуғбек енгилди. Самарқанд қутволи амир Мироншоҳ хиёнат қилиб, Улуғбекни шаҳарга киритмади. Улуғбек Шохрухияга етгач, дастлаб уни шоҳона кутиб олган кўрғон ҳокими ҳам соткинлик қилди.
- 1449 йил октябр — Улуғбек мирзо ҳокимиятни Абдуллатифга топшириш мақсадида Самарқандга қайтди.

Шаҳзода отасини ҳаж сафарига кетишга мажбур қилди.

- 1449 йил 25 октябр — Макка сафарига отланган Улуғбек мирзо Самарқанд яқинида ўғлининг Аббос исмли навқари томонидан ўлдирилди.
- 1450 йил 9 май — Падаркуш Абдуллатиф Улуғбек мирзонинг содиқ кишиларидан бири Бобо Ҳусайн баҳодир томонидан қатл этилди.
- 1994 йил — Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1994 йил Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Қаримовнинг Фармони-га кўра Улуғбек йили деб белгиланди.

## МУНДАРИЖА

Бибихоним қиссаси ёхуд тугамаган дoston . . . . .	3
Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят . . . . .	95
Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси . . . . .	124

ХУРШИД ДАВРОН

### СОҲИБҚИРОН НАБИРАСИ ЕХУД МИТТИ ЮЛДУЗ ҚИССАСИ

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1995**

*Мухаррир Б. Эшпўлатов  
Безаклар О Восихоновники  
Бадий муҳаррир М. Аъламов  
Техник муҳаррир Л. Хиждова  
Мусаххихлар Ғ. Мадаминаова З. Солиҳова.*

Теришга берилди 21.07.94. Босишга рухсат этилди 28.10.94. Бичими  
84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Адабий гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 20,16. Нашриёт ҳисоб табоғи 22,4. Адади 50000. Буюртма 2973.  
Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон», кўчаси, 41-уй.**